

Ортиқбой Бобожонов

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Ортиқбой Бобожонов

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБ



«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2000

Т а қ р и з ч и л а р :

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг ўринбосари, иқтисод фанлари номзоди, доценти *Э. Гадоев*, Ўзбекистон Республикаси Ичор корхоналар ишлари қўмитаси раисининг муовини, иқтисод фанлари номзоди *Н. Ҳасанов*, Молия вазирлигининг «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит услуги» бошқармаси бошлиғи, иқтисод фанлари номзоди *Т. Жураев*, Тошкент Давлат Иқтисодиёт университетининг «Саноатда бухгалтерия ҳисоби, аудит ва ХФТ» кафедраси профессори *И. Нурматов*, доцент *А. Шоашилов*

Тошкент Молия институти профессори *А. Ризақулов*

М а с ъ у л м у ҳ а р р и р :
профессор *С. Воҳидов*

Бозор иқтисодиёти шароитида мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, ташкилот, фирма ва жисмоний шахсларнинг ҳўжалик фаолиятини муваффақиятли юритиши бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва юритишга боғлиқ. Тижорат фаолиятини ривожлантириш ва рақобатбардошлиқни кучайтириш бизнесменларнинг халқаро тили бўлмиш бухгалтерия қонунлари ва низомларини ўрганишини тақазо қилади. Ушбу китобда мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, фирма, акционерлик жамияти, ташкилотлар ва жисмоний шахслар томонидан юрғазиланган бухгалтерия ҳисобининг ҳозирги ҳолати, қонун, низом ва курсатмаларга асосан ёритилган.

Китобда ҳисоблашиш муомалалари, ресурслар, активлар, инвестиция, ташқи иқтисодий алоқалар, солиққа тортиш, молиявий натижалар, инвентаризация ўтказиш, унинг натижаларини қайд қилиш, ҳисобот тузиш ва тақдим қилиш тартиблари назарий ҳолатлари масалалар ва тестлар ёрдамида ҳозирги замон давлат ва халқаро стандартларига асосан ёритилган.

Дарслик ёзиш жараёнида ривожланган давлатларда қўлланилаётган молиявий ҳисоб стандартлари, БМТ тавсиялари ва Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисоби стандартларидан кенг фойдаланилган.

Китоб олий ўқув юр்தларининг талабалари, ўқитувчилари, малака ошириш марказлари ва курсларининг тингловчилари учун дарслик сифатида тавсия қилинган. Шунингдек, китобдан иқтисодий колледж талабалари, мулкчилик шаклидан қағий назар корхона, фирма, концерн, акционерлик жамияти ва ташкилотларининг бухгалтерлари, иқтисодчилари, аудиторлар, солиқ назоратчилари ва жисмоний шахслар ҳам қўлланма сифатида фойдаланишлари мумкин.

Узининг қимматли вақтини ажратиб ушбу китоб юзасидан билдирган фикрлари, таклиф ва мулоҳазалари учун муаллиф тақризчиларга узининг самимий миннатдорчилигини изҳор қилади.

БИРИНЧИ МАВЗУ

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ УМУМИЙ ТАРТИБ-ҚОИДАЛАРИ ВА ҲИСОБ СИЁСАТИ

Ижтимоий тараққиётнинг ишончли заминини яратиш, ижтимоий муносабатларни ривожлантириш, одамлар ташаббуси ва амалий фаолиятига чинакам эркинлик бериш — юксак унум билан меҳнат қилиш омилларини ишга солишни талаб қилади. Бу вазифаларни муваффақиятли бажариш учун ишлаб чиқаришни ҳар томонлама жадаллаштириш ва унинг иқтисодий самарадорлигини ошириш борасидаги белгиланган чора-тадбирлар қағарида халқ хўжалигини бошқаришни янада такомиллаштириш, хўжалик механизмини бозор иқтисодиётига мослаштириш имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш учун имкон берадиган самарали ва ихчам бошқариш тизимини яратиш алоҳида аҳамиятга эгадир.

Бошқаришнинг иқтисодий тизимига ўтиш шартида хўжалик юритишнинг янги усуллари ва биринчи навбатда реал тула хўжалик ҳисобини жорий этиш имконини берадиган, уз харажатларни ўзи қоплаш, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш, давлат корхоналари билан бир қаторда кичик, мустақил жамоа, қўшма ва шахсий корхоналар яратишга аста-секин ўтиш талаб этилади.

Режа ва топшириқларнинг қандай бажарилаётганлиги устидан узлуксиз ва тегишли назорат ўрнатмай туриб, хўжаликни мақсадга мувофиқ бошқариш мумкин эмас.

Ишлаб чиқаришни бошқариш деганда, энг аввало белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида кишилар жамоасига мақсадга мувофиқ равишда таъсир этиш тушунилади. Бунинг учун тадбирлар ишлаб чиқилади, ишлаб чиқилган режа ва топшириқларга асосан ўша вазифаларни бажариш йўллари аниқланади, вазифаларнинг бажарилишини таъминлайдиган ишлаб чиқариш ташкил қилинади, унинг устидан назорат ўрнатилади ва тартибга солиб турилади. Бошқариш тизими, умуман олганда, бошқариш учун зарур бўлган қарорларни қабул қилиш ва улар реаллигини таъминлашдан иборат.

Бошқариш қарорларини ишлаб чиқиш учун албатта, тегишли ахборот бўлиши шарт. Ҳар бир бошқариш қарори (ечим) бошқариш масалалари ҳақида тегишли ахборотни таҳлил этиш асосида қабул қилинади.

Ҳар бир бошқарилувчи объект томонидан фойдаланиладиган ахборотнинг барча таркиби ундаги бошқаришнинг ахборот тизимини ташкил қилади. Бу ахборот тизими бошқариш тизимининг барча устунларига зарур бўлган ахборотни йиғиш, ишлаш ва топшириш усуллари ва техника воситаларининг йигиндисидир. Бошқариш ахбороти таркибида иқтисодий ахборот ҳам ўзининг миқдори жиҳатидан, ҳам бошқарув қарорларни қабул қилиш жиҳатидан салмоқли ўрин эгаллайди.

Корхоналарнинг ҳужалик фаолиятини юритиш учун узаро боғлиқ бўлган маълумотлар йиғиндисидан фойдаланилади. Бу маълумотлар корхона, айрим тармоқлар фаолиятига миқдорий ва сифатий тавсифнома беради ва шу маълумотлар асосида уларнинг ишлаши режалаштирилади, ҳисоб ва ҳисоботлари уюштирилади ва бажарилган ишлар баҳоланиб, тегишли тартибда рағбатлантирилади. Иқтисодий маълумотлар режали ва ҳисобот маълумотларига бўлинади.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар фаолиятини режалаштириш демократик тамойилига мувофиқ илмий асосда режалар ишлаб чиқишни тақоза қилади ҳамда меҳнат жамоасининг кенг иштироки билан амалга оширилади. Бунда ҳар бир корхона тармоқнинг узоқ муддатли вазифаларидан келиб чиқиб ва ҳудудни комплекс ривожлантириш режаларини ҳисобга олиб ишлаб чиқариш ва ижтимоий тараққиёти истиқболларини ишлаб чиқади.

Ҳисобот маълумотларида маълум бир даврда эришилган ҳақиқий натижалар акс эттирилади, унинг асосий қисми эса бухгалтерия ҳисобида кўрсатилади. Ҳозирги пайтда барча иқтисодий ахборотнинг деярли 3/4 қисмини бухгалтерия ҳисоби ташкил қилади.

Корхоналарда бухгалтерия ҳисоб шундай ташкил этилганки, у иқтисодий маълумотлар тизимини иложи борича тўла акс эттиришни таъминлайди.

Бухгалтерия ҳисоби корхоналарда содир бўлаётган ҳужалик маблағлари ва жараёнларининг ҳаракатини маълум ҳужжатлар билан асосланган ҳолда рўйхатга олиш ва пулда баҳолаб умумлаштирилган тарзда ёппасига ва бевосита кузатиш тизимидир. У корхона ҳужалик фаолиятини бошқариш ва унда ҳужалик ҳисобини жорий этти-

ришда муҳим восита ҳисобланиб, корхона маблағларидан тўғри, унумли фойдаланиш ва унинг бутлигини таъминлаш устидан ҳам дастлабки, ҳам жорий (кундалик) ва келгуси назоратни юритиш имконини беради.

Бухгалтерия ҳисоби ёрдамида мавжуд товар-моддий бойликлар, пул маблағлари ҳаракати кузатилади ва назорат қилинади. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ харажатлар аниқланади. Шунингдек бунда ҳужалик фаолиятнинг молиявий натижалари ва корхоналарнинг умумий мулки ҳақидаги маълумотлар ўз аксини топади.

Бухгалтерия ҳисоби ҳар қандай тизимда ҳам қуйидаги учта функцияни бажаради: 1) ахборот бериш; 2) назорат қилиш; 3) бошқарув ечимларини ишлаб чиқиш. Бу функцияларни бажаришда бухгалтерия ҳисоб ҳар хил усуллардан фойдаланиши мумкин. Шунингдек, бухгалтерия ҳисоби ҳар хил ижтимоий тизимларда муайян ижтимоий тизимнинг мақсадига қараб ҳар хил вазифаларни бажариши мумкин.

Кейинги пайтларда айрим иқтисодий адабиётларда функция билан вазифа тушунчаси чалкаштирилиб талқин қилинмоқда. Ваҳоланки, функция сўзи лотинча йўналиш, фаолият, мажбурият ёки ишни англатиб у ёки бу нарса нима учун хизмат қилади деган саволга жавоб беради. Вазифа эса функция эмас, балки амалга оширилиш ёки ечилиш лозим бўлган нарсани англатади.

Бухгалтерия ҳисобининг вазифаларини яхши тушуниб олиш учун унинг объектларини билиб олиш лозим бўлади. Корхоналардаги бухгалтерия ҳисобининг объектларини қуйидаги тўрт гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Корхона маблағ (ресурс)лари: меҳнат воситалари, товар-моддий бойликлар, пул маблағлари, тайёр маҳсулот, устав фонди (капитали), бошқа ҳар хил фондлар, келгусидаги харажатлар ва тўловлар, корхоналар фойдаси ҳисобидан ташкил қилинган ҳар хил захира (резервлар) ва ҳоказолар. Бу маблағлар корxonанинг ишлаб чиқариш жараёни учун тегишли шароит яратиб беради.

2. Корхоналарда содир бўлаётган муҳим жараёнлар: товар-моддий бойликларни тайёрлаш, маҳсулот ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот, бажарилган иш ва хизматлар реализацияси, капитал қурилиш ва бошқа жараёнлар.

3. Ҳисоблашиш муомалалари: бюджет, мол етказиб берувчи ва пудратчилар, харидорлар, ишчи ва хизматчилар, давлат банки ва бошқа банклар ҳамда бошқа ташкилот ва шахслар билан ҳисоблашишлар.

4. Корхона хўжалик фаолиятининг молиявий натижалари: жамоанинг даромади, фойда ва зарарлари.

Бухгалтерия ҳисоби иқтисодий адабиётларда маълум хўжалик субъекти туғрисидаги молиявий ахборотни улчаш, ишлаш ва топширишни амалга ошириш тизими деб ҳам таърифланади.

Бухгалтерия ҳисоб хўжалик фаолияти билан қарор қабул қилувчилар ўртасида алоқа боғлаш учун хизмат қилади. У хўжалик фаолияти маълумотларини кейинчалик ундан фойдаланиш мақсадида маълум тартибда қайд қилади. Олинган маълумотларни ишлаб маълум вақтгача сақлайди. Сўнгра уларни керакли ахборотга айлантириш учун қайта ишлаб чиқади ва кейинчалик бу ахборотни ҳисоботлар воситасида қарор қабул қилувчиларга фойдаланиш учун топширади. Баъзи иқтисодий адабиётларда бухгалтерия ҳисобини бошқарув ахборот тизимининг молиявий маркази, деб ҳам таърифлашади. У бошқарув ходимларига ҳам, ташқи фойдаланувчиларга ҳам корхона фаолияти ҳақида тула маълумотга эга бўлишлик имконини беради.

Ҳаётда купинча бухгалтерия ҳисоби билан ҳисобчилик тушунчаси чалкаштириб юборилади. Ваҳоланки, ҳисобчилик — бухгалтерия ҳисобини юритиш хўжалик муомалаларини қайд қилиш ва ҳисоб ҳужжатларини сақлаш жараёнидир. Бу қайта-қайта бажариладиган иш бухгалтерия ҳисобининг бир қисмидир. Бухгалтерия ҳисоби эса ўзида ахборотдан фойдаланувчиларнинг талабларига жавоб берадиган ахборот тизимини яратишни ҳам қамраб олади. Унинг асосий мақсади ахборотни таҳлил қилиш, тушунтириш ва ундан фойдаланишдир. Бухгалтерия ҳисоби тизимлар дизайни, сметалар тузиш, харажатларни таҳлил қилиш, аудиторлик текширувлар ўтказиш, ҳар ойдаги солиқларни ҳисоблаш ва уни режалаштиришдан иборатдир.

Шунинг учун ҳисобчи билан бухгалтерни бири-бирига мутлақо таққослаб бўлмайди. Чунки, ҳисобчи бухгалтерия ҳисобида амалга ошириладиган баъзи вазифаларни жумладан, арифметик ҳисоблаш, жамлаш, кўчириш, рўйхатга олиш, ҳужжатлар тўлдириш ва ундаги ёзувларни текшириш ва бошқа шу каби иккинчи даражадаги ишларни бажарса, бухгалтер хўжалик муомалаларга тегишли бухгалтерия проводкаларини бериш, уларни тегишли ҳисоб регистрларига ёзиш, режа ва сметаларни тузиш, маҳсулотнинг режадаги ва ҳақиқий таннархини аниқлаш, уларнинг ҳар бирининг рента-

беллик даражасини аниқлаш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи ахборотларини таҳлил ва аудит қилиб, ундан мантиқий хулосалар чиқариб, бошқарув қарорларини ишлаб чиқиб ҳаётга тадбиқ эта биладиган мутахассисдир. Шунинг учун ҳам ривожланган мамлакатларда бундай бухгалтерларни дипломли бухгалтерлар дейишади. Уларни ҳисобчилардан анча юқори қўйиб меҳнатларини рағбатлантиришда ана шу афзалликларини ҳисобга олишади.

Бухгалтерия ҳисоби иқтисодийнинг ҳар бир ривожланиши босқичида ўз зиммасига тушган барча ҳужалик ва сиёсий вазифаларни бажаришга хизмат қилади. Шунинг учун бухгалтерия ҳисоби бошқариш ва назорат қилиш воситаси ва ҳужалик фаолияти ҳақида аниқ ва жуда сифатли ахборот манбаи сифатида, айниқса ҳозирги пайтда, муҳим вазифа ҳисобланган моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан оқилона ҳамда тежаб-тергаб фойдаланиш устидан қатъий назоратни амалга оширишда, ҳужасизлик ва исрофгарчиликка қарши қатъий кураш олиб боришда, бундай ҳодисаларга аниқ чораларни кўришда, ўғирликлар, қонунларни қўпол равишда бузиш ҳолларининг олдини олишда катта аҳамият касб этади. Шунинг учун бухгалтерия ҳисобининг бугунги кунда асосий мақсади бошқарув қарорларини тайёрлаш, асослаб бериш ва қабул қилиш, корхоналарни молиявий-ҳужалик фаолияти ҳақида сифатли, ўз вақтида тайёрланган ахборот билан таъминлашдан иборат.

Юқоридаги фикрларга асосланиб, бухгалтерия ҳисобининг вазифаларига қўйидагилар киради:

— асосий фондлар, товар-моддий бойликлар, пул маблағларини келиб тушиши ва уларнинг ҳаракатини тула ва ўз вақтида акс эттирилишини таъминлаш;

— маҳсулот ишлаб чиқариш, уларни сотиш, меҳнат унумдорлиги, фойда, рентабеллик, иш ҳақи фонди, капитал сарфлар, бюджет ва бошқа ташкилотлар билан ҳисоблашиш, шунингдек бошқа курсаткичлар бўйича режанинг бажарилишини аниқ акс эттириш, кузатиш ва уларнинг натижаларини топиш;

— корхона ва унинг айрим бўлимларидаги ишлаб чиқариш, қурилиш-монтаж ва бошқа ишлар билан боғлиқ харажатларни тула акс эттириш, назорат қилиш ҳамда ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган иш ва хизматларнинг иқтисодий жиҳатдан асосланган ҳисобот калькуляциясини тузиш;

— корхона ва унинг айрим бўлимлари раҳбарларини хужалик фаолиятининг барча бўлимларига доир тўла ва аниқ иқтисодий ахборот билан тезликда таъминлаб туриш;

— юқори ташкилот, молия, солиқ, статистика ва бошқа бухгалтерия ҳисоботи маълумотларидан фойдаланувчи ташкилот ва шахсларга ўз вақтида топшириш учун аниқ ҳисоботларни яратиш;

— бошқариш қарорларини иқтисодий жиҳатдан асослаб бериш учун умумлаштирилган ахборот оқими билан таъминлаш;

— тўла хужалик ҳисобини корхона миқёсида ҳамда унинг айрим ишлаб чиқариш қисмлари ва бригадаларида жорий этиш;

— корхона маблағларидан тўла ва унумли фойдаланиш, ундаги мулкларнинг бутлигини таъминлаш, иқтисодий тежаш тартибига риоя қилиш, корхона жамоасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш устидан назорат юритиш учун тегишли ахборот билан таъминлаш.

Бу вазифаларни тўла-тўқис бажариш учун бухгалтерия ҳисобчиликнинг илғор шаклларида фойдаланиши лозим бўлади.

Мамлакатимиз корхоналарида бухгалтерия ҳисоби 1996 йил 30 августда Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан тасдиқланган «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига асосланиб ташкил этилади.

Бу қонунга қура Республикамиз корхоналарида бухгалтерия ҳисоб ва ҳисоботини, бухгалтерия ҳисобининг стандартларини ишлаб чиқиш Республика Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади. Ушбу вазирликка бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибининг қоидаларини ишлаб чиқиш юклатилган. Шу жумладан кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун бухгалтерия ҳисобини соддалаштириб юритиш стандарти ҳам бухгалтерия ҳисобининг стандартлари билан белгиланади.

Бухгалтерия ҳисобини юритишнинг бу қоидалари жаҳон стандартларига мосланган бўлиб, ривожланган чет мамлакатлар корхоналарида юритилаётган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг энг асосий тамойилларини мамлакатимиз корхоналарида жорий этишга қаратилган.

Умумий олганда, ривожланган мамлакатларда ҳозирги пайтда бухгалтерия ҳисобининг 20 дан ортиқ тамойиллари мавжуд.

Маълумки, маъмурий-буйруқбозлик тузуми шароитида бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифаси юқорида турувчи вазирликлар, идоралар, статистика ва солиқ органлари каби давлат бошқарув тизимлари учун ахборотларни йиғиш ва ишлашдан иборат эди. Корхона фаолияти тўғрисидаги энг муҳим масалалар, жумладан, режалаштириш, нарх-наволарни белгилаш, мол сотиб олиш ва уларни истеъмолчиларга етказиб бериш, корхона ходимларининг иш ҳақини белгилаш ва бошқа шу каби масалалар юқорида турувчи давлат органлари томонидан ҳал қилинар эди. Корхоналар давлат мулкчилигини бошқаришнинг алоҳида бир босқичи сифатида қаралар, бухгалтерия ҳисоби эса мулкнинг тўлалигини бус-бутун сақланиши тўғрисидаги ахборот билан таъминлар эди.

Давлат ягона мулк эгаси ва корхонанинг инвестори бўлиб ҳисобланар эди. Бундай шароитда корхона ҳисоботи давлат топшириқларини бажариш, давлат бюджетига қилинадиган ажратмаларнинг тўғрилигини текшириш ва статистика ахборотларни йиғиш воситаси бўлиб хизмат қилар эди. Шунинг учун бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи олдига қўйиладиган асосий вазифалар қуйидагилардан иборат:

- қатъий бирхиллик (унификацияланганлик);
- ишлаб чиқариш топшириқларининг бажарилишни акс эттирадиган кўрсаткичларга асосланиши;
- солиқ солиш базасини ва бюджетга бошқа ажратмаларни ҳисоблаш.

Корхоналар фаолияти бозор иқтисодиёти шароитида олдингига қараганда анча фарқ қилади. Бу фарқлар қуйидагиларда яққол кўринади:

1. Бозор иқтисодиёти шароитида мулкчиликнинг турли хил шакллари юзага келади. Давлат мулкчилиги жамиятдаги мулкчиликнинг фақат бир турига айланади. Энди корхоналар фаолиятдан манфаатдор бўлган кўплаб янги мулкчилик юзага келди, чунки улар бу корхонага ўз маблағларини қўядилар.

2. Корхоналар ўзаро рақобатда енгиб чиқадиган ва самарали молиявий натижалар берадиган қарорларни қабул қилишга ҳаракат қиладилар ва шу мақсадда бозор конъюктурасини ўрганадилар. Улар ўз фаолиятини мустақил режалаштирадилар, мол етказиб берувчиларни

ва харидорларни топадилар, нарх-наволарни мустақил белгилайдилар ва ҳоказо.

3. Бюджетдан молиялаш ва давлат кредитларини ажратишда корхоналар фақат харидорлар ва товар сотиш бозоридаги рақобатчилик курашида қатнашибгина қолмай, балки энди тижорат банкларининг кредит ресурслари ҳамда потенциал инвесторларнинг шундай маблағлари учун ҳам кураш олиб борадилар.

Шунинг учун корхонада биринчидан, бошқарув қарорларини чиқариш ва уларнинг натижаларини баҳолаш учун ўз вақтида ва тўлиқ бўлган ахборотни олиш эҳтиёжи туғилади. Иккинчидан, корхона тегишли ахборотни шу корхонага ўз маблағларини қўйган мавжуд инвесторлар ва бўлгуси инвесторларга ҳам топшириши керак бўлади. Шу билан бирга бозор иқтисодиёти шароитида солиқ ажратмаларининг тўғрилиги ҳақида ҳам ҳисобот бериш сақланиб қолади.

Шундай қилиб, бухгалтерия ҳисоби бозор иқтисодиёти шароитида ҳисобчилик ва статистика функцияларни бажарувчи воситасидан корхоналарнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотни йиғиш, ишлаш ва топшириш куралига айланади. Бу ахборотдан манфаатдор томонлар ўз ихтиёридаги маблағларни самаралироқ инвестиция қилиш учун асосланган қарорлар чиқаришда фойдаланадилар.

Бозор иқтисодиёти юксак тараққий топган мамлакатларда бухгалтерия ҳисобини бизнес тили деб аташади. Уни ўрганиш ҳар қандай тилни ўрганишга қараганда мураккабироқдир. Чунки бухгалтерия ҳисобида ишлатиладиган кўпчилик сўзлар ўзига хос маънога эга бўлганлиги сабабли уни ўрганиш бироз қийин.

Ҳар қандай тил ҳам бухгалтерия ҳисобидек, жамият тараққиёти билан ривожланиб, ўзгариб боради. Бухгалтерия ҳисобида қўлланиб келинаётган қоидалар ҳам ёки уларнинг бир қисми ташкилотларнинг ўзгариб бораётган эҳтиёжларига қараб ўзгариши мумкин.

Бухгалтерия ҳисоби ва унинг маълумотларидан ҳаётда жуда кенг миқёсда фойдаланилади. Бу ахборотлардан фойдаланувчиларни уч гуруҳга бўлиш мумкин: 1) корхона бошқарувчилари; 2) корхонадан ташқарида туриб ундан молиявий манфаатдор бўлганлар; 3) корхоналардан тўғридан-тўғри молиявий қизиқишда бўлмаган шахслар, гуруҳлар ёки агентлар. Куйида бухгалтерия ҳисоботи ахборотидан фойдаланувчиларнинг қиёсий чизмаси келтирилган.

**Бозор иқтисодиёти шароитидаги бухгалтерия
ҳисобининг ахборотидан фойдаланувчилар**

Ички фойдаланувчилар	Ташқи фойдаланувчилар
Бошқарув ходимлари	Акционерлар ва бошқа мулк эгалари Кредиторлар Мол етказиб берувчилар харидорлар Ҳукумат: солиқ органлари, юқори вазирликлар, статистика, бошқа давлат органлари

Корхонани бошқарувчиларни одатда маъмурият деб номлашади. Маъмурият корхона ёки ташкилотнинг фаолиятини бошқариш ва унинг олдида турган вазифаларни ҳал қилиш учун тўла жавоб берадиган шахслар гуруҳидир. Корхонанинг мақсад ва вазифалари турлитуман бўлиши мумкин, лекин рақобат жуда кучли бўлган шароитларида корхонанинг муваффақияти ва рақобатбордошлиги маъмуриятдан барча кучни иккита энг муҳим бўлган мақсадга, яъни фойда (рентабеллик) ва ликвидликни таъминлашга қаратилишини талаб қилади. Фойда инвестиция қилинадиган капитални ишга жалб қилиш ва ушлаб қолиш учун зарур бўлган фойдани етарли даражада ишлаб топиш қобилиятини англатади. Ликвидлик эса корхона ёки ташкилотларнинг ўз қарзларини тўлай олиш ёки бошқа мажбуриятларини ўз вақтида бажариш имкониятларини англатади. Бевосита (тўғридан-тўғри) молиявий манфаатдор бўлган фойдаланувчилар, инвесторлар, ҳақиқий инвесторга айланган ҳозирги пайтда корхонанинг молия ҳисоботларини таҳлил қилиб, унинг келгусидаги молиявий истиқболлари қандай, унга маблағларни қўйишга арзийдими ёки йўқми каби саволларни ечишга ҳаракат қиладилар. Кредиторлар корхонанинг фоизларни тўлашга ва ўз вақтида қарзларини узишга пули борлигини аниқлашга ҳаракат қиладилар.

Эгри (билвосита) молиявий манфаатдор бўлган фойдаланувчилар эса ҳар хил давлат хизматчилар ва жамоат гуруҳларидан иборат бўлиб, улар сўнги пайтда бухгалтерия ҳисоби ахборотларидан фойдаланувчиларнинг энг кўпчилигини ташкил қилмоқда.

Ташқи фойдаланувчиларни асосан қуйидаги кўрсаткичлар қизиқтиради:

1. Корхона активлари ва пасивларининг тузилиши.
2. Корхонанинг ликвидлиги.
3. Ўзининг ва жалб қилинган капиталнинг ҳиссаси.
4. Активларнинг айланиш тезлиги.
5. Барча активлар ва реализация қилинган маҳсулотнинг рентабеллиги.
6. Корхона ихтиёрида қоладиган соф фойда.
7. Туланган дивидендларнинг ҳиссаси (агар акция-нерлик компанияси бўлса).

Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларининг бирида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботнинг маълумотлари ундан фойдаланувчиларнинг талабларига мос ва тушунарли бўлиши, агар улар маълумотларни тушуна олмасалар бухгалтерия ходимлари оғзаки ёки хат билан тушунтириб беришлари лозимлиги таъкидланган. Мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиши муносабати билан янги иқтисодий тушунчалар, мулкчиликнинг янги турлари ва илгари бизга таниш бўлмаган янги иқтисодий ҳодисалар ҳаётимизга кириб келди. Масалан, бозор иқтисодиёти шароитида мулкчиликнинг янги турлари: хусусий, шахсий, жамоа, акционерлик, ширкат ва бошқа шу каби кўринишлари пайдо бўлди. Булар туфайли ҳужалик юритишдаги ҳар хил таваккалчиликлар, харидорнинг пул ўтказмай қўйиши, маҳсулот истеъмолчиларининг топилмай қолиши, нархларнинг кескин ўзгариб кетиши ва ҳоказолар юзага келиши мумкин. Бундан ташқари, бухгалтерия ҳисобида қимматли қоғозларга инвестициялар қилиш, ўз акцияларини чиқариш ва сотиш, валюта ва ҳаракатсиз мулкларга доир муомалалар, дивидендлар олиш ва тулаш каби бизга илгари таниш бўлмаган янги турдаги ҳодисалар ҳам юзага келди.

Мана шу янги ҳодисаларни ҳисобга олиб, уларга тўғри талқин бериш учун бухгалтерия ҳисоби шу маълумотларни йиғиш, ишлаш, умумлаштиришнинг самарали тизимга эга бўлишлиги керак. Шу муносабат билан 1989 йил июнида Москвада, кейинчалик Тошкентда Транснационал компаниялар бўйича Марказий

банк ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан Бухгалтерия ҳисоби муаммолари бўйича халқаро семинар ва конференциялар ўтказилиб, собиқ Иттифоқ ва шу жумладан, Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисобини халқаро андозаларга мос равишда ўтказиш масалалари муҳокама қилинди. Бухгалтерия ҳисобини янгича юриштишга доир қатор ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Улардан бири, бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг энг асосий қуролларидан бири бўлган, 1992 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида ҳам жорий этилган янги счётлар режасидир. Бу счётлар режасида бозор иқтисодиётига хос бўлган деярли барча янги тушунчалар ҳисобга олинган бўлиб, уни ишлаб чиқишда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ва ривожланган давлатларнинг етакчи олим ва мутахассислари қатнашган.

Ундан ташқари, ҳисобот даври учун тузиладиган ҳисобот шаклларидаги сони, улардаги курсаткичлар анча қисқартирилиб, капитал бозорини ривожлантириш, хусусийлаштириш, ички ва ташқи инвестициялар оқимини ошириш, хусусий сектор фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш учун ишончли ахборот асосини яратиш имконини бермоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида бухгалтерия ҳисоботининг ахборотидан асосий фойдаланувчиларнинг манфаатини қуйидаги тарзда ифодалаш мумкин.

Умуман олганда, бухгалтерия ҳисоби фани бошқа иқтисодий фанлар сингари жамиятнинг тараққий топа бориши билан ҳужаликни бошқаришнинг асосий қуролларидан бири сифатида доимо ривожланиб боради. Буни масалан, счётлар режасининг ўзгаришларида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, счётлар режасидаги энг катта ўзгариш 1960 йилнинг 1 январиди содир бўлган. Бунда бухгалтерия ҳисобининг синтетик счётлари сони анча қисқартирилиб, уларнинг коди (рақами) уч рақам (000)ли белгидан икки (00) рақамли белгига айлантирилган. Бу эса бухгалтерия ҳисобини соддалаштиришдан ташқари, уни механизациялаш ва автоматлаштиришда жараёнида жуда қўл келган. Счётлар режасида кейинги қисман ўзгаришлар 1986, 1987 ва 1985 йилларда юз берган. Бу ўзгаришлар ҳужалик механизмида содир бўлган ўзгаришлар муносабати билан юз берган.

Счётлар режасининг охириги ўзгариши фақат бизнинг Республикамизда 1999 йил 1 январдан бошлаб «Маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариш ва реализация-

Бухгалтерия ҳисоби ахборотидан фойдаланувчиларнинг манфаати

Фойдаланувчилар	Манфаати	Ахборот манбалари
Корхона менежерлари	Ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятнинг самарадорлигини баҳолаш. Молиявий ва бошқарув қарорларини қабул қилиш	Корхонанинг ички ҳисоботлари. Корхонанинг молиявий ҳисоботи
Солиқ органлари	Солиқ олиш	Молиявий ҳисобот Солиқ бўйича ҳисобот. Ички текширувлар маълумотлари
Акциядорлар	Акциялар қиймати курсининг истиқболларини баҳолаш. Дивидендлар тулаш истиқболларини баҳолаш.	Молиявий ҳисобот
Кредиторлар	Кредиторлик қарзларини узиш ва фоизларни тулаш учун керакли ресурсларнинг мавжудлигини аниқлаш	Молиявий ҳисобот Махсус маълумотномалар
Мол етказиб берувчилар	Етказиб берилган моллар бўйича қарзларни тулаш учун ресурсларнинг мавжудлиги аниқлаш	Молиявий ҳисобот
Харидорлар	Маҳсулотга берилган нархларнинг асосланганлиги	Молиявий ҳисобот
Статистика органлари	Статистик умумлаштирувлар	Статистика ҳисоботлари Молиявий ҳисобот

си бўйича харажатлар таркиби, маҳсулот (иш, хизмат) таннархига қўшиладиган ва молиявий натижаларни таркиб топиши ҳақида»ги Низомнинг ҳаётга тадбиқ этилиши муносабати билан содир бўлди. Мазкур Низом ўзи фаолиятини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар ишлаб чиқарган маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархига қўшиладиган харажатларнинг бир хиллигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Маълумки, бухгалтерия ҳисоби қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган ахборотни улчаш, ишлаш ва топшириш тизими сифатида таърифланади.

Бозор инфраструктураси ривожланган хорижий мамлакатларда бухгалтерия ҳисоби икки турга бўлинади. Биринчиси, Молиявий ҳисоб, иккинчиси Бошқарув ҳисобидир.

Молиявий ҳисобни қисқача таърифлайдиган бўлсак, у давлат ва нодавлат органларнинг ишлаб чиққан ва тавсиф этилган барча қонун ва қоидаларига риоя қилинган ҳолда юритиладиган бухгалтерия ҳисобининг туридир. Унинг маълумотларидан фақат корхона раҳбарияти томонидан ички мақсадлар учунгина фойдаланилмай, балки бу маълумотлар корхонадан ташқаридагилар ҳам фойдаланишлари учун топширилади.

Бухгалтерия ҳисоботини олувчилар улардан тўғри фойдаланишлари учун бухгалтерия ҳисобининг амалиётига таъсир этадиган ташкилотлар томонидан бухгалтерия ҳисоби бўйича қўлланма тизими ишлаб чиқилади. Бу қўлланма ривожланган хорижий мамлакатларда, жумладан АҚШ да умумқабул қилинган бухгалтерия тамойиллари деб номланади. Бу тамойиллар бухгалтер ва ишбилармонлар томонидан улардан фойдаланувчиларнинг талабларини қондириш учун доимо ривожлантирилиб ва ўзгартирилиб борилади.

АҚШнинг бундай миллий ташкилотлари Бухгалтерия стандартлари бюроси, Маслаҳатчи бухгалтерларнинг Америкалари институти, Қимматли қоғозлар ва биржа муомалалари бўйича комиссияси, Солиқ қўмитаси ва Давлат ташкилотларидаги стандартлар бюросидан иборат.

Кейинги йилларда бухгалтерия ҳисобининг тамойилларини ривожлантириш борасида халқаро ҳамкорлик қилиш анча ривожланди. Масалан, чет эл матбуотининг маълумотларига кўра, Бухгалтерия стандартларининг халқаро қўмитаси томонидан 20 дан ортиқ халқаро стандартлари маъқулланиб улар 6 тилга

таржима қилинган, 1997 йилда эса Бухгалтерларнинг халқаро федерацияси яратилиб, унга олтмишдан ортиқ мамлакатларнинг ихтисосланган бухгалтерлик ташкилотлари киритилган. Бу федерация бухгалтерия ҳисобига доир масалаларни халқаро доирада ҳал қилиш билан шуғулланади. Ундан ташқари АҚШдаги бухгалтерия ҳисобига таъсир қилувчи ташкилотларга Бухгалтерларнинг миллий ассоциацияси, Молиявий раҳбарлар институти ва Америка бухгалтерлар ассоциациясини ҳам киритиш мумкин. Республикамизда бундай ташкилотлар ҳозирча Ўзбекистон Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва Статистика қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси бухгалтерлари ва аудиторлари ассоциациясидан иборат.

Молиявий ҳисоб молиявий ҳисобот деб номланадиган қатор ҳисоботларни тузиб топшириш билан яқунланади. Бухгалтерия ҳисобининг умум қабул қилинган тамойилларига биноан қуйидаги учта ҳисобот тузилиши керак:

1. Бухгалтерия баланси.
2. Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот.
3. Мавжуд пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот.

Шу билан бирга бу молиявий ҳисобот қуйидаги ахборотлар билан таъминланиши лозим:

1. Мавжуд ва бўлғуси кредиторларга унумли капитал қўйилмалар қилиш ва кредитлар ҳақида қарорлар қабул қилиш учун хизмат қиладиган ахборот.
2. Хўжалик-иқтисодий фаолиятни тушунадиган ва ахборотни оқилона урганишга ҳаракат қиладиган шахсларга тушунарли бўлиш.
3. Корхонанинг иқтисодий ресурслари, уларга қўйилган талаблар ва шу ресурслар ҳамда уларга қўйиладиган талабларни ўзгартирадиган хўжалик муомалалари ҳамда ҳодисаларнинг таъсири ҳақида.
4. Корхонанинг ўтган давр мобайнидаги фаолиятининг молиявий натижалари ҳақида.
5. Ахборотдан фойдаланувчиларга дивидендлар, фозиллар бўйича мўлжалланган пул маблағлари келиб тушган суммаларини баҳолаш ва маълум бир вақт ичида тақсимлаш, шунингдек, реализациядан ёки ссудаларни узиш ёки қимматли қоғозлардан тушумларни баҳолаш имконини берадиган ахборотлар.

Бу келтирилган вазифалардан биринчи ва иккинчиси молиявий ҳисоб ҳақидаги ахборот олдига қўйилади. Бундай ҳисобот тушунадиган укувчи учун тайёрланади. Учинчи вазифа бухгалтерия балансига, тўртинчиси фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботга ва бешинчиси мавжуд пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботга тегишлидир. Уларнинг ҳаммаси биргаликда молиявий ҳисоботнинг утган давр ичидаги ахбороти ҳисобланиб, улар фойдаланувчиларга корхонанинг келажакдаги молиявий аҳволи, маблағлари ҳаракатига тегишли бўлган истиқболни белгилаш ва қарорлар қабул қилишга ёрдам бериш учун топширилади.

Гарчи юз йиллар давомида бухгалтерия ҳисоби биринчи навбатда солиқ йиғиш фаолияти билан боғлиқ бўлган бўлса ҳам, саноат инқилоби бухгалтерия ҳисоби олдига янги талабларни қўйган. Чунки тобора йириклашиб бораётган корхоналарга ўзларини молиялаш ва муомалаларни бошқарадиган одамларнинг сонини ошириш учун маблағлар зарур бўлган. Натижада икки гуруҳ юзага келган. Улардан бири — маблағ қўювчилар, иккинчиси эса бошқарувчилар. Биринчиси иккинчисидан корхона ихтиёрига берилган маблағларнинг сақланиши ва ундан қандай мақсадда фойдаланаётгани ҳақида ҳисобот талаб қилган. Шу билан бирга бошқарувчи (менежер)лар талаб қилинаётган ахборот корхона мулкларини бошқариш учун ҳам фойдали эканлигини англаганлар. Натижада бошқарув ҳисоби ҳам ривожлана бошлаган.

Бошқарув ҳисоби ахборот турларидан биридир. У ташкилот доирасидаги жараён ҳисобланиб, ташкилотнинг ходимларини режалаштириш, ўзини-ўзи бошқариш ва ташкилот фаолиятини назорат қилиш учун фойдаланиладиган ахборот билан таъминлайди. Бу жараён бошқарув ходимларига ўз функцияларини бажариш учун керак бўлган ахборотни топиш, ўлчаш, йиғиш, таҳлил қилиш, тайёрлаш, тушунтириб (изоҳ) бериш, топшириш ва қабул қилишларни ўз ичига олади.

Маълумки, ташкилотнинг кундалик фаолияти натижасида турли туман ва тезкор ахборот юзага келади. Бу ахборот молиявий ва бошқарув ҳисобида акс эттириладиган якуний ахборот учун хом-ашёдир. Умуман олганда, менежер учун ҳар қандай ахборот ҳам, у ҳисоб объектими ёки йўқми, баҳолаш мумкинми ёки йўқми, ундан қатъи назар жуда муҳимдир. Масалан, буюртма

чи компания маҳсулоти сифатидан норози. Унинг бошқа мол етказиб берувчини қидиришга тайёр эканлиги тўғрисидаги хабар, гарчи у ҳисоб объекти бўлмаса ҳам ва уни миқдорий жиҳатдан баҳолаб бўлмаса ҳам, бундай ахборотнинг узи жуда муҳимдир.

Юқорида таъкидлангандек, акция эгалари, кредиторлар ва ташкилотдан ташқаридаги бошқа манфаатдор шахслар учун аталган бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот ва пул активлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот молиявий ҳужжатлари сифатида ташкилот менежерлари учун жуда фойдалидир. Лекин бошқарув ходимлари учун бухгалтерия ҳужжатларидаги ахборотларга қараганда янада кўпроқ мукамаллаштирилган ахборот керак бўлади.

Шунинг учун тезкор ахборот бошқарув ҳисобини дастлабки маълумотлар билан таъминлайди. Лекин тезкор ахборотнинг кўпчилик қисми менежерни бевосита қизиқтирмаслиги мумкин. Масалан, корхонада ишлар яхши кетаётган бўлса, менежерни фалончи муҳандиснинг ўтган ойда ишлаб топган маоши қанча бўлганлиги ёки корхона счётига ўтган куни қанча пул келиб тушиши тўғрисида маълумот қизиқтирмайди. Албатта бу ҳодисалар тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилиши шарт ва бу ҳужжатлардан бошқарув тизимининг дастлабки поғанаси фойдаланилиши мумкин. Менежер эса дастлабки ҳисоб ҳужжатларидан олинган якуний ахборотдан фойдаланса ҳам бўлаверади. Бошқача қилиб айтганда, бошқарув ҳисобида фойдаланиладиган ахборот якуний ахборот ҳисобланади.

Маълумки, бухгалтерлар ҳар хил шаклдаги мулкчиликка эга бўлган корхоналарда ёлланиб ишлайдилар. Уларнинг корхона фаолияти ҳақидаги билимлари қанчалик кенг, ҳар тамонлама чуқур бўлса, бошқарув ҳисоби соҳасидаги бухгалтернинг бошқарув қарорларига таъсири ҳам шунча катта бўлади. Шунинг учун ҳам ривожланган мамлакатлардаги раҳбар ходимларнинг аксарияти бухгалтерлик ёки молиявий билимга эга бўлишади.

Бошқарув ҳисоби бухгалтерларининг асосий вазифалари бошқарув ходимларини тўғри бўлган бошқарув қарорларини чиқариш учун керак бўлган ахборот билан таъминлашдан иборат. Корхона фаолияти самарадорлигини ошириш ва талон-тарожга йўл қўймаслик мақсадида бухгалтерия ички назорат тизимини яратиши керак бўлади. Улар фойда режалари ва сметалар тузиш

ҳамда харажатлар устидан назорат қилишда фаол қатнашадилар. Улар шунингдек, ҳужжатларни тўғри юритиш ва ундан фойдаланишни кузатиш, тегишли молиявий ҳисоботларни тайёрлаш, корхонанинг солиқлар тизимига доир қонунчилик ва давлат томонидан белгиланган қонун ва қоидаларга риоя қилишини назорат қиладилар. Улар компьютерлаштирилган тизимлардаги энг янги ҳисобда эришилган янгиликлар билан таниш бўлишлари лозим.

Молиявий ва бошқарув ҳисоблари бир бирларидан куйидаги хусусиятлар билан фарқ қилади:

1. Ҳисобни юритишининг мажбурийлиги. Молиявий ҳисобнинг юритилиши мажбурийдир. Талаб қилинадиган шакл ва талаб қилинадиган аниқлик даражасидаги маълумотларни йиғиш учун, бу маълумотларни маъмурият фойдали ҳисоблайдими ёки йўқми, ундан қатъи назар, катта куч сарфланади.

Бошқарув ҳисобини юритиш раҳбариятнинг ихтиёрига боғлиқ. Бунда четдан биронта бегона ташкилот нима қилиш керак ва нимани қилмаслик кераклиги тўғрисида буйруқ беролмайди. Шунинг учун бошқарув ҳисобини юритиш бутунлай маъмуриятнинг хоҳишига боғлиқ. Агар ахборотни йиғиш ва ишлаш улардан олиннадиган фойдадан қимматга тушса, унда бундай ахборотни олишга ҳожат қолмайди.

2. Ҳисобни юритишдан мақсад. Молиявий ҳисобнинг мақсади — ташкилотдан ташқаридаги фойдаланувчилар учун молиявий ҳужжатларни тузишдир. Ҳужжатлар тузилгандан сунг мақсадга эришилган ҳисобланади. Бошқарув ҳисоби эса фақат режалаштириш, узини бошқариш ва назорат қилиш қуроли бўлиб ҳисобланади.

3. Ахборотдан фойдаланувчилар. Молиявий ҳисобни юритиш натижасида олинган ахборотдан фойдаланувчилар аксарият аниқ бўлмаган гуруҳлардан иборат (бундан ташкилотнинг уз маъмурияти мустаснодир). Кўпчилик компанияларнинг маъмурияти шу компаниянинг бухгалтерия ҳисоботидаги ахборотлардан фойдаланувчи акционер, кредитор ва бошқа шахсларнинг кўпчилигини шахсан билмаслиги мумкин. Ундан ташқари, кўпчилик ташқи фойдаланувчилар талаблари бир хил деб фараз қилинади. Бошқарув ҳисобининг маълумотларидан фойдаланувчиларнинг (компаниянинг менежерлари ва уларга ахборотни йиғиш ва таҳлил қилишда ёрдам берувчи ходимлар) эса одатда ҳар бири шахсан маълум бўлади. Шунинг учун уларга хос бўлган

талаблар ҳам маълум бўлиб, бошқарув ҳисобининг тизими ҳам шу талабларга мосланган бўлади.

4. Негиз (базис) тузилиши. Молиявий ҳисоб асосланган тенглик, яъни *актив = мажбурият + корхона эгасининг капитали* деган тушунчага асосланиб тузилади. Бошқарув ҳисоби эса учта ҳар хил бўлган тамойиллар гуруҳига асосланади. Унда ягона келиб чиқишлик мавжуд бўлмасдан, балки бир қатор тамойилларга асосланади. Хусусан, тайёрланган ахборот маълум мақсадларда фойдаланиш ёки бошқа мақсадлар учун ишлатилганда у нафақат камроқ наф келтириши, балки баъзида чалкашликларга олиб келиши мумкин.

Бошқарув ҳисобининг ҳар бир тизими даромадлар, чиқимлар (харажатлар), активлар каби тушунчаларга қараб иш кўради.

Ҳисобнинг бу тизими маълумотларнинг икки турига қараб иш кўради:

1. Содир бўлиб ўтган ҳодисалар тўғрисидаги маълумотлар.

2. Келгуси даврларни баҳоловчи маълумотлар.

Биринчиси бўлиб ўтган ҳодисани рўйхатга олишни аниқлаш, иккинчиси — келажакда нима бўлишини аниқлаш. Келажакда бўладиган ходимлар тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги савол бўйича мулжал қилиш учун хизмат қилади: ишлар қандай кетяпти, қандай муаммоларга муҳимроқ эътибор бериш керак? Келгуси даврларни баҳоловчи маълумотлар муаммолар ечимининг қайси бир варианты яхшироқ бўлиши мумкин деган саволга жавоб беради.

5. Асосий қоидалар. Молиявий ҳисоб умумий қабул қилинган ҳисобнинг асосий тамойилларга биноан юритилиши керак. Бунда ташқи фойдаланувчилар бухгалтерия ҳужжатлари умумқабул қилинган асосий қоидалар асосида тузилганлигига амин бўлишлари керак. Акс ҳолда бухгалтерия ҳисобининг маълумотларини тўғри тушунишга уларда ишонч бўлмайди.

Ташкилотнинг бошқарув ходимлари эса ички бошқарув ҳисобида қўлланиладиган қоидаларнинг фойдалигига қараб, ҳисобнинг ҳар қандай қоидаларига ҳам асосланаверади. Бошқарув ҳисоби қоидаларини асословчи асосий омил ундан наф келишидир.

6. Вақт билан боғланиш. Молиявий ҳисоб ташкилотнинг молиявий тарихини акс эттиради. Бухгалтерия проводкалари ҳужалик муомалалари содир бўлиб ўтган-

дан кейин берилади. Гарчи молиявий ҳисобнинг маълумотлари режалаштириш учун асос қилиниб олинса ҳам, улар ўз табиатларига кўра тарихий хусусиятга эгадир. Бошқарув ҳисоби тарихий хусусиятга эга бўлган ахборот билан биргаликда, келажакни баҳолаш ва режалашни ҳам ўз таркибига олади. Молиявий ҳисобнинг вазифаси — у қандай бўлганлигини кўрсатиш бўлса, бошқарув ҳисоби — у қандай бўлиши кераклигини кўрсатади.

7. Ахборотнинг кўриниши шакли. Молиявий ҳисобнинг пировард маҳсули бўлган молиявий ҳужжатлар асосан пул ифодасидаги ахборотдан иборат. Бошқарув ҳисоби ҳам пул ифодасидаги, ҳам пулда ифодаланмаган ахборотни беради. Бошқарув ҳисоби материалларнинг миқдори ва унинг қиймати, сотилган буюмларнинг сони ва уларни сотишдан тушган пулнинг суммасини акс эттиради.

8. Ахборотнинг аниқлик даражаси. Корхонанинг маъмуриятига ўз вақтида олинган ахборот керак ва бунда кўпинча ахборотни тезроқ олиш учун ахборотнинг аниқлигига қўйилган талабаларни маълум даражада бушаштиришга ҳам йўл қўйиш мумкин. Шундай қилиб бошқарув ҳисобидан кўпинча, ҳаттоки аниқ бўлган маълумотларга қараганда, тахминий маълумотлардан фойдаланилади. Албатта, молиявий ҳисобининг маълумотлари ҳам ҳар доим жуда аниқ бўлиши қийин, лекин бошқарув ҳисобида, молиявий ҳисобга қараганда тахминий маълумотлардан кўпроқ фойдаланилади.

9. Ҳисоботнинг даврийлиги. Тула молиявий ҳисобот корхона томонидан йилнинг якуни бўйича тузилади. Унчалик батафсил бўлмаган ҳисобот эса ҳар чоракда тузилади. Батафсил ҳисоботлар бошқарув ҳисобида эса катта ташкилотлар томонидан ҳар ойда тузилади. Фаолиятнинг айрим турлари бўйича ҳисоботлар ҳар ойда, ҳар куни, баъзи пайтларда эса — шу пайтнинг ўзидаёқ тузилиши мумкин.

10. Ҳисоботларни топшириш муддатлари. Маълумотларни ташқи аудиторлар томонидан молиявий ҳисоботларни текшириш, муҳраб тайёрлаш ва тақсимлаш учун маълум вақт керак бўлганлиги боис, фойдаланувчилар уларни ҳисобот даври тугагандан кейин бир неча ҳафтадан кейин олишади.

Бошқарув ҳисоби бўйича тузилган ҳисобот эса кечиктирмасдан чора кўришни талаб қиладиган ахборотдан иборат бўлиши шарт.

Бу ҳисоботлар одатда ҳисобот ойи ўтгандан кейин бир неча кунда ёки кундалик ҳисобот учун белгиланган куннинг эртасига тузилади.

11. Ҳисобот объекти. Молиявий ҳисоботларда ташкилот ягона бутунликда изоҳланади. Бир нечта тармоқларда фаолият курсатаётган компаниялар учун тармоқнинг ҳар бири бўйича тушум ва даромадни акс эттириш зарурияти мавжуд. Бошқарув ҳисобида асосий эътибор корхонанинг унча катта бўлмаган бўлинмаларига ва улардаги айрим буюмлар, фаолият турлари, ташкилий бўлинмалар, жавобгарларга қарагилди. Лекин ташкилот харажатларининг барча сумма ҳажмини қисмларга бўлиб, айрим бўлинмаларга ёзиши (ўтказиш) молиявий ҳисобда мавжуд бўлмаган муҳим муаммоларни келтириб чиқаради.

12. Ҳисобни тўғри юритмаганлари учун жавобгарлик. Гарчи бундай ҳоллар кам учраса ҳам, баъзида кредиторлар ёки акционерлик компаниялари йиллик бухгалтерия ҳисоботи ва балансдаги ахборотни асоссиз бузиб курсатилганлиги ҳақида компанияни айблаб, судга мурожаат қилишлари мумкин. Бошқарув ҳисобидаги ҳисоботлар эса, юқорида таъкидлангандагидек, ҳисобда умумқабул қилинган тамойилларга албатта тўғри келиши шарт эмас ва улар кенг оммага мўлжалланган ҳам эмас.

Менежер нотўғри қарорлар қабул қилганлиги учун жавобгарликка тортилиши мумкин. Бунда бошқарув ҳисобининг маълумотлари бундай қарор ва кейинчалик амалга ошириладиган амалларга сабаб бўлиши мумкин. Лекин жавобгарликка тортиш учун бошқарув ҳисобининг қандайдир маълумотлари эмас, балки фақат қабул қилинган қарор ёки амаллар сабаби бўлиши мумкин.

Молиявий ҳисоб билан бошқарув ҳисоблари ўртасидаги юқорида келтирилган фарқларга қарамасдан, уларнинг ўртасида ўхшашлик ҳам мавжуддир. Чунки молиявий ҳисобда мавжуд бўлган элементларни бошқарув ҳисобида ҳам топиш мумкин. Бунинг иккита сабаби бор: 1. Молиявий ҳисоб учун умумқабул қилинган тамойилларнинг аҳамиятини белгиловчи омиллар бошқарув ҳисобига нисбатан ҳам амал қилади. Масалан, бошқарув ходимлари ўзининг фаолиятида мутлақо текшириб бўлмайдиган, субъектив баҳолаш ва фикрларга таянаолмайдиган стандартлари мавжуд бўлиб, ҳар бир мамлакат ўзига зарур деб билган тамойилларидан (ҳисоб юритишнинг асосий қоидалари) фойдаланади. Бу тамойиллар

одатда бир нечта асосий концепция идрок қилинадиган тушунчаларга таяниб ишлаб чиқарилган бўлади.

2. Ҳозирги пайтда барча мамлакатларда бухгалтерия ҳисоби биринчи навбатда баланслаштириш тамойилига таянади.

Маълумки, бухгалтерия баланси ҳисобни мустақил юритадиган ҳар бир хўжалик корхонасининг маълум бир вақтга бўлган молиявий аҳволини пул ифодасида акс эттиради.

Молиявий аҳвол деганда компаниянинг маълум бир даврда мажуд бўлган иқтисодий ресурслари шу компаниянинг барча капиталига (солиштириб) қарши қўйилиши тушунилади. Бунда иқтисодиёт ҳамма капиталга тенг бўлади. Ҳар бир компаниянинг икки турдаги капитали бўлади: ўз капитали ва жалб қилинган кредиторлик қарзлари. Шундай қилиб иқтисодий ресурслар жалб қилинган капитал, мажбуриятлар ва умуман капиталлардир.

Бухгалтерия ҳисобидаги атамаларга биноан иқтисодий ресурсларга актив сифатида, кредиторлик қарзларга эса пассив сифатида қаралади. Лекин бизнинг мамлакатимизда пассив деганда ҳам ўз маблағларининг манбалари, ҳам жалб қилинган маблағларнинг манбалари (биргаликда) тушунилади. Бозор иқтисодиёти ривожланган чет мамлакатларда эса пассив деганда фақат кредиторлик қарз тушунилади. Шунинг учун чет мамлакатларда бу тенглик қуйидагича ифодаланади:

$$\text{активлар} = \text{пассивлар} + \text{капитал}$$

Бизда: **активлар** = **мажбуриятлар** + **капитал** тенглиги билан ифодаланади, яъни барча пассивларга тенг бўлади. Юқорида келтирилган тенглама бутун дунёда балансли тенглама сифатида маълумдир.

Активлар — бу корхонага илгари амалга оширган муомалалар ёки ўтган даврда содир бўлган ҳодисалар воситасида ва мазкур юридик шахс томонидан сотиб олинган ёки назорат қилинадиган маблағларнинг ҳолатини акс эттиради.

Тезкор ахборот молиявий ҳужжатларни тузишда ҳам бошқарув ҳисобида ҳам ишлатилади. Демак, дастлабки ахборотни йиғиш ягона қоидаларга биноан амалга оширилиши лозим. Бошқа тартиб қўлланган тақдирда дастлабки ахборотни йиғиш ишларини қайта-қайта юритишга мажбур этган бўлур эди.

Лекин молиявий ҳисоб билан бошқарув ҳисобининг энг муҳим ўхшаш томонларидан шундаки, уларнинг ҳар

иккаласининг маълумотлари қарорлар қабул қилиш учун ишлатилади. Масалан, молиявий ҳисобнинг маълумотлари инвесторларга компаниянинг истиқболларини баҳолашда, яъни компанияга инвестиция қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ёрдам беради. Бошқарув ҳисобининг маълумотлари менежер томонидан бошқарувнинг кенг миқёсдаги муаммоларини ечиш, масалан, нархларни белгилаш, қандайдир бутловчи буюмларни четдан сотиб олиш ёки уларни фирманинг узида ишлаб чиқариш ва шу каби масалаларни ҳал қилишда ёрдам беради.

Мажбуриятлар — мазкур тушунча юридик шахс томонидан бошқа юридик шахслардан олинган активлар ёки уларнинг хизматидан фойдаланиб илгари амалга оширилган муомалалар ёки илгари бўлиб ўтган ҳодисалар натижасида даромадларнинг тахмин қилинган потенциал камайишини англатади. Мажбуриятлар компаниянинг қарзлари, кредиторларга кредитга сотиб олинган товарлар ва хизматлар учун қарзлар, топширилган векселлар учун қарзга олинган пуллар, ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи бўйича қарзлар, ҳамда давлатга солиқлар ва бошқа туловлар бўйича қарзлардан иборат. Агар фирма ўз қарзларини тўлаш қобилиятига эга бўлмаса, унда қарзларини тўлаш учун фирманинг активларини мажбурий соттириш қонун билан белгиланган. Бунда кредиторлар мулк эгаларига қараганда кўпроқ ҳуқуққа эга бўлиб, ўзларига тегишли бўлган суммаларни тўла-тўкис ундириб олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Капитал — юридик шахснинг активларидан мажбурият суммаларини айириб ташланганидан кейин қолган қисми (суммаси)дан иборат бўлиб, шу юридик шахснинг манфаатини англатади. Бизнесда мулк эгасининг манфаати ўз капитали ёки оддий қилиб айтганда, капитал деб номланди. Капитал мулк эгасининг компания активларига қилинган талабномасини англатади. Унинг суммаси қолдик капитал деб аталади. Чунки, агар мулк эгаси ҳамма мажбуриятларини тўласа, қолган сумма капитал ҳисобланади. Шундай қилиб баланс тенгламасидан фойдаланиб, капитални қуйидагича аниқлаш мумкин:

капитал = активлар — мажбуриятлар

Капитал активлар билан мажбуриятлар ўртасидаги фарқга тенг бўлганлиги боис баъзида капитал нетто активга тенг дейишади.

Бухгалтерия ҳисобини юритишнинг энг асосий тамойили бўлган баланслаштириш тамойилидан ташқари, 1996 йилнинг 30 августида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига кўра қуйидаги асосий тамойиллар киритилган:

- бухгалтерия ҳисобини иккиёқлама ёзув усули билан юритиш;
- узлуксизлик;
- ҳужалик муомалаларини, актив ва пассивларни пулда баҳолаш;
- ишончлилиқ;
- ҳисоблаш (начисление);
- узоқни кўриш (эҳтиёткорлик);
- мазмуннинг шаклдан устиворлиги;
- кўрсаткичларнинг солиштирувчанлиги;
- молиявий ҳисоботнинг холислиги (нейтраллиги);
- ҳисобот давридаги даромад ва харажатларнинг бир бирига тўғри келиши;
- актив ва мажбуриятларни баҳолашнинг ҳақиқийлиги.

Юқорида келтирилган тамойилларнинг кўпчилиги илгари маъмурий буйруқбозлик шароитида ишлаган бухгалтерлар учун янгиликдир. Лекин уларнинг баъзилари, биринчи қарашда таниш кўринса ҳам, бозор иқтисодиёти шароитида бутунлай бошқа маънога эга.

Бухгалтерия ҳисобини иккиёқлама ёзув усули билан юритиш тамойили ёки ҳисобнинг иккиламчилик концепцияси. Бухгалтерия ҳисоби назарияси курсидан бизга маълум бўлган иккиёқлама ёзув атамаси ҳисобнинг иккиламчилик концепциясининг амалий гавдаланиш ёки қўлланиш усулидир. Маълумки, корхонанинг иқтисодий ресурслари активлар деб аталади.

Пассивлар ўз навбатида икки турга бўлинади: мажбуриятлар, яъни кредиторлар (фирма эгаларидан ташқари, ҳар қандай шахс ва ташкилотлар) талаблари ва мулк эгаларининг капитали, яъни корхона эгаларининг талаблари. Акциядор корхоналар эгаларининг капитали одатда акциядорлик капитали деб номланади. Корхонанинг ҳамма активлари ёки унинг эгалари ёки кредиторлар томонидан талаб қилиб олинishi мумкинлиги ва бу даъватларнинг умумий суммаси талаб қилинаётган активлар суммасидан ошмаслиги сабабли активлар ва пассивлар тенг бўлади. Мана шу асосий бухгалтерия тенгламаси шакли ҳисобнинг иккиламчилиги концеп-

циясини ифодалайди. Бухгалтерия ҳисобининг барча тадбирлари асосан шу тенгламадан келиб чиқиб, у қуйидагича ифодаланади:

$$\text{Активлар} = \text{мажбуриятлар} + \text{капитал}$$

Бизга шунингдек маълумки, корхонанинг ҳисоб регистрларида акс эттириладиган ҳодисалар ҳужалик муомалалари деб баҳоланиб, ҳар бир ҳужалик муомаласи ҳисоб регистрларига икки томонлама таъсир кўрсатади. Чунки бухгалтерия ҳисобининг тизими шундай ташкил қилинганки, ҳужалик муомаласининг ҳар иккала таъсири ҳам ҳисоб регистрларида акс эттирилиши шарт. Шунинг учун бухгалтерия ҳисоби иккиёқлама ёзув тизими деб номланган.

Бухгалтерия ҳисобининг иккиламчи концепциясини тушунтириш учун масалан, фуқаро Аҳмедов янги корхона очаяпти деб фараз қиламиз. Бунинг учун у биринчи навбатда банкда счётини очиб, ўзининг шахсий жамғармасидан 100 минг сўм топширди дейлик. Бу ҳужалик муомаласининг иккиламчи таъсири шундаки, энди корхона 100 минг сўмлик пул маблағига, яъни активга эга бўлди. Фуқаро Аҳмедов, мулк эгаси эса бу активларга нисбатан 100 минг сўмлик талабга эга бўлди. Буни қуйидагича ифодалаш мумкин:

Активлар, (пул маблағлари), 100 минг сўм = Пассивлар эгасининг капитали, 100 минг сўм.

Навбатдаги ҳужалик муомаласи 30 минг сўмлик банк ссудасини олишдан иборат бўлган. Бунда ҳисоб регистрлари икки йўналишда ўзгартирилган: 1) ҳужалик пул маблағлари 30 минг сўмга кўпайиб, 130 минг сўмни ташкил қилганлигини кўрсатади, ва 2) улар активларга яъни банкнинг 30 минг сўмлик талабининг пайдо бўлганлигини кўрсатади.

Узлуксизлик. Маълумки, бухгалтерия ҳисоби корхонанинг ҳужалик маблағлари ва уларнинг ташкил топиш манбаларининг ҳаракатини кўрсатади. Бунинг учун у ҳужалик жараёнидаги барча муомалалар устидан ёппасига ва узлуксиз кузатув олиб бориб, олинган маълумотларни ўлчаш ва ҳужжатларда акс эттириш йўли билан уларни ягона пул ўлчовида умумлаштириб кўрсатиб беради. Шунинг учун бухгалтерия ҳисоби айрим корхоналарда содир бўлаётган жараён ва ҳужалик муомалаларини узлуксиз кузатиш ва кетма-кет қайд қилишни амалга ошириш ва ҳужалик фаолиятини ҳар томонлама назорат қилиш усули ҳисобланади.

Хўжалик муомалаларини актив ва пассивларни пулда баҳолаш. Бу тамойил универсал ўлчагич сифатида пул ўлчагичдан фойдаланишни англатади.

Молиявий ҳисоботда фақат пулда ифодаланган ахборот қайд қилинади. Бундай ҳисобнинг афзаллиги шундаки, унда пул умумқабул қилинган ўлчагич ҳисобланиб, унинг воситасида турли-туман бўлган корхонадаги кўрсаткични умумлаштириш, яъни пулда ифодалаш мумкин бўлади.

Лекин шундай афзаллигига қарамадан, бухгалтерия ҳисоби бизнесда муҳим ҳисобланган баъзи фактлар, масалан, фирма президентининг соғлиги, қурилишнинг бошланиш вақти, рақобатчи корхона бозорга яхшироқ маҳсулот олиб чиққанлиги каби ҳодисаларни акс эттирмайди.

Ишончлилик. Бу тамойил бухгалтерия ҳисобининг ахборотлари хатосиз ва тўғрилигини англатади. Бухгалтерия ҳисобини юритиш қонуни ва қоидаларини бузган шахслар белгиланган тартибда жазоланади.

Ҳисоблаш (начисление). Ҳисоблаш усули корхона бухгалтерига тегишли даромадлар ва харажатларни қайси ҳисобот даврига тегишли эканлигини ҳал қилиш имконини беради. Ҳисоблаш усулига биноан даромадлар, гарчи пуллар сотувчининг счётига ҳали ўтказилмаган бўлса ҳам тегишли маҳсулот қайси ҳисобот даврида жўнатилган ёки хизматлар бажарилган бўлса, ўша давр (ой)га тегишли бўлади. Шунингдек харажатлар ҳам, улар корхона томонидан шу ҳисобот даврида туланганми ёки йўқми, ундан қатъий назар, қайси ҳисобот даврида юзага келган бўлса, ўша ҳисобот даврида акс эттирилади. Шу билан бирга, ҳисоблаш усули эҳтиёткорлик тамойилидан фойдаланишни ҳам назарда тутлади.

Узоқни кўриш (эҳтиёткорлик). Эҳтиёткорлик ёки консерватизм тамойили ҳисобот ҳужжатларида активлар ва фойданинг баҳоланишини, иш ва хизмат кўрсатиш ва мажбуриятларнинг баҳоланишини пасайтириб кўрсатишга йўл қўймасликни назарда тутлади. Шунингдек потенциал зиёнлар ёки зарарларни акс эттириш учун, потенциал фойдани акс эттиришга қараганда камроқ асослардан фойдаланса ҳам бўлаверади, деган маънога эга.

Эҳтиёткорлик тамойилини акс эттиришлардан бири пастроқ баҳолаш қоидаси, яъни таннарх ёки бозор нархида баҳолаш ҳисобланади. Бу қоиданинг моҳияти шундаки, агар корхона ўз айланма маблағларини бир нархда

сотиб олгану, лекин ҳозирги пайтда уларнинг нархи тушиб кетган бўлса, унда корхона ўз ҳисобот ҳужжатларида маблағларини жорий бозор нархида акс эттириб, фарқларини жорий давр зарарларига ўтказиши керак бўлади. Лекин, агар мазкур ҳисобот давридаги айланма активларининг бозор нархи шу активларни сотиб олиш нархиға қараганда ошиб кетган бўлса, унда корхона ўз активларини шу ошиб кетган бозор нархи бўйича ҳақиқатда сотилиши дақиқасигача ўз ҳужжатларига ҳеч қандай ўзгаришлар киритмайди. Бухгалтерия ҳисобида қабул қилинган бундай тартиб бозордаги ўзгарувчан ҳолағларни ва у билан боғлиқ бўлган корхона ҳужалик фаолият ва мулкчиларнинг таваккалчилигини ҳисобга олиш имкониятини беради. Бу концепциядан амалий фойдаланиш мақсадида бозор иқтисодиётига ўтган давлатларда махсус қоидалар, яъни молиявий ҳисоб ва ҳисобот стандартлари ишлаб чиқилади. Бу стандартлар ташқи фойдаланувчилар учун аталган молиявий ҳисоб ва ҳисобот ҳужжатларини тузишда маълум концептуал бирликни таъминлаш учун хизмат қилади. Бу нарса шунингдек, молиявий ҳисоботни тузишда муҳим бўлган яна бир тамойил ҳисобланган ташқи фойдаланувчиларга тушурари бўлишликни ҳам таъминлайди.

Мазмуннинг шаклдан устиворлиги. Бу тамойилнинг моҳияти шундаки, ахборотни молиявий ҳисоботда акс эттирилганда унинг юридик шаклидан кура иқтисодий мазмунга кўпроқ эътибор берилади. Масалан, агар корхона ўз фаолиятида узоқ муддатга ижарага олинган маблағлардан фойдаланса, унда у (ижарага олувчи корхона) бу маблағларни, гарчи улар юридик нуқтаи назаридан бошқа корхоналарнинг мулки бўлса ҳам, балансда активлар таркибида акс эттиради.

Кўрсаткичларнинг солиштирувчанлиги. Солиштирувчанлик — корхона фаолияти ҳақидаги маълумотлар бошқа корхоналар фаолияти тўғрисидаги шунга ўхшаш ахборот билан солиштириш мумкин бўлишини таъминлашни талаб қилади. Ундан ташқари, ушбу корхонада қўлланиладиган бухгалтерия ҳисобининг усуллари иложи борица узоқ муддатга, ўзгартирилмасдан, сақлаб қолиш мақсадга мувофиқдир.

Чунки бунинг воситасида бир неча ҳисобот давридаги корхона фаолиятига доир маълумотларини солиштириш имконига эга бўлинади.

Молиявий ҳисоботнинг холислиги (нейтраллиги). Нейтраллик — молиявий ҳисобот ундан фойдаланувчилар-

нинг бир гуруҳи манфаатини қўзлаб иккинчи гуруҳнинг зарарига хизмат қилмайди.

Ҳисобот давридаги даромад ва харажатларнинг бир бирига тўғрилиги. Бу тамойил мазкур ҳисобот даврининг даромадларини олиш имконини яратган харажатларгина акс эттирилиши лозимлигини англатади. Агар айрим даромадлар ва харажатлар уртасидаги бевосита боғлиқликни аниқлаш қийин бўлса, унда харажатлар бир неча ҳисобот даврлари уртасида бирор шартли тақсимлаш усули ёрдамида тақсимланади. Бунга мисол тариқасида бир неча йилларга тақсимланадиган амортизацияланадиган харажатларни келтириш мумкин. Бунга шунингдек, келгуси давр харажатларини акс эттириш масаласини ҳам мисол сифатида келтириш мумкин. Чунки келгуси давр харажатлари ҳам қайси даврда даромад келтирса, уша давр ҳисобига ўтказилади. Умуман олганда бу масала анча мураккаб бўлиб, купинча бу харажатларнинг қайси даврга тааллуқлигини аниқлаш амримаҳолдир.

Актив ва мажбуриятларни баҳолашнинг ҳақиқийлиги. Бу тамойилнинг моҳияти шундаки, актив ва пассивларни баҳолаш уларни сотиб олиш таннархига асосланади, яъни дастлаб уларни корхонага келтириш неча пулга тушган бўлса шу қийматда баҳоланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг солиқ тўлаш қоидаларига риоя қилиши солиқ солиш ташкилотлари томонидан назорат қилинади. Ҳисоботни тузиш қоидаларга риоя қилиниши эса мустақил аудиторлик ташкилотлари томонидан текширилади. Бу ташкилотлар ҳисоботни текшириб бўлгандан кейин ташқи фойдаланувчиларга топширилган ҳисоботларнинг тўғри эканлигини ёзма равишда исботлаб берадилар. Корхонанинг инвесторлари, одатда, бухгалтерия ҳисобининг ички счётидан фойдаланиш ҳуқуқига эга эмаслар. Шунинг учун ҳам бундай аудиторлик назорат ташқи фойдаланувчиларга зарурдир. Шунинг учун капитални инвестиция қилиш объектларига жамиятнинг ишончини таъминловчи аудиторлик тизимининг мавжудлиги бозор механизмининг муҳим омиллари ва шартларидан бири ҳисобланади. Аудит тизими солиқ инспекциясидан катта фарқ қилади. Чунки унинг вазифаси солиқлар ва бюджетга бошқа ажратмаларнинг ҳисоб-китобини тўғри эканлигини текширишдан иборат бўлибгина қолмай, корхона томонидан топширилган ҳисоботлардаги маълумотларнинг тўғри эканлигини исботлаш йўли билан

пул қўювчилар ва кредиторларнинг манфаатини ҳимоя қилишдан ҳам иборатдир. Шунинг учун чет мамлакатларда аудит тизимини такомиллаштириш, унинг ишончлилигини ва муҳимлигини ошириш борасида катта ишлар олиб борилмоқда.

Албатта, аудиторлик тизим корхона ҳисоботи маълумотларининг тўғри эканлиги тўғрисида тўла қафолат бўлаолмайди ва шу боис бунинг учун жавобгарлик фақат ташқи аудитга эмас, корxonанинг раҳбариятига ҳам юкланади. Лекин аудиторлик тизими бозор иқтисодиёти шароитида муҳим тизимлардан ҳисобланади.

Кейинги пайтларда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот тизимида катта ўзгаришлар рўй берди. Бунда айниқса, 1992 йил бозор иқтисодиёти ҳамда халқаро талабларга жавоб берадиган ҳисоб тизимини яратишда муҳим аҳамият касб этди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштиришнинг асосий хусусияти шундаки, давлат томонидан ҳисоб ишларини ташкил қилишга доир ҳужжатларда бухгалтерия ишларини уюштиришнинг асосий услубий тамойиллари билан биргаликда корхонага ҳисоб юритишда у ёки бу сиёсатни, бухгалтерия ҳисобининг шаклини, ҳисоб ахборотини ишлаш технологиясини, бухгалтерия ишларини ташкил қилиш усулларини танлаш ҳуқуқлари берилган. Шу муносабат билан кейинги йилларда республикамиздаги ҳисоб назарияси ва амалиётида корxonанинг ҳисоб сиёсати деган тушунча пайдо бўлиб, у замонавий шароитдаги бухгалтерия ҳисобининг ривожланиш йўналишини акс эттиради.

Ҳисоб сиёсатини бухгалтерия ҳисобини юритиш корхона маблағларини ҳисобот йилида баҳолашнинг услубий қоидалар йиғиндиси деб таърифлаш мумкин.

Эндиликда ҳар қандай мулкчилик шаклидаги, ташкилий-ҳуқуқий тузилишдаги ва тармоққа тегишли корxonалар қуйидаги соҳалар бўйича ўз ҳисоб сиёсатини танлаб олишлари мумкин:

- асосий воситаларнинг амортизациясини ҳисоблаш;
- асосий воситаларни тузатишни ҳисобга олиш;
- материалларни сотиб олишни ҳисобга олиш;
- кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларнинг эскиришини ҳисобга олиш;

- моддий айланма маблагларининг ҳисобини ташкил қилиш ва баҳолаш;
- ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш;
- материаллар, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот, жунатилган товарларни баҳолаш;
- ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотни ҳисобда акс эттириш;
- маҳсулот (ишлар, хизматлар) реализациясини ҳисобга олиш;
- даргумон қарзлар буйича ҳар хил захира (резерв)-ларни яратиш;
- соф фойда ҳисобидан ҳар хил фондларни ҳосил қилиш ва бошқа масалалар буйича.

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига кўра бухгалтерия ҳисобининг ташкил қилиниши корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбари томонидан амалга оширилади. Бунда корхона раҳбарига қуйидаги ҳуқуқлар берилади:

- бош бухгалтер раҳбарлигида бухгалтерия хизмат соҳасини яратиш;
- шартнома асосида таклиф қилинган бухгалтерия ҳисобини юритиш, шартнома асосида ихтисослашган бухгалтерлик фирмасига топшириш ёки бухгалтерия ҳисобининг субъекти кирадиган ҳужалик бирлашмасининг марказлаштирилган бухгалтерияси бўлимининг хизмагидан фойдаланиш;
- бухгалтерия ҳисобини мустақил юритиш.

Шу билан бирга корхона раҳбарига қуйидагиларни таъминлаш мажбуриятлари юклатилган:

- ички ҳисоб ва ҳисобот тизимини ишлаб чиқиш;
- ҳужалик муомилаларини назорат қилиш тартиби;
- бухгалтерия ҳисобининг тўлиқлиги ва ишончлилиги;
- ҳисоб ҳужжатларининг сақланишини;
- ташқи фойдаланувчиларга молиявий ҳисоботни тайёрлаб бериш;
- солиқ ҳисоботлари ва бошқа молиявий ҳужжатларни тайёрлаб бериш;
- ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида амалга оширилиши.

Корхонада пулларни товар-моддий ва бошқа қийматларни қабул қилиш учун асос бўлиб ҳисобланган ҳужжатлар, корхона, муассаса ва ташкилотнинг кредит ва ҳисоб-китоб мажбуриятлари, ва шунингдек бухгал-

терия ҳисоботи ва баланси раҳбар ёки унинг рухсати билан тайинланган шахслар томонидан имзоланади.

Корхона раҳбари ҳужжатларга ўз имзоларини қўядиган икки рўйхатни белгилаб тасдиқлайди. Биринчи рўйхатга раҳбарлик функцияларини бажарувчи шахслар, иккинчисига эса бухгалтерия ҳисоб ва молиявий бошқарув функцияларини бажарувчи шахслар киритилади.


Иккинчи рўйхатдаги шахсларнинг имзосисиз ҳужжатлар ҳақиқий ҳисобланмайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир корхона ёки фирма фармон, низоми ва кўрсатмаларга риоя қилган ҳолда ҳисоб сиёсатини ўзи белгилайди ва корхона раҳбарияти ёки мулк эгасининг буйруғига мувофиқ амалга оширади. Бу буйруқда бухгалтерия апаратини ташкил қилиш ва тузилиши, молиявий ва бошқарув ҳисобини ташкил қилиш, бухгалтерия ҳисобини юришнинг аниқ тартиб ва қоидалари белгиланади.

Хулоса қилиб айтганда корхона ва фирмаларда молиявий ва бошқарув ҳисобларини ташкил қилиш қуйидаги кўринишда ташкил қилинса мақсадга мувофиқ бўлади.



Юқоридаги умумий кўринишга мувофиқ корхона ва фирмаларда бухгалтерия аппарати қуйидаги тартибда ташкил қилинади:



ИККИНЧИ МАВЗУ

ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ВА ҲИСОБЛАШИШ МУОМАЛАЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

Корхона, фирма ва ташкилотлар фаолиятида ҳужалик алоқалари муҳим ўрин тутади. Чунки бу алоқалар орқали таъминот, ишлаб чиқариш, маҳсулотларни жўнатиш ва сотиш жараёнлари амалга оширилади. Ҳужалик алоқалари шартномаларга асосланиб амалга оширилади. Натижада битта корхона товар-моддий бойликлар, иш ва хизматларни етказиб берувчи, иккинчи корхона эса сотиб олувчи, истеъмолчи, сифатида майдонга чиқади.

Бу алоқалар натижасида ҳосил бўлган ҳисоблашишларни аниқ ташкил қилиш, айниқса, бозор иқтисодиёти шароитида айланма маблағларнинг тезкорлик билан айланишига ва пул маблағларининг ўз вақтида келиб тушишига асос бўлади.

Корхонада ишлаб чиқариш топшириқларини бажарувчи ходимлар билан ўзаро ҳисоблашишлардан ташқари ишчи ва хизматчилар билан бўладиган ижтимоий муҳофаза, ҳамда бюджет билан бўладиган ҳисоблашишлар содир бўлади. Кўп ҳолларда корхона, ташкилот ва муассасалар билан ҳисоблашишлар нақд пулсиз амалга оширилади. Бу ҳисоблашишлар жараёнида банклар хизматидан фойдаланади, чунки ҳисоблашишлар амалга ошириладиган счётлар тегишли банкда очилади. Банклар юридик шахслар ҳисобланиб корхона ва ташкилотлар маблағларини қайтариб бериш, тўлаш, муддатли шартлари билан жалб қилиш муомалаларини амалга оширади. Ўзбекистон Республикасида Марказий Банк, савдо банклари (тармоқларга хизмат кўрсатувчи — пахта, ғалла, мева, сабзавот, қурилиш ва ҳоказо) ва хусусий банклар мавжуд.

Банк ва харидор (клиент) муносабатлари шартномага асосан амалга оширилади. Банклар орқали амалга ошириладиган муомалалар ҳисоблашиш ва кредит муомалаларига бўлинади. Ҳисоблашиш муомалаларида банк мол етказиб берувчи ва олувчи ўртасидаги ҳисоблашиш-

ларни амалга оширса ва назорат қилиб турса, кредит муомаласида эса банк қарз берувчи ва берилмаган қарз-ни ўз вақтида қайтариб олишни назорат қилади.

Банкларда ҳисоблашиш счётларидан ташқари жорий ва махсус счётлар (хусусийлаштириш фонди, аккредитив, чек дафтарлари) ҳам очилади.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида пул маблағлари ва ҳисоблашиш муомалалари ҳисобини юритишнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

а) пул маблағларининг ҳаракати ва ҳисоблашиш муомалаларини тўғри ва ўз вақтида ҳужжатлаштириш;

б) корхона, муассаса ва ташкилотларнинг кассасидаги нақд пуллар, қимматли қогозларнинг мавжудлигининг тезкор ва кундалик назоратини ташкил қилиш;

в) пул маблағларини мақсадли фойдаланиш устидан назорат қилиш;

г) бюджет, банк, шахслар билан ҳисоблашишни ўз вақтида ва тўғри амалга оширишни назорат қилиш;

д) мол етказиб берувчилар ва истеъмолчилар билан амалга ошириладиган ҳисоблашиш турларининг тузилган шартномадаги ҳисоблашиш турларига тўғри келишини назорат қилиш;

е) дебитор ва кредиторлар билан ҳисоблашишларни текшириб бориш.

КАССА МУОМАЛАЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

Нақд пуллар, қимматли қогозларни ҳисоблаш учун ҳар бир корхона, муассаса ва ташкилотларда касса мавжуддир. Касса муомалалари “Ўзбекистон Республикасида касса муомалаларини амалга ошириш тартиби ҳақида”ги Марказий банк кўрсатмасига асосан амалга оширилади.

Кассада доимий сақланадиган нақд пул миқдори банк билан келишилган ҳолда белгиланади. Маълум муомалалар (иш ҳақи, нафақа) учун олинадиган нақд пуллар 3 кунгача (олинган кундан бошлаб) сақланиши мумкин. Касса муомалаларини амалга ошириш жараёнида қуйидаги ҳужжатлар тузилади:

1. “Кассанинг кирим ордери” — кассага нақд пул кирим қилинаётганда. Унга бош ҳисобчи имзо чекади ва паттаси қирқиб олинади.

2. “Кассанинг чиқим ордери” — кассадаги нақд пулнинг чиқишига асос бўлади.

Унга корхонанинг раҳбари ва бош ҳисобчи имзо чекадилар. Айрим ҳолларда (иш ҳақи берилаётганда — тулов ведомости, якка тартибда пул олганда — ариза) бошқа ҳужжатлар тузилади.

Касса ҳужжатларида тузатиш, учириб ёзишга рухсат берилмайди:

1. “*Кирим ва чиқим ордерларини қайд қилиш журнали*”. Бу журнал бухгалтерияда юритилиб ҳар бир ордер қайд қилинади ва тартиб номери қўйилиб олинган ва сарфланган нақд пулларнинг ҳаракати ва йўналиши устидан назорат қилинади.

2. “*Касса китоби*” — уни кассир юритади. Китобнинг бетлари рақамланган ва охирида бетлар сони кўрсатилиб муҳр билан тасдиқланган бўлиши керак.

Касса китобидаги ёзувлар икки нусхада амалга оширилади.

Кассада нақд пуллардан ташқари қимматли қоғозлар (акция, облигация), пул ҳужжатлари (йўлланмалар, транспортда юриш билетлари, маркалар, лотерея билетлари) ҳам сақланади. Нақд пулларнинг ҳаракатини ҳисобга олиш 50-“Касса” синтетик, актив счётада амалга оширилади. Дебетида ой бошидаги қолдиқ, айланмада ой давомидаги нақд пулнинг кирими, кредит айланмасида эса ой давомидаги чиқими — сарфи ҳисобга олиб борилади.

Кредит суммалари гуруҳлашган ҳолда 1-журнал ордерда, дебет суммалари 1-ведомостда жамгарилиб борилади.

Бундан ташқари қимматли қоғозлар 56-“Пул ҳужжатлари синтетик, актив счётада ва 3-журнал ордерида, қатъий ҳисоб бланклари (меҳнат дафтарчалари, юк хатлар, йўл варақлари) эса 006-“Қатъий ҳисобот бланкалари” номли балансдан ташқари счётада умумлаштирилган ҳолда ҳисобга олиб борилади.

Корхона, муассаса ва ташкилотлардаги айрим муомалаларни тезкорлик билан амалга ошириш учун ҳисобдор шахслар хизматидан фойдаланадилар. Улар корхона ходимлари бўлиб маъмурий ҳужалик муомалаларини амалга ошириш ва хизмат сафарига бориш учун кассадан нақд пул оладилар. Бу шахсларнинг рўйхати раҳбар томонидан тасдиқланади.

Ҳужалик сарфлари учун сарфланадиган нақд пуллар корхонанинг тасдиқланган чегара (смета) суммасида, хизмат сафари сарфи эса буйруққа асосан сафар гувоҳ-

номаси курсатилиб, ҳисобланган суммада бориш-келиш йул харажатлари, кунлик сарфлари, тунаш харажатлари курсатилади.

Бу сарфларнинг мақсадга мувофиқлиги юқори мансибдор шахслар томонидан тасдиқланади. Ҳисобдор шахслар муомала содир бўлгандан кейин 3 кун ичида ҳисобот тузишлари лозим. Қолдиқ суммалари кассага топширилади, ортиқча сарф қилинган бўлса кассадан фарқ сумма берилади. Агарда шахслар ўз вақтида ҳисобот бермасалар бу суммалар уларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинади.

Вазифа. 1999 — йил сентябрь ойида корхонада содир бўлган муомалаларни дастлабки ҳужжатларга асосан касса ва ҳисобдор шахслар билан ҳисоблашишлар счётидаги маблағларнинг ҳаракати қайд қилинсин. 50- “Касса” счётидаги маблағларнинг ҳаракати ва қолдиғи ҳисоблаб чиқилсин ҳамда маълумотлар 1 ва 2-ведомостларда йиғилсин.

Вазифани бажариш учун маълумотлар:

1. Синтетик счётлардаги 01.09.1999 — йилдаги маблағларнинг қолдиғи.

Счёт №	Счётнинг номи	Сум
40	“Касса”	3000
71	“Ҳисобдор шахслар билан ҳисоблашишлар”	5000
51	“Ҳисоблашиш (жорий) счёти”	1400000
52	“Валюта счёти” Sovo ДМ, \$ 10000 д	1400000
70	“Меҳнатга ҳақ тулаш буйича ҳисоблашилар”	250000

Маълумот: Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 1999 — йил 01.09 га ўзаро ҳисоблашишдаги валюта курслари сўмда.

1. АҚШ доллари \$=60 сўм.

2. Олмония маркаси ДМ=40 сўм ва ҳоказо.

01.09. санасида 52-“Валюта счётидаги” маблағларнинг тузилиши

АҚШ доллари = 2000\$

Олмония маркаси = 5000 ДМ

50-“Касса” счётининг аналитик ҳисобларини юритиш қолдиғи.

№	Ҳисобларнинг турлари	коди
1.	Кассадаги маблағларнинг қолдиғи	5000
2.	Кириmlар: — банкдан олинган маблағлар — ҳисобдор шахсларнинг қиймати — нақд пулга сотилган маҳсулотлар ва ҳоказо	5001 500101 500102 500103
3.	Чиқимлар: — меҳнат ҳақи тулаш — ҳисобдор шахсларга аванс бериш — нафақа тулаш ва ҳоказо	5002 50021 50022 50023

Сентябрь ойида корхона фаолиятида қуйидаги муомалалар содир бўлди:

№	Муомала мазмуни	сўм
1.	Кассага ҳисоблашиш счётидан қуйидаги мақсадлар учун нақд пул олинади: — меҳнат ҳақи бериш — хўжалик сарфлари учун	500000 30000
2.	Нақд пулга сотилган товарларнинг қиймати кассага туланди.	50000
3.	Ҳисобдор шахсларнинг фойдаланилмаган аванс суммаси кассага кирим қилинди: — В. Исмоиловдан — К. Фозиловдан	1000 500
4.	Хизмат сафари харажатларининг ортиқча сарфи кассадан туланди: — Б. Эргашевга — М. Расуловга	2500 2750
5.	Кассадан қуйидаги йўналишларга пул берилди: — ишчиларга меҳнат ҳақи; — нафақа пули; — ундирилган алиментлар; — ўтган ой кўрсаткичлари учун мукофотлар	400000 30000 15000 50000

6.	Тасдиқланган аванс ҳисоботиға мувофиқ сарфланган маблағлар ҳисобдан чиқарилди: — В. Исмоилов зиммасидан — захираларни тайёрлашға сарфланган — К. Фозилов зиммасидан — давр харажатларига, хизмат сарфи учун	3000 2500
7.	Кассадаги лимитдан ортиқча нақд пул ҳисоблаш счётиға ўтказилди	15000
8.	Четга бажарилган ишлар ва хизматлар қиймати кассаға кирим қилинди	45000
9.	Брак маҳсулот ишлаб чиқарган ходимлар актга асосан кассаға брак маҳсулотнинг қийматини тўладилар	1200
10.	Ҳаммом, бичиш-тўқув устахонасига тушган маблағлар кирим қилинди	7500
11.	Банкдаги махсус счётдан нақд пул олди	25000
12.	Нақд пулга ходимларга пансионат ва санаторияларга йўлланма сотилди	3500
13.	Лавозимдаги шахсларга нақд пулга умумий ошқатқич талонлари ва транспорт чипталари сотилди	15000
14.	Инвентаризация натижасида аниқланган ортиқча нақд пуллар кирим қилинди	400
15.	Сотилган таомлар бўйича тушган пуллар кассаға кирим қилинди	35000
16.	Айбдор шахслардан келтирилган камомад суммаси кассаға кирим қилинди	800
17.	Болалар муассасалари учун ота-оналардан олинган бадал кассаға кирим қилинди	5600
18.	Банкнинг узоқ муддатли қарзи ҳисобидан меҳнат ҳақи бериш учун нақд пул олинди	135000
19.	Якка тартибда уй-жой қуриш учун банкдан ссуда ҳисобига нақд пул олинди	500000
20.	Бюджет маблағи ҳисобига кассаға нақд пул кирим қилинди	23000

21.	Сотилган маҳсулотлардан тушган нақд пул ҳисоблашиш счётига ўтказилди	50000
22.	Ота-оналардан болалар боғчаси хизмати учун тушган пул махсус счётга ўтказилди	5600
23.	Нақд пулга алоқа белгилари ва транспорт чипталари сотиб олинди.	12000
24.	Ҳисобот бўйича ҳисобдор шахсларга ортиқча сарфланган пул туланди	2000
25.	Банкдан қарз ҳисобига олинган пуллар ходимларга берилди	2000
26.	Инвентаризация натижасида кассада камомад аниқланди	500
27.	Махсус мақсадли фондлар ҳисобидан ходимларга моддий ёрдам берилди	70000
28.	Якка тартибда уй-жой қурилиши учун қарзлар бўйича нақд пул ўтказилди	150000
29.	Ҳисобдор шахсларга тасдиқланган ҳисоботи бўйича ортиқча сарфи учун нақд пул берилди	800
30.	Лавозимдаги шахсларга ҳисобдорлик бўйича овқатланиш талонлари ва автобус чипталари берилди	5600
31.	Ҳисоботга мувофиқ ҳисобдор шахслар орқали олинган материаллар кирим қилинди	3000
32.	Ҳисоботга мувофиқ ҳисобдор шахслар орқали олинган арзон баҳоли ва тез тузувчан буюмлар кирим қилинди	1800
33.	Ҳисоботга мувофиқ ҳисобдор шахслар томонидан асосий ишлаб чиқаришга майда сарфлар қилинди	1300
34.	Ёрдамчи ишлаб чиқаришга ҳисобдор шахслар томонидан майда сарфлар қилинди	900
35.	Маҳсулотнинг реализациясига ҳисобдор шахслар томонидан маблағ сарфланди	1600
36.	Ҳисобдор шахслар томонидан олинган авансинг ортиқча қисми қайтарилди	600

37.	Реализация қилинган таомлардан тушган пул кассага топширилди	6700
38.	Нақд пулга ҳисобдор шахслар орқали алоқа белгилари ва транспорт чипталари сотиб олинди	3200
39.	Ҳисобдор шахслар аванс суммасини ўз вақтида қайтармадилар	1900
40.	Ҳисоботга мувофиқ чет элга хизмат сафари сарфлари тасдиқланди	1100
41.	Олинган валютанинг ортиқча қисми сумда кассага қайтарилди	7100
42.	Валютанинг сум даражалари ўртасидаги фарқ зарарга ўтказилди	700
43.	Хизмат сарфига олинган аванс валютанинг қайтарилган сўми ўртасидаги фарқ корхона фойдасига ўтказилди	300

50- “Касса” счёти бўйича жамғарма қайдномаси

Сана	Асосий счёт	Боғланувчи	Муомала	коди	Суми
				дебет	кредит

**МАВЗУНИ ЎЗЛАШТИРИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ
УЧУН ТЕСТ САВОЛЛАРИ**

1. Ҳисобдор шахслар томонидан аванс суммаси бўйича ўз вақтида аванс-ҳисобот берилди.

- а) Дт 71 Кт 70
б) Дт 70 Кт 71
в) Дт 84 Кт 71
г) Дт 71 Кт 84

2. Ошхона мудирлари томонидан нақд пул кассага топширилди.

- а) Дт 71 Кт 50
б) Дт 50 Кт 71
в) Дт 50 Кт 46
г) Дт 50 Кт 29

3. Нақд пулга сотилган товарлар суммаси кассага кирим қилинди.

а) Дт	50	Кт	71
б) Дт	50	Кт	46
в) Дт	50	Кт	45
г) Дт	50	Кт	41

4. Ҳаммом мудири кўрсатилган хизматлар учун тушган пулни кассага топширди.

а) Дт	50	Кт	26
б) Дт	50	Кт	71
в) Дт	50	Кт	29
г) Дт	50	Кт	73

5. Брак маҳсулот ишлаб чиқарганлиги учун ишчилар кассага нақд пул топширдилар.

а) Дт	50	Кт	84
б) Дт	50	Кт	28
в) Дт	84	Кт	28
г) Дт	50	Кт	50

6. Инвентаризация натижасида ортиқча чиққан пул кассага кирим қилинди.

а) Дт	50	Кт	71
б) Дт	50	Кт	68
в) Дт	84	Кт	80
г) Дт	50	Кт	26

7. Санатория ва пансионатлар учун ходимларга нақд пулга йўлланма сотилди.

а) Дт	70	Кт	50
б) Дт	50	Кт	70
в) Дт	50	Кт	56
г) Дт	56	Кт	50

8. Айбдор шахслар келтирган зарарлар ундириб олинди.

а) Дт	50	Кт	70
б) Дт	70	Кт	73
в) Дт	73	Кт	50
г) Дт	50	Кт	73

9. Авансинг ортиқча қисми ҳисобот тасдиқлангандан кейин кассага топширилди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 50 | КТ | 71 |
| б) ДТ | 50 | КТ | 70 |
| в) ДТ | 71 | КТ | 26 |
| г) ДТ | 70 | КТ | 71 |

10. Якка тартибда уй-жой қуриш учун банкдан кассага пул олинди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 50 | КТ | 90 |
| б) ДТ | 50 | КТ | 93 |
| в) ДТ | 96 | КТ | 50 |
| г) ДТ | 50 | КТ | 94 |

11. Ходимларга кассадан меҳнат ҳақи берилди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 70 | КТ | 50 |
| б) ДТ | 50 | КТ | 70 |
| в) ДТ | 26 | КТ | 50 |
| г) ДТ | 20 | КТ | 50 |

12. Кассадаги ортиқча пул банкдаги ҳисоблашиш счётига топширилди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 50 | КТ | 71 |
| б) ДТ | 50 | КТ | 51 |
| в) ДТ | 52 | КТ | 50 |
| г) ДТ | 51 | КТ | 50 |

13. Ҳисобдор шахсларга кассадан аванс берилди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 50 | КТ | 71 |
| б) ДТ | 71 | КТ | 50 |
| в) ДТ | 70 | КТ | 50 |
| г) ДТ | 26 | КТ | 51 |

14. Ҳисобдор шахслар нақд пулга транспорт чипталарини сотиб олдилар.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 26 | КТ | 71 |
| б) ДТ | 50 | КТ | 71 |
| в) ДТ | 56 | КТ | 71 |
| г) ДТ | 71 | КТ | 56 |

15. Ҳисобдор шахслар томонидан олинган аванслар уз вақтида қайтарилди

а) Дт	84	Кт	71
б) Дт	84	Кт	73
в) Дт	71	Кт	84
г) Дт	63	Кт	71

16. Ҳисобдор шахслар томонидан олинган арзон баҳоли ва тез тузувчан буюмлар кирим қилинди.

а) Дт	10	Кт	71
б) Дт	12	Кт	71
в) Дт	71	Кт	12
г) Дт	16	Кт	71

17. Маҳсулотларнинг реализациясига ҳисобдор шахс томонидан нақд пул сарф қилинди.

а) Дт	20	Кт	71
б) Дт	46	Кт	71
в) Дт	26	Кт	71
г) Дт	40	Кт	71

18. Ошхона мудири сотган таомларидан тушган пулни кассага топширди.

а) Дт	50	Кт	29
б) Дт	71	Кт	29
в) Дт	29	Кт	71
г) Дт	50	Кт	71

19. Асосий ишлаб чиқаришга ҳисобдор шахс томонидан нақд пул сарфланди.

а) Дт	23	Кт	71
б) Дт	20	Кт	71
в) Дт	71	Кт	71
г) Дт	71	Кт	76

20. Корхона бош муҳандисининг хизмат сафари бўйича ҳисоботи тасдиқланди.

а) Дт	20	Кт	71
б) Дт	25	Кт	71
в) Дт	71	Кт	26
г) Дт	26	Кт	71

21. Корхона муҳандисининг чет давлатга хизмат сарфи учун валютада аванс берилди.

а) ДТ	71-1	КТ	50
б) ДТ	71-2	КТ	50
в) ДТ	26	КТ	50
г) ДТ	25	КТ	50

22. Чет давлатга хизмат сафарига бориб келган шахснинг олган авансидан ортиб қолган валютаси сўмда кассага кирим қилинганда курс фарқи аниқланди ва хўжаликнинг зарарига ўтказилди.

а) ДТ	26	КТ	71-1
б) ДТ	80	КТ	26
в) ДТ	80	КТ	71-2
г) ДТ	83	КТ	71-2

БАНКДАГИ ҲИСОБЛАШИШ СЌЕТИ БЎЙИЧА МУОМАЛАЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

Юридик ва жисмоний шахслар мустақил балансга, Низом ва уставига эга корхоналар банкларда ўзларининг ҳисоб-китобларини очиш ҳуқуқига эгадирлар.

Корхоналар-субъектлар ҳисоблашиш сўети очаётганда банкка қўйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

- ҳисоблашиш сўетини очиш тўғрисида ариза;
- рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳнома;
- устав ва таъсис шартномасининг нотариал идора томонидан тасдиқланган нусхаси;
- нотариал идора томонидан тасдиқланган имзолар ва муҳр белгилари туширилган икки дона карточка (1-имзо корхона раҳбариники, 2-имзо бош ҳисобчисиники);
- солиқ инспекцияси ва Пенсия жамғармасида рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида маълумотнома;
- ҳисоблашиш сўетини очиш жараёнида корхона банк билан шартнома тузади ва юридик шахснинг ҳисоблашиш сўети № берилади;
- ҳисоблашиш сўетида корхонанинг айланишдан озод маблағлари, маҳсулотни сотиш, иш бажариш ва хизматларни кўрсатишдан тушган тушумлар олинади ва ҳисоблашишининг асосий қисми амалга оширилади;
- мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоблашиш;

- туловлар буйича бюджет билан ҳисоблашиш;
- ижтимоий муҳофаза ташкилотлари давлат суғурта идоралари билан ҳисоблашиш;
- бошқа дебитор ва кредиторлар билан ҳисоблашиш;
- меҳнат ҳақи, моддий ёрдам, мукофот, нафақа ва шунга ўхшаш йуналишдаги нақд пулларни кассага олиш.

Бу маблағларни ўтказиш ёки нақд олиш корхона раҳбарининг топшириғи ва розилиғи билангина амалга оширилади. Айрим ҳолларда (қонунга мувофиқ) банк корхона розилигисиз маблағларни ҳисоблашишга ўтказиши мумкин:

- бюджетга бўлган қарзлар;
- маҳаллий ва хўжалик судларининг ижро варақларига маҳаллий суднинг асосан қолган барча муаммолари корхона розилиғи билан тасдиқланган вақтда амалга оширилади, яъни банкка пул келиб тушиши ва счётларни туловга қабул қилиш вақти инобатга олинади.

Пул маблағларини қабул қилиш, нақд пулни бериш ва нақд пулсиз ҳисобларни амалга ошириш банк томонидан қўйидаги ҳужжатларга асосан амалга оширилади:

“Нақд пулни кирим қилиш эълони” — бу ҳужжат ҳисоблашиш счётига нақд пул топширилганда қўлланилади ва пул қўювчига тасдиқловчи ҳужжат сифатида патта (квитанция) берилади;

“Пул чеки” — ҳисоблашиш счётидан тегишли миқдордаги нақд пулни олиш учун корхонанинг банкка берадиган буйруғи;

“Тулов топшириқномаси” — корхонанинг ҳисоблашиш счётидан мол етказиб берувчилар, пудратчилар, юқори ташкилотлар, молия ва суғурта ташкилотларининг счётига тегишли маблағларни кўчириши туғрисидаги топшириғи;

“Ҳисоблашиш чеки” — нақд пул олиш чекидан бошқача кўринишда бўлиб, корхонанинг ҳисоблашиш счётидан олувчининг счётига тегишли маблағни ўтказиш учун банкка асос бўлувчи ҳужжат;

“Ҳисоблашиш счётидан кўчирма” — корхонанинг банкдаги шахсий ҳисоб варағининг нусхаси. Унда берилган маблағларнинг ҳаракати, қолдиғи туғрисида маълумот бериб турилади.

Кўчирма (нусха)да шунга эътибор бериши керакки, дебет томонидаги суммалар банк қарзининг камайиши

ва кредитидаги суммалар қарзларнинг кўпайишини билдиради. Кўчирмани ўқиш осон бўлиши учун содир бўлган муомалаларга рақамлар (кодлар) қўйилади.

Ҳисоблашиш счётидан кўчирма аналитик ҳисоб регистри ҳисобланади ва бухгалтерия ёзувларини амалга оширишда асос бўлади. Чунки унга илова қилинган ҳужжатлардан банкнинг тўлаганлиги ёки қабул қилганлиги тўғрисида махсус белги қўйилади. Агар кўчирмада хато мавжуд бўлса, бу сумма 63-“Даъволар бўйича ҳисоблашиш” счётига ўтказилиб, банкка маълум қилинади. Кўчирмадаги ҳар бир муомала қатори алоқадор счётларнинг ичидаги муаммолар йўналиши бўйича гуруҳлаштирилади. Корхонада ҳисоблашиш счётидаги муомалаларнинг синтетик ҳисоби 51-“Ҳисоблашиш счёти” — актив, синтетик счётда юритилади. Унинг дебет томонида ой бошидаги маблағнинг қолдиғи, корхона кассасидан нақд пулларнинг қайтиши, истеъмолчи, буюртмачи ва дебиторлардан келиб тушган маблағлар, олинган ссудалар кўрсатилади. Кредит томонида эса, мол етказиб берувчиларга олинган хом ашё ва материаллар, пудратчиларга бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланган суммалар, бюджетдан ва суғурта ташкилотларидан қарздорлик, олинган ссудалар бўйича ва кредиторлик қарзларини тўлаш, корхона олган нақд пуллар қайд қилиб борилади.

Банк муомалаларининг тасдиқланган кодлари

Муомала коди	Муомалалар турлари	
	Дебети бўйича	Кредити бўйича
01	Топшириқномага мувофиқ ҳисобдан чиқарилди	Тўлов топшириқномага мувофиқ кирим қилинди
02	Тўлов топшириқномага мувофиқ тўланди	
03	Чекка мувофиқ нақд пул тўланди	Нақд пул кирим қилинди
04	Ҳисоблашиш чекининг суммаси тўланди	Ҳисоблашиш чеки кирим қилинди
05	Аризага мувофиқ қўйилган аккредитивлар ёки махсус счётлар тўланди	Аккредитив ёки махсус счётда фойдаланилмай қолган сумма кирим қилинди

06	Ҳисоблашиш счёти кучирмасининг иловасига мувофиқ ҳисобдан чиқарилди	Ҳисоблашиш счёти кучирмасининг иловасига мувофиқ кирим қилинди
07	Қарзни тулаш учун ҳисобдан чиқарилди	Аризага мувофиқ берилган ссуда ҳисоблашиш счётига қабул қилинди
08	Аризага мувофиқ, лимитланган чек дафтарчаси берилди	Лимитланган чек дафтарчасининг қолдиқ суммаси кирим қилинди
09	Махсус ссуда счётлари муқобиллаштирилди	Махсус ссуда счётлари муқобиллаштирилди
10	Олинган ссудаларнинг фоизлари ҳисобдан чиқарилди	Берилган ссудалар бўйича туланган фоизлар кирим қилинди

Ҳисоблашиш счётидан кучирма асосан 2-журнал-ордер кредит муомалалари суммаларини умумлаштиради, 2-ведомость эса дебет муомалалари бўйича маблағлар ҳаракатини назорат қилади. Бу журнал-ордер ва ведомость маълумотлари ёрдамида бухгалтерия ходимлари ҳисоблашиш счётига кирим қилинган пул маблағларининг манбаларини, сарфланиш мақсадлари ва бошқа ташкилот ва корхоналар олдидаги тулов мажбуриятининг бажарилишини назорат қиладилар.

Ҳозирги давр талабига асосан ҳисоб ишларига ҳисоблаш техникаларини муваффақиятли жорий қилиш (компьютерлаштириш) учун ҳисоблашиш счёти муомалаларининг аналитик ҳисобини кодлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Аналитик ҳисоб кодлари

№	Аналитик ҳисоб турлари	код
1	Ҳисоблашиш счётидаги маблағларнинг қолдиги	51000
2	Ҳисоблашиш счётидаги маблағларнинг кирими	51100
	— маҳсулотни сотишдан келган тушум	51101
	— истеъмолчи ва буюртмачилардан олинган аванслар	51102

	— асосий воситаларни сотишдан келган тушум	51103
	— бошқа активларни сотишдан келган тушум	51104
	— дебиторлардан келган тушум	51105
	— кассадаги ортиқча пулнинг кайтарилиши	51106
	— суғурта тўловлари	51107
	— қисқа муддатли ссудалар	51108
	— узоқ муддатли заёмлар	51109
	— нотўғри ҳисобланган суммалар ва ҳоказолар	51110
3.	Ҳисоблашиш счётидан маблағларнинг чиқими	51200
	— мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўловлар	51201
	— кассага нақд пул	51202
	— ишлаб чиқариш сарфлари	51203
	— ходимлар меҳнат ҳақининг халқ банкига утказилиши	51204
	— бандлик жамғармаси	51205
	— фойда солиғи	51206
	— акциз солиғи	51207
	— ижтимоий суғурта жамғармасига	51208
	— қисқа муддатли ссудаларни тўлаш	51209
	— узоқ муддатли кредитларни тўлаш	51210
	— ижара мажбуриятларини тўлаш	51211
	— нотўғри чиқарилган суммалар ва бошқалар	51212

Вазифа. Корхонада амалга оширилган қуйидаги муомалаларга асосан ҳисоблашиш счётидаги маблағларнинг ҳаракати қайд қилинсин. Банк берган кўчирмага кўра, ҳисоблашиш варағидаги маблағлар қолдиғи 1400000 сум.

Сентябр ойида амалга оширилган муомалалар

№1	Муомалалар мазмуни	Суммаси
1	Маҳсулот сотишдан келган тушум ҳисоблашиш счётига кирим қилинди	300000
2	Истеъмолчининг илгариги қарзи туланди ва ҳисоблашиш счётига қайд қилинди	150000
3	Қуйидаги сотилган активларнинг қиймати ҳисоблашиш счётига қайд қилинди: — асосий воситалар; — номоддий активлар	100000 150000
4	Мол етказиб берувчилардан олинган хом ашёнинг қиймати ҳисоблашиш счётидан туланди	200000
5	Истеъмолчилардан мол етказиб бериш учун олдиндан аванс олинди	100000
6	Ҳисоблашиш счётидан ходимларнинг жамоат транспортида юришлари учун йул патталарига пул туланди	15000
7	Дебитор қарзлари олиниб кирим қилинди	30000
8	Ҳисоблашиш счётидан нотўғри қайд қилинган сумма аниқланди	40000
9	Бандлик жамғармасига ҳисоблашиш счётидан маблағ туланди	25000
10	Ишчи ва ходимларнинг иш ҳақи банкдаги шахсий дафтарчага ўтказилди	80000
11	Ҳисоблашиш счётидан қуйидаги туловлар туланди: — ижтимоий суғурта жамғармасига; — фойда солиғи; — акциз солиғи	90000 30000 18000
12	Кассадаги лимитдан ортиқча нақд пул ҳисоблашиш счётига қабул қилинди	15000
13	Олинган қисқа муддатли банк ссуда ҳисоблашиш счётига қабул қилинди	250000
14	Бошқа корхона ва фирмалардан қарз олинди: — қисқа муддатли қарз; — узоқ муддатли қарз;	150000 300000

15	Банкдан олинган қисқа муддатли ссуданинг фоизи туланди	20000
16	Банкдан олинган қисқа муддатли ссуда ҳисоблашиш счётидан қайтариб берилди	250000
17	Узоқ муддатга ижарага олинган асосий воситанинг ижара ҳақи туланди	30000
18	Корхона ва фирмалардан олинган қисқа муддатли ссуданинг фоизи туланди	12000
19	Истеъмол қилинган электр энергияси қиймати туланди	80000
20	Корхона ва фирмалардан олинган қисқа муддатли қарз қайтариб берилди	150000
21	Ижара мажбуриятлари суммаси ижарачилардан кирим қилинди	30000
22	Қимматли қоғозларни қайтариш натижасида узоқ муддатли қўйилмалар ҳисобдан чиқарилди	50000
23	Мол етказиб берувчиларнинг айби билан содир бўлган брак маҳсулот қиймати ундириб олинди	8000
24	Аккредитив ва чек дафтарларининг фойдаланилмай қолган суммаси қабул қилинди	16000
25	Пул маблағлари депозитдан қайтарилди	70000
26	Бошқа юридик шахсларга берилган қисқа муддатли қарзлар ундирилди	75000
27	Суғурта ташкилотларидан далолатномага мувофиқ олинган суғурта суммаси кирим қилинди	80000
28	Ишчи ва хизматчиларга тулаш учун давлат суғурта ташкилотларидан утказилди	150000
29	Таъсисчиларнинг маблағи ҳисоблашиш счётига келиб тушди	250000
30	Хужаликлараро корхоналардан пул маблағлари кирим қилинди	60000
31	Турли юридик шахслар дебитор қарзларини туладилар	28000

32	Узоқ муддатли молиявий қўйилмалардан олинган даромадлар кирим қилинди	50000
33	Юридик шахслардан қисқа муддатли қарз олинди	100000
34	Юридик шахслардан узоқ муддатли қарз олинди	300000
35	Махсус мақсадлар учун бюджетдан маблағлар олинди	200000
36	Номоддий активлар сотиб олинди	450000
37	Қимматли қоғозлар сотиб олинди	350000
38	Бошқа ташкилотларнинг асосий ишлаб чиқаришга қилган хизмати ҳақи туланди	175000
39	Бошқа ташкилотлардан ёрдамчи ишлаб чиқаришга курсатилган хизматлар ҳақи тегишли ҳужжатларга асосан туланди	170000
40	Хужалик ҳисобидан олий ўқув юртларига ўқишга жўнатилган талабаларга стипендия туланди	3000
41	Келгуси йил учун рўзнома ва ойномаларга обуна ҳақи туланди	80000
42	Ҳисоблашиш счётидан аккредитив ва чек дафтарчаси очилди	580000
43	Олинган йўлланмалар қиймати туланди	90000
44	Акциядорлардан акция сотиб олинди	500000
45	Заёмлар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар сотиб олинди	700000
46	Пул маблағлари депозитларга ўтказилди	300000
47	Бошқа юридик шахсларга қисқа муддатли қарзлар берилди	500000
48	Банк берган кучирмадаги хато ёзувга даъво билдирилди	150000
49	Суғурга ташкилотларига шартномага мувофиқ маблағ ўтказилди	9000
50	Ходимларнинг қарзга олинган товарлари учун савдо фирмаларига маблағ ўтказилди	100000

51-«Ҳисоблашиш» счёти буйича жамғарма

Асосий счёт	Боғланувчи счёт	Аналитик счёт кодлари	Сана	Сумма	
				Дебет	Кредит

**МАВЗУНИ ЎЗЛАШТИРИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ
УЧУН ТЕСТ САВОЛЛАРИ**

1. Қимматли қоғозларни қайтариш натижасида узоқ муддатли қуйилмалар ҳисобдан чиқарилди.

- а) ДТ 06 КТ 51
- б) ДТ 58 КТ 51
- в) ДТ 51 КТ 06
- г) ДТ 51 КТ 58

2. Асосий воситаларни сотишдан олинган маблағ кирим қилинди.

- а) ДТ 48 КТ 51
- б) ДТ 51 КТ 47
- в) ДТ 51 КТ 48
- г) ДТ 51 КТ 76

3. Сотилган моддий активлар қиймати кирим қилинди.

- а) ДТ 51 КТ 47
- б) ДТ 51 КТ 76
- в) ДТ 48 КТ 51
- г) ДТ 51 КТ 48

4. Маҳсулот сотишдан тушган киримлар қабул қилинди.

- а) ДТ 46 КТ 51
- б) ДТ 51 КТ 62
- в) ДТ 51 КТ 60
- г) ДТ 51 КТ 46

5. Ходимларнинг ўз вақтида олинмаган нақд пули кассадан ҳисоблашиш счётига ўтказилди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 51 | КТ | 50 |
| б) ДТ | 51 | КТ | 58 |
| в) ДТ | 51 | КТ | 56 |
| г) ДТ | 50 | КТ | 51 |

6. Бошқа юридик шахслар олган узоқ муддатли қарзларни қайтардилар.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 51 | КТ | 76 |
| б) ДТ | 51 | КТ | 94 |
| в) ДТ | 51 | КТ | 95 |
| г) ДТ | 95 | КТ | 51 |

7. Шартномага асосан суғурта ташкилотларидан олинган маблағ кирим қилинди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 65 | КТ | 51 |
| б) ДТ | 51 | КТ | 65 |
| в) ДТ | 51 | КТ | 63 |
| г) ДТ | 51 | КТ | 76 |

8. Ишлаб чиқариш мақсадлари учун давлат банкидан қисқа муддатли қарз олинди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 90 | КТ | 51 |
| б) ДТ | 51 | КТ | 76 |
| в) ДТ | 51 | КТ | 90 |
| г) ДТ | 51 | КТ | 92 |

9. Таъсисчиларнинг қўйилмалари ҳисоблашиш счётига кирим қилинди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 51 | КТ | 75 |
| б) ДТ | 76 | КТ | 51 |
| в) ДТ | 51 | КТ | 76 |
| г) ДТ | 75 | КТ | 51 |

10. Узоқ муддатли молиявий қўйилмалардан олинган даромадлар кирим қилинди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 51 | КТ | 06 |
| б) ДТ | 51 | КТ | 76 |
| в) ДТ | 80 | КТ | 51 |
| г) ДТ | 51 | КТ | 80 |

11. Махсус тадбирларни маблағ билан таъминлашга бюджетдан ажратилган маблағ кирим қилинди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) Дт | 51 | Кт | 68 |
| б) Дт | 96 | Кт | 51 |
| в) Дт | 51 | Кт | 96 |
| г) Дт | 92 | Кт | 96 |

12. Ҳисоблашиш счётидан кучирмага асосан нотўғри ўтказилган суммага даъво қилинди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) Дт | 51 | Кт | 76 |
| б) Дт | 51 | Кт | 63 |
| в) Дт | 63 | Кт | 51 |
| г) Дт | 76 | Кт | 51 |

13. Акциядорлик жамиятининг акциялари сотиб олинди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) Дт | 06 | Кт | 51 |
| б) Дт | 58 | Кт | 51 |
| в) Дт | 51 | Кт | 56 |
| г) Дт | 56 | Кт | 51 |

14. Келгуси йил газета ва журналларга обуна суммаси ҳисоблашиш счётидан ўтказилди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) Дт | 51 | Кт | 31 |
| б) Дт | 31 | Кт | 51 |
| в) Дт | 26 | Кт | 51 |
| г) Дт | 25 | Кт | 51 |

15. Номоддий активлар бошқа юридик шахслардан сотиб олинди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) Дт | 06 | Кт | 51 |
| б) Дт | 04 | Кт | 51 |
| в) Дт | 76 | Кт | 51 |
| г) Дт | 51 | Кт | 04 |

16. Дам олиш уйлари ва пансионатларга олинган йўлланмаларнинг ҳақи тўланди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) Дт | 26 | Кт | 51 |
| б) Дт | 69 | Кт | 51 |
| в) Дт | 56 | Кт | 51 |
| г) Дт | 56 | Кт | 51 |

17. Хужалик томонидан уқишга йўлланган талабаларга стипендия туланди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 51 | КТ | 76 |
| б) ДТ | 26 | КТ | 51 |
| в) ДТ | 25 | КТ | 51 |
| г) ДТ | 76 | КТ | 51 |

18. Бошқа юридик шахсларга қисқа муддатли қарз берилди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 62 | КТ | 51 |
| б) ДТ | 76 | КТ | 51 |
| в) ДТ | 58 | КТ | 51 |
| г) ДТ | 06 | КТ | 51 |

19. Банкнинг ҳисоблашиш счётидан берган кучирмасидаги хато ёзувга даъво билдирилди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 51 | КТ | 63 |
| б) ДТ | 63 | КТ | 51 |
| в) ДТ | 76 | КТ | 51 |
| г) ДТ | 60 | КТ | 51 |

20. Корхона томонидан облигация ва бошқа қимматли қоғозлар сотиб олинди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 04 | КТ | 51 |
| б) ДТ | 06 | КТ | 51 |
| в) ДТ | 56 | КТ | 51 |
| г) ДТ | 58 | КТ | 51 |

21. Ҳисоблашиш счётидан аккредитив ва чек дафтари очилди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 55 | КТ | 51 |
| б) ДТ | 51 | КТ | 55 |
| в) ДТ | 56 | КТ | 51 |
| г) ДТ | 52 | КТ | 51 |

22. Ходимларнинг аризасига мувофиқ, уларнинг меҳнат ҳақи халқ банкига утказилди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 94 | КТ | 51 |
| б) ДТ | 70 | КТ | 51 |
| в) ДТ | 76 | КТ | 51 |
| г) ДТ | 62 | КТ | 51 |

23. Якка тартибда уй-жой қурилиши учун пул ўтказилди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 51 | КТ | 93 |
| б) ДТ | 95 | КТ | 51 |
| в) ДТ | 93 | КТ | 51 |
| г) ДТ | 94 | КТ | 51 |

24. Ходимларнинг қарзга олган товарлари учун савдо ташкилотларига пул ўтказилди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 76 | КТ | 51 |
| б) ДТ | 73 | КТ | 51 |
| в) ДТ | 70 | КТ | 51 |
| г) ДТ | 50 | КТ | 51 |

25. Таъсисчиларга акциялар бўйича дивиденд туланди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 51 | КТ | 75 |
| б) ДТ | 73 | КТ | 51 |
| в) ДТ | 76 | КТ | 51 |
| г) ДТ | 75 | КТ | 51 |

26. Тузилган шартномага риоя қилмаганлик учун жарима туланди

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 63 | КТ | 51 |
| б) ДТ | 80 | КТ | 51 |
| в) ДТ | 60 | КТ | 51 |
| г) ДТ | 76 | КТ | 51 |

27. Юридик шахслардан олинган қисқа муддатли қарз ҳисоблашиш счётидан туланди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 94 | КТ | 51 |
| б) ДТ | 95 | КТ | 51 |
| в) ДТ | 93 | КТ | 51 |
| г) ДТ | 51 | КТ | 94 |

28. Узоқ муддатли ижарага олинган асосий воситаларнинг ижара ҳақи туланди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 95 | КТ | 51 |
| б) ДТ | 97 | КТ | 51 |
| в) ДТ | 96 | КТ | 51 |
| г) ДТ | 94 | КТ | 51 |

29. Бюджетдан ташқари фондларга ҳисобланган бадаллар ўтказилди.

а) Дт	67	Кт	51
б) Дт	68	Кт	51
в) Дт	76	Кт	51
г) Дт	69	Кт	51

30. Банкнинг асосий воситаларни сотиб олиш учун олинган узоқ муддатли кредити тўланди.

а) Дт	95	Кт	51
б) Дт	90	Кт	51
в) Дт	93	Кт	51
г) Дт	92	Кт	51

ВАЛЮТА СЧЁТИ БЎЙИЧА МУОМАЛАЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

Ҳар бир корхона ва фирма хориж валютасида пул маблағларига эга бўлиши ва муомалаларни амалга ошириши мумкин. Хориж валютасида муомалаларни амалга ошириш учун корхона ва фирмалар тегишли ваколатга эга бўлган банкларда жорий валюта счётларини очишлари лозим. Ушбу банклар эса валютадаги муомалаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикасининг Марказий Банки томонидан бериладиган рухсатнома (лицензия)га эга бўлиши керак. Ушбу лицензияга эга бўлган банкларнинг рўйхати Марказий Банкнинг даврий бюллетенида чоп қилиб борилади.

Банкда валюта счётини очиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилиш талаб қилинади:

- валюта счётини очиш учун ариза;
- нотариал идораси ёки қайд қилувчи муассаса томонидан тасдиқланган таъсис ҳужжатларининг нусхаси;
- нотариал идора томонидан тасдиқланган қайд қилиш ҳужжати;
- корхона ёки фирманинг қайд қилинганлиги туғрисида солиқ назорати ва нафақа фондининг тасдиқномаси;
- нотариал идора томонидан тасдиқланган имзо намунаси ва муҳр қўйилган карточка.

Валюта счёти очилгандан кейин банк ва шахс ўртасида шартнома тузилиб унда ҳисоблашиш-касса хизматлари, банкнинг бошқа хизмат турлари, таъриф-

лар, хизмат кўрсатиш ҳақи, маблағларни жойлаштириш шартлари, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва шунга ўхшашлар кўрсатилади.

Валютада бўладиган муомалалар тегишли қонун ва Марказий Банк ҳисоблашиш муомалалари учун валютанинг сўмга нисбатан курсини белгилайди ва шу курслар муомалаларини амалга оширишда асосий кўрсаткич бўлиб хизмат қилади.

Қонунда «валюта», «валюта қийматлари», «валюта муомалалари ва унинг турлари», «ваколатли банклар», шахслар аниқ белгиланади.

Чет эл валюталари ва чет эл валютасидаги қимматбаҳо қоғозлар муомалалари жорий валюта ва капиталларнинг ҳаракати билан боғланган валюта муомалаларига бўлинади.

А. ВАЛЮТАНИНГ ЖОРИЙ МУОМАЛАЛАРИ:

— товар бажарилган иш ва хизматлар ҳақини кирим қилиш ва тўлаш муомалалари;

— 180 кунгача молиявий кредитлар бериш ва олиш;

— капиталларнинг ҳаракати билан боғлиқ бўлган инвестиция, кредитлар ва шунга ўхшаш маблағларни олиш ва тўлаш;

— меҳнат ҳақи, нафақа, алимент ва бошқа носавдо хусусиятида бўлган муомалалар суммаларининг кирими ва чиқими;

Б. КАПИТАЛНИНГ ҲАРАКАТИ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН ВАЛЮТА МУОМАЛАЛАРИ:

— корхонанинг устав капиталига туғридан-туғри инвестиция қилиш;

— қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш, яъни портфель инвестицияси;

— 180 кундан ортиқча молиявий кредитлар олиш ёки бериш;

— товар бажарилган иш ва хизматларнинг экспорт ва импорти бўйича туловларни 180 кундан ортиқча тузиш.

Валюта муомалаларини «резидентлар» ва «резидент бўлмаганлар» (норезидентлар) амалга ошириши мумкин.

Резидентлар — булар жисмоний шахслар бўлиб, мамлакатда доимий яшайдиган, қонунда белгиланган ва мамлакатда жойлашган юридик шахслар ва бошқа-

лардир. Резидентлар томонидан валютанинг жорий муомалаларини амалга ошириш чегараланмаган.

Норезидентлар — мамлакатдан четда доимий яшаётган жисмоний шахслар, мамлакатдан ташқарида жойлашган қонун билан белгиланган юридик шахслар ва бошқалардир.

Норезидентлар Марказий Банкнинг курсатмасига ва «Норезидентларнинг ваколатли банкларда валюта счёtlарини очиш ва юритиш тартиби»га мувофиқ ваколатли банкларда сўм билан ҳисобланадиган счёtlарни очадилар, бу счёtlар орқали экспорт ва импорт муомалаларига хизмат қиладилар ва инвестиция фаолиятини амалга оширадилар. Капиталнинг ҳаракати билан боғлиқ муомалалари Марказий Банк томонидан жорий қилинган тартибга асосан амалга оширилади. Кирим қилинаётган валюта маблағлари аввало транзит счёtgа қабул қилинади ва қисман қабул қилиниб, бошқа қисми сотилади, яъни қабул қилинмайди.

Норматив ҳужжатларга мувофиқ тушган валюта маблагининг бир қисми белгиланган курс бўйича валюта биржасида сотилиши керак. Лекин белгиланган имтиёзларга мувофиқ валютанинг қуйидаги тушумлари сотишдан озод қилинади:

— жалб қилинадиган кредит суммалари, кредитлар тулаш ва ҳисобланган фоизлар;

— даллол ташкилотлардан тушган экспорт даромадининг бир қисми;

— норезидентларнинг устав капиталига қўйилмалари ва капиталда қатнашганлигидан олинган даромадлар;

— қимматбаҳо қоғозларни сотиш тушумлари ва бу қоғозлар бўйича олинган дивидентлар.

Ўзбекистон Республикасида фаолият курсатаётган фирмалар тузилган шартнома ва контрактлар бўйича ташқи иқтисодий алоқалари-муомалалари бўйича тушган валюта суммасининг маълум фоизини ваколатли банклар ёки ҳужаликнинг ҳисоблашиш субъекти орқали валюта биржасида Марказий Банк томонидан белгиланган курс бўйича сотишлари шарт.

Хорижий истеъмолчи товарни олгандан кейин мол етказиб берувчининг ваколатли банкидаги счётига унинг қийматини хориж валютасида ўтказди. Тижорат банки эса мол етказиб берувчининг тегишли счётига ушбу маблағ келиб тушганини хабар қилади ва маълум фоизини Марказий Банк боғловчи счётига сотиш учун ўтказди ва бу муомалани валюта счётининг эгасига

билдиради. Шунинг учун ушбу муомала бўйича келиб тушган маблағ аввало транзит счётада акс эттирилиши тақозо қилинади.

Валютанинг бир қисмини сотиш топшириғига унинг сўмдаги қийматини акс эттирган тўлов топшириғи илова қилиниб ушбу сумма корхонанинг ҳисоблашиш счётига қабул қилинади. Хориж валютасидаги тушум икки қисмдан ташкил топади:

— тушумнинг маълум фоизи хориж валютасида валюта счётига кирим қилинади;

— тушумнинг қолган маълум фоизи сўм эквивалент қийматида корхона ёки фирманинг ҳисоблашиш счётига кирим қилинади.

Сўм эквиваленти — тегишли вақтда Марказий Банк томонидан белгиланган валютанинг сўмга нисбатан қийматидир. Ушбу эквивалент Марказий Банкнинг тегишли бюллетенларида чоп қилиб борилади ва матбуотда эълон қилинади.

Бухгалтерия ҳисобида хориж валютаси бўйича содир бўладиган муомалалар 52 — «Валюта счёти»да ҳисобга олиб борилади. Бу сёт синтетик ва актив сёт ҳисобланиб, унда корхона ёки фирманинг валюта маблағларининг ҳолати ва ҳаракати ҳисобга олинади ва назорат қилиб борилади. Ушбу ҳисобни юритиш ва назоратни чуқурлаштириш мақсадида қуйидаги субсётларни юритиш тавсия қилинади:

52/1 — «Валютанинг транзит счёти»;

52/2 — «Валютанинг жорий счёти»;

52/3 — «Хориждаги валюта счёти».

Корхона ёки фирмалар валюталари мажбурий равишда ҳам сотиши мумкин. Ушбу валютани сотиш муомалалари қуйидагича акс эттирилади.

1. Валюталар транзит сётга қабул қилинганда:

Дт 52/1 — «Валюталар транзит счёти»;

Кт 46 — «Реализация».

2. Хориж валютасини транзит сётдан чиқарганда:

Дт 57 — «Йўлдаги маблағлар»;

Кт 52/1 — «Валютанинг транзит счёти».

3. Сотилган валютанинг ҳисобдан чиқариш кундаги сўм баҳосига:

Дт 48 — «Бошқа активларнинг реализацияси»;

Кт 57 — «Йўлдаги маблағлар».

4. Валютани сотишдан келган сўм тушумига:

Дт 51 — «Ҳисоблашиш счёти»;

Кт 48 — «Бошқа активларнинг реализацияси».

5. Валюта курсидаги ижобий натижа ҳисобдан чиқарилса ушбу суммага:

Дт 48 — «Бошқа активларнинг реализацияси»;

Кт 80/4 — «Молиявий фаолиятдан олинган фойда ёки кўрилган зарарлар».

6. Валюта курсидаги салбий натижа ҳисобдан чиқарилса ушбу суммага:

Дт 80/4 — «Молиявий фаолиятдан олинган фойда ёки кўрилган зарарлар»;

Кт 48 — «Бошқа активларнинг реализацияси».

Агарда корхона ва фирмалар ортиқча валютани ихтиёрий равишда сотсалар 57 — «Йўлдаги маблағлар» счёти қўлланилмайди ва муомалалар счётларда қуйидаги тартибда қайд қилинади:

1. Сотилган валютани охири баҳода ҳисобдан чиқариш:

Дт 48 — «Бошқа активларнинг реализацияси»;

Кт 52/1 — «Жорий валюта счёти».

2. Сотилган кундаги сўм курси бўйича валютани сотишдан келган тушумни қабул қилиш:

Дт 51 — «Ҳисоблашиш счёти»;

Кт 48 — «Бошқа активларнинг реализацияси».

3. Сўм курси бўйича ижобий натижани қайд қилиш:

Дт 48 — «Бошқа активларнинг реализацияси»;

Кт 80/4 — «Молиявий фаолиятдан олинган фойда ёки кўрилган зарарлар».

4. Сўм курси бўйича салбий натижани қайд қилиш:

Дт 80/4 — «Молиявий фаолиятдан олинган фойда ёки кўрилган зарарлар»;

Кт 48 — «Бошқа активларнинг реализацияси».

Чет эл валютасини тартибга солиш Қонунига мувофиқ Марказий Банк томонидан белгиланган тартиб ва мақсадлар учун ички валюта бозорида корхона ва

фирмалар валюталарни ваколатли банклар орқали сотиб олиш мумкин. Ушбу валюталар асосан қуйидаги мақсадларда фойдаланилади:

— чет мамлакатларга хизмат сафарига бориш сарфлари;

— шартнома ва контракт мажбуриятларини бажариш сарфлари ва шунга ўхшашлар.

Хориж валютасини сотиб олиш учун корхоналар тегишли банкларга мақсадлари кўрсатилган ҳолда аризалар берадилар.

Ушбу валютани сотиб олиш муомалалари бухгалтерияда қуйидагича қайд қилинади:

1. Хориж валютасини сотиб олиш учун банкка пул утказиш:

Дт 76 — «Ҳар хил дебитор ва кредиторлар билан ҳисоблашишлар»;

Кт 51 — «Ҳисоблашиш счёти».

2. Хориж валютасини корхонанинг валюта счётига қабул қилиш:

Дт 52/2-«Валютанинг жорий счёти»;

Кт 76-«Ҳар хил дебитор ва кредиторлар билан ҳисоблашишлар».

3. Ваколатли банкка воситачилиги учун хизмат ҳақи бериш:

Дт 80/4-«Молиявий фаолиятдан олинган фойда ёки кўрилган зарарлар»;

Кт 51-«Ҳисоблашиш счёти».

Хориж валюталарини сотиб олиш муомалалар 52/2-«Валютанинг жорий счёти»да ҳисобга олиб борилади.

Хориж валютаси бўйича муомалалар ҳисобга олинганда иккита баҳода, яъни хориж мамлакатининг валютасида ва Ўзбекистон Республикасининг валютаси — сўмда қайд қилиб борилади.

Ушбу валюталарни сотиб олиш вақтида Марказий Банк томонидан белгиланган курсдан ортиқча тўланган сумма корхонанинг зарарига қабул қилинади:

Дт 80/4-«Молиявий фаолиятдан олинган фойда ёки кўрилган зарарлар»;

Кт 51-«Ҳисоблашиш счёти»

Валюта банк хориж валютасининг ҳаракати ва ҳолати тўғрисида корхона ёки фирмага 52-«Валюта

счёти»дан кўчирма бериб боради. Ушбу кўчирмага асосан 52-«Валюта счёти»нинг кредит маълумотлари 2/1-журнал ордерда йиғиб борилади ва ушбу счётнинг дебет суммалари 2/1-ведомость ёрдамида назорат қилиб борилади. Назоратни чуқурлаштириш мақсадида 52-«Валюта счёти» бўйича аналитик ҳисоб карточкалари юритилиб, уларда ҳар бир валюта турлари бўйича алоҳида ҳисобга олиб борилади.

Ҳисоб мажмуасини автоматлаштириш ва осонлаштириш мақсадида 52-«Валюта счёти»даги маблағларнинг ҳолати, ҳаракати ва турлари кодлаштирилади.

№	Маблағларнинг ҳолати ва турлари	Кодлари
1.	Валюта счётидаги маблағларнинг қолдиғи	5220
2.	Маблағларнинг келиб тушиши	5221
3.	Маблағларнинг сарфланиши	5222
4.	Маблағларнинг қиймати (курси)даги фарқи	5223
5.	Америка доллари (\$)	5224
6.	Олмония маркаси DM ва ҳоказо	5225

Ушбу мавзунинг ўзлаштиришни чуқурлаштириш мақсадида корхона ёки фирма мисолида қуйидаги ҳужалик муомалалари келтирилган.

Вазифа.

1. Корхонада содир бўлган муомалалар тегишли счётларда қайд қилинсин.

2. 52-«Валюта счёти», 52/1 «Валютанинг транзит счёти» ва 52/3 «Хориждаги валюта счёти»ларнинг маблағлари жамлансин, ой охиридаги қолдиғи аниқлансин ва ечими тегишли жамғарма қайдномасига туплансин.

Қўшимча маълумотлар:

— валюта счётининг қолдиқ суммалари мавзунинг бошланишида келтирилган;

— хориж валюталарининг сумга нисбатан баҳоси мавзунинг бошланишида келтирилган. Курс даражаси шартлидир.

Сентябрь ойида содир бўлган ҳужалик муомалалари

№	Муомалаларнинг мазмуни	валюта	сўм
1.	199_ йил 03.09. да чет эллик харидорга маҳсулот сотиш натижасида долларда тушум қабул қилинди	1600	96000
2.	Олинган валютанинг 15% Тошкент валюта биржасида сотилди (1\$=50 сўм)	240	12000
3.	Сотилган Америка долларини қиймати миллий сўмда ҳисоблашиш счётига қабул қилинди		12000
4.	199_ йил 09.09. да чет эллик харидордан сотилган маҳсулот қиймати Олмония маркасида қабул қилинди	2000	80000
5.	Валюта счётидан ҳар хил сарфлар учун кассага қабул қилинди:		
	а) Америка доллари	300	18000
	б) Олмония маркаси	400	16000
6.	199_ йил 13.09. да олинган номоддий активларнинг қиймати долларда тўланди	500	30000
7.	Валюта биржасидан доллар сотиб олинди ва қиймати сўмда утказилди (1\$=62 сўм)	1200	74400
8.	Валюта сотиб олишда қатнашган банкнинг хизмати тўланди		3600
9.	Чет давлат валюталари курсларининг 01.10. санасидаги фарқи акс эттирилди (фарқи ижобий)		
10.	Экспортга жунатилган маҳсулотларнинг тушуми долларда қабул қилинди	5000	250000
11.	Чет давлат истеъмолчилари ва буюртмачиларидан аванс қабул қилинди, \$	8000	480000
12.	Чет мамлакат банкаларидан тушган қисқа муддатли ссуда кириш қилинди, \$	25000	1250000

13.	Чет мамлакат банкидан олинган узоқ муддатли кредит кирим қилинди, \$	40000	2000000
14.	Чет мамлакатлардаги юридик шахслардан олинган қисқа муддатли ссуда кирим қилинди, \$	50000	2500000
15.	Чет мамлакат юридик шахсларидан олинган узоқ муддатли кредит кирим қилинди, \$	80000	4000000
16.	Чет эл фирмаларининг фаолиятида қатнашганлиги учун олинган дивидент кирим қилинди, \$	2000	100000
17.	Чет эл фирмаларининг қимматбаҳо қоғозлари буйича олинган дивидент кирим қилинди, \$	3000	150000
18.	Транзит счёти буйича валютага нисбатан сўм курсининг камайиши аниқланди		15000
19.	Ҳар хил дебиторлардан тушган валюта кирим қилинди, \$	2000	100000
20.	Устав капиталига чет эл таъсисчилари қўйган капиталнинг бир қисми туланди, \$	15000	750000
21.	Чет эл инвесторларига сотилган акциялар қиймати кирим қилинди, \$	8000	400000
22.	Кредитор қарзлари валюта билан туланди, \$	3000	150000
23.	Валютанинг сотилган қисмидан қолгани қабул қилинди, \$	18000	900000
24.	Қабул қилинган валютанинг сўм курси ўсишидан курилган зарар акс эттирилди		10000
25.	Чет элдаги мол етказиб берувчиларга аванс берилди, DM	10000	400000
26.	Бюджетга бўлган қарз валютада туланди	200	12000

27.	Тушумнинг сотишдаги қолган қисми кредиторга туланди	8000	480000
28.	Банкнинг хизмат ҳақи туланди		18000
29.	Норезидент таъсисчиларга қўйилган маблағи бўйича дивидент туланди	1000	60000
30.	Валютанинг бир қисми биржада сотиш учун банк томонидан ҳисобдан чиқарилди	5000	300000
31.	Сотилган валюта ҳисобдан чиқарилди	5000	300000
32.	Корхонанинг валюта биржасидаги фойдани бўйича йиғим кирим қилинди	250	15000
33.	Валютани сотишдан олинган фойда кирим қилинди		6000
34.	Олинган материалларнинг қиймати чет эл фирмаларига туланди, \$	25000	1500000
35.	Валютани сотишдан қурилган зарар суммаси тегишли счётада қайд қилинди		3000

52-«Валюта счёти» бўйича жамғарма қайдномаси

Сана	Асосий счёт	Боғлан счёт	Валюта коди	Валюта курси	Муом коди	Сумма			
						Дебет		Кредит	
						Вал.	Сум	Вал.	Сум

52/1-«Транзит валюта счёти» бўйича жамғарма қайдномаси

Сана	Асосий счёт	Боғлан счёт	Валюта коди	Валюта курси	Муом коди	Сумма			
						Дебет		Кредит	
						Вал.	Сум.	Вал.	Сум

52/2-«Жорий валюта счёти» буйича жамғарма қайдномаси

Сана	Асосий счёт	Боғлан счёт	Валюта коди	Валюта курси	Муом коди	Сумма			
						Дебет		Кредит	
						Вал.	Сум	Вал.	Сум

52/3-«Чет элдаги валюта счёти» буйича жамғарма қайдномаси

Сана	Асосий счёт	Боғлан счёт	Валюта коди	Валюта курси	Муом коди	Сумма			
						Дебет		Кредит	
						Вал.	Сум	Вал.	Сум

**МАВЗУНИ ЎЗЛАШТИРИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ
УЧУН ТЕСТ САВОЛЛАРИ**

1. Олинган материаллар қиймати чет эл фирмалари-га туланди.

- а) ДТ 62 КТ 52-1
 б) ДТ 60 КТ 52-1
 в) ДТ 64 КТ 52-1
 г) ДТ 46 КТ 52-1

2. Валютани сотишдан олинган фойда кирим қилинди.

- а) ДТ 83 КТ 48
 б) ДТ 48 КТ 80
 в) ДТ 80 КТ 47
 г) ДТ 83 КТ 52-1

3. Банкнинг хизмат ҳақи туланди.

- а) ДТ 26-1 КТ 52-2
 б) ДТ 80 КТ 52-2
 в) ДТ 80 КТ 52-2
 г) ДТ 26-1 КТ 52-2

4. Бюджетга валюта буйича қарз туланди.

- | | | | |
|-------|----|----|------|
| а) ДТ | 76 | КТ | 52-1 |
| б) ДТ | 68 | КТ | 52-3 |
| в) ДТ | 68 | КТ | 52-1 |
| г) ДТ | 68 | КТ | 52-1 |

5. Чет эл фирмаларидан мол етказиб бериш буйича аванс олинди.

- | | | | |
|-------|------|----|----|
| а) ДТ | 52-3 | КТ | 64 |
| б) ДТ | 52-1 | КТ | 64 |
| в) ДТ | 52-2 | КТ | 64 |
| г) ДТ | 52-3 | КТ | 62 |

6. Чет мамлакат банкидан олинган қисқа муддатли қарз кирим қилинди.

- | | | | |
|-------|------|----|----|
| а) ДТ | 52-2 | КТ | 90 |
| б) ДТ | 52-1 | КТ | 90 |
| в) ДТ | 52-3 | КТ | 90 |
| г) ДТ | 51 | КТ | 90 |

7. Экспорт валюта тушуми кирим қилинди.

- | | | | |
|-------|------|----|----|
| а) ДТ | 52-3 | КТ | 62 |
| б) ДТ | 52-3 | КТ | 46 |
| в) ДТ | 52-2 | КТ | 46 |
| г) ДТ | 52-1 | КТ | 62 |

8. Чет элдаги юридик шахслардан қисқа муддатли қарз олинди.

- | | | | |
|-------|------|----|------|
| а) ДТ | 94 | КТ | 52-3 |
| б) ДТ | 52-1 | КТ | 94 |
| в) ДТ | 52-3 | КТ | 94 |
| г) ДТ | 52-2 | КТ | 94 |

9. Чет эл фирмаларига сотилган акциялар қиймати кирим қилинди.

- | | | | |
|-------|------|----|------|
| а) ДТ | 58-1 | КТ | 52-3 |
| б) ДТ | 58-2 | КТ | 52-3 |
| в) ДТ | 58-3 | КТ | 52-3 |
| г) ДТ | 58-1 | КТ | 52-1 |

10. Валютанинг сотилган қисмидан қолгани кирим қилинди.

- | | | | |
|-------|------|----|------|
| а) ДТ | 52-1 | КТ | 52-3 |
| б) ДТ | 52-2 | КТ | 52-3 |
| в) ДТ | 52-3 | КТ | 51 |
| г) ДТ | 52-3 | КТ | 60 |

11. Чет эл фирмалари фаолиятида қатнашганлик учун дивидентлар кирим қилинди.

- | | | | |
|-------|------|----|------|
| а) ДТ | 52-3 | КТ | 52-2 |
| б) ДТ | 52-3 | КТ | 52-1 |
| в) ДТ | 52-3 | КТ | 83 |
| г) ДТ | 52-3 | КТ | 80 |

12. Қабул қилинган валютанинг сўм курси ўсиши натижасида зарар кўрилди.

- | | | | |
|-------|------|----|------|
| а) ДТ | 80 | КТ | 52-3 |
| б) ДТ | 83 | КТ | 52-3 |
| в) ДТ | 52-1 | КТ | 52-3 |
| г) ДТ | 52-2 | КТ | 52-3 |

13. Устав капиталига қўйилган чет эл таъсисчиларининг маблағи тўланди.

- | | | | |
|-------|------|----|------|
| а) ДТ | 52-3 | КТ | 75-1 |
| б) ДТ | 52-1 | КТ | 75-1 |
| в) ДТ | 52-2 | КТ | 75-1 |
| г) ДТ | 75-1 | КТ | 52-3 |

14. Валюта биржасидан Америка доллари сотиб олинди.

- | | | | |
|-------|------|----|------|
| а) ДТ | 52-1 | КТ | 51 |
| б) ДТ | 51 | КТ | 52-1 |
| в) ДТ | 52-3 | КТ | 51 |
| г) ДТ | 52-2 | КТ | 51 |

15. Чет эл фирмасининг акцияси сотиб олинди.

- | | | | |
|-------|------|----|------|
| а) ДТ | 58-1 | КТ | 52-2 |
| б) ДТ | 58-1 | КТ | 52-3 |
| в) ДТ | 58-1 | КТ | 52-1 |
| г) ДТ | 58-2 | КТ | 52-1 |

16. Сотиб олинган акциядан тушган дивиденд кирим қилинди.

- | | |
|------------|---------|
| а) ДТ 52-3 | КТ 80 |
| б) ДТ 52-3 | КТ 83 |
| в) ДТ 52-3 | КТ 76 |
| г) ДТ 52-3 | КТ 52-1 |

17. Кредиторларга валюта утказилди.

- | | |
|----------|---------|
| а) ДТ 60 | КТ 52-3 |
| б) ДТ 76 | КТ 52-1 |
| в) ДТ 76 | КТ 52-1 |
| г) ДТ 76 | КТ 52-3 |

18. Транзит счётада валютага нисбатан сўм курсининг ошгани аниқланди.

- | | |
|----------|---------|
| а) ДТ 80 | КТ 52-1 |
| б) ДТ 83 | КТ 52-1 |
| в) ДТ 58 | КТ 52-1 |
| г) ДТ 80 | КТ 56 |

19. Сотиб олинган номоддий активларнинг қиймати валютала тўланди.

- | | |
|------------|---------|
| а) ДТ 04 | КТ 52-2 |
| б) ДТ 06 | КТ 52-2 |
| в) ДТ 58 | КТ 52-2 |
| г) ДТ 52-1 | КТ 52-2 |

20. Материаллар олиш учун хориж фирмасига аванс берилди.

- | | |
|----------|---------|
| а) ДТ 61 | КТ 52-3 |
| б) ДТ 76 | КТ 52-2 |
| в) ДТ 76 | КТ 52-3 |
| г) ДТ 76 | КТ 52-1 |

АККРЕДИТИВЛАР ВА ЧЕК ДАФТАРЧАЛАРИ БИЛАН ҲИСОБЛАШИШЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳисоблашишнинг ҳар хил турлари, яъни корхона маблағининг айланишини тезлаштиришга ёрдам берадиган омиллар қўлланилади.

Айниқса ҳозирги дебитор қарзининг кўпайиб бориши шароитида давр тақозо қиладиган ҳисоблашиш турларидан аккредитив ва чек билан ҳисоблашишлар яхши самара беради.

Аккредитив шаклдаги ҳисоблашиш — олдиндан қийматини тўлаш, асосан олган маҳсулотнинг қийматини ўз вақтида тўлай олмайдиган истеъмолчиларга қўлланилади (айрим ҳолларда истеъмолчининг тўлаш қобилиятига ишонч бўлмаса ҳам).

Аккредитив очилаётганда мол етказиб берувчининг номи ва манзили, аккредитив муддати, товарнинг номи, тўловни олиш учун зарур ҳужжатлар (транспорт тўлов хати, муҳофаза полиси, сифат сертификати, товар белгиси ва ҳақозалар) ва бошқа шартлар хизмат қилувчи банкка билдирилиши лозим. Олинган товарнинг қиймати банк орқали тўлангандан кейин истеъмолчига хизмат қилаётган банкка бу ҳақда хабар берилиб, истеъмолчининг счётидан тегишли сумма олинади.

Муддати ўтгандан кейин аккредитивнинг фойдаланилмай қолган суммаси истеъмолчига хизмат қилаётган банкка қайтарилиб, унинг ҳисоблашиш счётига ўтказилади.

Чек дафтарчалари олинган хом-ашё ва материаллар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар бўйича ҳисоблашишни осонлаштириш учун хизмат қилади. Бу дафтарчалар чегараланган ва чегараланмаган суммада бўлади. Бу чек дафтарчаси — айрим тўлов чекларида ташкил топади ва ҳар бир тўлов учун чек ёзилди ва уни тасдиқловчи қисми чек дафтарчаси эгасида олиб қолинади. Ҳар бир очилган аккредитив ва тўлов чеклари махсус карточкаларда қайд қилиб борилади.

Мамлакат ҳудудида ва хорижда сўм ҳамда валютада сақланаётган маблағларнинг мавжудлиги, шунингдек, ҳаракатини назорат қилиш учун 55-«Банкдаги махсус счётлар» қўлланилиб ундан юқоридаги қайд қилинган маблағлар туғрисида маълумотлар умумлаштирилади.

Бу 55-счётда аккредитивлар, лимитланган ва лимитланмаган чек дафтарчалари, бошқа тўлов ҳужжатлари (векселлардан ташқари) алоҳида жорий ва бошқа махсус счётдаги пул маблағлари, мақсадли тушумлар ва молиялаштиришга алоқадор пул маблағларининг ҳаракати ҳисобга олинади.

55-«Банкдаги махсус счётлар» синтетик счётида ушбу маблағларнинг ҳолати ва ҳаракати устидан назоратни кучайтириш мақсадида қуйидаги субсчётлар очилди.

55/1-«Аккредитивлар» субсчётида аккредитивлардаги маблағларнинг ҳолати ва ҳаракати ҳисобга олиб борилади. Бу маблағлар билан ҳисоблашишни амалга ошириш банк кўрсатмаларига асосан тартибга солинади. Аккредитивларга маблағлар асосан 51-«Ҳисоблашиш счёти», 52-«Валюта счёти», 90-«Банкнинг қисқа муддатли ссудалари», 94-«Қисқа муддатли қарзлари каби» счётлардан келиб тушади ва ушбу счётларнинг кредитида берилган маблағлар суммаси ёзилади.

Аккредитивлар асосан мол етказиб берувчи ва пудратчилар билан олинган материаллар ва бажарилган ишлар бўйича ҳисоблашиш учун маълум муддатга очилади. Ушбу муддат тугагандан кейин фойдаланмай қолган маблағ тегишли 51, 52, 90 ва 94-счётларга қайтарилади.

55/1-«Аккредитивлар» субсчёти бўйича ҳар бир аккредитив бўйича аналитик ҳисоб юритилиб борилади, чунки очилган аккредитив бўйича маблағдан фойдаланиш даражаси устидан назорат ўрнатиш зарурдир.

55/2-«Чек дафтарчалари». Банкдан олинган чек дафтарчаларидаги маблағларнинг ҳолати ва ҳаракатини ҳисобга олиб бориш ва назорат қилиш учун қўлланилади. Чеклар билан ҳисоблашишлар банк кўрсатмасидаги қоидаларга асосан амалга оширилади. Чек дафтарчаларини беришда депонентлаштирилган 55/2-«Чек дафтарчалари» субсчётида 51-«Ҳисоблашиш счёти», 52-«Валюта счёти», 90-«Банкнинг қисқа муддатли ссудалари», 94-«Қисқа муддатли қарзлар» счётларидан олинади.

Ҳисоблашиш жараёни тўлаш учун банкка тақдим қилинаган чеклардаги суммаларга асосан содир бўлади ва 51-«Ҳисоблашиш счёти»дан, 76-«Ҳар хил дебитор ва кредиторлар билан ҳисоблашишлар» счётларга ўтказилиб борилади. Чек дафтарчалардаги суммалар ҳаракатини тезкор ва доимий назорат қилиб бориш зарур. Шунинг учун фойдаланилмаган суммалар вақти тугагандан кейин тегишли 51, 52, 90 ва 94-счётларга қайтарилади.

55/2-«Чек дафтарчалари» субсчёти бўйича ҳар бир олинган чек дафтарчалари бўйича айрим аналитик ҳисоб юритилади. Бундан ташқари банкда 55-«Банкдаги махсус счётлар» синтетик, актив счётида алоҳида сақланадиган:

— мақсадли тушумлар ва молиялаштириш маблағлари алоҳида ҳисобга олиб борилади, чунки бу маблағлар аниқ фойдаланиш йўналиши бўйича йиғилиб, фақатгина ижтимоий муассасалар — болалар яслиси, боғчалар ва бошқаларнинг фаолияти учун фойдаланилади. Маблағлар эса ота-оналардан тушган боғча ва ясли учун туловлар ва муассасалардан фойдаланаётган бошқа жисмоний ва юридик шахслардан тушган тушумлардан ташкил топади.

— корхона ва фирманинг илтимоси билан тупланадиган капитал сарфларни молиялаштириш маблағлари. Бу маблағлар 08-«Капитал қўйилмалар»дан ташқари айрим тадбирларни молиялаштириш учун ишлатилади.

— ҳукумат идоралари томонидан бериладиган ёрдамлар (субсидия). Айрим ҳолларда корхонанинг рақобатбардошлигини ушлаб туриш ва кутариш учун ёки уни қайта тиклаш ёки кенгайтириш мақсадида маҳаллий ва марказий бюджетдан маблағ ажратилиб, ушбу маблағлардан фойдаланиш устидан шу муассасалар назорат қилиб борадилар.

— маҳсулотлар ва ҳайвонлар учун аҳоли билан ҳисоблашишлар субсчётида аҳоли билан улардан шартнома асосида сотиш учун олинган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, ҳайвон ва паррандалар бўйича ҳисоблашиш учун зарар бўлган маблағлар ҳисобга олиб борилади.

Агарда аккредитивлар ва чек дафтарчалари хориж валютасида очилган бўлса ҳам уларнинг ҳолати ва ҳаракати ушбу 55/1-«Аккредитивлар» ва 55/2-«Чек дафтарчалари» счётларида қайд қилиб борилади.

55-«Банкдаги махсус счётлар»нинг синтетик маълумотлари 3-журнал ордерда кредит белгилари бўйича умумлаштирилса, унинг аналитик ҳисоби, яъни ҳар бир аккредитив, чек дафтарчаси ва тегишли субсчётлар бўйича дебет томонидаги маълумотлар 3-ведомостда жамғарилиб борилади.

Вазифа. *Содир бўлган қуйидаги хўжалик муомалаларини мол етказиб берувчилар билан бўлаётган ҳисоблашишдаги аккредитив, чек дафтарчалари ва бошқа тегишли субсчётларда қайд қилинг ва уларнинг суммаларини жамғариб, қолдиқларини аниқланг.*

Қушимча маълумотлар:

Мол етказиб берувчиларнинг қуйидаги счётларидаги ой бошидаги қолдиқлар

счётлар №	Счётларнинг номи	Суммалар
40	Тайёр маҳсулотлар	750000
45	Жунатилган товарлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар	400000
51	Ҳисоблашиш счёти	800000

Мазкур ойда корхонада қуйидаги муомалалар содир бўлган:

Муомала №	Муомала мазмуни	сум
1	Аккредитив қўйиш учун қуйидаги манбалар ҳисобидан пул маблағлари депонентлаштирилган: — корxonанинг ўз маблағидан; — банкнинг қисқа муддатли ссудаси ҳисобидан	300000
		200000
2	Мол етказиб берувчилардан олинган хомашё қиймати аккредитивдан туланди	40000
3	Ажратилган аккредитив маблағнинг ортиқча қисми банкнинг қисқа муддатли қарзини камайтириш учун туланди	100000
4	Аккредитив маблағ ҳисобидан туланган хомашё ва материаллар мол етказувчилардан қабул қилиб олинди	400000
5	Ота-оналардан болалар боғчасида тарбияланаётган болалари учун туланган киримлар кассадан махсус счётга ўтказилади	15000
6	Моддий бойликлар, ишлар ва хизматлар қийматини тўлаш учун банкнинг қисқа муддатли қарзи ҳисобидан аккредитив очилди	180000
7	Моддий бойликлар, ишлар ва хизматлар қийматини тўлаш учун банкдаги валюта счёти ҳисобидан чек дафтарчаси олинди	5000\$ 300000
8	Моддий бойликлар, ишлар ва хизматлар қийматини тўлаш учун юридик шахслардан олинган қисқа муддатли қарз ҳисобидан аккредитив очилди	150000

9	Аҳолидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, ҳайвонлар ва паррандалар сотиб олиш учун юридик шахслардан олинган аванс кирим қилинди	80000
10	Асосий восита сотиб олиш учун банкнинг узоқ муддатли қарзи ҳисобига чек дафтарчаси очилди	450000
11	Ички йўлларни қуриш ва табиатни муҳофаза қилиш учун маҳаллий бюджетдан маблағ келиб тушди	175000
12	Сотиб олинган хом-ашёнинг қиймати аккредитивдан туланди	320000
13	Материалларни тушириш ва келтириш харажатлари чек дафтарчаларидан туланди	18000
14	Сотиб олинган асосий воситаларнинг қиймати чек билан туланди	450000
15	Банкдаги махсус счёtdан кассага нақд пул олинди	80000
16	Аккредитивдаги фойдаланилмаган маблағ ҳисоблашиш счётига ўтказилди	80000
17	Мол олиш учун истеъмолчиларнинг аккредитив счётидаги маблағ қабул қилинди	400000
18	Аккредитив счётидан қиймати туланган тайёр маҳсулотлар истеъмолчиларга жўнатилди	400000
19	Чек дафтарчасидаги фойдаланилмаган маблағ валюта счётига ўтказилди	1000\$ 60000
20	Сотиб олинган акциялар қиймати чек билан туланди	45000
21	Мол етказиб берувчилардан олинган кам баҳоли ва тез тузувчан буюмлар қиймати чек билан туланди	75000
22	Юридик шахслардан олинган моддий бойликлар қиймати (эҳтиёт қисмлар) аккредитивдан туланди	70000

23	Автотранспорт корхонаси хизмати чек дафтarchаси билан туланди	60000
24	Аккредитивда фойдаланилмай қолган маблағ банкнинг қисқа муддатли қарзи счётига утказилди	30000
25	Почта, телефон ва бошқа алоқа сарфлари чек билан туланди	28000

МАВЗУНИ УЗЛАШТИРИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Сотиб олинган асосий воситалар қиймати аккредитивдан туланди.

- | | |
|------------|---------|
| а) Дт 56 | Кт 55-1 |
| б) Дт 08 | Кт 55-1 |
| в) Дт 08 | Кт 51 |
| г) Дт 55-2 | Кт 55-1 |

2. Аккредитивдаги сарфланмаган маблағлар ҳисоблашиш счётига утказилди.

- | | |
|------------|---------|
| а) Дт 51 | Кт 55-2 |
| б) Дт 76 | Кт 55-1 |
| в) Дт 60 | Кт 51 |
| г) Дт 55-1 | Кт 51 |

3. Сотиб олинган акциялар қиймати чек билан туланди.

- | | |
|----------|---------|
| а) Дт 56 | Кт 50 |
| б) Дт 56 | Кт 55-1 |
| в) Дт 56 | Кт 51 |
| г) Дт 56 | Кт 55-2 |

4. Юридик шахсларнинг курсатган хизмати чек билан туланди.

- | | |
|------------|---------|
| а) Дт 55-2 | Кт 51 |
| б) Дт 60 | Кт 55-2 |
| в) Дт 62 | Кт 55-2 |
| г) Дт 76 | Кт 55-2 |

5. Ота-оналардан тушган нақд пуллар кассадан махсус счётга кирим қилинди.

а) Дт	55-2	Кт	50
б) Дт	55-3	Кт	50
в) Дт	55-1	Кт	50
г) Дт	51	Кт	50

6. Хориж фирмалари билан ҳисоблашиш учун валюта счётидан чек дафтарчалари олинди.

а) Дт	55-1	Кт	52
б) Дт	55-2	Кт	52
в) Дт	55-3	Кт	52
г) Дт	55-3	Кт	51

7. Мол етказиб берувчилардан олинган материаллар қиймати аккредитивдан туланди.

а) Дт	76	Кт	52
б) Дт	60	Кт	51-1
в) Дт	62	Кт	55-1
г) Дт	60	Кт	51

ҲИСОБДОР ШАХСЛАР БИЛАН ҲИСОБЛАШИШНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

Келгусидаги маъмурий хўжалик ва хизмат сафари сарфлари учун нақд пулларни аванс сифатида оладиган корхона ходимлари ҳисобдор шахслар ҳисобланади. Бу мақсадлар учун нақд пул оладиган шахсларнинг рўйхати корхона раҳбари томонидан тасдиқланади. Ушбу сумманинг миқдори чегараланган бўлиб, бу сумма йил бошида корхона сметасида тасдиқланади. Хизмат сафари учун бериладиган нақд пул миқдори хизмат сафарининг муддати ва сафарга бериладиган жойга боғлиқдир. Хизмат сафарига жўнатилаётган шахсга бориш ва келиш транспорт сарфи кундалик сарф ва яшаш жойи харажатлари йиғиндиси миқдорида нақд пул аванс сифатида берилади.

Ходим хизмат сафарида бўлган вақтида унга асосий иш жойидан туланадиган ҳақ сақланиб қолинади.

Хизмат сафари учун ҳисобдор шахсларга бериладиган нақд пул бухгалтерия томонидан ҳисоблаб чиқилгандан кейин зарур сумма сафар гувоҳномасига асосан

берилиб кассанинг чиқим ёрдами тузилади. Корхона раҳбарининг талабига мувофиқ сафар гувоҳномасидан ташқари хизмат сафарига жўнатиш буйруққа асосан ҳам амалга оширилади.

Хизмат сафари сарфлари меъёрлаштирилган бўлиб бу суммалар бажарилган иш, хизмат ва маҳсулот таннархига қўшилади. Агарда ҳақиқатда сарфланган хизмат сафари сарфлари белгиланган меъёрдан ошиб кетса ушбу ошиқча сумма корхона ихтиёрида қолдирилган фойда ҳисобидан қопланиб, ходимнинг иш ҳақидан ушланадиган даромад солиғини аниқлаш мақсадида ушбу меъёрдан ортиқча тўланган сумма учун асосий иш ҳақи суммасига қўшиб қўйилади.

Ҳисобдор шахслар хизмат сафаридан келгандан кейин уч кун ичида олинган ва сарфланган маблағлар бўйича ҳисобот беришлари керак. Бу мақсадда улар аванс ҳисоботи тузиб унга асос сифатида дўконларнинг счётлари, олинган товарларнинг паттаси, ҳаво, темир-йўл, автомобиль ёки сув йўлларининг билетлари ва сафар гувоҳномасини илова қиладилар.

Ушбу сарфларнинг мақсадга мувофиқлиги тегишли бўлимлар томонидан (ким томонидан сафарга жўнатилишига қараб) тасдиқлангандан кейин, бухгалтерияда текширилиб, сумма аниқланади ва корхона раҳбари томонидан бу сарф тасдиқланиб кейин ҳисобга олинади.

Агарда олинган аванс суммаси ортиб қолса ушбу ортиқча сумма кирим ордерига асосан кассага қайтарилиб топширилади, мабодо аванс суммасидан ортиқча сарфланса ушбу ҳисобот топширилган куни чиқим ордерига асосан кассадан берилади.

Ҳисобот учун олинган аванс суммаси фақатгина белгиланган мақсадга сарфланиши мумкин. Ушбу маблағни иккинчи шахсга бериш ман қилинади. Ҳисобдор шахсларга навбатдаги аванс суммаси фақатгина олдин олган аванси бўйича ҳисобот берганидан кейингина берилади. Агарда белгиланган вақтида ҳисобдор шахс олган аванси бўйича ҳисобот бермаса бухгалтерия қонунга қўра ушбу суммани ёки аванснинг қолдиқ суммасини ушбу ходимнинг иш ҳақидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

Ишлаб чиқариш ёки корхона фаолияти нуқтаи назардан маъмурият хизмат сарфи суммасини мустақил равишда белгилаши мумкин. Лекин шунга эътибор бериш керакки тасдиқланган миллий (чегара)дан ортиқча сарфланган хизмат сарфи суммаси махсус фонд-

дан сарфланишига қарамай даромад солиғи ҳисобланаётганда ходимнинг иш ҳақи суммаси (умумий даромади)га қўшилади.

Агарда хизмат сафари сарфлари суммаси олдиндан маълум бўлса (жойга бориш ва келиш, меҳмонхона харажатлари) бу суммани корхона раҳбарлари тегишли тасдиқловчи ҳужжатларсиз ходимга тулаш ҳуқуқига эгадирлар.

Бунинг учун берилган аванс суммаси ҳисобланган ҳужжат раҳбар ва ҳисобдор шахс имзоси билан бухгалтерияда сақланади ва ходим хизмат сафарида келгандан кейин сафар гувоҳномаси тегишли тасдиқловчи белгилари билан бухгалтерияга топширилади ва сарфланган сумма бўйича ҳисобот тузилмайди.

Хизмат сафари кунлари корхона раҳбари томонидан белгиланади, лекин ҳақиқий кунлар сафар гувоҳномасидаги муҳр билан тасдиқланган кунларга асосан аниқланади.

Ҳар бир корхона ва ташкилотларда раҳбарнинг буйруғига асосан хизмат сафарига бориш ва келишни қайд қилувчи махсус журнал юритилиб, унда борувчиларнинг фамилияси ва исми, мансаби, кетган ва келган кунлари, келувчиларнинг фамилияси, исми, мансаби, қаердан келгани, келган ва кетган кунлари қайд қилиниб борилади.

Ҳисобдор шахслар билан ҳисоблашишлар шу номдаги 71-счёта ҳисобга олиб борилади. Бу счёт синтетик, актив-пассив счёт бўлиб унинг дебет томонида олинган аванс суммаси ёки ушбу сумманинг сарфланган қолдиғи акс эттирилса, кредит томонида эса олинган авансдан ортиқча сарфланган сумма, яъни корхонанинг ходимга бўлган қарзи кўрсатилади.

Ҳисобот бериладиган суммалар муаммоларини ва ҳисобдор шахслар билан ҳисоблашишларни ҳисобга олиш учун 7-журнал ордердан фойдаланилади, бу регистр аралаш ҳисобни яъни синтетик ва аналитик ҳисобни қаторасига қайд қилиб беради. Ушбу журналларда берилган ҳар бир аванс суммасига айрим қатор ажратилиб унда олинган сумма, топширилган аванс ҳисоботи, ортиқча сарф суммаси ёки сарфланмай қолган суммалар кўрсатилиб берилади. Шу билан бир вақтда 7-журнал ордер ўзининг шахсий шаклини ҳам сақлаб қолиб унинг ёрдамида 71- «Ҳисобдор шахслар билан ҳисоблашишлар» счётининг кредит жамғармасини чуқур аниқлаб беради.

7-журнал ордерга ёзувлар қуйидаги ҳужжатларга асосан ёзилади:

— кассанинг сарф ордери — ҳисобот учун берилган суммага;

— аванс ҳисоботи — олинган аванс суммасининг сарфланган қисмига;

— кассанинг кирим ордери — олинган аванс суммасининг сарфланмай қолган қисмига;

— кассанинг чиқим ордери олинган аванс суммасидан ортиқча сарфланган қисмига.

Арифметика нуқтаи назаридан ва моҳияти бўйича (олинган аванснинг сарфланишини мақсадга мувофиқлиги, зарурияти, тааллуқлилиги) текширилган ва раҳбар томонидан тасдиқланган аванс ҳисоботи бухгалтерия томонидан қабул қилинади. Ушбу ҳисоботни бухгалтер текшириб унга ва исботловчи ҳужжатларга алоқа қилувчи счётларнинг шифрини қўйиб чиқади ва ушбу харажатларни тегишли тармоқларга ўтказди.

Ҳозирги вақтда корхоналар ташқи иқтисодий алоқаларни ўрнатиши натижасида чет мамлакатларга хизмат сафарига бориш зарурияти туғилади. Давлат корхоналарида ушбу сарфлар Молия Вазирлиги томонидан белгиланган меъёр бўйича тўланади.

Хизмат сафарининг моҳияти ва мақсадига қараб ушбу сарфлар қуйидаги тартибда тармоқлар харажатига қўшилади:

- | | |
|--|-----------------------------|
| — маҳсулот, иш ва хизмат таннарига | — Дт 20
Кт 71 |
| — олинган ускуналар қиймати | — Дт 07-1 ёки 07-2
Кт 71 |
| — олинган номоддий активлар қиймати | — Дт 04
Кт 71 |
| — олинган хомашё ёки материаллар қиймати | — Дт 10
Кт 71 |
| — олинган товарлар қиймати | — Дт 41
Кт 71 |

ва ҳоказо.

Тегишли счётда ёзувлар сўмда ва валютада қайд қилиб борилади. Ҳисобдор шахсларда қолган валютанинг қолдиқ суммаси шу вақтга қайта баҳоланиб фарқи 80-фойда ва зарарлар» счётига олиб борилади.

Ўқувчиларнинг бу соҳадаги билимини чуқурлаштириш ва назорат қилиш мақсадида қуйидаги ҳужалик муомалалари келтирилади

№	Муомаланинг мазмуни	Сумма
1.	Ҳисобдор шахс О. Бақоев кассадан хизмат сафари учун кассадан аванс олди	5600
2.	Корхона экспедитори А. Қориевнинг хом ашё олиб келиш учун сарфлаган харажатлари буйича тузган ҳисоботи тасдиқланди	
3.	Корхонанинг ҳужалик мудир И. Қўшмонов идора учун ёзув товарлари олиб келиш учун кассадан аванс олди	3500
4.	Корхонанинг бош муҳандиси У. Эшбоевнинг тузган аванс ҳисоботи тасдиқланди	1850
5.	Хорижга хизмат сафарига бориб келиш харажатлари учун корхонанинг валюта счётидан кассага \$ олинди	3200
6.	Корхонанинг тижорат директори А. Шоалимовга хорижга хизмат сафари учун валюта берилди	1500\$ 90000
7.	Корхонанинг тижорат директори А. Шоалимовнинг тузган аванс ҳисоботи тасдиқланди	1500 \$ 90000
8.	Корхонанинг тижорат директори А. Шоалимов ортиқча аванс суммасини кассага топширди	1450\$ 87000
9.	Валюта курсининг ўзгариши натижаси молиявий натижалар счётига ўтказилди (+)	50\$ 3000
10.	Корхонанинг бош механиги Т. Агзамов Санкт-Петербург шаҳрига хизмат сафарига бориш учун кассадан нақд пул олди	
	<i>рублда</i>	3000
	<i>сўмда</i>	100
11.	Корхонанинг бош механиги Т. Агзамовнинг станок олиб келиш билан боғлиқ аванс ҳисоботи тасдиқланди	
	<i>рублда</i>	500
	<i>сўмда</i>	60000

12.	Корхонанинг бош механиги Т. Агзамовнинг хизмат сафари буйича ортиқча сарфлаган харажатлари кассадан туланди	500 60000
13.	Корхона экспедитори А. Қориева Қува шаҳрига хизмат сафарига бориш учун кассадан аванс олди	62000
14.	Корхона экспедитори А. Қориевнинг Қува мебель комбинатига хизмат сафари буйича аванс ҳисоботи тасдиқланди	2000
15.	Аванс суммасининг фойдаланилмай қолган суммаси А. Қориева томонидан кассага топширилди	4500
16.	Корхона экспедитори А. Қориева хом ашё олиб келиш учун кассадан аванс олди	4200
17.	Хўжалик мудир И. Қўшмоновнинг ёзув товарларини олиб келиши буйича аванс ҳисоботи тасдиқланди	3500
18.	Ҳисобдор шахс О. Бақоевнинг хизмат сафари буйича ҳисоботи тасдиқланди	300
19.	Ёрдамчи хўжалик директори А. Ризақулов Қарши шаҳрига хизмат сафари учун кассадан нақд пул олди	3500
20.	Ёрдамчи хўжалик директори А. Ризақуловнинг маҳсулдор ҳайвонларни олиб келиш билан боғлиқ аванс ҳисоботи тасдиқланди	3500
21.	Ёрдамчи хўжалик директори А. Ризақуловнинг олган аванси буйича қарзи ойнанинг охирида иш ҳақидан ушланди	1800
22.	Корхона бош ҳисобчиси Х. Қосимов йилнинг охирида мол етказиб берувчи ва истеъмолчилар билан таққослаш далолатномаси тузиш учун кассадан нақд пул олди	5600
23.	Корхона бош ҳисобчиси Х. Қосимовнинг таққослаш далолатномаси тузиш буйича хизмат сафари ҳисоботи тасдиқланди	7000
24.	Корхона бош ҳисобчиси Х. Қосимовнинг хизмат сафарида сарфланган ортиқча маблағи кассадан туланди	6600
25.	Корхона бош муҳандиси У. Эшбоев хизмат сафари учун кассадан нақд пул олди	400

Вазифа.

Вазифани бажариш учун қуйидагилар талаб қилинади:

1. *Хўжалик муассасаларини қайд қилиш журнали очилсин.*
2. *Хўжалик муассасалари суммаларига алоқа қилувчи счётлар курсатилсин (проводка берилсин).*
3. *Ҳисобдор шахслар карточкаси очилсин.*
4. *Хўжалик муомалалари суммалари тегишли синтетик счётларга ўтказилсин, жамланма ва қолдиқ суммалари аниқлансин.*
5. *7-журнал ордер очилсин ва муомалалар суммаси ўтказилсин.*

МАВЗУНИ ЎЗЛАШТИРИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Корхона экспедитори А. Қориевага Кува шаҳрига хизмат сафари учун кассадан нақд пул берилди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 50 | КТ | 71 |
| б) ДТ | 71 | КТ | 50 |
| в) ДТ | 25 | КТ | 50 |
| г) ДТ | 70 | КТ | 50 |

2. Хўжалик мудирини И. Қўшмановнинг ўқув қуроллари олиб келиши бўйича аванс ҳисоботи тасдиқланди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 71 | КТ | 50 |
| б) ДТ | 20 | КТ | 71 |
| в) ДТ | 25 | КТ | 71 |
| г) ДТ | 26 | КТ | 71 |

3. Корхона директори А. Ризақулов Қарши шаҳрига хизмат сафари учун кассадан нақд пул олди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 29 | КТ | 50 |
| б) ДТ | 70 | КТ | 50 |
| в) ДТ | 71 | КТ | 50 |
| г) ДТ | 50 | КТ | 71 |

4. Корхона директори А. Ризақуловнинг олган аванси бўйича қарзи ойнинг охирида иш ҳақидан ушланди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 71 | КТ | 50 |
| б) ДТ | 25 | КТ | 71 |
| в) ДТ | 29 | КТ | 71 |
| г) ДТ | 26 | КТ | 71 |

5. Корхона экспедитори А. Қориевнинг Кува мебель комбинатига хизмат сафари бўйича аванс ҳисоботи тасдиқланди.

а) Дт	71	Кт	50
б) Дт	26	Кт	71
в) Дт	25	Кт	71
г) Дт	70	Кт	71

6. Корхона директори А. Ризақуловнинг маҳсулдор ҳайвонларни олиб келиш билан боғлиқ аванс ҳисоботи тасдиқланди.

а) Дт	26	Кт	71
б) Дт	29	Кт	71
в) Дт	23	Кт	71
г) Дт	20	Кт	71

7. Корхонанинг бош ҳисобчиси Х. Қосимов йилнинг охирида таққослаш далолатномаси тузиш учун кассадан нақд пул олди.

а) Дт	25	Кт	50
б) Дт	50	Кт	71
в) Дт	71	Кт	50
г) Дт	26	Кт	50

8. Аванс суммасининг фойдаланилмай қолган суммаси А. Қориева томонидан кассага топширилди.

а) Дт	50	Кт	71
б) Дт	50	Кт	70
в) Дт	50	Кт	73
г) Дт	71	Кт	50

9. Корхона экспедитори А. Қориева хом-ашё олиб келиш учун кассадан аванс олди.

а) Дт	71	Кт	50
б) Дт	26	Кт	50
в) Дт	70	Кт	50
г) Дт	50	Кт	71

10. Валюта курсининг узгариш натижаси молиявий натижалар счётига утқазилди.

а) Дт	80	Кт	71
б) Дт	80	Кт	52
в) Дт	80	Кт	26
г) Дт	80	Кт	50

11. Корхонанинг бош механиги Т. Аъзамовнинг станок олиб келиши билан боғлиқ аванс ҳисоботи тасдиқланди

а) ДТ	08	КТ	71
б) ДТ	01	КТ	71
в) ДТ	26	КТ	71
г) ДТ	25	КТ	71

12. Корхонанинг бош ҳисобчиси Х. Қосимов йилнинг охирида таққослаш далолатномаси тузиш учун кассадан нақд пул олди.

а) ДТ	50	КТ	71
б) ДТ	71	КТ	50
в) ДТ	70	КТ	50
г) ДТ	26	КТ	50

13. Корхона экспедитори А. Қориева Қува шаҳрига хизмат сафарига бориш учун кассадан нақд пул олди.

а) ДТ	26	КТ	71
б) ДТ	71	КТ	50
в) ДТ	50	КТ	71
г) ДТ	26	КТ	51

14. Корхонанинг тижорат директори А. Шоалимовга хорижга хизмат сафари учун валюта берилди.

а) ДТ	26	КТ	50
б) ДТ	50	КТ	71
в) ДТ	50	КТ	52
г) ДТ	71	КТ	50

15. Корхонанинг бош муҳандиси Ў. Эшбоевнинг тузган аванс ҳисоботи тасдиқланди

а) ДТ	50	КТ	71
б) ДТ	26	КТ	71
в) ДТ	20	КТ	71
г) ДТ	25	КТ	71

16. Ҳисобдор шахс Е. Эргашев кассадан хизмат сафари учун нақд пул олди.

а) ДТ	25	КТ	50
б) ДТ	71	КТ	50
в) ДТ	50	КТ	71
г) ДТ	26	КТ	50

17. Хорижга хизмат сафарига бориб келиш учун валюта счётидан кассага нақд пул олинди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) Дт | 50 | Кт | 52 |
| б) Дт | 50 | Кт | 51 |
| в) Дт | 50 | Кт | 71 |
| г) Дт | 71 | Кт | 50 |

18. Корхонанинг бош ҳисобчиси Қосимовнинг хизмат сафарида сарфланган ортиқча маблағи кассадан туланди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) Дт | 71 | Кт | 50 |
| б) Дт | 50 | Кт | 71 |
| в) Дт | 26 | Кт | 71 |
| г) Дт | 25 | Кт | 71 |

19. Корхонанинг бош механиги Т. Аъзамов Санкт-Петербург шаҳрига хизмат сафарига бориш учун кассадан нақд пул олди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) Дт | 71 | Кт | 26 |
| б) Дт | 50 | Кт | 71 |
| в) Дт | 71 | Кт | 50 |
| г) Дт | 26 | Кт | 71 |

20. Корхонанинг бош муҳандиси У. Эшбоев хизмат сафари учун кассадан нақд пул олди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) Дт | 71 | Кт | 26 |
| б) Дт | 71 | Кт | 50 |
| в) Дт | 26 | Кт | 71 |
| г) Дт | 50 | Кт | 71 |

МОЛ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИЛАР БИЛАН ҲИСОБЛАШИШЛАР

Корхона ва фирмалар ўз фаолияти жараёнида ишлаб чиқариш учун хомашё ва материаллар сотиб оладилар. Натижада мол етказиб берувчилар билан йил бошида ёки зарур хомашё ва материалларни олаётган вақтда контрактлар тузилади. Бу контрактларда корхоналар номи, манзили, хизмат кўрсатаётган банклар ва улардаги ҳисоблашиш счётининг коди, хомашё ва материалларнинг тури, сифати, нави, баҳоси, миқдорлари ва етказиб бериш вақтлари кўрсатилади. Чунки мол етка-

зиб берувчиларнинг шартни бажариши ишлаб чиқаришининг, бир маромда фаолият кўрсатишга ижобий таъсир қилади. Агарда мол етказиб берувчиларнинг хом-ашё ва материаллари ўз вақтида келмаса корхона тухтаб қолиши ва зарар кўриши мумкин. Шунинг учун хом-ашё ва материалларни ўз вақтида етказиб бериш ва ҳисоблашишни амалга ошириш корхона фаолиятида муҳим ўрин тутди.

Корхона ва фирмаларда шартнома мажбуриятларининг бажарилиши устидан тезкор назорат ва ҳисобга олиш маркетинг бўлими томонидан амалга оширилади. Шунинг учун ҳам олинган товар, материал қийматликларининг тўлов ҳужжатлари, аввало шу бўлимга ёки молия бўлимига келиб тушади. Бу ерда ҳужжатларнинг тўлов талабнома-топшириги, счёт-фактуралар ва ҳоказо, тузилган контрактга мос келиши текширилиб кейин «Келиб тушган юкларни ҳисобга олиш дафтари»да қайд қилиниб контрактларни бажариш дафтарида белгиланади ва қиймати тўланишга (акцептига) розилик берилади.

Тўлов ҳужжатларига ички номер қўйилиб қийматини тўлаш учун бухгалтерияга берилади ва квитанция ва товар транспорт юк хати эса ушбу қийматликларни олиб келиш учун экспедиция бўлимига берилади. Натижада шу вақтдан бошлаб корхона ва фирмалар билан мол етказиб берувчилар ўртасида ҳисоблашиш муомалалари пайдо бўлади.

Ушбу қийматликлар омборхонага қабул қилинаётганда кирим ордери ёзилиб ушбу ордерлар илова қилинган ҳолда реестр тузилади ва омбор мудири томонидан бухгалтерияга топширилади. Кейин ҳужжатлар гуруҳлаштирилиб (таксировка) ва текширилиб тўлов ҳужжатида илова қилинади, чунки банк ушбу исботловчи ҳужжат билангина тўлов топширигини қабул қилади. Кўрсатилган сумма мол етказиб берувчига тулангандан кейин корхона тегишли счётлардан — 51, 52, 55 кучирмалар олади ва кодларига асосан ушбу счётларга ўтказиб қўяди.

Ҳисоблашиш муомалалари умумлаштирилган ҳолда 60-«Мол етказиб берувчи ва пудратчилар билан ҳисоблашишлар» пассив, синтетик счётда олиб борилади. Бу счётда қуйидаги ахборотлар йиғилиб борилади:

— ҳисоблашиш ҳужжатлари акцептланган (тўлашга қабул қилинган) олинган товар-материал қийматликлари;

— ҳисоблашишга қабул қилинган бажарилган иш ва курсатилган хизматлар — электр қуввати, газ, иссиқлик, сув ва шунга ўхшашлар;

— ҳисоблашиш ҳужжатлари тулашга қабул қилинган моддий қийматликларни келтириш, қайта ишлаш сарфлари;

— ҳисоблашишлар режали тулов тартибида амалга оширилган товар — материаллар, бажарилган ишлар ва курсатилган хизматлар;

— мол етказиб берувчилардан ҳужжатлари келмаган, лекин омборга актга мувофиқ қабул қилинган (фактурасиз) моддий қийматликлар қиймати;

— қабул қилиш жараёнида ортиқча чиққан моддий қийматликлар;

— юкларни ташиш буйича курсатилган хизматлар;

— ҳужжатга (фракт) нисбатан кам олинган, моддий қийматликлар қиймати;

— алоқа хизматлари қиймати ва шунга ўхшашлар;

— бош пудратчи ташкилот ҳам ўзининг субпудратчи ташкилотлари билан амалга ошириладиган ҳисоблашишлар.

Счётларни тулаш, уларни тақдим қилган вақтидан бошлаб кучга киради ва навбат билан тулаб борилади.

Ҳақиқий киримга олинган товар қийматлиги суммаси тегишли ишлаб чиқариш захиралари счётларининг дебетидан акс эттирилиб 60-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоблашишлар» счётининг кредитида қайд қилинади.

Хом-ашё ва материалларни ташиб келтириш, юклаш, тушириш уларни қайта ишлаш харажатлари ҳам тегишли ишлаб чиқариш захиралари счётларининг дебети томонида ва 60-счётнинг кредитида акс эттирилади.

Аналитик ҳисобда моддий қийматликларнинг баҳоланиш тартибидан қатъи назар мол етказиб берувчилардан счёт-фактурасида курсатилган суммага 60-счёт кредитланади. Агарда мол етказиб берувчиларнинг счёти аксетланган ва қиймати туланган бўлса, лекин хом-ашё қабул қилинаётганда унда камомад аниқланса ёки табиий камайиш нормасидан ортиқча камомад аниқланса тузилган тижорат актига асосан ушбу аниқланган суммага мол етказиб берувчиларга даъво билдирилади — Дт 63-«Даъволар юзасидан ҳисоблашишлар» ва Кт 60-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоблашишлар».

Моддий қийматликлар кузатувчи ҳужжатларсиз, фактурасиз келган бўлса қуйидагиларни текшириш зарур:

— олинган моддий қийматликларнинг қиймати олдин тўлангани ёки тўланмагани;

— моддий қийматликларни ўлчаб, тортиб, нави ва баҳосига эътибор бериб акт тузиш;

— ушбу қийматликларнинг дебиторлик қарзида турган ёки турмаганлиги.

Фактурасиз қабул қилинган хом-ашё ва материалларнинг қиймати шартномада кўрсатилган ёки жорий ҳисоб баҳосида актга асосан қабул қилиниб 60-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоблашишлар» счётининг кредитида ёзилади ва фактуралар келгандан кейингина банк орқали унинг қиймати навбати билан тўланади.

Агарда мол етказиб берувчиларга олдиндан аванс берилган бўлса тўлиқ ҳисоблашиш жараёнида умумий қарз суммасидан аванс суммаси чегирилиб (Дт 60 ва Кт 61-«Берилган аванслар бўйича ҳисоблашишлар») қолинади ва фарқ сумма тўланади — Дт 60, Кт 51 ёки 52, ёки 55 ёки 90, ёки 94 ва ҳоказо. Айрим ҳолларда олинadиган материал ва хом-ашёларнинг тўлов ҳужжатлари корхонага келган лекин ушбу қийматликлар омборхонага келиб тушмаган бўлиши мумкин. Лекин ушбу тўлов ҳужжатлари банк томонидан тўланганми ёки йўқми, қатъи назар корхона томонидан тўлашга қабул қилиниши (акцептланиши) зарур.

Ушбу ҳужжатлар 6-журнал ордерининг акцепт устунисидаги «келиб тушмаган юклар» устунисида қайд қилиб борилади. Ой охирида эса ушбу ҳужжатга асосан «сифатли қийматликлар» сифатида корхона балансига қабул қилинади. Ушбу материаллар омборхонага қабул қилингандан кейин кирим ордерига асосан иккинчи мерга қабул қилиниб олдинги «шартли қабул қилинган» қиймати чегирилади (сторно).

60-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоблашишлар» счётида аналитик ҳисоб ҳар бир мол етказиб берувчи бўйича айрим юритилади. Чунки бу счётлар ёрдамида акцептланган, тўланган ва қарз бўлиб қолган суммалар назорат қилинади ва мол етказиб берувчилар олдидаги мажбуриятга риоя қилишга тезкорлик билан ёрдам беради, бундан ташқари:

— счётлар акцептланган лекин тўлаш муддати келмаган;

- бошқа ҳисоблашиш ҳужжатлари бўйича;
- муддати ўтган туловлар бўйича;
- фактурасиз моддий қийматликлар бўйича;
- қийматини тулаш муддати келмаган векселлар бўйича;

— олинган тижорат қарзи бўйича ҳисоблашишларининг ҳолати назорат қилиб борилади.

Мол етказиб берувчилар билан ҳисоблашишлар умумлаштирилган ҳолда 6-журнал ордерда 60-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоблашишлар» счётининг кредити бўйича қайд қилиб борилади. Бу журнал ордерда аналитик ва синтетик ҳисоб бир вақтнинг ўзида олиб борилади, аналитик ҳисоб ҳар бир тулов ҳужжати, кирим ордери ёки қабул қилиш актига асосан юритилади.

Бу журнал ордер ҳар ойнинг бошига мол етказиб берувчиларга туланмаган сумма билан очилади ва унда:

- тулов муддати келмаган ҳужжатлар бўйича;
- тулов муддати ўтган ҳужжатлар бўйича;
- қийматликлар келиб тушмаган лекин тулов ҳужжати қиймати туланган;
- қийматликлари келиб тушмаган ва тулов ҳужжатлари туланмаган;
- фактурасиз қийматликларнинг ой бошидаги қолдиқ суммаси алоҳида кўрсатилади.
- 60 счёт ва журнал ордерида ҳар бир ҳужжатга тулиқ маълумот йиғилади;
- қайд қилиш №;
- мол етказиб берувчининг номи ва манзили;
- омбордаги кирим ҳужжатининг №;
- кирим қилинган материалларнинг жорий ҳисобдаги баҳоси; *
- тулов ҳужжатидаги қиймати;
- кўшилган қиймат солиғи.

Даъво суммаси эса тузилган тижорат актига асосан ёзилади.

Вазифа. *Мазкур ойда содир бўлган муомалаларни дастлабки ҳужжатларга асосан тегишли счётларда акс эттиринг.*

Мол етказиб берувчилар билан содир бўлган ҳисоблашишлар ва уларнинг тартибини ўрганг. Тегишли аналитик ва синтетик счётларнинг маблағлари ва ҳаракати ва қолдиқларини ҳисобланг.

**Сентябр ойида мол етказиб берувчилар билан ҳисоблашишга оид
қуйидаги муомалалар содир бўлган:**

№	Муомаланинг мазмуни	Сумма
<i>Мол олувчиларда:</i>		
1.	Банкдаги ҳисоблашиш счётидан олинадиган мол учун етказиб берувчиларга аванс берилди	300000
2.	Мол етказиб берувчилардан олинган мол дастлабки ҳужжатларга асосан кирим қилинди	500000
3.	Ҳисоблашиш жараёнида олдиндан тўланган аванс ҳисобга олинди	300000
4.	Олинган молнинг қолган қиймати ҳисоблашиш счётидан тўланди.	200000
5.	Мол етказиб берувчилардан хом-ашё олинди: — дастлабки ҳужжатга асосан қиймати; — мавжуд хом-ашёнинг қиймати; — аниқланган камомад бўйича тижорат далолатномаси тузилди	250000 200000 50000
6.	Сотиб олинган машиналар қиймати ҳисоблашиш счётидан мол етказиб берувчиларга тўланди	800000
7.	Ёрдамчи хўжалик учун олинган Голландия сигирлари қиймати валютада тўланди	15000\$ 900000
8.	Транспорт ташкилотларининг кўрсатган хизматининг қиймати чек билан тўланди	75000
9.	Олинган моддий бойликлар қиймати аккредитивдан тўланди	180000
10.	Даъво муддати тугаган кредиторлик қарз суммаси ҳисобдан чиқарилди	25000
11.	Мол етказиб берувчиларга бўлган қарз банкнинг қисқа муддатли ссудаси ҳисобидан тўланди	300000
12.	Банкнинг узоқ муддатли ссудаси ҳисобидан мол етказиб берувчиларга олинган ускуналар қиймати тўланди	670000

13.	Хом-ашё ва материаллар қиймати юридик шахслардан олинган қисқа муддатли ссуда ҳисобидан туланди	370000
14.	Якка тартибда уй-жой қурилиши бўйича бажарилган ишлар қиймати махсус қарз счётидан туланди	250000
15.	Мол етказиб берувчилардан номоддий актив олинди	170000
16.	Мол етказиб берувчилардан ускуналар сотиб олинди	450000
17.	Ёрдамчи хўжалик учун Голландиядан маҳсулдор сигирлар олинди	15000 900000
18.	Капитал қурилиш учун бажарилган ишлар қиймати пудратчи ташкилотларга ҳисобланди	270000
19.	Қурилишга четдан жалб қилинган ташкилотларнинг бажарган ишлари қиймати тулашга қабул қилинди	180000
20.	Мол етказиб бериш учун истеъмолчилардан олинган пул маблағи ҳисоблашиш счётига қабул қилинди	300000
21.	Истеъмолчиларга тайёр маҳсулотлар контрактга асосан жўнатилди	500000
22.	Тулиқ ҳисоблашиш жараёнида олдин олинган аванс суммаси ҳисобга олинди	300000
23.	Жўнатилган товарларнинг фарқ суммаси ҳисоблашиш счётига қабул қилинди	200000
24.	Жўнатилган товарларнинг тегишли ҳужжатларига асосан аниқланган камомати бўйича даъво қабул қилинди	50000
25.	Мол етказиб берувчилардан хом-ашёлар қабул қилинди	350000
26.	Мол етказиб берувчилардан наслдор ёш моллар қиримга олинди	250000
27.	Мол етказиб берувчилардан кам баҳоли ва тез тузувчан буюмлар қабул қилинди	80000

28.	Пудратчилар асосий ишлар чиқаришга хизмат қилди	75000
29.	Пудратчилар ёрдамчи ишлаб чиқаришга хизмат қилди	40000
30.	Пудратчи ташкилот томонидан цех иморати таъмирланди	150000
31.	Пудратчи ташкилот томонидан корхона идораси таъмирланди	230000
32.	Пудратчи ташкилотлар бошқа ишлаб чиқаришга хизмат қилди	48000
33.	Капитал қуйилмалар ҳажмининг купайтирмаган ишларни қурилиш ташкилотлар бажардилар	40000
34.	Мол етказиб берувчилардан пул маблағи ким қилинди	30000
35.	Мол етказиб берувчилардан фактурасиз (ҳужжатсиз) кам баҳоли ва тез тузувчан буюмлар олинди	75000

МАВЗУНИ ЎЗЛАШТИРИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Мол етказиб берувчиларга олинган хом-ашёнинг камомати бўйича даъво қилинди.

- | | |
|----------|-------|
| а) Дт 60 | Кт 63 |
| б) Дт 63 | Кт 10 |
| в) Дт 63 | Кт 60 |
| г) Дт 84 | Кт 10 |

2. Мол етказиб берувчилардан кам баҳоли ва тез тузувчан буюмлар олинди.

- | | |
|----------|-------|
| а) Дт 60 | Кт 63 |
| б) Дт 63 | Кт 10 |
| в) Дт 63 | Кт 60 |
| г) Дт 84 | Кт 10 |

3. Мол етказиб берувчилардан машиналар сотиб олинди.

а) Дт	01	Кт	60
б) Дт	08	Кт	60
в) Дт	01	Кт	51
г) Дт	60	Кт	51

4. Мол етказиб берувчилардан хом-ашё ва материаллар олинди.

а) Дт	10	Кт	51
б) Дт	12	Кт	60
в) Дт	10	Кт	60
г) Дт	10	Кт	62

5. Капитал қурилиш буйича бажарилган ишлар қабул қилинди.

а) Дт	60	Кт	51
б) Дт	08	Кт	51
в) Дт	08	Кт	62
г) Дт	08	Кт	60

6. Мол етказиб берувчилардан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиб олинди.

а) Дт	40	Кт	51
б) Дт	12	Кт	60
в) Дт	40	Кт	60
г) Дт	10	Кт	60

7. Ёрдамчи хўжалик учун Голландия маҳсулдор сигирлари сотиб олинди.

а) Дт	01	Кт	60
б) Дт	08	Кт	60
в) Дт	01	Кт	08
г) Дт	08	Кт	62

8. Пудратчи ташкилотлар корхона ошхонасини таъмирладилар.

а) Дт	23	Кт	60
б) Дт	26	Кт	60
в) Дт	25	Кт	60
г) Дт	29	Кт	60

9. Пудратчи ташкилотлар цех биносини таъмирландилар.

а) ДТ	26	КТ	60
б) ДТ	25	КТ	60
в) ДТ	20	КТ	60
г) ДТ	23	КТ	60

10. Олинган машиналарнинг қиймати мол етказиб берувчиларга туланди.

а) ДТ	51	КТ	60
б) ДТ	60	КТ	51
в) ДТ	60	КТ	52
г) ДТ	60	КТ	55

11. Аккредитивдан олинган хом-ашё қиймати туланди.

а) ДТ	60	КТ	51
б) ДТ	60	КТ	52
в) ДТ	60	КТ	55
г) ДТ	51	КТ	60

12. Олинган кам баҳоли буюмлар қиймати чек билан туланди.

а) ДТ	60	КТ	51
б) ДТ	60	КТ	55
в) ДТ	52	КТ	60
г) ДТ	60	КТ	50

13. Мол етказиб берувчиларга олинган материаллар қиймати банкнинг қисқа муддатли ссудаси ҳисобидан туланди.

а) ДТ	60	КТ	51
б) ДТ	60	КТ	92
в) ДТ	60	КТ	90
г) ДТ	60	КТ	94

14. Мол етказиб берувчиларга юридик шахслардан олинган узоқ муддатли қарз ҳисобидан машина қиймати туланди.

а) ДТ	60	КТ	92
б) ДТ	60	КТ	60
в) ДТ	60	КТ	95
г) ДТ	60	КТ	94

15. Пудратчиларнинг уй-жой қурилишида бажарган ишлари банкнинг махсус ссудаси ҳисобидан туланди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 60 | КТ | 90 |
| б) ДТ | 60 | КТ | 93 |
| в) ДТ | 60 | КТ | 94 |
| г) ДТ | 60 | КТ | 92 |

16. Жунатилган товарларнинг тижорат далолатномасига асосан истеъмолчиларнинг даъвоси қабул қилинди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 63 | КТ | 40 |
| б) ДТ | 63 | КТ | 45 |
| в) ДТ | 60 | КТ | 63 |
| г) ДТ | 60 | КТ | 40 |

17. Мол етказиб берувчилардан номоддий актив сотиб олинди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 04 | КТ | 51 |
| б) ДТ | 04 | КТ | 52 |
| в) ДТ | 04 | КТ | 55 |
| г) ДТ | 04 | КТ | 60 |

18. Транспорт ташкилотининг курсатган хизмат қиймати чек билан туланди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 60 | КТ | 51 |
| б) ДТ | 60 | КТ | 55 |
| в) ДТ | 60 | КТ | 52 |
| г) ДТ | 51 | КТ | 60 |

19. Мол етказиб берувчилардан ҳужжатсиз (фактура-сиз) хом-ашё олинди ва актга асосан кирим қилинди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 10 | КТ | 60 |
| б) ДТ | 12 | КТ | 60 |
| в) ДТ | 10 | КТ | 76 |
| г) ДТ | 76 | КТ | 51 |

20. Тижорат актига асосан камомад суммаси буйича мол етказиб берувчиларга даъво қилинди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 63 | КТ | 10 |
| б) ДТ | 10 | КТ | 60 |
| в) ДТ | 63 | КТ | 60 |
| г) ДТ | 60 | КТ | 63 |

ҲАР ХИЛ ДЕБИТОР ВА КРЕДИТОРЛАР БИЛАН ҲИСОБЛАШИШЛАР

Корхона ва фирмалар ўз фаолиятида мол етказиб берувчилар ва истеъмолчилардан ташқари бошқа муомалаларни ҳар хил юридик ва жисмоний шахслар билан амалга оширади. Бунинг натижасида корхона маблағлари вақтинча қарзга берилади ва вақтинча қарзга олинади. Бу муомалалар асосан қуйидаги ҳолатларда содир бўлади:

а) мол етказиб берувчиларга олинadиган хом-ашё ва материаллар учун аванс берилганда ва пудратчиларнинг бажарилаётган ишларга қисман ҳақ тўланганда;

б) харидорлар ва буюртмачилар билан бўладиган ҳисоблашишлар жараёнида содир бўладиган харидор ва буюртмачиларнинг қарзи ёки бўладиган қарз натижасида;

в) мол етказиб берувчиларга, пудратчиларга, транспорт ва бошқа ташкилотларга нисбатан асосли қилинган даъволар, улар томонидан тан олинган ёки ҳукм қилинган жарима ва пенсиялар бўйича;

г) корхона фаолияти жараёнида ўзининг ходимлари билан меҳнат ҳақи ва депозитлар бўйича ҳисоблашишдан ташқари содир бўладиган — кредитга сотилган товарлар, берилган қарзлар, етказилган моддий зарарларни қоплаш бўйича ҳисоблашишларнинг вужудга келиши натижасида;

д) турли ташкилот ва корхоналар билан тижоратга алоқаси бўлмаган — ўқув юртлари, илмий муассасалар, транспорт ташкилотлари билан чек бўйича ҳисоблашишлар, меҳнат ҳақи, мукофотлар ва ижро этувчи ҳужжатлар бўйича ҳисоблашишнинг содир бўлиши натижасида ушбу юқорида кўрсатилган ҳисоблашишлар содир бўлади. Аниқлик киритиш ва тушунарли бўлиши учун ҳар бир ҳисоблашиш турларини чуқур ўрганиш лозим.

1. Мол етказиб берувчиларга айрим ҳолларда олинadиган хом-ашё ва материаллар учун олдиндан аванс берилади ва кейин ушбу қийматликлар олинади, аynиқса бу хил ҳисоблашишлар ишончсиз истеъмолчиларга нисбатан кенг қўлланилади. Бундан ташқари пудратчиларга ҳам бажарилаётган иши бўйича аванслар тўланиб борилади, айрим ҳолларда эса бажарилган ишларнинг қиймати босқичма-босқич тўланади. Масалан, объектлар қурилаётганда унинг 0 — бос-

қичи, монтаж, сантехника, безаш ва бошқа ишлар тузилган актга мувофиқ туланади ва умумий ҳисоблашишда ушбу туловлар чегирилиб қолинади ва фарқ сумма туланади.

Масалан, объектнинг умумий қиймати (сметада кўрсатилган) 3500000 сўм. Қурилиш даврида 2100000 сўм қисман туланган, демак охириги объект тулиқ топширилганда 1400000 сўм (3500000—2100000) туланади. Дт 08 Кт 60 ва Дт 60 Кт 51, 52, 90, 92, 94, 95 ва ҳоказо.

Берилган аванслар суммаси ва қисман тайёр бўлган маҳсулот, ишлар ва объектларга туланадиган суммалар 61-«Берилган аванслар буйича ҳисоблашишлар» счётида қайд қилиб борилади. Ҳар бир дебитор буйича аналитик ҳисоб юритилиб аванслар суммасининг ҳаракати назорат қилиб борилади.

Авансларнинг берилиши 61-счётнинг дебетида унинг ҳисоблашишда қопланиши 61-счётнинг кредитида қайд қилинади ва 60-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоблашишлар» счётининг дебетида ўтказилиб умумий ҳисоблашиш суммасидан чегирилади, қолган қарз суммаси тегишли счётлардан мол етказиб берувчи ва пудратчиларга туланади.

2. Корхона, фирмалар узининг фаолиятини юртишда маҳсулотларини харидорларга сотади ва буюртмачилардан айрим маҳсулот турлари буйича буюртмалар қабул қилади. Натижада харидорлар ва буюртмачилар билан корхона, фирма уртасида ҳисоблашишлар вужудга келади. Ушбу ҳисоблашишларни умумлаштириш, улар юзасидан ахборот тўплаш ва ҳисоблашиш ҳолатини назорат қилиш учун 62-»*Харидор ва буюртмачилар билан ҳисоблашишлар*» синтетик счёти қўлланилади. Ҳисоблашишларнинг ҳар хил бўлиши натижасида бу счётда қуйидаги субсчётлар очилган:

62/1 — *«Инкасса тартибидаги ҳисоблашишлар»* — бу субсчётда жўнатилган маҳсулот, товарлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларга доир ҳужжатлар харидор ва буюртмачиларга тақдим қилинган ва банк тулов учун қабул қилган ҳолда қайд қилиб борилади.

62/2 — *«Режали туловлар буйича ҳисоблашишлар»* — бу субсчётда ҳужаликнинг узоқ муддатли ва доимий алоқалар содир бўладиган харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоблашишни амалга ошириш учун қўлланилади. Бу ҳисоблашишлар қўлланилганда харидорлар ва буюртмачилар билан тузилган шартномадаги муддатлар ва тартибларга риоя қилиш шартдир.

62/3 — «Олинган векселлар» субсчётида харидор ва буюртмачилардан юборилган маҳсулот товар ва бажарилган ишлар бўйича олинган векселлар билан таъминланган қарздорлик суммаларининг ҳолати ва уни тўлаш жараёни ҳисобга олинади ва назорат қилинади.

62 — «Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоблашишлар» счёти ҳисоблашишнинг турларига қараб тақдим қилган тўлов ҳужжатларига асосан 46-«Маҳсулот (иш ва хизмат) реализацияси», «Асосий воситаларнинг реализацияси ва чиқарилиши», 48-«Ҳар хил активларнинг реализацияси» счётлари билан боғланади.

Агарда 62-«Харидор ва буюртмачилар билан ҳисоблашишлар» счёти бўйича қарзлар тўланса — тўлов ҳужжатлари суммалари, олинган аванслар — кредитида акс эттирилиб маблағларни ҳисобга олиш счётлари билан боғланади.

Агарда харидор ва буюртмачидан олинган вексел бўйича фоиз назарда тутилган бўлса бу сумманинг тўланиш жараёнида 51-счёт дебетланиб, шу сумма 62 ва 80-счётларининг кредитига ёзилиб борилади.

62-«Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоблашишлар» счётида тўлаш учун тақдим қилинган ҳар бир ҳужжат бўйича айрим аналитик ҳисоб юритилиши лозим. Чунки ҳар бир тўлов харидор ва буюртмачи билан қолаверса ҳар бир тўлов ҳужжати бўйича қарзларнинг ҳолати ва уни тўлаш вақтини, тўлов муддати келмаган ва муддати келган векселларни назорат қилиб бориш ва чора тадбирлар куриш имкониятини яратиши зарур.

3. Корхона, фирма фаолияти жараёнида айрим ҳолларда даъволар вужудга келади. Бу даъволар асосан мол етказиб берувчилардан олинган хом-ашё ва материаллар бўйича камомад, навларининг фарқи ва ҳоказо, пудратчилар билан бажарилган ишларнинг ҳажми ва сифати бўйича, транспорт ташкилотларининг айби билан содир бўлган материалларнинг камомади тегишли актларга асосан ва тан олинган камомадлар бўйича вужудга келади. Айрим ҳолларда даъволарни ечиш учун учинчи томон — ҳужалик суди ҳам жалб қилинади. Охирги ҳолатда ҳужалик суди ҳақи даъво қилувчи ташкилот томонидан тўланиб судда қайси томон — даъвогар ёки айбдор ютқазса ўша томон суднинг хизмат ҳақини тўлайди.

63-«Даъволар юзасидан ҳисоблашишлар» синтетик ҳисоби ушбу даъволар бўйича содир бўлган сумма-

ларни умумлаштириш ва уларнинг ҳолати ва ҳаракати устидан назорат ўрнатиш учун қўлланилади. Даъволарнинг турларига қараб ушбу 63-счётда қуйидаги субсчётлар юритилиши лозим:

63/1-Мол етказиб берувчилар, пудратчилар ва транспорт ташкилотларининг счётини текширишда акцептлангандан кейин аниқланган шартномага нисбатан баҳоларнинг фарқ суммасига, товар материал қийматликларининг қиймати, тайёрлов харажатларининг счётларда акс эттирилишининг нотўғрилиги, арифметик хатолар, нархларни ошириб ёзиш натижасида содир бўладиган даъволар;

63/2-Материаллар, товарлар етказиб берувчиларга, материалларни қайга ишловчи корхоналарга нисбатан стандарт талаби, техникавий ва буюртма сифатида тўғри келмаганлиги бўйича даъволар:

1. Мол етказиб берувчиларга, транспорт ташкилотларига йўлдаги юкларнинг нормадан ташқари камайиши бўйича қўйилган даъволар.

2. Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларнинг айби билан содир бўлган брак маҳсулотлардан кўрилган зарарлар, бекор туриш қиймати бўйича даъволар.

3. Банк муассасаларига нисбатан корхонанинг счётидан хато равишда ҳисобдан чиқарилган пул маблағлари юзасидан даъволар.

4. Мол етказиб берувчилар, пудратчилар, транспорт ташкилотлар, харидор ва буюртмачиларнинг шартнома мажбуриятларини бажармаганлиги учун ундирилдиган жарима ва пенялар улар томонидан тан олинган ёки хўжалик судининг ҳукмига асосан қайд қилинади ва ушбу суммалар 80-«Фойда ва зарарлар» счётида ўтказилади.

Ушбу счёт пул маблағлари сётлари билан боғланган ҳолда туланган сумма миқдорига кредитланади. Агарда даъво суммасининг ундирилмаслиги аниқланса бу сётнинг (63-сёт) дебетига қайси сётдан келтирилган бўлса ўша сётга қайтарилади.

63-«Даъволар бўйича ҳисоблашишлар»нинг аналитик ҳисоби ҳар бир даъво бўйича айрим ҳисобга олиб борилади, бу ўз навбатида даъволар бўйича ҳисоблашишни назорат қилишга ёрдам беради.

4. Юқорида қайд қилинган мол етказиб берувчилар, харидорлар, пудратчилар, буюртмачилар, таъсисчилар билан ҳисоблашишларидан (60, 61, 62, 63, 64, 65, 67, 68, 69, 70, 71, 73 ва 75 счётларда қайд қилинадиган

ҳисоблашиш турлари) ташқари вужудга келадиган ҳисоблашишлар ҳар хил дебитор ва кредиторлар гуруҳига киради, булар асосан:

— турли ташкилот ва шахслар билан тижоратга оид бўлмаган муаммолар бўйича ҳисоблашишлар (ўқув юртлари, илмий муассасалар):

— транспорт ташкилоти (темир йўл, ҳаво йўли, сув йўли, автотранспорт)нинг кўрсатган хизматларни чек билан тўлаш бўйича ҳисоблашишлар:

— иш ҳақи, мукофотлар ва шунга ўхшаш бошқа тўловлар бўйича ҳисоблашишлар;

— корхона ходимларининг иш ҳақидан ижро этилувчи ҳужжатларига асосан ташкилотлар ёки жисмоний шахслар фойдасига ушланиб қолинадиган суммаларга доир ҳисоблашишлар.

Бу қайд қилинган ҳисоблашишлар 76-«Ҳар хил дебитор ва кредиторлар билан ҳисоблашиш» счётида умумлаштирилиб борилади. Бу синтетик счёт актив-дебитор ва пассив-кредитордир. Шунинг учун ҳам ҳар ойнинг, кварталнинг ва йилнинг охирида (зарур бўлганда тезкорлик билан) айланма ва қолдиғи дебитор ва кредиторлар бўйича айрим ҳолда ҳисобланади. Ҳар бир дебитор ва кредитор бўйича аналитик ҳисоб (контрар карточка) юритилади ва унда дебитор ва кредитор қарзларнинг ҳолати қайд қилиб борилади ва маълумотлар 7-ведомостда жамғарилиб борилади. Бу счётларнинг кредит суммалари 8-журнал ордерида синтетик ва аналитик маълумотлар йигилади.

Мамлакатимизнинг бозор иқтисодиёти жараёнида ривожланиши натижасида корхона ва фирмалар томонидан авлод корхоналари вужудга келмоқда. Натижада уларнинг фаолияти бўйича ҳар хил ҳисоблашувлар — асосан бош корхона билан ҳисоблашувларни амалга ошириш тақозо қилинади. Ушбу ҳисоблашишлар жорий яъни баланслараро ҳисоблашувларини қайд қилиб бориш ва ушбу маълумотларни умумлаштириб бориш учун 78-«Авлод корхоналари билан ҳисоблашишлар» синтетик счёти қўлланилиб унда аналитик ҳисоб ҳар бир авлод корхона бўйича айрим ҳолда юритилади.

Бундан ташқари бош корхонанинг филиалидан ваколатхоналари, бўлимлари ва алоҳида балансларга ажратилган бошқа бўлинмалари билан олиб бориладиган ҳисоблашишлар (баланс ичидаги ҳисоблашишлар) ҳам амалга оширилади. Ушбу ахборотларни умумлаш-

тириб бориш учун 79-«Хужалик ичидаги ҳисоблашишлар» синтетик счётидан фойдаланилади. Ушбу счётида ҳисоблашишларининг қуйидаги турлари амалга оширилади:

- ажратилган мулкка доир ҳисоблашишлар;
- моддий бойликларни узаро бир-бирига бериш бўйича ҳисоблашишлар;
- маҳсулотларни реализация қилиш бўйича ҳисоблашишлар;
- харажатларни умумий бошқарув фаолиятига ўтказишга оид ҳисоблашишлар;
- бўлинмаларнинг ходимларига иш ҳақи тўлаш;
- корхона балансида турадиган, лекин бўлинмаларга берилмайдиган истеъмол фондлари ҳисобидан қилинадиган харажатлар бўйича ҳисоблашишлар ва ҳ. к.

Ушбу 79-«Хужалик ичидаги ҳисоблашишлар» синтетик счёти бўйича қуйидаги субсчётлар очилади:

79-1-«*Ажратилган мулклар бўйича ҳисоблашишлар*» субсчётида корхонанинг филиаллари, ваколотхоналари, бўлинмалари ва алоҳида балансга ажратилган бошқа бўлинмалари ихтиёрига ажратилган асосий воситалар ва айланма маблағлар бўйича олиб бориладиган ҳисоблашишлар қайд қилиб борилади. Тегишли бўлинма ёки ваколатхонага ажратилган мулк суммалари тегишли счётлардан (01,10...) чиқарилиб 79-«Хужалик ичидаги ҳисоблашишлари» счётининг тегишли 79-1 - субсчётининг дебетига қайд қилинади. Ушбу бўлинмаларда эса ажратилган мулк суммалари турларига қараб 01, 10, 12... счётларнинг дебетига ва 79-1 нинг кредитига ўтказилади. Ушбу субсчёт бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир бўлинма бўйича айрим юритилади.

79-2-«*Жорий муомалалар бўйича ҳисоблашишлар*» субсчётида корхонага тегишли мустақил бўлинмалар билан олиб бериладиган бошқа ҳисоблашишлар қайд қилиниб ва умумлаштирилиб борилади.

Корхона балансида хужалик ичидаги ҳисоблашишлар ҳолати акс эттирилмайди.

Бизнинг фикримизча тезкор назоратни кучайтириш мақсадида ушбу 79-«Хужалик ичидаги ҳисоблашишлар» синтетик счёти бўйича содир бўладиган ҳар бир ҳисоблашиш тури бўйича субсчёт очиш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Чунки ҳисоблашишнинг қолган 5та тури 79-2 субсчётга жамланган бу ўз навбатида аналитик назоратнинг сусайишига олиб келади.

Вазифа

199 — йилда «Подъёмник» корхонасида қуйидаги хўжалик муомалалари содир бўлган

№	Хўжалик муомаласининг мазмуни	сумма
1	Пудратчиларга бажарган ишлари бўйича аванс берилади	50000
2	Мол етказиб берувчиларга олинадиган хом-ашё юзасидан аванс берилди	40000
3	Транспорт ташкилотига бажарадиган хизматлари бўйича аванс берилди	15000
4	Мол етказиб берувчилар билан олинган материаллар бўйича ҳисоблашишни амалга ошириш жараёнида берилган аванс ҳисобга олинди	40000
5	Транспорт ташкилоти олдин олган авансини қайтариб берди	30000
6	Бошқа ташкилотларга ёрдамчи хўжаликдан сигирлар сотилди	15000
7	Ёрдамчи хўжаликдан бошқа ташкилотларга маҳсулотлар сотилди	20000
8	Юридик шахсларга асосий воситанинг ортиқча қисми сотилди	48000
9	Бошқа ташкилотларга номоддий активлар реализация қилинди	36000
10	Сут заводига қаймоқсиз сут сотилди	25000
11	Тайёрлов идораларига топширилган маҳсулотларининг қиймати ҳисоблашиш счётига кирим қилинди	48000
12	Тайёрлов идораларидан олинган аванс махсус счётга кирим қилинди	30000
13	Хорижга жунатилган маҳсулотларидан олинган валюта кирим қилинади	3000\$ 180000

14	Пудратчи ташкилотларининг сифатсиз бажарган ишларига Актга асосан даъво қилинди	35000
15	Банкдаги ҳисоблашиш счётидаги кучирмадан аниқлаган хато ёзув бўйича банкка даъво қилинди	40000
16	Истеъмолчиларга ва буюртмачиларга шартнома мажбуриятини бажармаганлиги учун даъво билдирилди	25000
17	Мол етказиб берувчиларга уларнинг айби билан корхона бекор туриб қолганлиги учун жарима ҳисобланди	17000
18	Банкдаги ҳисоблашиш счётига кучирмадан аниқланган хато суммасини банк қабул қилди	40000
19	Даъволар бўйича мол етказиб берувчилар пул утказдилар	20000
20	Мол етказиб берувчиларга берилган даъво улар исботи билан тўланмасликка қарор қилинди	5000
21	Ҳисобланган жаримани мол етказиб берувчилар тўладилар	17000
22	Банкдан уй-жой қурилиши учун олинган қарз ходимларга берилди	180000
23	Хўжалик ходимларига якка тартибида уй-жой қуриши учун кассадан нақд пул берилди	90000
24	Қарзга олинган талаблар учун юридик шахсларга пул утказилди	75000
25	Айбдор шахслардан ундирилаётган моддий бойликларнинг таннархи билан ундирилаётган сумма фарқи	800
26	Аниқланган камомадлар айбдор шахслар зиммасидан олиниб, буйруққа мувофиқ маҳсулот таннархига утказилди	1500
27	Бошқа шахслардан қарзга товарлар олинди	1700
28	Ходимлар корхонанинг чеки билан банкдан қарз олдилар	170000
29	Айбдор шахслардан моддий қийматликлар бўйича аниқланган камомад натура кўринишида ундирилди	1900

30	Айбдор шахслардан аниқланган камомад суммаси нақд пулда ундирилди	600
31	Комиссиянинг қарорига мувофиқ аниқланган камомад суммаси айбдор шахснинг иш ҳақидан ушланиб қолинди	800
32	Ходимларга суғурта шарғномаси бўйича белгиланган сумма қопланди	3700
33	Қарзга сотиб олинган товарларнинг қиймати ходимларининг иш ҳақидан ушланди	2500
34	Тўлаш имконияти бўлмаган қарздор сумма айбдорлар зиммасидан чиқарилди	450
35	Камомадлар бўйича ундирилган сумма билан камомаднинг ҳақиқий қиймати ўртасидаги фарқ суммаси	300
36	Хўжалик ходимлари якка тартибда уй-жой қурилиши учун олган қарзларни бевосита банкка қайтардилар	180000
37	Қимматбаҳо қоғозларнинг сотиб олиш ва номинал баҳолари ўртасида фарқ суммаси аниқланди	3200
38	Хўжалик ходимлари ва шахсларга квартирадан фойдаланиш ҳақи ҳисобланди	19700
39	Кассадан ўз вақтида тўланмаган иш ҳақи ва мукофотлар ходимларга берилди	21500
40	Қарзга олинган товарлар қиймати ташкилотларига тўланди	75000
41	Хўжаликлараро корхоналаридан олинган материаллар қиймати чек билан тўланди	85000
42	Алоқа корхоналари кўрсатган хизматлар тўлашга қабул қилинди	35000
43	Болалар муассасалари учун ога-оналаридан кассага пул кирим қилинди	27000
44	Давлатга сотиш учун индивидуал ишлаб чиқаришда маҳсулот қабул қилинди	50000

45	Хўжаликлараро корхоналардан пул маблағлари қабул қилинди	75000
46	Индивидуал сектордан олинган товарлар қиймати кассадан тўланди	50000
47	Қарзларни қоплаш учун турли шахслардан пул маблағлари кирим қилинди	60000
48	Хўжаликлараро корхоналарга шартнома мажбуриятларини бажармаганлиги учун даъво билдирилди	15000
49	Ўз вақтида кассадан олинмаган иш ҳақи депонентга ўтказилди	17500
50	Ҳисобланган иш ҳақидан касаба уюшмасига аъзолик бадали ушланди	8500
51	Суд томонидан инкор этилган муддати ўтиб кетган қарздорлик суммаси ҳисобдан чиқарилди	10500
52	Бошқа шахсларга туланган, лекин уларнинг счётларига тушмаган суммалар аниқланди	45000
53	Хўжаликлараро корхоналаридан кирим қилган пул маблағлари банкнинг қисқа муддатли қарзини қоплашга ўтказилди	75000
54	Болалар муассасалари учун ота-оналарига туловлар суммаси ҳисобланди	27000

МАВЗУНИ ЎЗЛАШТИРИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Ёрдამчи хўжаликлардан бошқа ташкилотларга маҳсулот сотилди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) Дт | 60 | Кт | 70 |
| б) Дт | 60 | Кт | 40 |
| в) Дт | 46 | Кт | 40 |
| г) Дт | 62 | Кт | 23 |

2. Транспорт ташкилоти олдин олган авансини қайтариб берди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 51 | КТ | 55 |
| б) ДТ | 51 | КТ | 76 |
| в) ДТ | 51 | КТ | 60 |
| г) ДТ | 51 | КТ | 62 |

3. Пудратчи ташкилотларга бажараётган ишлари юзасидан аванс берилди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 61 | КТ | 51 |
| б) ДТ | 62 | КТ | 51 |
| в) ДТ | 60 | КТ | 51 |
| г) ДТ | 60 | КТ | 61 |

4. Бошқа ташкилотларга ёрдамчи хужаликдан сигирлар сотилди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 47 | КТ | 62 |
| б) ДТ | 40 | КТ | 62 |
| в) ДТ | 47 | КТ | 60 |
| г) ДТ | 47 | КТ | 01 |

5. Мол етказиб берувчиларга олинадиган хом-ашё учун аванс берилди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 61 | КТ | 51 |
| б) ДТ | 76 | КТ | 51 |
| в) ДТ | 62 | КТ | 51 |
| г) ДТ | 60 | КТ | 51 |

6. Юридик шахсларга асосий воситанинг ортиқча қисми сотилди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 62 | КТ | 47 |
| б) ДТ | 46 | КТ | 47 |
| в) ДТ | 60 | КТ | 47 |
| г) ДТ | 62 | КТ | 46 |

7. Сут заводидан қаймоқсиз сут сотиб олинди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 40 | КТ | 62 |
| б) ДТ | 41 | КТ | 62 |
| в) ДТ | 40 | КТ | 60 |
| г) ДТ | 46 | КТ | 62 |

8. Транспорт ташкилотларига бажарадиган хизмати учун аванс берилди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 61 | КТ | 55 |
| б) ДТ | 55 | КТ | 51 |
| в) ДТ | 60 | КТ | 51 |
| г) ДТ | 61 | КТ | 51 |

9. Ташкилотлар, идораларга топширилган маҳсулотларнинг қиймати ҳисоблашиш счётига кирим қилинди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 51 | КТ | 76 |
| б) ДТ | 51 | КТ | 62 |
| в) ДТ | 51 | КТ | 60 |
| г) ДТ | 51 | КТ | 46 |

10. Хорижга жўнатилган маҳсулотлар буйича олинган валюта кирим қилинди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 52 | КТ | 62 |
| б) ДТ | 52 | КТ | 60 |
| в) ДТ | 50 | КТ | 62 |
| г) ДТ | 51 | КТ | 62 |

11. Тайёрлов идорасидан олинган аванс махсус счётга кирим қилинди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 55 | КТ | 51 |
| б) ДТ | 51 | КТ | 55 |
| в) ДТ | 55 | КТ | 62 |
| г) ДТ | 51 | КТ | 62 |

12. Пудратчи ташкилотларга сифатсиз бажарган таъмирлаш ишларининг қисман қиймати Актга асосан даъво қилинди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 62 | КТ | 63 |
| б) ДТ | 60 | КТ | 63 |
| в) ДТ | 76 | КТ | 63 |
| г) ДТ | 60 | КТ | 76 |

13. Банкдаги ҳисоблашиш счётидаги кучирмадан аниқланган хато ёзув буйича банкка даъво қилинди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 63 | КТ | 51 |
| б) ДТ | 52 | КТ | 51 |
| в) ДТ | 55 | КТ | 51 |
| г) ДТ | 50 | КТ | 51 |

14. Истеъмолчи ва буюртмачиларга шартнома мажбуриятларини бажармаганлиги учун даъво қилинди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 51 | КТ | 76 |
| б) ДТ | 63 | КТ | 76 |
| в) ДТ | 51 | КТ | 63 |
| г) ДТ | 76 | КТ | 63 |

15. Банкдаги ҳисоблашиш счёти бўйича кучирмадан аниқланган хато суммаси бўйича даъвони банк қабул қилди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 76 | КТ | 63 |
| б) ДТ | 51 | КТ | 55 |
| в) ДТ | 51 | КТ | 63 |
| г) ДТ | 51 | КТ | 60 |

16. Буюртмачининг айби билан корхона бекор туриб қолганлиги учун жарима ҳисобланди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 63 | КТ | 20 |
| б) ДТ | 63 | КТ | 26 |
| в) ДТ | 63 | КТ | 26 |
| г) ДТ | 63 | КТ | 25 |

17. Даъволар бўйича мол етказиб берувчилар пул утқаздилар.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 51 | КТ | 63 |
| б) ДТ | 90 | КТ | 63 |
| в) ДТ | 51 | КТ | 60 |
| г) ДТ | 62 | КТ | 51 |

18. Мол етказиб берувчиларга берилган даъво уларнинг исботи билан туланмасликка қарор қилинди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 80 | КТ | 63 |
| б) ДТ | 83 | КТ | 63 |
| в) ДТ | 51 | КТ | 63 |
| г) ДТ | 80 | КТ | 60 |

19. Ҳисобланган жаримани буюртмачилар туладилар.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 51 | КТ | 60 |
| б) ДТ | 51 | КТ | 62 |
| в) ДТ | 51 | КТ | 63 |
| г) ДТ | 51 | КТ | 76 |

20. Банкдан уй-жой қурилиши учун олинган қарз ходимларга берилди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 73 | КТ | 93 |
| б) ДТ | 73 | КТ | 95 |
| в) ДТ | 73 | КТ | 95 |
| г) ДТ | 73 | КТ | 90 |

21. Хужалик ходимларига якка тартибда уй-жой қуриш учун кассадан нақд пул берилди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 73 | КТ | 50 |
| б) ДТ | 70 | КТ | 50 |
| в) ДТ | 71 | КТ | 50 |
| г) ДТ | 73 | КТ | 93 |

22. Қарзга олинган товарлар учун юридик шахсларга пул утказилди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 73 | КТ | 40 |
| б) ДТ | 60 | КТ | 51 |
| в) ДТ | 62 | КТ | 51 |
| г) ДТ | 73 | КТ | 51 |

23. Аниқланган камомадлар айбдор шахслар зиммасидан олиниб маҳсулот таннархига қушилди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 20 | КТ | 76 |
| б) ДТ | 20 | КТ | 73 |
| в) ДТ | 20 | КТ | 84 |
| г) ДТ | 23 | КТ | 84 |

24. Бошқа шахслардан қарзга товарлар олинди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 41 | КТ | 93 |
| б) ДТ | 73 | КТ | 62 |
| в) ДТ | 73 | КТ | 93 |
| г) ДТ | 40 | КТ | 73 |

25. Ходимлар корхонанинг чеки билан банкдан қарз олдилар.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 93 | КТ | 73 |
| б) ДТ | 73 | КТ | 90 |
| в) ДТ | 73 | КТ | 93 |
| г) ДТ | 93 | КТ | 70 |

26. Аниқланган камомад суммаси комиссиянинг қарорига мувофиқ айбдор шахснинг меҳнат ҳақидан ушланди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 70 | КТ | 73 |
| б) ДТ | 50 | КТ | 73 |
| в) ДТ | 84 | КТ | 73 |
| г) ДТ | 70 | КТ | 84 |

27. Айбдор шахслардан камомад сумма натура кури-нишида ундирилди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 10 | КТ | 73 |
| б) ДТ | 12 | КТ | 73 |
| в) ДТ | 11 | КТ | 73 |
| г) ДТ | 10 | КТ | 70 |

28. Ходимларга суғурта шартномаси буйича белги-ланган сумма қопланди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 50 | КТ | 73 |
| б) ДТ | 65 | КТ | 50 |
| в) ДТ | 65 | КТ | 73 |
| г) ДТ | 65 | КТ | 76 |

29. Айбдор шахслардан аниқланган камомад суммаси нақд пулда ундирилди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 50 | КТ | 73 |
| б) ДТ | 50 | КТ | 76 |
| в) ДТ | 50 | КТ | 70 |
| г) ДТ | 50 | КТ | 71 |

30. Камомадлар буйича ундирилган сумма билан ка-момаднинг ҳақиқий қиймати ўртасидаги фарқ суммаси.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 80 | КТ | 73 |
| б) ДТ | 83 | КТ | 73 |
| в) ДТ | 76 | КТ | 73 |
| г) ДТ | 84 | КТ | 73 |

31. Тулаш имконияти бўлмаган қарздор сумма айб-дорлар зиммасидан чиқарилди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 83 | КТ | 73 |
| б) ДТ | 80 | КТ | 76 |
| в) ДТ | 80 | КТ | 73 |
| г) ДТ | 80 | КТ | 84 |

32. Хужалик ходимлари якка тартибда уй-жой қурилиш учун олган қарзларини бевосита банкка қайтардилар.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 93 | КТ | 50 |
| б) ДТ | 93 | КТ | 73 |
| в) ДТ | 50 | КТ | 73 |
| г) ДТ | 76 | КТ | 73 |

33. Қарзга сотиб олинган товарларнинг қиймати ходимларнинг иш ҳақидан ундирилди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 93 | КТ | 73 |
| б) ДТ | 71 | КТ | 73 |
| в) ДТ | 50 | КТ | 73 |
| г) ДТ | 70 | КТ | 73 |

34. Хужалик ходимлари ва шахсларга квартирандан фойдаланиш ҳақи ҳисобланди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 76 | КТ | 96 |
| б) ДТ | 70 | КТ | 76 |
| в) ДТ | 70 | КТ | 96 |
| г) ДТ | 76 | КТ | 93 |

35. Камомадлар буйича ундирилган сумма билан камомаднинг ҳақиқий қиймати ўртасидаги фарқ суммаси.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 80 | КТ | 73 |
| б) ДТ | 84 | КТ | 73 |
| в) ДТ | 80 | КТ | 84 |
| г) ДТ | 80 | КТ | 63 |

36. Кассадан ўз вақтида туланмаган иш ҳақи ва мукофотлар ходимларга берилди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 70 | КТ | 50 |
| б) ДТ | 76 | КТ | 50 |
| в) ДТ | 76 | КТ | 70 |
| г) ДТ | 50 | КТ | 76 |

37. Суд томонидан инкор қилинган, муддати утиб кетган қарздорлик суммаси ҳисобдан чиқарилди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 83 | КТ | 76 |
| б) ДТ | 80 | КТ | 76 |
| в) ДТ | 68 | КТ | 76 |
| г) ДТ | 60 | КТ | 76 |

38. Хужаликлараро корхоналарга шартнома мажбуриятларининг бажарилмагани учун даъво билдирилди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 76 | КТ | 63 |
| б) ДТ | 62 | КТ | 63 |
| в) ДТ | 60 | КТ | 63 |
| г) ДТ | 64 | КТ | 63 |

39. Уз вақтида кассадан олинмаган иш ҳақи депонентга утказилди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 70 | КТ | 76 |
| б) ДТ | 70 | КТ | 73 |
| в) ДТ | 70 | КТ | 50 |
| г) ДТ | 70 | КТ | 71 |

40. Болалар муассасалари учун ота-оналардан кассага пул кирим қилинди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 50 | КТ | 70 |
| б) ДТ | 50 | КТ | 76 |
| в) ДТ | 50 | КТ | 71 |
| г) ДТ | 50 | КТ | 96 |

41. Қарзга олинган товарлар қиймати савдо ташкилотларига тўланди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 76 | КТ | 51 |
| б) ДТ | 60 | КТ | 51 |
| в) ДТ | 62 | КТ | 51 |
| г) ДТ | 64 | КТ | 51 |

42. Хужаликлараро корхоналарга шартнома мажбурияти бажарилмаганлиги учун даъво билдирилди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 71 | КТ | 63 |
| б) ДТ | 60 | КТ | 63 |
| в) ДТ | 76 | КТ | 63 |
| г) ДТ | 62 | КТ | 63 |

43. Ҳисобланган иш ҳақидан касаба уюшмасига аъзолик баъдали ушланди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 69 | КТ | 76 |
| б) ДТ | 70 | КТ | 69 |
| в) ДТ | 70 | КТ | 76 |
| г) ДТ | 70 | КТ | 50 |

44. Давлатга сотиш учун индивидуал ишлаб чиқаришдан маҳсулот олинди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 40 | КТ | 76 |
| б) ДТ | 46 | КТ | 76 |
| в) ДТ | 40 | КТ | 62 |
| г) ДТ | 10 | КТ | 76 |

45. Хужаликлараро корхонадан олинган материаллар қиймати чек билан туланди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 76 | КТ | 60 |
| б) ДТ | 10 | КТ | 55 |
| в) ДТ | 76 | КТ | 55 |
| г) ДТ | 10 | КТ | 76 |

46. Бошқа шахсларга туланган, лекин уларнинг сўтига тушмаган сумма аниқланди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 57 | КТ | 76 |
| б) ДТ | 56 | КТ | 76 |
| в) ДТ | 51 | КТ | 76 |
| г) ДТ | 57 | КТ | 51 |

47. Алоқа корхоналар кўрсатган хизматлар тулашга қабул қилинди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 51 | КТ | 76 |
| б) ДТ | 26 | КТ | 76 |
| в) ДТ | 25 | КТ | 76 |
| г) ДТ | 76 | КТ | 51 |

49. Болалар муассасалари учун ота-оналарнинг туловлари ҳисобланди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 96 | КТ | 76 |
| б) ДТ | 96 | КТ | 51 |
| в) ДТ | 70 | КТ | 76 |
| г) ДТ | 51 | КТ | 76 |

50. Давлатга сотиш учун индивидуал ишлаб чиқаришдан маҳсулот-товар қабул қилинди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 46 | КТ | 76 |
| б) ДТ | 40 | КТ | 76 |
| в) ДТ | 41 | КТ | 76 |
| г) ДТ | 41 | КТ | 62 |

51. Қарзга сотиб олинган товарларнинг қиймати ходимларнинг иш ҳақидан ушланди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 46 | КТ | 76 |
| б) ДТ | 41 | КТ | 76 |
| в) ДТ | 40 | КТ | 76 |
| г) ДТ | 40 | КТ | 62 |

УЧИНЧИ МАВЗУ

МЕҲНАТ ВА УНГА ҲАҚ ТЎЛАШНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

Меҳнат ва унга ҳақ тўлашни ҳисобга олиш 70-«Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар» номли синтетик, пассив счёта амалга оширилади. Ходимларга бўлган қарзлар унинг кредитида акс эттирилса, амалга оширилган тўловлар шу счётнинг дебетида қайд қилиб борилади.

Бу счёт меҳнат ҳақи, меҳнат ҳақининг барча турлари, мукофотлар, нафақалар ишлаётган нафақахўрларга бериладиган нафақалар ва бошқа тўловлар, шунингдек мазкур корхонанинг акциялари ва қимматли қоғозлари бўйича даромадларни тўлаш бўйича корхона рўяхати таркибида бўлган ва бўлмаган ходимлар билан олиб бориладиган ҳисоблашишлар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун тайинланган 70-счётнинг кредити бўйича қуйидаги суммаларда акс эттирилади:

а) ходимлардаги тегишли меҳнат ҳақи ишлаб чиқариш муомаласи харажатлари ва бошқа манбаларни ҳисобга оладиган счётлар билан боғланган ҳолда;

б) ходимлар учун бериладиган резервлар ҳисобидан ҳисобланган меҳнат ҳақи 89-«Келгуси давр кафолатлари ва тўловлари резерв» счёти билан боғланган ҳолда;

в) давлат ижтимоий суғуртага, нафақага қилинган ажратмалар ҳисобидан ҳисобланган нафақалар ва шу каби суммалар — 69 — «Ижтимоий суғурталар ва таъминот бўйича ҳисоблашишлар» счёти билан боғланган ҳолда;

г) корхона фаолиятида қатнашишдан ҳисобланган даромадлар, ҳисобот счёти даромади ёки олдинги йилларнинг тақсимланмаган даромади ҳисобидан;

— тегишли счётлар билан боғланган ҳолда.

«Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар» счётининг дебетида эса:

а) ходимларга тўланган меҳнат ҳақи, мукофотлар, нафақалар ва шу кабилар;

б) корхона фаолиятида қатнашишдан олинган даромадлар суммаси;

в) ҳар хил қонунда кўрсатилган ушламалар, даромад солиғи, тиббий варақлари бўйича туланмалар суммаси;

г) ходимнинг аризасига мувофиқ халқ банкига ўтказилган, қурилиш банкига ўтказилган суммалар;

д) баъзи сабабларга кўра ўз вақтида туланмаган сумманинг депонентга ўтказилиши 76-турли дебитор ва кредиторлар билан (депонент бўйича) ҳисоблашишлар счёти билан боғланган ҳолда.

70-«Меҳнатга ҳақ тулаш бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар» счётининг аналитик ҳисоби ҳар бир ходим бўйича айрим очилган шахсий счётда юритилади ва категориялари ҳамда ишлаган жойлари бўйича гуруҳлаштириб борилади.

Меҳнатга ҳақ тулаш бўйича қуйидаги дастлабки ҳужжатлар тўлғазилади.

1. **Т-1 шакли** — «Ишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ». Унда ходимнинг касби, мансаб ва иш ҳақи кўрсатилиб кадрлар бўлимида бир нусхада тўлғазилади ва меҳнат дафтарчасига қайд қилинади.

2. **Т-2 шакли** — «Ходимнинг шахсий варағи». Кадрлар бўлими томонидан ҳар бир ходимга айрим тўлдирилади ва ходим томонидан имзо билан тасдиқланиб кейинги ўзгаришлар киритилиб борилади.

3. **Т-3 шакли** — «Бошқа ишга ўтказилганлиги тўғрисида буйруқ». Ходимларни корхона ичида бошқа ишга ўтказилганда икки нусхада тўлғазиб 1-нусхаси кадрлар бўлимида, 2-нусхаси бухгалтерияда сақланади.

4. **Т-6 шакли** — «Таътил бериш тўғрисида ёзув».

Ҳар йилда ва бошқа сабаблар билан таътилга чиқаришда қўлланилади ва бухгалтерияга таътил ҳақини ҳисоблашга асос бўлади. Агарда ҳақ туланмайдиган таътилга чиқарилса бухгалтерия томонидан ходимга ҳақ ҳисобланмайди.

5. **Т-8 шакли** — «Меҳнат шартномаси тугатилганлиги тўғрисида буйруқ». Бу буйруқ ходимлар ишдан бўшатиладиганда 1 нусхада ёзилиб, унга асосан кадрлар бўлими меҳнат дафтарчасига кўчиради ва бухгалтерия ҳисобкитоб қилади.

6. **Т-12 шакли** — «Иш вақтидан фойдаланишни ҳисобга олиш ва иш ҳақи ҳисоблаш табели». Бу ходимларнинг ишга келишини белгилайди ва шунга асосан иш ҳақи ҳисобланади.

7. **Т-13 шакли** — «Иш вақтини ҳисоблаш табели». Унда фақат ходимларнинг ишга келиши белгиланиб борилади.

Табелларда ишга келган кунлар, соатлар, келмаганлик сабаблари: касал, таътилда, дам олиш, байрам ва бошқа белгилар қўйилиб маъсул шахс томонидан имзо чекилади ва бухгалтерияга ҳар ойда берилиб унга асосан меҳнат ҳақи — Т-49 «Ҳисоблаш — тулов ведомости»да ҳисобланади. Т-49, Т-49 а, Т-51, Т-53 ва Т-53 а ведомостлари ходимларнинг меҳнат ҳақини ҳисоблаш ва уни тулаш муомалаларини қайд қилувчи жамғарма маълумотларини йиғади.

Вазифа

Дастлабки ва йиғма ҳужжатларга асосан жорий ойда содир бўлган муомалаларни тегишли счётларда қайд қилинг. Корхона ходимлари билан иш ҳақи буйича ҳисоблашишларни ва ижтимоий муҳофаза фонди буйича ҳисоблашишларни акс эттиринг.

Вазифани бажариш учун маълумотлар. Синтетик счётлар буйича қолдиқлар

Счётнинг №	Синтетик счётнинг номи	Суммаси
51	Ҳисоблашиш счёти	500000
50	Касса	3000
70	Меҳнатга ҳақ тулаш буйича ҳисоблашиш	450000
69	Ижтимоий муҳофаза фонди буйича ҳисоблашиш	180000
89	Келгуси давр сарфлари жамғармаси	170000

Жорий ойда қуйидаги муомалалар содир бўлган:

Гартиб №	Хужалик муомаласининг мазмуни	Суммаси
1.	Жорий ойда дастлабки ҳужжатларга асосан ишчиларга ва ходимларга меҳнат ҳақи ҳисобланди.	
	а) асосий ишлаб чиқаришдаги ишчиларга;	600000
	б) бракка чиқарилган маҳсулотларни тузатишда қатнашган ишчиларга;	60000

	в) ёрдамчи тармоқ ишчи ва ходимларига;	110000
	д) АЖ бошқаруви аппарати ходимларига;	180000
	е) хизмат кўрсатиш тармоқларининг ишчи ва ходимларига;	100000
	ж) Иморатни бузаётган ишчиларга	80000
2.	Ишчи ва ходимларга истеъмол фонди ҳисобидан мукофотлар ҳисобланди	300000
3.	Акциячига олинган акция даромадлари ҳисобланди	95000
4.	Навбатдаги меҳнат таътили ҳақи ҳисобланди:	
	а) асосий ишлаб чиқаришдаги ишчиларга;	120000
	б) ёрдамчи ишлаб чиқаришдаги ишчиларга;	30000
	в) цех ходимларига;	15000
	г) бошқа хизмат кўрсатиш тармоғидаги ишчиларга;	12000
	д) бошқарув ходимларига.	18000
5.	Ҳисобланган иш ҳақига нисбатан ижтимоий ҳимоя фондига 36%, бандлик фондига 2%, касаба уюшмаси қўмитасига 2% ажратилди:	
	а) асосий ишлаб чиқаришдаги ишчиларга;	
	б) бракка чиқарилган маҳсулотларни тузатишда қатнашган ишчиларга;	
	в) ёрдамчи тармоқ ишчи ва ходимларига;	
	д) АЖ бошқаруви аппарати ходимларига;	
	е) хизмат кўрсатиш тармоқларининг ишчи ва ходимларига;	
	ж) иморатни бузаётган ишчиларга.	

6.	Ҳисобланган иш ҳақидан даромад солиғи ушланди	360000
7.	Ҳисобланган иш ҳақи суммасидан қуйидагилар ушланди	
	а) нафақа фондига;	15000
	б) касаба уюшмасининг аъзолик бадали;	15000
	в) брак маҳсулотининг қиймати	1200
8.	Ишчи ва ходимларга вазифани яхши бажариш учун жорий ой якунига биноан мукофот ҳисобланди	90000
9.	Ишчи ва ходимларнинг касаллик варақларига асосан нафақа ҳисобланди	40000
10.	Ишчи ва ходимларнинг иш ҳақидан суднинг ижро варақларига асосан алимент, жарима ва ҳоказолар ушланди	25000
11.	Ишчи ва ходимларнинг аризасига асосан меҳнат ҳақи суммаси халқ банкига ўтказди	85000
12.	Банкдаги ҳисоблашиш счётидан ишчи ва ходимларга меҳнат ҳақи нафақа, ёрдам ва мукофотлар бериш учун кассага нақд пул олинди	18 00000
13.	Ишчи ва ходимларга меҳнат ҳақи, нафақа, ёрдам ва мукофот берилди	1700000
14.	Белгиланган муддатда ишчи ва ходимлар томонидан олинмаган суммалар депонентга ўтказилди	10000
15.	Депонентга ўтказилган сумма банкдаги ҳисоблашиш счётига ўтказилади	10000
16.	Ушланган даромад солиғи банкдаги ҳисоблашиш счётидан бюджетга ўтказилди	36000
17.	Ҳар хил фондларга ажратмалар ижтимоий муҳофаза, бандлик, касаба уюшмаси қўмитасига ажратмалар ҳисоблашиш счётидан ўтказилди (5-муомалага қараб топинг)	38000

18.	Корхона айби билан ишчиларнинг бекор турган вақтига меҳнат ҳақи ҳисобланди.	36000
19.	Ишчи ва ходимларга касаба уюшмаси қўмитаси томонидан санаторияга бепул йўлланма берилди.	70000
20.	Касаба уюшмаси қўмитаси билан келишилган ҳолда ишчи ва ходимларнинг дам олиш кунларида ишлаганлиги учун меҳнат ҳақи ҳисобланди.	24000

МАВЗУНИ ЎЗЛАШТИРИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Асосий ишлаб чиқаришдаги ишчиларга бажарган ишлари бўйича меҳнат ҳақи ҳисобланди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 20 | КТ | 70 |
| б) ДТ | 25 | КТ | 70 |
| в) ДТ | 29 | КТ | 70 |
| г) ДТ | 70 | КТ | 20 |

2. Ёрдამчи ишлаб чиқаришдаги ишчи ва ходимларга меҳнат ҳақи ҳисобланди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 25 | КТ | 70 |
| б) ДТ | 23 | КТ | 70 |
| в) ДТ | 26 | КТ | 70 |
| г) ДТ | 70 | КТ | 23 |

3. Умум цех ходимларига меҳнат ҳақи ҳисобланади.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 20 | КТ | 70 |
| б) ДТ | 25 | КТ | 70 |
| в) ДТ | 23 | КТ | 70 |
| г) ДТ | 70 | КТ | 25 |

4. Умум хўжалик маъмурияти ходимларига меҳнат ҳақи ҳисобланди.

- | | | | |
|-------|------|----|------|
| а) ДТ | 26-2 | КТ | 70 |
| б) ДТ | 25 | КТ | 70 |
| в) ДТ | 70 | КТ | 26-1 |
| г) ДТ | 26-1 | КТ | 70 |

5. Асосий воситаларни бузган ишчиларга меҳнат ҳақи ҳисобланди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) Дт | 26 | Кт | 70 |
| б) Дт | 70 | Кт | 47 |
| в) Дт | 01 | Кт | 70 |
| г) Дт | 46 | Кт | 70 |

6. Асосий ишлаб чиқаришда қатнашган ишчиларга меҳнат таътили суммаси ҳисобланди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) Дт | 89 | Кт | 70 |
| б) Дт | 70 | Кт | 89 |
| в) Дт | 20 | Кт | 70 |
| г) Дт | 70 | Кт | 89 |

7. Умум хужалик маъмурияти ходимларига таътил суммаси ҳисобланди.

- | | | | |
|-------|------|----|------|
| а) Дт | 26-1 | Кт | 70 |
| б) Дт | 89 | Кт | 70 |
| в) Дт | 25 | Кт | 70 |
| г) Дт | 70 | Кт | 26-1 |

8. Муҳим топшириқларни ўз вақтида бажарганликларини учун ишчиларга мукофот ҳисобланди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) Дт | 81 | Кт | 70 |
| б) Дт | 80 | Кт | 70 |
| в) Дт | 20 | Кт | 70 |
| г) Дт | 70 | Кт | 81 |

9. Янги техникани яратиш ва ўзлаштиришда қатнашган ходимларга мукофот ҳисобланди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) Дт | 96 | Кт | 70 |
| б) Дт | 81 | Кт | 70 |
| в) Дт | 31 | Кт | 70 |
| г) Дт | 70 | Кт | 96 |

10. Ишчи ва ходимларга касаллик варағига асосан нафақа ҳисобланди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) Дт | 25 | Кт | 70 |
| б) Дт | 70 | Кт | 69 |
| в) Дт | 69 | Кт | 70 |
| г) Дт | 20 | Кт | 70 |

11. Ишчи ва ходимларнинг меҳнат ҳақидан даромад солиғи ушланади.

а) ДТ	69	КТ	70
б) ДТ	68	КТ	70
в) ДТ	70	КТ	50
г) ДТ	70	КТ	68

12. Ҳисобдор шахсларнинг қарз суммалари меҳнат ҳақидан ушлаб қолинди.

а) ДТ	71	КТ	70
б) ДТ	70	КТ	26
в) ДТ	70	КТ	71
г) ДТ	70	КТ	50

13. Ишчиларнинг меҳнат ҳақидан кредитга олинган товарларнинг қиймати қисман ушлаб қолинди.

а) ДТ	50	КТ	70
б) ДТ	70	КТ	50
в) ДТ	70	КТ	73
г) ДТ	70	КТ	71

14. Ўз ишчиларига берилган узоқ муддатли қарзларнинг қисман суммаси ушланди.

а) ДТ	70	КТ	94
б) ДТ	70	КТ	95
в) ДТ	70	КТ	50
г) ДТ	70	КТ	95

15. Ишчиларнинг айби билан содир бўлган брак маҳсулотларнинг қиймати меҳнат ҳақидан ушланди.

а) ДТ	28	КТ	70
б) ДТ	70	КТ	26
в) ДТ	70	КТ	28
г) ДТ	70	КТ	50

16. Ишчиларнинг айби билан корхонанинг бекор туриб қолишидан кўрилган зарар меҳнат ҳақидан ушлаб қолинди.

а) ДТ	25	КТ	70
б) ДТ	70	КТ	20
в) ДТ	70	КТ	26
г) ДТ	70	КТ	25

17. Меҳнат ҳақидан аниқланган камчиликлар ёки ишчилар томонидан етказилган моддий зарарлар меҳнат ҳақидан ушланди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 70 | КТ | 71 |
| б) ДТ | 70 | КТ | 25 |
| в) ДТ | 70 | КТ | 50 |
| г) ДТ | 70 | КТ | 73 |

18. Меҳнат ҳақи билан боғлиқ қарз дебиторлик қарзига ўтказилди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 70 | КТ | 76 |
| б) ДТ | 76 | КТ | 70 |
| в) ДТ | 25 | КТ | 70 |
| г) ДТ | 70 | КТ | 23 |

19. Ишчи ходимларнинг меҳнат ҳақидан касабаяюшмасига аъзолик бадали ушлаб қолинди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 25 | КТ | 69 |
| б) ДТ | 70 | КТ | 69 |
| в) ДТ | 70 | КТ | 69 |
| г) ДТ | 69 | КТ | 20 |

20. Ўз вақтида олинмаган меҳнат ҳақи депонентга ўтказилди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 70 | КТ | 76 |
| б) ДТ | 70 | КТ | 50 |
| в) ДТ | 70 | КТ | 69 |
| г) ДТ | 76 | КТ | 70 |

ТҮРТИНЧИ МАВЗУ

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЗАХИРАЛАРИ ВА КАМ БАҲОЛИ, ТЕЗ ТЎЗУВЧАН БУЮМЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

Бу мавзуда корхонага тегишли бўлган, шу жумладан йўлдаги ва қайта ишлашга берилган, ишланадиган, қайта ишланадиган, ишлаб чиқариш ва бошқа ҳужалик мақсадлари учун ишлатиладиган меҳнат буюмлари, хом-ашё ва материаллар, айланма маблағлар таркибига киргизилган меҳнат воситаларининг таркиби, миқдори, ҳаракати, уларни тайёрлаш, сотиб олиш, қайта баҳолаш жараёнлари туғрисидаги маълумотларни умумлаштиришнинг тартиб ва қоидалари ўрганилди.

Корхонага тегишли хом-ашё, материаллар, ёқилғи, эҳтиёт қисмлар, идишлар ва шунга ўхшаш бошқа моддий бойликлар, уларнинг қиймати, миқдори ва ҳаракати туғрисидаги маълумотларни йиғиб бориш учун 10-“Материаллар” синтетик, актив сёт қўлланилади. Бу сётда юқоридаги материалларни келтириш-тайёрлаш ҳақиқий таннархда, улгуржи баҳода, ҳисоб нархларида, ёки халқаро стандарт LIFO ёки FIFO усулларида ҳисобга олиб борилади.

Хом-ашё ва материалларни келтириш, тайёрлашнинг ҳақиқий таннархи уларни сотиб олиш, корхонага келтириш қиймати тайёрлаш ва ташиб келтириш билан боғлиқ харажатлардан иборат. Материалларни тайёрлаш харажатларининг таркибига киритиладиган сарфлар тегишли тартибга солувчи ҳужжатларга асосан белгиланади.

$M_x = M_{ш} + T_x + T_t$ бунда:

M_x — хом-ашё ва материалларнинг ҳақиқий таннархи;

$M_{ш}$ — хом-ашё ва материалларнинг келишилган шартнома баҳоси;

T_x — транспорт харажатлари — темир йўл тарифи, сақлаш, тушириш, ортиш ва оморга келтириш харажатлари;

T_t — хом-ашё ва материалларни тайёрлаш харажатлари.

Юқорида қайд қилинган корхоналарда ишлаб чиқариш технологияси харитаси ёки лойиҳа сметасига асосан ҳужжат тузилиб цех ёки қурилиш раҳбари томонидан тасдиқланади ва 1 нусхаси омборхонага, 2 нусхаси ишлаб чиқариш объектига берилиб олинган хом-ашё ва материаллар қайд қилиб борилади. Хом-ашё ва материаллар олиб бўлингандан кейин ёпилиб ҳисоботлар омборхона ва ишлаб чиқариш ҳисоботлари билан бухгалтерияга топширилади.

Корхоналарда материал ва хом ашёларни ҳисобга олиш қуйидаги дастлабки ва йиғма ҳужжатларга асосан амалга оширилади.

ФН=М-1. Келтирилган юкларни ҳисобга олиш журнали — бу журнал корхонанинг бухгалтерияси ёки моддий таъминот бўлимида юритилиб унга хом ашё ва материалларнинг кузатиш ҳужжатлари счёт фактура накладнаялар қайд қилиб берилади ва айрим устунда пули тўланганлиги белгиланади.

ФН=М-2. Ишончнома — айрим шахсларга материал олиш учун вакиллик ҳуқуқини беради ва корхона томонидан бир нусхада ёзилиб шу шахсга имзо билан берилади ва муддати 10—15 кунга белгиланади.

ФН=М-2а. Ишончнома — агарда корхона у ёки бу ташкилотдан доимий равишда хом ашё ёки материал олиб турса қўлланилади ва **ФН=М-2б**-ишончномаларни ҳисобга олиш журналида қайд қилиб борилади кимга қачон ва нима учун берилди.

ФН=М-3 ва **ФН=М-4.** Кириш ордерлари — омборхонага материалларни қабул қилиш учун омборхона мудири томонидан тўлғазилади.

ФН=М-7. Материалларни қабул қилиш акти. Агарда материаллар ҳужжатсиз келса, ёки ҳужжатда курсатилётган маълумотлар билан ҳақиқий фарқ аниқланса қўлланилади. Акт комиссия томонидан икки нусхада тузилиб биринчи нусхаси бухгалтерия материалларни ҳисобга олиш учун берилади, иккинчи нусхаси эса мол етказиб берувчига даъво хатини тайёрлаш учун моддий таъминот бўлими ёки бухгалтерияга берилади.

ФН=М-8. Ойлик чегараланган олиш картаси — бир хил материал учун.

ФН=М-8а. Квадратлик чегараланган олиш картаси — бир хил материал учун.

ФН=М-9. Чегараланган олиш картаси — материалларнинг 2—5 тури учун.

ФН=М-9а. Чегараланган олиш картаси — бир хил маҳсулот учун сарфланадиган материаллар учун.

ФН=М-10. Бир қаторли талабнома — битта материалнинг олинганлиги учун

ФН=М-10а. Огоҳлантирувчи талабнома — ортиқча олинган материаллар учун;

ФН=М-11. Кўп қаторли талабнома — ҳар хил материалларни олиш учун.

Бу талабномалар ҳам цех раҳбари ёки қурилиш объекти раҳбари томонидан ёзиб тасдиқлангандан кейин омборхонадан олинади ва ҳисоботларга илова қилиниб бухгалтерияга топширилади.

ФН=12. Бир қаторли юк хати — битта материалнинг омбордан омборга ёки цехдан цехга ўтказилиши учун.

ФН=13. Кўп қаторли юк хати — ҳар хил материалларнинг цехдан цехга ёки объектдан объектга ўтказилиши учун.

Бу накладнаялар орқали материалларнинг корхона ичидаги ҳаракатини (сарфланиши эмас) назорат қилиш ва ҳисобга олиб бориш учун қўлланилади.

ФН=М-14. Бир қаторли юк хати — битта материалларни четга сотиш ёки бериш учун.

ФН=М-15. Кўп қаторли юк хати — бир неча материалларни четга сотиш ёки бериш учун.

Бу юк хатлари корхона филиалларига материалларни бериш ёки шартномаларга асосан бошқа шахсларга сотиш учун қўлланилиб, икки нусхада тузилади.

ФН=М-17. Омборхонада материалларни ҳисобга олиш картаси — омборхонадаги материалларни нави миқдори, баҳоси бўйича ҳаракатини ҳисобга олиб боради.

Бу карталарни омборхона мудирини тузади ва юрғазиб боради. Бу омборхонадаги материаллар туғрисида тезроқ маълумотлар олиш учун хизмат қилади.

ФН=М-18. Ҳужжатларни қабул қилиб топшириши қайдномаси — омбор мудирини томонидан тузилиб унда бухгалтерияда кирим ва чиқим ҳужжатлари қайд қилинади.

ФН=М-20. Омборхонада қолган материалларнинг жамғармаси — маълум даврга (асосан ой, квартал ва йил охирида) омборда мавжуд бўлган материалларнинг қолдиғи омбор карточкаларига асосан тезкор бухгалтерия усулида аниқланади.

ФН=М-28. Чегараланган олиш картаси — қурилишда материалларни объект биткунча олиш учун.

ФН-28а. Чегараланган олиш картаси — қурилишда материалларни ой давомида олиш учун.

ФН=М-22а. Сарфланган материалларни ҳисобдан чиқариш ва материаллар қолдиги тўғрисида акт.

Бу ҳужжат махсус комиссия инвентаризация ўтказгандан кейин тузилади. Унда маълумотлар материалларга асосан қўйилади, ҳақиқий мавжудлиги эса инвентаризация якуни бўйича аниқланади.

ФН=М-34. Материалларнинг ҳақиқий қолдиги билан захира меъёри ўртасида фарқ тўғрисидаги огоҳлантирувчи билдиришнома. Бу билдиришнома омбор мудирини томонидан $\Phi=N=M17$ маълумотига асосан тўлғазилиб унда материалларнинг ҳаракати, кераксиз ёки ортиқча материаллар бўйича маълумотлар олиниб келгуси ойда моддий техника таъминоти ходимларининг фаолиятини тартибга солишга ёрдам беради.

Кам баҳоли ва тез тузувчи буюмларнинг мавжудлиги ва миқдори корхонада қуйидаги ҳужжатларга асосан ҳисобга олинади ва назорат қилинади:

ФН=МБ-1. Захирадаги инструмент ва мосламаларни тўлғазиш (олиниши) жамғармаси. Бу жамгарма ёрдамида омборхона ёки инструмент цехидаги инструмент ва мосламаларнинг мавжудлиги ва ҳаракати назорат қилинади.

ФН=МБ-2. Кам баҳоли ва тез тузувчан буюмларни ҳисобга олиш картаси — бу карточка буюмларни фойдаланишга беришда қўлланилиб уни олган ёки топширган шахсларнинг имзоси билан тасдиқланади.

ФМ-МБ-3. Инструмент ёки мосламани тузатиш ёки созлаш учун буюртма. Бу ҳужжатда инструмент ва мосламаларни марказлаштирилган ҳолда таъмирлашни ташкил қилишда қўлланилиб уларнинг ҳаракати ҳисобга олиб борилади.

ФН=МБ-4. Кам баҳоли ва тез тузувчан буюмларнинг чиқиш акти — буюмларнинг бузилиши йўқотилиши натижасида тузилиб тегишли чоралар қўллаш учун фойдаланилади.

ФН=МБ-5. Инструментларни ҳисобдан чиқариши ва яроқлигига алмаштириш, тузатиш акти — бу акт комиссия томонидан тузилиш яроқсиз инструментлар мосламаларни ҳисобдан чиқариш ёки уларни яроқлигига алмаштириш учун қўлланилади.

ФН=МБ-6. Махсус кийимлар ва муҳофаза масалаларини ҳисобга олиш шахсий варағи, корхона ходимла-

ри якка тартибда фойдаланилаётган буюмларни ҳисобга олишда қўлланилади.

Хом ашё ва материаллар тегишли таннархлари ва нархларда ҳисобга олинса, шу нархлар билан ҳақиқий таннархи ўртасидаги фарқ 16- “Материаллар қийматидаги фарқлар” счётида акс эттирилади.

10-«Материаллар» счётида қуйидаги субсчётлар мавжуд:

10—1-«Хом-ашё ва материаллар»;

10—2-«Сотиб олинган ярим фабрикатлар, тайёр маҳсулотлар, комплектлаш буюмлари, конструкциялар ва деталлар»;

10—3-«Ёқилғи»;

10—4-«Идишлар ва идиш материаллари»;

10—5-«Эҳтиёт қисмлар»;

10—6-«Бошқа материаллар»;

10—7-«Четга қайта ишлашга берилган материаллар»;

10—8-«Қурилиш материаллари ва бошқа материаллар».

Бундан ташқари корхоналарда ишлаб чиқариш воқитларини соддалаштириш ва улардан фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш мақсадида хизмат муддати ва баҳосига қараб уларнинг бир қисми арзон баҳоли ва тез эскирувчан буюмлар гуруҳига ажратилиб 12-«Арзон баҳоли ва тез эскирувчан буюмлар» номли синтетик актив счётда ҳисобга олиб борилади. Бу счётда корхонада умумий ва махсус мақсадларда ишлатиладиган хужалик инвентарлари ускуналари, мосламалари ва айланма маблағлари таркибига киритиладиган бошқа буюмларнинг ҳақиқий таннархи, ҳаракати ҳақидаги маълумотлар умумлаштириб борилади. Бу счётда корхонада вақтинча ишлатиладиган титулсиз (вақтинчалик) иншоотлар, мосламалар ва қурилмаларнинг қиймати ва ҳаракати акс эттирилади.

Арзон баҳоли ва тез эскирувчан буюмлар ҳақиқий таннархда ёки бутланган ҳисоб баҳосида, титулсиз (вақтинчалик) иншоотлар, мосламалар ва қурилмалар эса уларни қуриш ёки барпо этиш учун сарфланган ҳақиқий харажатлар суммасида ҳисобга олинади. Арзон баҳоли ва тез тузувчан буюмларнинг ҳақиқий таннархи уларни сотиб олиш баҳоси, транспорт ва тайёрлов харажатларининг суммасига тенг, яъни:

$$B_x = B_{иш} + T_x + T_m.$$

Арзон баҳоли ва тез тузувчан буюмларнинг корхонада жорий қилинган ҳисоб баҳоси билан ҳақиқий тан-

нархи уртасидаги фарқ 16-«Материаллар қийматидаги фарқлар» счётида акс эттирилади.

12-«Арзон баҳоли ва тез эскирувчан буюмлар» счётида қуйидаги субсчётлар мавжуд:

12—1-«Захирадаги арзон баҳоли ва тез эскирувчан буюмлар»;

12—2-«Фойдаланишдаги арзон баҳоли ва тез эскирувчан буюмлар»;

12—3-«Вақтинчалик (титулсиз) иншоотлар, қурилмалар ва мосламалар».

Арзон баҳоли ва тез эскирувчан буюмлар фойдаланишга топширилаётганда баҳосига қараб бир қисмига фойдаланишга берилаётганда 50 фоиз ва ҳисобдан чиқарилганда 50 фоиз эскириш суммаси ҳисобланади.

12—2-«Фойдаланишдаги арзон баҳоли ва тез эскирувчан буюмлар» счётида ҳисобга олинган арзон баҳоли ва тез эскирувчан буюмларнинг эскириш суммаси. 41-«Товарлар» счётида ҳисобга олинган ва иморатга (кирага) бериладиган буюмларни эскириши туғрисидаги ахборотлар умумлаштирилиб борилади.

ФН=МБ-7. Махсус кийимларни қабул қилиш ва қайтариш ҳисобининг жамғармаси — бу жамғарма якка тартибда фойдаланилган буюмларнинг ходимлардан тозалаш, дезинфекция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш учун қабул қилаётганда омбор мудирлари томонидан тузилади.

ФН=МБ-8. Кам баҳоли ва тез тузувчи буюмларни ҳисобдан чиқариш акти. Бу акт комиссия томонидан эскирган, тузиган ва яроқсиз буюмлар учун тузилади.

ФН=МБ-4 асосида умумлаштирилиб тузилади ва чиқиндилар омборхонага топширилиб, омборхона мудирининг имзоси билан бухгалтерияга топширилади.

13-«Арзон баҳоли ва тез тузувчан буюмларнинг эскириши» счёти пассив бўлгани учун ҳисобланган эскириш суммасига оладиган счётлар дебетланиб бу счётнинг (13) кредитда акс эттирилади.

Арзон баҳоли ва тез тузувчан буюмлар эскириши натижасида ҳисобдан чиқарилаётганда уларнинг дастлабки қиймати 13-«Арзон баҳоли ва тез эскирувчан буюмларнинг эскириши» счётининг дебетида ва 12—2 «Фойдаланишдаги кам баҳоли ва тез эскирувчан буюмлар», 41-«Товарлар» счётининг кредитида акс эттирилади.

Маъсул сақлашга қабул қилинган моддий қийматликлар балансдан ташқари 002-«Маъсул сақлашга қабул

қилинган товар моддий бойликлар» счётида ҳисобга олинади ва эгаси топилгандан кейин келишилган баҳосига ташиш ва сақлаш харажатлари қўшилган ҳолда сотилади.

Корхона томонидан қайта ишлаш учун олинган лекин қиймати туланмайдиган буюртмачиларнинг хом ашё ва материаллари (ёки қайта ишлашга берилган, хом ашё ва материаллар) 003 «Қайта ишлашга қабул қилинган материаллар» номли балансдан ташқари счётда ҳисобга олинади.

МАЪЛУМОТЛАР

Акционерлик жамиятида материалларни ҳисобга олиш тезкор бухгалтерия (қолдиқ) усулида амалга оширилади ва материаллар ҳаракатининг жорий ҳисоби ҳисоб баҳосида олиб борилади. Транспорт, тайёрлов харажатлари материалларнинг белгиланган гуруҳлари бўйича ҳисобга олиб борилади ва ҳар ойнинг охирида сарфланган материалларнинг қиймати мунтазам равишда тегишли харажатлар счётларига олиб борилади. Ҳақиқий таннархи эса ҳисобдаги белгиланган қиймати-га транспорт-тайёрлов харажатларининг фарқини қўшиш ёки чегириб ташлаш натижасида аниқланади. Омборхоналарда хом ашё ва материаллар кирим ордерлари ёки қабул қилиш актига асосан қабул қилиниб, омборхона дафтарларида ва махсус карточкаларда қайд қилинади.

Омборхонадан материаллар лимитланган олиш карталари ва айрим ҳолларда талабномаларга асосан амалга оширилади.

Омборхоналарда материаллар тури ва сифатига қараб ва жавобгар шахслар бўйича махсус карточкаларда ҳисобга олинади ҳамда ҳар ойда бухгалтерияга миқдори ва баҳосига асосан материалларнинг ҳаракати бўйича ҳисобот топширилади.

Вазифа. *Ушбу мавзу бўйича вазифаларни бажариш жараёнида қуйидагиларни бажариш керак:*

1. *Тегишли счётларнинг моҳияти ва вазифаларни урганиш.*

2. *Ҳар бир ҳужжалик муомаласидаги ҳужжатлар билан танишиш.*

3. *Ҳужжалик муомалаларидаги қатнашадиган счётларни аниқлаб уларни боғлаш ва ҳисоб регистрлари (қайдномалар)да акс эттириш.*

4. Вазифаларни бажаришда қуйидаги дастлабки ҳужжатлар ва ҳисоб қайдномаларига эга бўлиши керак.

- а) кириш ордери ФМЗ 1 дона;
- б) чегараланган олиш картаси ФМ-3-1 дона;
- в) омборхона ҳисоби карточкаси ФМ-173 дона;
- г) 2-журнал ордер 1-дона — ҳисоблашиш счётидан ўтказилган суммаларни қайд қилиш учун;
- д) 6-журнал ордер мол етказиб берувчиларига тегишли суммаларни қайд қилиш учун;
- е) 7-журнал ордер сарфланган харажатлар буйича ҳисобдор шахслар билан ҳисоблашишни акс эттириш учун;
- ж) 10-журнал ордер ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш учун;
- з) 10/1-журнал ордер ишлаб чиқаришга тегишли бўлмаган харажатларни ҳисобга олиш учун;
- и) хом-ашё ва материаллар сарфини тақсимлаш машинаграмма жадвали;
- к) кам баҳоли ва тез тузувчан буюмлар, инструмент ва инвентарларнинг эскириш суммасини аниқлайдиган машинаграмма жадвали;
- л) 10-ведомость — «Материалларнинг ҳаракати» 1 дона «Подъемник» АЖ омборхонада материалларнинг қолдини тўғрисида 199_ йил 1-декабргача бўлган маълумотлар.

Тасдиқланган рақами	Материалларнинг номи	Улчов бирлиги	Захира нормаси	Ҳисоб баҳоси	Ёзув тартиби №	Илгариги қолдиғи	Миқдори	Суммаси
1	2	3	4	5	6	7	8	9

8-омборхона

Асосий материаллар

I-гурӯҳ материаллар				
	тонна			
101120 Тўлқинли пулат варақ	200-300	1450	220	319000
101121 5 мм. пулат варақ	300-400	1260	300	378000

101128	Пулат бурчаклар 32 мм.	100-150	1150	50	57500
101129	Думалоқ пулат 3-70	170-230	1050	185	194250
101110	Швеллер №14 3 Пс	250-300	1200	247,5	276000
101112	Швеллер №14 3 Пс	310-400	1150	315	362250
101113	Қувурлар 426x22 мм	400-500	1500	415	647400
101148	Блоклар № 5509 ВД	210-300	1330	215	285950
ЖАМИ:					2541.350

6 - о м б о р х о н а

2-гурӯҳ. Сотиб олинган ярим фабрикатлар

	дона				
202230	Редуктор РУ-1-150	100	640	100	64000
	Редуктор РУ-2-160	150-200	1600	170	272000
	Редуктор У-2	100	2300	98	225400
ЖАМИ:					561400

3 - о м б о р х о н а

3-гурӯҳ. Ёрдамчи материаллар

	кг				
310115	Эмаль НН-132	250	120		30000
310121	Мотор ёғи ёки бошқа материаллар	1230	40		4920
ЖАМИ:					51230
ҲАММАСИ:					3153980

01.12.199 й. ҳолатига кўра металлларнинг ҳисоб баҳоси 2541350 сўмни ташкил қилган.

Сотиб олинган ярим тайёр маҳсулоғларнинг ҳақиқий таннархи 561400 сўмни ва транспорт тайёрлов харажатлари эса 11220 сўмни ташкил қилган. Ёрдамчи материалларнинг ҳақиқий таннархи эса 51230 сўмни ва

транспорт тайёрлов харажатлари эса 512 сўмни ташкил қилган. Материаллар харажати ҳисобини компьютерга киритилганда хўжалик муомалалари қуйидагича кодлаштирилган:

Муомалаларнинг мазмуни	кодлар
Материалларнинг кирими	
Мол етказиб берувчилардан қабул қилинган материаллар	30
Ички ўрин алмаштириш натижасидаги материалларнинг кирими	33
Материалларнинг ишлаб чиқаришдан қайтариши	34
Материалларнинг сарфи	
Ишлаб чиқаришга сарфланиши	50
Материалларнинг четга чиқарилиши	52
Материалларнинг бошқа сарфи	54

Бу мавзуни ўрганганимизда қуйида қайд қилинган ҳужжатларни тўлғазиш зарур:

- **кирим ордери;**
- **чегараланган олиш варағи;**
- **материалларни чиқариш талабномаси.**

Бундан ташқари талабномаларнинг омборхонада ҳисоб юритиш тартиби омборхона ҳисобини юритиш карточкаларини Ф. М-17 тўлғазиш тартибини ўрганиш зарур.

10.12.199 й. даги 183 кирим ордерини (1-хўжалик муомаласи) тўлғазилганда — 55 мм пулат варақларини мол етказиб берувчилардан кирим қилаётганда хўжалик муомаласида кўрсатилган тегишли маълумотлардан ташқари қуйидаги маълумотларни қайд қилиш лозим:

- **омборхона ҳисоби варағдаги ёзувнинг тартиби №-23;**
- **қабул қилдим — омборхона мудирини Ф. Шарифжонов;**
- **топширдим — экспедитор Р. Юнусов.**

Омборхоналардан материалларни чиқариш учун очилган чегараланган олиш картасини очаётганда хўжа-

лик муомаласида кўрсатилган маълумотлардан ташқари қуйидаги маълумотлардан фойдаланиш зарур:

- 1-цех бошлиғи У. Эшбоев;
- таъминот бўлими бошлиғи З. Усмонов;
- режалаштириш бўлими бошлиғи О. Бақоев.
- чегараланган олиш картасида ҳақиқий берилган материалларнинг миқдори.

Омборхонада материаллар ҳисобини юритиш тартиби билан танишиш учун омборхонада материаллар ҳисоби карточкаларини тўлғазиш зарур. Унга асосан маълумотлар тўлғазилиб кейин ой бошидаги материалларнинг қолдиғи миқдор кўринишда ёзилади.

Ушбу карточкаларни тўлғазиш учун маълумотлар 01.12.199 й. материалларнинг қолдиғи ведомостида берилган.

Материалларнинг кирими ва чиқими бўйича хўжалик муомалаларини ёзиш жараёнида бу маълумотлар омборхонадаги материаллар ҳисоби карточкаларда ва тегишли сўётларда қайд қилиниши ҳар ойнинг охирида омборхона карточкаларига ёзувлар амалга оширилгандан кейин материаллар қолдиғи дафтарини тўлдириш зарур ва бу маълумотларга асосан материаллар ҳаракатининг ведомости, яъни Ф-N=10 тўлғазилади.

Сарфланган материаллар суммаларда (ҳисоб баҳоси ва ҳақиқий таннархи) ўртасидаги фарқларни аниқлаш тартиби мавзунинг бошланишида берилган.

$$\text{яъни } \frac{(C_T + O_T) \times 100}{C_M + O_M}$$

Бунда:

C_T — ой бошидаги транспорт тайёрлов сарфларининг суммаси.

O_T — ой давомидаги транспорт — тайёрлов сарфларининг суммаси.

C_M — ҳисоб баҳосидаги ой бошига материалларнинг қолдиғи.

O_M — ой давомида материалларнинг ҳисоб баҳосидаги кирими.

Ҳисоблаш учун маълумотлар ой бошидаги материалларнинг қолдиғи ведомостида берилган.

O_T ва O_M кўрсаткичларини хўжалик муомалаларига асосан ва материалларнинг ҳисоб баҳоси билан ҳақиқий таннархини таққослаш йўли билан ф-10 ведомостида

аниқлаш керак. Формулада курсатилгандек транспорт тайёрлов харажатларининг фоиздаги улушини сарфланган материалларнинг ҳисоб баҳосидаги қийматига кўпайтириш йўли билан аниқланади. Сарфланган кам баҳоли ва тез тузувчан буюмларнинг эскириш суммаси белгиланган меъёрда (50%) махсус ҳисоблаш ведомостида фойдаланиш жойлари бўйича аниқланади. Бунинг учун махсус жадвал Ф-“Кам баҳоли ва тез тузувчан буюмларнинг эскиришини ҳисоблаш”дан фойдаланиш керак.

Бу жадвалга фойдаланиш учун берилган кам баҳоли ва тез тузувчан буюмларнинг қиймати ёзилиб эскириши суммаси ҳисобланади.

“Подъемник” АЖ 199_ й декабрь ойида содир бўлган хужалик муомалалари

Тартиб №	Ҳужжатларнинг номи	Хужалик муомалаларининг мазмуни	Сумма
1	Мемориал ордер	Ой бошидаги йулда келатган материаллар қиймати ҳисобдан чиқарилди (сторна)	95000
2	183 кирим ордери 10.12.199_ й	Мол етказиб берувчи металл таъминотидан 8-омборхонага 5 мм пулат ва рағи шартнома баҳосида қабул қилинди 54 т темир йул тарифи қ.қ. солиғи	690400 3450
3	12.12.199_ й. Банкнинг ҳисоблашиш счётидан кучирмаси.	Металл таъминотига тулов топшириғига мувофиқ № 241 05.12. олинган металл қиймати утказилди	690400
4	Счёт накладная	Бекобод металлургия комбинатидан УУ-2-160 редукторларидан 800 донна олинди.	
		— шартнома баҳоси	51000
		— темир йул тарифи	

5	Ҳисобдор шахслар ҳисоботи	Экспедитор Р. Юсуповнинг ҳисобга ва темир йул паттасига асосан келтирилган пулат ва редуктор туловлари қабул қилинди.	81540
6	Юк хати счёти	Автотранспорт корхонасининг металл ва редукторларни олиб келган товар-транспорт юк хатлари тулашга қабул қилинди қ. қ. солиғи	136000
7	Фактура счёти	Бекобод металлургия комбинатидан қабул қилинган 18 тонна 5 мм пулат қиймати тулашга қабул қилинди:	
		— шартнома баҳоси	580000
		— темир йул тарифи — қ. қ. солиғи	21000 100000
8	15.12.199_й. 171 кирим ордери	омборхонага нефть маҳсулотлари базасидан олинган 1 т А 76 бензини 1 т дизель ёқилғиси қабул қилинди. қ. қ. солиғи	40000 27000 11700
9	15.12.199_й. 271 кирим ордери	8-омборхонага “Ўзбекистон” АЖ дан 156 метр к-9651 пулат қабул қилинди — шартнома баҳоси — транспорт харажати - мол етказиб берувчи ус-тамаси - қ. қ. солиғи	19000 2700 2680 13690
10	16.12.199_й. 278- кирим ордери	3 омборхонага Тошкент лак-бўёқ АЖ дан 2000 кг НЦ-132 эмали олинди	

		- шартнома баҳоси -транспорт харажати -қ. қ. солиғи.	34500 9500 6200
11	17.12.199_ й. 280 кирим ордери	6-омборхонага Бекобод металлургия комбинатидан РУ-1-150 редуктори олин- ди 500 дона - шартнома баҳоси - темир йул тарифи - қ. қ. солиғи	88000 2900 14700
12	Материалларни қабул қилиш ти- жорат акти 290 кирим ордер 25 тижорат акти	Ой бошида йулда келаёт- ган материаллар марказий омборхонага комиссия то- монидан қабул қилинди. - ҳақиқий мавжудлиги - темир йул жавобгарли- гидаги камомади	73500 7300
13	Фактура-счёги №247886 18.12.199_ й.	«тошнефтьмаҳсулот ёқил- ғи» АЖдан машина ёғи олинди 5000 кг: - келишилган қиймати - транспорт сарфи - қ. қ. солиғи	220000 24000 60000
14	Фактура-счёти № 218124 18.12.199_ й.	Металл таъминоти база- сидан олинган металллар ҳужжати тулашга қабул қилинди: — келишилган баҳоси — транспорт сарфи — қ.қ. солиғи	320000 5000 25000

15	Ҳисоблашиш счётидан банк- нинг кучирма- си 20.12.1999 й.	Мол етказиб берувчилар- га олинган материаллар қиймати туланди	600000
16	Ҳисоблашиш счётидан банк- нинг кучирма- си 24.12.1999 й.	Автотранспорт корхона- сига Бекобод металлургия ком- бинатига «Ўзбекистон Кимёмаши- насослиги» АЖга Тошкент — буёқ АЖга Металл таъминоти база- сига «тошнефть ёқилғи» АЖга	85000 600000 200000 300000 400000 250000
17		Мол етказиб берувчилар- дан олинган материаллар кирим қилинди.	450000
		Бекобод металлургия ком- бинатидан қуйидаги мате- риаллар олинди.	
		— тулқинли пулат варақ- лар 300 т	2400000
		— пулат бурчаклар 32 мм 250 т	1200
		— думалоқ пулат 200 т	3800000
		— швеллер №14 3 ПС 300 т	2170000
		— швеллер №10 3 ПС 250 т	2500000
		— қувурлар 426-22 мм 400 т	1836500
		— блоклар №5509 ВД 200 т	740000
		— транспорт харажатлари	750000
		— қ.қ. солиғи	850000

18	Меҳнат ҳақи ҳисоблаш ведомости	Омборхонада ишлаётган ишчиларга материалларни юклаш ва тушуриш учун меҳнат ҳақи ҳисобланди.	35000
		— меҳнат ҳақиға нисбатан ижтимоий муҳофаза фондига ажратилди.	11000
19	Транспорт тайёрлов харажатларини ҳисобга олиш ведомости	Транспорт бўлимига материалларни ташиб келтирилганлиги учун хизмат ҳақи ҳисобланди.	90000
20	Ҳисоблашиш счётидан кучирма	Олинган материалларнинг қиймати Бекобод металлургия комбинатига туланди.	1450000
21	Материалларни сарфлаш ведомости ва ишлаб чиқариш ҳисоботи	Дастлабки ҳужжатларга асосан, чегараланган олиш картаси, талабнома ва ҳоказоларга асосан қуйидаги материаллар асосий ишлаб чиқаришга сарфланди:	
		а) 5 мм пулат варақлар 200 т	1600000
		б) думалоқ пулат 160 т	2600000
		в) тўлқинли пулат варақ 100 т	800000
		г) пулат бурчаклар 32 мм 80 т	4000000
		д) швеллер 14 ЗПС 200 т	2000000
		е) швеллер 10 ЗПС 300 т	3000000
		ж) қувурлар 4266-22 мм 400 т	1836500

		з) балкалар 200 т	740000
		и) редукторлар РУ-1-150 100 д	35000
		к) редукторлар РУ-2-160 200 д	280000
		л) редукторлар РУ-4-140 150 д	240000
		м) редукторлар У-2 150 д	150000
		н) эмаль НН-132 4 т	278300
		о) машина ёғи 3 т	152000
		п) ёрдамчи материаллар	160800
22	Материаллар сарфининг тақсимо-ти ведомо-сти ва ишлаб чиқариш ҳисо-боти	Автотранспорт бўлимига сарфланди:	
		а) бензин А-76 5000 литр	145000
		б) дизел ёқилғиси 3000 литр	92000
		в) мотор ёғи 400 кг	24000
23	Материаллар сарфининг тақсимо-ти ведомо-сти ва ишлаб чиқариш ҳисо-боти	Таъмирлаш цехига сарф-ланди.	
		а) эмаль НН-132, 200 кг	64500
		б) қувурлар 426-22 мм 10 т	624000
		в) бошқа материаллар	266000
24	Материаллар сарфининг тақсимо-ти ведомо-сти	Дастлабки ҳужжатлар-та-лабномалар ва юк хатла-рига асосан қуйидаги бўлимларга материаллар сарфланди:	
		1) Цех зарурияти учун:	
		а) эмаль НН-132 50 кг	7300
		б) бошқа материаллар	34000

		2) АЖ бошқармаси зарурияти учун.	
		а) эмаль НН-132, 100 кг	14700
		б) қувурлар 426-22 м, 0.5 т	48000
		в) пулат бурчаклар 32 мм, 0.5 т	76500
		г) бошқа материаллар	18000
		3) Ишчиларнинг ётоқхонаси учун:	21900
		а) эмаль АН-132, 300 кг	48000
		б) қувурлар 0.5 т	46000
		в) пулат бурчаклар 32 мм 0,3 т	2400
		г) бошқа материаллар	
25	Материаллар бўйича транспорт тайёрлов сарфларини тақсимлаш ведомости.	Ф № 10 материалларнинг ҳаракати ведомости омборлар ва материалларнинг турлари бўйича тузилсин. Транспорт тайёрлов сарфларини материаллар сарфланган тегишли тармоқларга тақсимланган. Бу ведомостни тузиш жараёнида 21, 22, 23 ва 24-муомала маълумотларидан фойдаланилсин.	
26	Таққослаш ведомости ва инвентаризация акти	Ведомостни тузишдан олдин материалларнинг ҳақиқий таннарни аниқлансин.	
		Инвентаризация натижасида марказий омборхонадан бошқа материаллар бўйича камомад аниқланган ва ушбу камомад комиссиянинг қарори билан қуйидагича тақсимланди:	

		а) табиий камайиш меъёрида ишлаб чиқариш харажатига	15000
		б) меъёрдан ортиқча қисми омбор мудирининг зиммасига юкланди	6000
27	Кассанинг 176-кирим ордери 18.12.1999 й.	Аниқланган камомад суммаси омбор мудирининг томонидан тўланди.	6000
28	Қабул қилиш акти	Мол етказиб берувчилардан олинган кам баҳоли ва тез тўзувчан буюмлар омборга қабул қилинди.	30000
29	Кам баҳоли ва тез тўзувчан буюмларни сарфлаш ведомости	Тасдиқланган талабномага мувофиқ марказий омборхонадан қуйидаги тез тўзувчан буюмлар берилди:	
		а) инструмент-механика цехига	12000
		б) ёрдамчи ишлаб чиқаришга	6000
		в) цех бошқармасига	4000
		г) завод бошқармасига.	8000
30	Кам баҳоли ва тез тўзувчан буюмларнинг ҳаракати тўғрисида ҳисобот	Тасдиқланган талабномага мувофиқ марказий омборхонадан қуйидаги кам баҳоли буюмлар берилди:	
		а) махсус кийим ва қўлқоплар инструмент цехига	3600
		б) махсус кийим ва қўлқоплар ёрдамчи ишлаб чиқаришга	1500
		в) буюмлар-цех бошқармасига	500
		г) буюмлар-завод бошқармасига	1500

31	Кам баҳоли ва тез тузувчан буюмларнинг ҳаракати тўғрисида ҳисобот	Тузилган ва тасдиқланган актга мувофиқ хизмат муддати тугаган тез тузувчан буюмлар ҳисобдан чиқарилди (29-муомалага қаранг)	
		а) механика цехида ишлатилаётган асбоб анжомлар (инструментлар), чиқинди олинди — 500 с	3500
		б) ёрдамчи ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган асбоб анжомлар (инструментлар), чиқинди олинди — 300 с	2500
		в) цех бошқармасида фойдаланилаётган инвентарлар, чиқинди олинди — 700 с	1000
		г) завод бошқармасида ишлатилаётган инвентарлар, чиқинди олинди — 100 с	1500
32	Ҳисобдан чиқариш акти	Кам баҳоли ва тез тузувчан буюмлар келишган баҳода бошқа ташкилотга сотилди	15000
33	Шартнома ва фактурали сче́т	Ёрдамчи ишлаб чиқаришдан асбоб анжомлар қабул қилинди	5000
34	Инвентаризация акти	Инвентаризация натижасида кам баҳоли ва тез тузувчан буюмларнинг камомоди аниқланди	1800
35	Кириш акти	Инвентаризация комиссиясининг қарорига мувофиқ аниқланган камомад омбор мудирининг зиммасига юкланди	1800

МАВЗУНИ ЎЗЛАШТИРИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Олинган материаллар бўйича мол етказиб берувчиларнинг счёт-фактураси тулашга қабул қилинди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) Дт | 10 | Кт | 60 |
| б) Дт | 15 | Кт | 60 |
| в) Дт | 60 | Кт | 10 |
| г) Дт | 16 | Кт | 60 |

2. Мол етказиб берувчилардан хом ашё олинди:

Ҳисоб баҳоси 150000
Ҳақиқий баҳоси 160000

- | | | | | | |
|-------|----|--------|-------|----|--------|
| а) Дт | 60 | 160000 | Кт | 10 | 150000 |
| | | | Кт | 16 | 10000 |
| б) Дт | 10 | 150000 | Кт | 60 | 160000 |
| | Дт | 10 | 10000 | | |
| в) Дт | 10 | 150000 | Кт | 16 | 10000 |
| | | | Кт | 6 | 160000 |
| г) Дт | 10 | 160000 | Кт | 60 | 160000 |

3. «Тошнефть» маҳсулотлари базасидан А-76 бензини ва матор ёғи олинди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) Дт | 15 | Кт | 60 |
| б) Дт | 12 | Кт | 60 |
| в) Дт | 10 | Кт | 60 |
| г) Дт | 60 | Кт | 51 |

4. Бошқа корхонадан ярим фабрикатлар сотиб олинди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) Дт | 10 | Кт | 20 |
| б) Дт | 10 | Кт | 60 |
| в) Дт | 12 | Кт | 60 |
| г) Дт | 15 | Кт | 60 |

5. Машина ва ускуналарни таъмирлаш учун сарфланган эҳтиёт қисмлар ҳисобдан чиқарилса уларнинг қиймати қайси счётга олиб борилади?

- | | |
|-------|----|
| а) Дт | 25 |
| б) Дт | 20 |
| в) Дт | 23 |
| г) Дт | 26 |

6. Материалларнинг баҳосини аниқлашдаги ФИФО усули нимани билдиради?

- а) биринчи олинган материалнинг таннархида;
- б) охирги олинган материалнинг таннархида;
- в) материалларнинг улгуржи баҳосида.

7. Чегараланган олиш картасига мувофиқ материаллар ишлаб чиқаришга сарфланди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) Дт | 25 | Кт | 10 |
| б) Дт | 23 | Кт | 10 |
| в) Дт | 20 | Кт | 10 |
| г) Дт | 10 | Кт | 20 |

8. Материалларнинг баҳосини аниқлашда ЛИФО усули нимани билдиради?

- а) материалларни режа баҳосида;
- б) материалларни улгуржи баҳосида;
- в) охирги олинган материал таннархида;
- г) биринчи олинган материал таннархида.

9. Транспорт ташкилотидан олинган материалларнинг камомати аниқланди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) Дт | 55 | Кт | 15 |
| б) Дт | 60 | Кт | 63 |
| в) Дт | 63 | Кт | 10 |
| г) Дт | 63 | Кт | 60 |

10. Инфляция пайтида материалларни сотиб олиш вақтида қараб қайси баҳода ҳисоблаш мақсадга мувофиқ ва бу усул фойдани туғрироқ ҳисоблашга олиб келди:

- а) ФИФО;
- б) ЛИФО;
- в) ўртача аниқланган баҳо;
- г) улгуржи баҳо.

11. Материалларни қайта баҳоланганда аниқланган фарқ (+) счётларда акс эттирилди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) Дт | 14 | Кт | 10 |
| б) Дт | 14 | Кт | 80 |
| в) Дт | 14 | Кт | 26 |
| г) Дт | 10 | Кт | 14 |

12. Материалларнинг қайта баҳоланганда аниқланган фарқ (-) счётларда акс эттирилди.

а) ДТ	14	КТ	10
б) ДТ	80	КТ	10
в) ДТ	26	КТ	14
г) ДТ	80	КТ	10

13. Хом-ашё ва материалларнинг табиий меъёрдаги камайиши натижасидаги камомад аниқланди.

а) ДТ	26	КТ	15
б) ДТ	15	КТ	26
в) ДТ	25	КТ	15
г) ДТ	84	КТ	15

14. Хом-ашё ва материалларнинг табиий камайиши нормасидан ортиқча камомад аниқланди ва мол етказиб берувчиларга даъво қилинди.

а) ДТ	63	КТ	15
б) ДТ	15	КТ	63
в) ДТ	15	КТ	10
г) ДТ	84	КТ	15

15. Хом-ашёларни бошқа ташкилотларга сотганда уларни олиш баҳоси сотиш баҳосидан ортиқча чиқди.

а) ДТ	15	КТ	42
б) ДТ	42	КТ	15
в) ДТ	40	КТ	15
г) ДТ	40	КТ	80

16. Даъво суммаси қопланмагандан кейин корхона зиммасига олинди.

а) ДТ	80	КТ	63
г) ДТ	26	КТ	63

17. Мол етказиб берувчилар томонидан контрактда кўрсатилмаган хом-ашё қабул қилинди.

а) ДТ	004
б) ДТ	002
в) ДТ	003
г) ДТ	005

18. Чегараланган олиш картасига асосан материаллар асосий ишлаб чиқаришга берилди.

а) ДТ	23	КТ	10
б) ДТ	20	КТ	10
в) ДТ	25	КТ	10
г) ДТ	10	КТ	20

19. Олдин қабул қилинган металллар мол етказиб берувчиларга қайтарилди.

а) ДТ	10	КТ	60
б)		КТ	002
в) ДТ	60	КТ	10
г) ДТ	60	КТ	12

20. Асосий ишлаб чиқаришга сарфланган материалларнинг ҳисоб баҳоси билан ҳақиқий таннархи ўртасидаги фарқ (ортиқча) тегишли счётларга акс эттирилган.

а) ДТ	16	КТ	20
б) ДТ	25	КТ	16
в) ДТ	20	КТ	16
г) ДТ	26	КТ	16

БЕШИНЧИ МАВЗУ

АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИ ВА НОМОДИЙ АКТИВЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

Жамиятга зарур бўлган маҳсулотни ишлаб чиқариш учун меҳнат воситалари ва меҳнат буюмларидан фойдаланилади. Меҳнат воситалари деб, маҳсулот ишлаб чиқаришда бевосита қатнашадиган меҳнат қуроллари, ҳамда шу ишлаб чиқаришда бевосита қатнашмайдиган, лекин унинг учун маълум шароитлар яратиб, уни ташкил қилишга узоқ муддат хизмат қиладиган мулкларга айтилади. Уларга иморатлар, иншоотлар, узатувчи мосламалар, машиналар, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, уй-жой бинолари, хужалик инвентарлари ва ҳоказолар киради.

Меҳнат воситаларининг асосий хусусиятларидан бири шундан иборатки, улар ишлаб чиқариш жараёнида узоқ муддат хизмат қилади ва шу билан бирга узининг жисмоний кўринишини сақлаб қолади. Лекин улар маҳсулот ишлаб чиқариш ёки ишлаб чиқариш жараёни учун зарур бўлган шароитларни яратиб беришда узоқ муддат қатнашса ҳам аста-секин эскириб боради ва эскирган қисми ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархига қисман ўтказиб борилади. Корхонанинг хужалик фаолияти жараёнида асосий воситалар корхонага олинади ва фойдаланишга берилади, эскиради, таъмирланади, бир бўлимдан иккинчи бўлимга ўтказилади ва эскириши, сотилиши натижасида корхона ҳисобидан чиқарилади.

Корхона асосий воситаларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш, бошқа корхоналарга сотиш, бепул бериш, алмаштириш, ижарага бериш, вақтинча бепул фойдаланишга бериш ва ҳисобдан чиқариш ҳуқуқларига эгадир.

Бу ҳуқуқлардан фақатгина дастлабки ҳужжатларни уз вақтида ва тўғри тўлғазиш натижасидагина самарали фойдаланиши мумкин.

Корхона фаолиятида ишлатилаётган меҳнат воситаларининг турлари ва сони шунчалик турли-туман ва

купки, уларнинг ҳисобини ва маблағ ажратишни осонлаштириш мақсадида бухгалтерия ҳисобида барча меҳнат воситалари ичидан дастлабки қиймати Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган баҳодан кам бўлмаган ва бир йилдан ортиқ хизмат қиладиган меҳнат воситалари ажратиб олинган ва уларга асосий восита (фонд)лар деб ном берилган.

Асосий воситалар таркибига, шунингдек нархларидан қатъи назар, китоблар, қишлоқ хўжалик машиналари ва асбоблари, иш ҳайвонлари ва маҳсулдор ҳайвонлар киради. Бундан ташқари, асосий воситаларга капитал қўйилмалар ҳисобидан ерларни яхшилашга кетган харажатлар (иншоотлар яратишга кетган харажатлардан ташқари) ҳамда ижарага олинган асосий воситаларга қилинган капитал харажатлар ҳам киради.

Асосий воситаларга қуйидагилар кирмайди:

1) қийматининг қанча эканлигидан қатъи назар, бир йилдан кам хизмат қиладиган меҳнат воситалари;

2) хизмат қилиш муддатидан қатъи назар, қиймати кам бўлган меҳнат воситалари (қиймати қанчалигидан қатъий назар асосий воситаларга киритиладиган қишлоқ хўжалиги машиналари ва қуролилари, иш ва маҳсулдор ҳайвонлардан ташқари);

3) қиймати қанчалигидан қатъи назар махсус ускуналар ва махсус мосламалар;

4) ёш моллар, асалари уялари, тажриба қилинадиган ҳайвонлар;

5) қийматидан қатъи назар махсус кийимлар, махсус пойабзал, урин-кўрпалар (меҳмонхоналарникидан ташқари, чунки улар қийматидан қатъий назар асосий воситалар ҳисобланади);

6) экиш материаллари сифатида кўчатхоналарда ўстириладиган кўп йиллик кўчатлар;

7) балиқ овлаш қуролилари (қийматидан ва хизмат қилиш муддатидан қатъи назар);

8) илмий тадқиқот ташкилотлари ҳамда саноат корхоналари томонидан завод марказий тажрибахонаси учун сотиб олинган ускуналар, автоматлаштириш воситалари ва тажрибахона асбоб-ускуналари.

Бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифаларидан бири мавжуд асосий воситаларни тўғри ҳисобга олиш ва уларни мулк сифатида сақлаш, таъмир қилиш, асосий

воситаларнинг келишини, чиқиб кетишини ва корхона ичидаги ҳаракатини ҳисоб регистрларида тўғри акс эттириб боришдан иборат.

Шунингдек, бухгалтерия ҳисоби асосий воситаларнинг маҳсулот таннархига ўтказаетган эскириш суммасини тўғри аниқлаш учун ҳам хизмат қилади ва уларни қандай калькуляция объектига олиб боришни кўрсатиб беради.

Асосий воситаларни бухгалтерияда ҳисобга олишнинг энг асосий вазифаларидан бири шундан иборатки, у мавжуд асосий воситалардан тўғри ва унумли фойдаланиб, имкони борича кўп ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни ва ишлаб чиқаришга сарфланган ҳар бир сўмнинг рентабеллик даражасини оширишни таъминлаши керак. Чунки мавжуд қарорларга кўра, барча корхоналар мулклар учун бюджетга ҳақ тулашлари керак. Бу туловлар суммаси мулкларнинг миқдорига қараб мутаносиб равишда ўзгаради, асосий ва айланма фондларнинг қиймати ошган сари туловлар суммаси ҳам ошиб боради, бу эса корхона фойдасининг камайиб кетишига таъсир қилади. Бундай иқтисодий сиёсат корхоналарни ортиқча асосий ва айланма маблағлардан воз кечишга, энг зарур бўлган асосий воситаларни олиб қолиб, улардан унумли фойдаланишга мажбур қилади.

Бухгалтерия ҳисоби ёрдамида корхонада бекор ётган ва ортиқча асосий воситалар аниқланади, уларни бошқа ташкилотларга топшириш ёки сотиш чораларини кўришга ёрдам беради ва мавжуд асосий воситалардан қандай фойдаланаётганлиги ва улардан унумлироқ фойдаланиш йўллари очиб берилади.

Асосий воситалар ҳисобини тўғри ташкил қилиш мақсадида улар маълум тартибдаги гуруҳларга бўлинади. Асосий воситаларнинг гуруҳланиши барча корхоналар учун бир хил бўлиб, у халқ хўжалиги бўйича уларни режалаштириш, ҳисобга олиш ва тузишда ягона тартибда гуруҳлаш учун хизмат қилади.

Асосий воситалар ишлаб чиқариш асосий воситалари ва ноишлаб чиқариш асосий воситаларига бўлинади.

Ишлаб чиқариш асосий воситалари моддий ишлаб чиқариш соҳасида ишлатилиб, ишлаб чиқариш жараёнида қайта-қайта қатнашиб, аста-секин эскириб, ўзининг қийматини яратилган маҳсулот таннархига қисман ўтказиб боради. Уларга моддий ишлаб чиқариш соҳасида ишлатиладиган иморатлар, иншоотлар, ўтказувчи мосламалар, машина ва асбоб-ускуналар, транс-

порт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик инвентарлари, йирик иш ва маҳсулдор ҳайвонлар, кўп йиллик кўчат қилинган дарахтлар ва бошқа меҳнат воситалари киради.

Ноишлаб чиқариш асосий воситаларига ишлаб чиқаришга тааллуқсиз бўлган маданий-маиший, соғлиқни сақлаш муассасалари, коммунал хўжалик корхоналари ва шу каби тармоқлар хизмат қилади ва ишлаб чиқариш жараёнида қатнашмайди. Улар ишлатиш жараёнида аста-секин эскириб, ўз қийматини қисман йўқотиб боради. Асосий воситалар халқ хўжалигининг қандай тармоғида ишлатилишига қараб, шунингдек тармоқлар (саноат, қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги, транспорт, алоқа, қурилиш, савдо ва умумий овқатланиш ва ҳоказо) бўйича гуруҳланади.

Асосий воситаларни халқ хўжалиги тармоқлари ва турлари ўртасида тақсимлашда улар ёрдамида ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки хизматлар қандай тармоқ ёки фаолиятнинг турига олиб борилишга қараб, тегишли асосий воситалар ҳам ўша тармоқ ёки фаолият турига киритилади, масалан, халқ хўжалиги тармоқларидаги, шу жумладан саноат ишлаб чиқаришидаги асосий воситалар қандай мақсадда фойдаланиши ва қандай ишлар бажаришига қараб, қуйидаги турларга бўлинади:

1. Иморатлар — буларга цех, омбор, тажрибахона, идора, ўт ўчириш депоси, гараж ва шунга ўхшаш меҳнат шароитини яратиб берувчи, ташқи атмосфера таъсиридан ҳимоя қилувчи ва моддий бойликларни сақлаш учун хизмат қилувчи бинолар киради.
2. Иншоотлар — буларга меҳнат буюмларининг ўзгариши билан боғлиқ бўлмаган, техникавий вази-фаларни бажариш учун хизмат қиладиган сув минораси, куприклар, темир йўллар, асфальт кучалар, деворлар, насос станциялари, каналлар ва ҳоказолар киради.
3. Ўтказувчи мосламалар — булар ёрдамида электр ва иссиқлик энергияси ҳамда механика энергияси ўтказилади, бир инвентардан иккинчи инвентарга суюқ ва газсимон нарсалар юборилади. Бундай мосламаларга электр ўтказиш йўллари, газ сув ва пар ўтказувчи қувур йўллар, телефон ўтказувчи симлар ва ҳоказолар киради.
4. Машина ва асбоб ускуналар, шу жумладан:
 - а) куч машиналари ва асбоб-ускуналар (иссиқлик ва электр энергиясини ишлаб чиқарувчи генераторлари,

ҳар хил энергияларни, яъни сув, шамол энергиясини кучланиш энергиясига айлантирувчи машина — двигателлар ва трансформаторлар ёрдамчи станцияларнинг асбоб-ускуналари);

б) иш машиналари ва асбоб-ускуналар (маҳсулот яратиш ёки ишлаб чиқариш характеридаги хизматлар қилиш жараёнида механик таъсирини кўрсатувчи машиналар, аппаратлар ва асбоб-ускуналар, жумладан: токарлик станоклари, йигирувчи машиналар, домна печлари, тикув машиналари, кранлар, компрессорлар);

в) ўлчов ва тартибловчи ускуналар, мосламалар ва тажрибахона асбоб-ускуналари;

г) ҳисоблаш техникаси;

д) бошқа хил машина ва асбоб-ускуналар.

1. Транспорт воситалари — буларга одамларни ва юкларни бир жойдан иккинчи жойга кўчириш учун хизмат қиладиган воситалар, яъни самолётлар, автомашиналар, вагонлар, пароходлар, отлар, аравалар, автокранлар, трамвайлар, троллейбуслар ва ҳоказолар киради.

2. Ускуналар — асосий воситаларнинг бу турига меҳнат буюмларини ишлашга хизмат қиладиган механизациялаштирилган ёки механизациялаштирилмаган қўл меҳнатининг қуроллари ёки машиналарга бириктирилган, лекин уларнинг таркибий қисми бўлмаган буюмлар киради. Буларга мисол қилиб қисувчи, узувчи ва эзувчи асбоблар ва ҳар хил ишловлар учун хизмат қиладиган мосламалар (қисқичлар тискалар, ва шу кабилар)ни олиш мумкин.

3. Ишлаб чиқариш ва ҳўжалик инвентарлари, жиҳозлар ва бошқа асосий воситалар. Улар иш вақтида ишлаб чиқариш операцияларни енгиллаштириш учун хизмат қиладиган иш столлари, дастгоҳлар, суюқ ва сочиладиган нарсаларни сақлашга мўлжалланган идишлар (баклар, сандиқлар, қутилар), ҳўжалик ва идора инвентарлари, идора жиҳозлари, ёзув машиналари, телефон аппаратлари, техника кутубхоналари ва бошқа буюмлардан иборат.

4. Иш ва маҳсулдор ҳайвонлар (отлар, туялар, ҳўкизлар, сигирлар, буқалар, кўтослар, қўйлар, эчкилар, чўчқалар ва бошқалар).

5. Кўп йиллик дарахтлар.

6. Ерларни яхшилашга қилинган капитал сарфлар (иншоотлардан ташқари). Бундай харажатларга капитал

қўйилмалар ҳисобидан ерларга қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун уларнинг устки қатламини яхшилаш тадбирлари (ер участкаларни режалаштириш, ерларни шудгорга тайёрлаш, сув омборларини тозалаш ва ҳоказолар) учун қилинган сарфлар киради.

7. Бошқа асосий фондлар (кутубхона фондлари, музейдаги қийматликлар (музейдаги экспонатлардан ташқари) зоопарк ва бошқа муассасалардаги тирик ҳайвонлар экспонатлари, бюджет муассасалари ва ташкилотларида асосий воситалар таркибида ҳисобга олинган иш кийимлари, ўрин-кўрпалар, кийим ва пойабзал, сахна ускуналари ҳамда ижарачининг балансида ҳисобга олинган ижарага олинган асосий воситаларга кетган капитал сарфлар).

Асосий воситалардан фойдаланилишига қараб ҳаракатдаги, захирадаги ва ҳаракатсиз ётган асосий воситаларга бўлинади.

Хўжалик жараёнида фойдаланилаётган барча асосий воситалар ҳаракатдаги асосий воситалар деб ҳисобланади.

Захирадаги асосий воситалар деб капитал тузатишдаги ва эскириши натижасида ишдан чиққан меҳнат воситаларини алмаштириш учун мўлжалланган воситаларга айтилади. Бухгалтерия ҳисоби ҳар бир корхонада мавжуд захирадаги асосий воситалар ушбу корхонага керакли миқдорда бўлишини назорат қилиб бориши ва уларнинг меъёрдан ошишига йўл қўймаслиги керак.

Чунки меъёрдан ортиқча асосий воситаларнинг захиралари, биринчидан, мулклар учун туловларни ошириб юборади ва иккинчидан, корхона мулкининг бекор ва унумсиз ётишига олиб келади.

Ҳаракатсиз ётган асосий воситалар деб корхона ёки унинг айрим участкаларида ишлаб чиқариш ишларининг тўхтаб қолиши (тегишли ташкилотлар томонидан тўхтатиб қўйилган) натижасида ишлатилмай қолган ва корхона омборларида бекор турган меҳнат воситаларига айтилади.

Корхоналарда уларнинг ўзларига қарашли асосий воситалардан ташқари фойдаланишга, яъни ижарага олинган асосий воситалар ҳам бўлиши мумкин. Шунинг учун асосий воситалар мазкур корхоналарга тегишлилигига қараб икки гуруҳга биринчидан, корхонанинг ўз асосий воситалари, иккинчидан, ижарага олинган асосий воситаларга бўлинади. Корхонанинг асосий восита-

лари ушбу корхонанинг балансида акс эттирилиб, ижарага олинган асосий воситалар эса шу балансининг ташқарисида акс эттирилиб, улар бўйича ушбу корхонада амортизация (эскириш) ҳисобланмайди.

Асосий воситаларнинг баҳоланиши. Асосий воситалардан фойдаланиш ўзига хос хусусиятларга эга бўлганлиги сабабли, уларни баҳолашда шу хусусиятларни ҳисобга олиш зарур. Чунки улардан узоқ муддат фойдаланилиб, ўз қийматларини ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархига аста-секин ўтказиб боради. Шу ўтказилган қийматни, асосий воситаларнинг эскириш қийматини (суммасини) бутун фойдаланиш даврида тўғри аниқлаш ва мавжуд мазкур санагача қанча эскирганлигини аниқлаштирилиши мақсадида бухгалтерия ҳисобида улар қийматининг доимийлигини сақлаш талаб қилинади. Шунинг учун мавжуд бухгалтерия ҳисоботлари ва баланси тўғрисидаги қоидаларга кўра асосий воситалар фойдаланишга топширилгунга қадар бўлган баҳода, яъни дастлабки қиймати асосида ҳисобга олинади. Дастлабки қиймат асосий воситаларни сотиб олиш, уларни олиб келиш ва ўрнатишга кетган барча харажатларни ўз ичига олади ва асосий воситаларни ҳисобга олишда ҳам қўлланилади. Маълумки, халқ хужалигида фойдаланиладиган асосий воситалар турли вақтларида ишлаб чиқарилган ва фойдаланишга топширилган. Уларнинг ичида бундан бир неча ўн йиллардан бери фойдаланиб келинаётганлари ҳам мавжуд. Шунинг учун унумдорлиги, иш ҳақи ва материалларнинг таннархлари ҳар хил бўлган бошқа-бошқа даврларда ишлаб чиқарилган бир хилдаги меҳнат воситаларининг қиймати ҳам ҳар хил бўлади.

Бир хил вазифани бажарувчи, лекин турли даврларда яратилган бир турли асосий воситалар ҳар хил дастлабки қийматга эга бўлганлиги сабабли, уларнинг бир давр (ой, йил) ичида эскириш қиймати ва амортизация суммасининг аниқланиши ҳам ҳар хил бўлади. Бу эса ушбу асосий воситалар ёрдамида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархининг ҳар хил бўлишига ва иқтисодий нуқтаи назардан нотўғри хулосаларга олиб келишга сабаб бўлади. Мана шундай хулосаларга йўл қўймаслик мақсадида асосий воситаларнинг баҳолари давлатнинг қарори асосида вақти-вақти билан умумий равишда қайта тикланиб (баҳоланиб) турилади, яъни қайтадан баҳоланаётган асосий воситалар янги нархлар белгиланаётган пайтида (шароитда) ишлаб чиқариш

неча пулга тушса, мана шу қиймат тиклаш қиймати сифатида белгиланади.

Собиқ шўролар даврида асосий воситаларнинг нархлари 1925, 1945 (қисман), 1960, 1972 ва 1990 йилларда қайта тикланган.

Нарх-наволарнинг ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида тез-тез узғариб туриши сабабли асосий воситаларнинг нархларини ҳам қисқароқ муддатларда қайтадан куриб туришни тақозо этади.

Асосий воситаларни баҳолаш тамойили мулкчиликнинг барча турлари учун бир хилдир. Лекин асосий воситаларнинг дастлабки қиймати фақат уларнинг нархлари қайтадан баҳоланганда, қўшимча асбоб-ускуна ўрнатилганда, реконструкция қилинганда ва тегишли объектлар қисман тугатилгандагина ўзгартирилиши мумкин.

Маълумки, бухгалтерия балансида асосий воситалар қиймати икки хил нархларда, яъни дастлабки ва қайта тикланган қийматлар йиғиндисидан иборат бўлиб, уларнинг умумий суммаси асосий воситаларнинг баланс қиймати деб номланади.

Бухгалтерия ҳисобида шунингдек асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати ҳам мавжуд. У асосий воситалар баланс қиймати билан уларнинг эскириш суммасидаги фарққа тенг бўлади.

Бухгалтерия балансининг активида ҳозирги пайтда асосий воситаларга тегишли бўлган учта қуйидаги маълумот келтирилади: асосий воситаларнинг баланс қиймати, уларнинг шу санага бўлган эскириш суммаси ва қолдиқ қиймати. Бунда баланс якуний суммасига фақат қолдиқ суммаси қўшилиб, асосий воситаларнинг дастлабки қиймати ва эскириш суммаси далолатнома (ахборот) учунгина келтирилади.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштиришнинг асосий омилларидан бири янги ва сифатли ҳамда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни оширишдир. Шунинг учун мамлакатимизда ўнлаб янгидан-янги корхоналар, шу жумладан ривожланган мамлакатлар билан биргаликда замонавий техника ва технология билан жиҳозланган қўшма корхоналар ташкил қилинмоқда.

Корхоналардаги мавжуд асосий воситалар янги бинолар, иншоотлар қурилиши, янги замонавий асбоб-ускуналарни олиб келиш ва ўрнатиш, бошқа ташкилот ва шахслардан асосий воситаларни бепул олиш, ижара-

га олиш, давлат органи томонидан маблағ ажратиш, муассисчилар томонидан корхона устав фондига бадаллар сифатида асосий воситаларни топшириш, йўқлама ўтқазиш натижасида ортикча чиққан асосий воситаларни киримга олиш натижасида кўпайиб туради.

Корхоналарда қурилиш ишлари капитал қўйилмалар қилиш йўли билан амалга оширилади.

Капитал қўйилмалар деб корхона томонидан янги асосий воситаларни қуриш, сотиб олиш, реконструкциялаш, фойдаланилмаган асосий воситалар объектларининг қувватларини кенгайтириш ва техникавий жиҳозлаш учун маблағларни қўйишга айтилади.

Қурилиш ишлари махсус пудратчи томонидан ёки капитал қурилиш бўлими орқали хўжалик усули, яъни корхонанинг ўз кучи билан олиб борилади. Шунинг учун қурилиш-монтаж ишларини олиб бориш усулига қараб пудратли ва хўжалик усулларига бўлинади.

Пудрат усулида қурилиш-монтаж ишларини бажарувчи ташкилот пудратчи, қурилишни маблағ билан таъминловчи ташкилот эса буюртмачи дейилади.

Молиялаш (маблағ ажратиш) манбаига қараб, капитал қўйилмалар давлат капитал қўйилмалари, давлат капитал қўйилмалари лимитидан ташқари ортикча капитал қўйилмалар ва бошқа капитал қўйилмаларга бўлинади.

Давлат капитал қўйилмаларини молиялашда шу мақсадлар учун рухсат этилган корхона ва ташкилотларнинг ўз маблағлари, бюджетдан ажратилган маблағлар ва банк кредитларидан фойдаланиш мумкин. Лимитдан ортикча бўлган капитал сарфларини шу мақсадларга ажратилган молиялаш учун марказлаштирилмаган молиялаш манбаларидан фойдаланилади. Бошқа капитал қўйилмалар жамоа, ширкат ва бошқа ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳамда ҳиссадорлик тартибида олинган маблағлар ва бошқа маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

1993 йилдан бошлаб амал қилаётган счётлар режасида асосий воситаларни ҳисобга олиш тартибида катта ўзгаришлар киритилган. Шу давргача амал қилиб келган эски йўриқномаларга кўра асосий воситаларни фойдаланишга топшириш 01 — «Асосий воситалар» счётининг дебетида ва 85 «Устав фонди» счётининг кредитда акс этирилиб, уларнинг ҳисобдан чиқарилиши эса 85-счётнинг дебети ва 01 счётнинг кредитига ёзилар эди. Чунки асосий воситалар қийматининг оши-

ши ёки камайиши билан боғлиқ бўлган барча муомалалар албатта корхона устав фондининг миқдорига ўз таъсирини кўрсатар эди. Сабаби — корхоналарга капитал қўйилмаларни шу капитал қўйилмаларнинг мустақил балансида акс эттириш тартибини белгилаш ҳуқуқи берилган бўлиб, қурилиши тугатилган асосий воситалар объектини асосий фаолият балансида утказишда капитал қўйилмаларнинг бухгалтерия ҳисобида қурилиш харажатлари мавжуд молиялаш манбаи ҳисобига утказилар (қопланар) эди. Шу билан бирга асосий фаолият ҳисобчилигида бу объектларнинг қиймати 01-счётнинг дебетида акс эттирилар ва уларнинг қиймати-га устав фонди ошириллар, 85-счёт эса кредитланар эди.

1993 йилдан бошлаб капитал қўйилмалар ва асосий воситалар ҳисобини юритиш тартиби анча ўзгартирилган бўлиб, капитал қўйилмалар, уларнинг катта-кичиклиги ва қурилиш ишларининг бажарилиш усулидан қатъий назар асосий фаолият балансида акс эттирилади. Лекин айрим корхоналар капитал қўйилмаларни мустақил балансга ажратиб қўйишлари ҳам мумкин.

Илгари капитал қўйилмаларни молиялаш марказлаштирилган тартибда давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилган бўлса, эндиликда капитал қўйилмалар асосан корхонанинг ўз маблағлари ва банк кредитлари ҳисобидан молияланиши мумкин. Шундай қилиб, 1993 йилдан амал қилаётган янги қоидага кўра асосий воситаларнинг корхонага келиб тушиши ҳам, уларнинг эскириши ҳам энди 85 — «Устав капитал (фонди)» счётида акс эттирилмайди.

Капитал қўйилмаларини ҳисобга олиш тартибига доир қоидага кўра бухгалтерия счётлари режасида 07 — «Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар» ва 08 — «Капитал қўйилмалар» деб номланган иккит махсус счёт ажратилган. 07 — «Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар» счёт инвентарли, актив счёт бўлиб унинг дебетида монтаж қилиш учун мулжалланган мавжуд асбоб-ускуналарга ҳақиқатда қилинган харажатлар қолдиги (сальдоси) ва янгитдан олиб келинган асбоб-ускуналарга ҳақиқатда қилинган харажатлар акс эттирилади. Бу счётнинг кредитида монтаж қилина бошланган асбоб-ускуналарнинг ҳақиқий таннархини ҳисобдан чиқариш акс эттирилади. Бундай ёзувлар учун асбоб-ускуналарни корхонага келтирилганлиги ва уларни монтажга топширилиши тўғрисидаги накладнойлар ва бошқа далолатномалар асос бўлиб ҳисобланади.

Асосий воситаларнинг ҳаракати устидан қуйидаги ҳужжатларни ўз вақтида ва тўғри тўлғизиш натижасидагина улардан самарали фойдаланиш мумкин.

Асосий воситаларнинг ҳаракати устидан қуйидаги ҳужжатлар ёрдамида назорат ўрнатиш мумкин.

1. **ОС-1 шакли** — «Асосий воситаларни қабул қилиш ва бериш акти» — асосий воситаларнинг кирим ва чиқимини қайд қилиш учун.

2. **ОС-2-шакли** — «Таъмирланган мукаммаллаштирилган ва реконструкция қилинган асосий воситаларни қабул қилиш ва топшириш акти» — объектларнинг бошланғич қийматининг ошишини қайд қилиш учун.

3. **ОС-3 шакли** — «Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш» объектларни тугатиш учун.

4. **ОС-4 а** — «Автотранспорт воситаларини тугатиш акти».

5. **ОС-7** — «Асосий воситаларни ҳисобга олиш учун инвентар карточкалари» ҳар бир асосий воситанинг ҳолати ва ҳаракатини алоҳида қайд қилиб беради.

6. **ОС-8 шакли** — «Асосий воситаларнинг ҳаракатини қайд қилиш карточкаси» — уларнинг кирим ва чиқимини ҳисобга олиб боради.

7. **ОС-9** — шакли «Асосий воситаларнинг инвентар рўйхати» уларнинг фойдаланиш жойлари бўйича ҳисобини ташкил қилиш учун ишлатилади.

Корхонага тегишли бўлган ишлатилаётган захирадаги, консервациядаги ва ижарага берилган асосий воситаларнинг миқдори ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар умумлаштирилган ҳолда 01 — «Асосий воситалар» номли актив синтетик счётада юқоридаги ҳужжатларга асосан ҳисобга олиб борилади.

01 — «Асосий воситалар» счётида қуйидагилар ҳам ҳисобга олиб борилади:

а) корхонага фойдаланиш ҳуқуқи берилган урмон ва сув ҳавзалари, ер участкалари ва конлар учун қилинган инвентар ҳаракатдаги капитал қўйилмалар;

б) ижарага олинган асосий воситалар учун қилинган тугалланган ишлар натижаси бўйича харажатлар.

Асосий воситалар бошланғич қийматда ҳисобга олиб борилиб, алоҳида объектлар учун уларнинг бошланғич қиймати қуйидагича аниқланади:

а) таъсис этувчиларнинг корхонага қўшган асосий фондлари ўзаро келишилган баҳода;

б) корхонанинг ўзида ишлаб чиқарилган ёки сотиб олинган асосий воситаларни ишлаб чиқариш баҳоси

ёки сотиб олиш баҳоси, ташиб келтириш, ўрнатиш харажатларини қўшиб ҳақиқий таннархда;

в) бошқа шахслардан текинга олинган асосий воситалар эксперт томонидан белгиланган ёки актда кўрсатилган баҳода.

Янги корхона қуриш, асосий воситаларни сотиб олиш, конструкциясини ўзгартириш, кенгайтириш, қувватини ошириш учун сарфланган маблағларни ҳисобга олишда алоҳида актив счётлардан фойдаланилади:

07-«Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар» счёти ва 08 — «Капитал қўйилмалар» счёти.

Ушбу корхона мулки бўлган асосий воситаларнинг эскириши 02-«Асосий воситаларнинг эскириши» пасив, синтетик счётда ҳисобга олинади.

Асосий воситаларнинг эскириши ҳар ойда амалдаги меъёри бўйича тўла тиклаш учун ажратилган амортизация суммаси миқдоридан аниқланади.

02-«Асосий воситаларнинг эскириши» қуйидаги субсчётларда юритилади:

02.1-«Ўзининг асосий воситаларининг эскириши»

02.2-«Узоқ муддатга ижарага олинган асосий воситаларнинг эскириши».

Тўла қийматига амортизация ҳисобланган асосий воситаларга эскириш ҳисобланмайди.

07-счёт бўйича иккита субсчёт юритилади: 07—1 «Ўз ватанзимининг ўрнатиладиган асбоб-ускуналари» ва 07-«Чет элнинг ўрнатиладиган асбоб-ускуналари».

Корхонага келиб тушган ўрнатиладиган асбоб-ускуналар учун тўлов талабнома-топшириқ акцептланганда 07 счёт дебетланиб, 60-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоблашишлар» счёти кредитланади. Шу асбоб-ускуналарни етказиб берганлик (транспорт хизматлари) учун ҳам худди шундай бухгалтерия проводкаси берилади.

Шу асбоб-ускуналар тушириб берилганлик учун иш ҳақи ва ижтимоий суғурта ҳисобланганда 07-счёт дебетланиб, 70-«Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар» ва 69-«Ижтимоий суғурта ва таъминот бўйича ҳисоб-китоблар» счётлари кредитланади.

Таъсисчилар томонидан корхона устав фондига ўз бадаллари сифатида топширилган асбоб-ускуналар қиймати 07-счётнинг дебети ва 75-«Таъсисчилар билан ҳисоблашишлар» счётининг кредитига ёзилади.

Монтажга топширилган асбоб-ускуналарнинг ҳақиқий қиймати ҳисобдан чиқарилганда 08-«Капитал қўйилмалар» счёти дебетланиб 07-счёт кредитланади, шу асбоб-ускуналар сотилса — 48-«Ҳар хил активларнинг сотилиши» счёти дебетланиб, 08-счёт кредитланади, уларнинг мустақил балансга ажратилган филиалларга бериши — 79-«Хўжалик ичидаги ҳисоблашишлар» счётининг 1-«Ажратилган буюмлар бўйича» субсчётининг дебети ва 07-сётнинг кредитига ёзилади.

Ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни омбордаги ва бухгалтериядаги ҳисоби материаллар ҳисобига ухшаб кетади ва уларни ҳисоби ҳам омбор карточкалари ва 10-сонли ведомостда юритилади.

Иморат ва иншоотларни қуриш, асбоб-ускуналарни ва бошқа асосий воситаларни сотиб олиш билан боғлиқ бўлган капитал қўйилмаларни ҳисобга олиш 08-«Капитал қўйилмалар» деб номланган актив ва калькуляциялаш счётида юритилади. Бу счёт қўйидаги субсчётларга бўлинади:

1. Асосий воситалар объектини қуриш.
2. Асосий воситаларнинг алоҳида объектини сотиб олиш.
3. Асосий воситалар қийматини оширмайдиган харажатлар.
4. Ёш чорва молларини асосий подага ўтказиш.
5. Катта ёшли ҳайвонларни сотиб олиш.
6. Текинга олинган ҳайвонларни олиб келиш.
7. Капитал қўйилмалар.

08-сётининг 1-субсчётида қурилишнинг қайси бир усули (пудрат ёки хўжалик)дан фойдаланилишидан, қатъий назар, иморатлар, иншоотларни қуриш, асбоб-ускуналарнинг қиймати ва сметаларида смета — молия ҳисоб-китоби ва капитал қурилишининг титуллик рўйхатларида кўзда тутилган бошқа харажатлар ҳисобга олинади.

Бу сётнинг 2-субсчётида монтаж талаб қилмайдиган асбоб-ускуналар, машиналар, анжомлар ва бошқа асосий воситалар объектини сотиб олиш харажатлари ҳисобга олинади.

3-субсётда асосий воситаларни қуриш ва сотиб олиш билан боғлиқ бўлган, лекин белгиланган тартибга кўра асосий воситалар объектларнинг дастлабки қийматига қўшилмайдиган харажатлар ҳисобга олинади.

08-сётнинг 7-«Молиявий қўйилмалар» субсчётида корхонанинг қимматли қоғозлар, бошқа корхоналар-

нинг устав капиталига қилинган қўйилмалар ва бошқа ташкилотларга берилган қарз (заём)ларга қилинган инвестициялар ҳисобга олинади.

Қолган бошқа 4, 5 ва 6-субсчётлар қишлоқ хужалиги тармоқларига тегишлидир.

Асосий воситалар қийматида қўшилмайдиган бундай харажатларга одатда ҳар хил манбалардан қопланадиган қурилган ва сотиб олинган объектларга хизмат қиладиган кадрларни тайёрлаш харажатлари, давлат томонидан рухсат этилиб консервация қилинганларга сарфланган қурилиш харажатлари ва шу кабилар киради.

08-счётга тегишли асосий бухгалтерия проводкалари қуйидагилардан иборат:

Счётлар кредити	Д-т	К-т	Счётлар дебети
07	С — тугалланмаган қурилиш харажатлари суммаси. Монтаж қилина бошлаган асбоб-ускуналарнинг ҳақиқий қиймати	Фойдаланишга топширилган объектларнинг дастлабки қийматга қўшиладиган харажатларни ҳисобдан чиқариш	01
60	Монтаж талаб қилинмайдиган асбоб-ускуналар учун мол етказиб берувчиларнинг тулов ҳужжатларини акцептлаш	Фойдаланишга топширилган объектларнинг дастлабки қийматида қўшилмайдиган харажатларни ҳисобдан чиқариш	86,81, 96
60, 10, 70, 69	Бажарилган қурилиш ва монтаж ишлари учун тулов ҳужжатларини акцептлаш. Қурилиш ва монтаж ишларига доир корхонанинг харажатлари	Қуриладиган асосий воситалар объектларининг қийматига қўшиладиган зарарларнинг ҳисобдан чиқарилиши	80
02, 05, 13	Қурилиш, монтаж ишларида қатнашган асосий воситалар, номоддий активлар ва кам		

	баҳоли ва тез эскирувчи буюмларнинг эскириш суммалари		
23	Ёрдамчи ишлаб чиқаришнинг қурилишга қилган хизматларини ҳисобдан чиқариш		
80	Монтаж талаб қилмайдиган асбоб-ускуналарнинг текинга олиниши		
	Жисмоний шахслардан сотиб олинган объектларнинг шартномадаги келишилган қиймати		
51, 52, 55, 76	Сотиб олинган асосий воситаларнинг дастлабки қийматини оширмайдиган (яратилаётган объектлар учун кадрлар тайёрлаш) харажатлари		

Шундай қилиб, асосий воситаларни сотиб олиш, олиб келиш ва ўрнатиш харажатлари капитал қўйилмаларга ажратилган маблағлар ҳисобидан қилиниб, албатта, капитал қўйилмалар ҳисобида ҳам акс эттирилиш шарт. Лекин бундан умумхўжалик сметаси бўйича қўзда тутилган маблағлар ҳисобидан сотиб олинган ва корхона ҳамда ташкилотлар техника кутубхонасига келиб тушадиган китоблар ва ойномалар ҳамда «Асбоб-ускуналарни ва инвентарларни сотиб олиш» деб номланган бюджет туркумланишининг 13-моддаси бўйича болалар муассасаларига ажратилган маблағлар ҳисобидан сотиб олинган асосий восита (фонд)лар мустаснодир. Бунда асосий воситалар келганда 01-«Асосий воситалар» счётининг дебети ва қаердан сарфланишга қараб

тегишли пул маблағларни счётларнинг кредитида акс эттирилиб, капитал қўйилмалар ҳисоби орқали ўтказилмайди.

Фойдаланишга топширилган асосий воситалар маълум тартиб ва қоидаги кура корхона раҳбари тайинлаган комиссия томонидан қабул қилиб олинади. Комиссия таркиби одатда бош механик, қурилиш бўйича мутахассис, техника бўлими вакили, хавфсизлик техникаси бўйича муҳандис, бухгалтерия ва объектни қабул қилувчи цех ёки бўлимнинг бошлиғидан иборат бўлади.

Комиссия томонидан қабул қилинаётган ҳар бир объектга 00—1 рақамли шаклда «Қабул қилиш-топшириш далолатномаси» тузилади. Унда қабул қилиб олинган асосий воситаларнинг дастлабки қиймати, қандай ишларни бажариши, қачон қурилганлиги ёки ишлаб чиқарилганлиги, қисқача техникавий тавсифи ва бошқа кўрсаткичлар келтирилган бўлади. Далолатномага ушбу асосий воситаларнинг техникавий ҳужжатлари илова қилинади.

Корхонага келган ҳар бир асосий восита объектига инвентар рақами (номер) берилади ва бутун фойдаланиш муддатида объектга тегишли барча операциялар тегишли ҳужжатларда шу рақам билан юритилади. Асосий воситалар инвентар рақами берилаётганда бу рақамларнинг биринчи ва иккинчи навбатдаги рақамлари асосий воситаларнинг тармоқ ва қандай гуруҳларга тегишли эканлигини билдириши керак. Масалан, биноларга 001 дан 099 гача, иншоотларга 100 дан 199 гача, ўтказувчи мосламаларга — 200 дан 299 гача ва ҳоказо рақамлар берилган.

Рақамлар серияси одатда асосий воситалар гуруҳига берилиб, сунгра шу сериядаги алоҳида рақамлар алоҳида объектларга берилади. Чиқиб кетаётган асосий воситаларнинг инвентар рақамлари янги қабул қилинган объектларга берилмайди. Йирик бўлган воситаларга бош механик бўлимида паспорт тузилади. Бу паспортда асосий воситаларнинг ишга туширилган вақти, унинг техникавий тавсифи, капитал тузатиш қилинган вақти ва қиймати, эскириш меъёрлари ва бошқа маълумотлар келтирилади. Бу паспорт асосий воситаларни ҳисобга олишни янада яхшилаш имконини беради.

Асосий воситаларнинг ҳисоби шундай ташкил қилинган бўлиши керакки, унинг ёрдамида асосий воситаларнинг ҳар бир туркумидаги гуруҳларига тегишли бўлган асосий воситалар ва унинг ҳар бир объекти,

унинг жойлашган жойи ва алоҳида инвентарь карточкада аналитик ҳисоби ва 01-«Асосий воситалар» счётида синтетик ҳисоби юритиш билан таъминланади. Аналитик карточка ОС—6 шаклдаги намунавий варақларда юритилади. Унча катта бўлмаган корхоналар асосий воситаларнинг аналитик ҳисобини инвентар дафтарларида юритишлари мумкин.

Инвентар карточкаларда асосий воситалар объектининг номи, унинг инвентар рақами, уни тайёрлаган корхона номи, далолатнома рақами ва санаси, дастлабки қиймати, сотиб олиш манбаи, қисқача тавсифи ва бошқа маълумотлар келтирилади.

Кўпчилик корхоналарда инвентар карточкалар икки нусхада тузилиб, улардан бири бухгалтерияда, иккинчиси эса асосий воситалар жойлашган цех ва участкаларда сақланади. Инвентар карточкалар асосий воситаларнинг гуруҳларига қараб, гуруҳ ичида эса уларнинг жойлашган ўринларига ва объект турларига қараб картотекаларда жойлаштирилади. Ишлатилаётган асосий воситалар карточкалари алоҳида сақланади.

Айрим корхоналарда инвентар карточкалар фақат бир нусхада тўлдирилиб, улар асосий воситаларнинг бухгалтериядаги ҳисобини олиб бориш учун хизмат қилади. Цех ва участкаларда асосий воситаларни инвентар карточкалар рўйхати асосий ҳисобга олинади. Бу рўйхат қуйидаги намунавий шаклга эга:

2. 1-жа д вал

ОС-7 намунавий шакли
Инвентарь карточкалар рўйхати

Карточка рақами	Инвентарь рақами	Объект номи
981	2264	Токар станогии
ва ҳоказо		

Асосий воситаларнинг ҳар бир гуруҳи ёки турига асосий воситалар ҳаракатини ҳисобга олувчи карточка (ОС-8 шакли) осилади. Ҳар ойда асосий воситаларнинг келиши ва чиқиб кетиши туғрисидаги якуний маълумотлар шу карточкага кўчирилади. Бу карточка (журнал) қуйидаги кўринишга эга:

ОС-8 намунавий шакли.
Асосий воситалар ҳаракати ҳисобининг карточкаси.
«Импорт» гуруҳи (сўм)

Ҳисобот даври	Ҳисобот даври-нинг 1-кунда мавжуд бўлган асосий воситалар	Келди ҳаммаси	Кетди ҳаммаси	Шу жумладан эскириш ва ишдан чиқиши натижа-сида	Эскириш (январь ойидаги ҳаммаси, кейинги ойлардаги узгариш суммалари)	Тугалланган капитал тузатишга кетган харажатлар
Апрель	135796	11450	—	—	9500	4050
Май	147247	18700	3400	2500	8400	3600
Июнь	162547	4500	7000	5500	26050	3250
Квар-талга жами ва ҳ. к.	Х	34650	10400	8000	26050	10900

Капитал қўйилмаларнинг турлари ва таркиблари бўйича аналитик ҳисоб 18 ва 18/1 — сонли ведомостларида юритилади. Бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шаклидан фойдаланаётган корхоналарда капитал қўйилмалар ҳисоби 10/1, 13 16-сонли журнал ордерларда юритилади.

Бундай карточкалар асосий воситалар аналитик ҳисобининг маълумотларини синтетик ҳисоби маълумотлари билан солиштириб текшириш учун хизмат қилади. Улар ҳар йилнинг январидан бошлаб очилади. Дастлаб уларда асосий воситаларнинг турлари бўйича 1-январга мавжуд бўлган объектлар акс эттирилади, сўнгра ҳар ойдаги узгаришлар (оборотлар) аниқланиб, кейинги ойнинг бошига мавжуд бўлган асосий воситалар суммаси ёзиб қўйилади. Унинг маълумотлари асосий воситалар ҳаракати туғрисида оборот ведомости тузилади ва уларнинг якунлари бош дафтарлар якунлари билан солиштирилиб, текшириб

чиқилгандан кейин асосий воситалар ҳаракати туғри-сидаги ҳисобот тузилади.

Бухгалтерияда асосий воситалар 01-«Асосий воситалар» деб аталган инвентар счётида дастлабки қийматда ҳисобга олинади. Дастлабки қиймат корхона таъсисчилари томонидан унинг устав фондига ўзларининг бадаллари сифатида топширилган объектлар бўйича ҳар иккала томоннинг келишувига қараб, корхонанинг ўзида ёки бошқа ташкилотлар ва шахслардан сотиб олинган объектлар бўйича эса шу объектларни қуриш ёки сотиб олишга кетган ҳақиқий харажатлар, шу жумладан уларни келтириш, монтаж қилиш ва ўрнатиш харажатларига қараб баҳоланади. Бошқа ташкилот ва шахслардан текинга олинган ҳамда давлат органларидан субсидия сифатида олинган объектлар қиймати эксперт йўли билан ёки қабул қилиш-топшириш ҳужжатларининг маълумотларига қараб баҳоланади.

Юқорида эслатиб ўтилгандек, асосий воситаларни сотиб олиш манбалари асосан корхонанинг ўз маблағлари, четдан жалб қилинган маблағлардан иборат бўлиб, улар муассисларнинг корхона устав капиталига бадаллар сифатида ва бошқа ташкилотлардан текинга келиши мумкин. Ўз маблағлар манбаларига асосий воситаларнинг қайта тикланган эскириш (амортизацияси) суммаси, 1992 йилгача келтирилган объектлар бўйича индексациялаштирилган амортизацияси миқдоридан ҳосил қилинган захира (резерв), корхона соф фойдаси ҳисобидан яратилган жамғарма фонди ва бошқалардан иборат.

Яъни ўша даврга мавжуд бўлган асосий воситалар қийматининг охириги марта тикланишигача 1993 йилдан амалиётга киритилган янги тартибга кура бу манбалардан фойдаланиш бухгалтеря ҳисобида акс эттирилмаганлиги сабабли бухгалтерия шу манбалар суммасининг ташкил топиши, улардан фойдаланишнинг турлари бўйича ажратиб курсатилган маълумотларга эга бўлиши керак. Акс ҳолда пул маблағларидан нотўғри ёки ўринсиз фойдаланиш ва натижада корхонани тўлов қобилиятсизлигига олиб келиши мумкин. Ундан ташқари, бу маълумотлар капитал қўйилмаларни молиялаш маблағлари ва бошқа молиявий қўйилмаларнинг ҳаракати туғрисидаги ҳисобот маълумотларини тўлдириш учун ҳам керак бўлади.

Четдан жалб қилинган маблағлар, банк кредитлари,

ҳар хил юридик ва жисмоний шахслардан олинган қарзлардан иборат бўлади.

01-счётнинг дебетида корхонанинг асосий воситаларининг ҳар ойнинг бошига бўлган қолдиғи дастлабки қийматда акс эттирилиб, унинг дебетида тегишли счётлар билан корреспонденцияланган ҳолда қуйидаги ҳисобот ойида содир бўлган хўжалик операциялари акс эттирилади:

08-счётнинг кредит билан — ҳисобот ойидаги капитал қўйилмалар натижасида фойдаланишга топширилган объектларнинг дастлабки қиймати;

07-счётнинг кредити билан — муассислар томонидан корхона устав капиталига ўз бадаллари сифатида келишув қийматида топширган асосий воситалар қиймати;

80/85/-счётнинг кредити билан — текинга олинган асосий воситалар бўйича (давлат корхоналарида).

85-счётнинг кредит билан — хусусийлаштирилган корхона асосий воситаларни кимошди савдосида сотиб олиб, киримга олиниши;

85/3-счётнинг кредит билан — ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқаришдаги деб аталган асосий воситалар баланс қийматининг оширилиши (қайта баҳоланганда);

85/1-счётнинг кредит билан — жорий ижара бўйича ижарачи томонидан қайтарилган асосий воситаларга ижарасининг капитал қўйилмаларига шу асосий воситалар қийматининг оширилиши ва ҳоказолар.


01-счётнинг кредитда 47-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқа хил чиқиб кетиши» счёти кредити билан корреспонденцияда қуйидаги муомалалар акс эттирилади:

— сотилиши, ишдан чиқиши натижасида ҳисобдан чиқарилиши (тугатилиши), сотиб олинган акциялар учун тўлов шаклида, текинга бериш, бартер (алмашув) объектларни чиқариш, рўйхатга олиш натижасида асосий воситаларнинг кам чиқариш, ижарачи томонидан қилинган капитал қўйилмаларни ижарага берувчи ташкилотга ўтказилиши, асосий воситаларни кейинчалик сотиб олиш ҳуқуқи билан узоқ муддатли ижарага берилиши ва бошқалар.

Бухгалтерия ҳисобининг счётларида бу муомалалар қуйидаги кўринишда акс эттирилади:

01 — «Асосий воситалар»
счёт

47 — «Асосий воситаларнинг
сотилши ва бошқа
ҳар хил чиқиб кетиши» счёти



Асосий воситалар хужаликдан қуйидаги сабабларга кура чиқарилиши мумкин:

1. Жисмоний, маънавий эскириш, авария, табиий офат, фойданинг нормал шароитларининг бузилиши ва бошқа сабабларга кура тугатилиши.
2. Бошқа ташкилотлар ва шахсларга сотилиш натижасида.
3. Бошқа ташкилот ва шахсларга текинга берилиши натижасида.
4. Узоқ муддатли ижарага берилиши натижасида.

Шу билан бирга асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш уларни қайта тиклаш мумкин бўлмаган ёки бундай тиклаш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмаган тақдирда ва шунингдек, ушбу асосий воситаларни белгиланган тартибда сотиш ёки бошқа корхона, ташкилот ва муассасаларга бериш мумкин бўлмаган тақдирдагина амалга оширилади.

Асосий воситаларни тугатишдан олдин ушбу тугатиш билан боғлиқ бўлган ишлар рўйхатини ва хусусиятларини кўрсатувчи наряд буюртма тузилиб, улар тузатиш ишларини бажарувчи цех ёки ташкилотларга топширилади.

Тугатиш ишлари тугатилгандан кейин намунавий шаклдаги 03-рақамли «Асосий воситаларни тугатиш далолатномаси» тузилади. Корхона томонидан тайинланган махсус комиссия балансдан чиқарилаётган асосий воситаларни текшираётганда ва далолатнома тузаётганда мазкур объектнинг техника паспорти, камчиликлари қайд қилинган ведомость ва бошқа техникавий ҳужжатлардан фойдаланади. «Асосий воситаларни тугатиш далолатномаси» да мазкур объектнинг тавсифи, унинг тайёрланган ёки қурилган йили, корхонага келган ва фойдаланишга топширилган вақти дастлабки ёки қайта тиклаш қиймати, бухгалтерия ҳисоби маълумотларида кўрсатилган эскириш суммаси, неча марта капитал тузатиш қилинганлиги, чиқиб кетиш сабаблари ва шунга ўхшаш маълумотлар келтирилади.

Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши билан боғлиқ бўлган барча муомалалари счётлар режасида махсус ажратилган 47 — «Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқа ҳар хил чиқиб кетиши» счётида акс эттирилади.

Маълумки, асосий воситаларни тугатиш учун уларни бузиш, демонтаж қилиш каби ишлар бажарилиши керак. Бу ишлар корхонанинг ўзидаги кучлар билан ёки махсус ташкилотлар томонидан пулга бажарилади. Асосий воситалар тугатилгандан кейин турли хилдаги фойдаланиш мумкин бўлган материаллар, ёқилғи ва бошқа қийматлар олинishi мумкин. Шу келтирилган барча операциялар 47 счёт ёрдамида ҳисобга олиб борилади.

Асосий воситаларни тугатиш жараёни 47-счётда акс эттирилгандан сўнг бу счётнинг ҳар иккала томонидаги якуний суммалар солиштириб кўрилади. Агар шу счётнинг дебетидаги якуний сумма кредитдаги суммдан ортиқ бўлса, унда мазкур объект тула амортизацияланган ҳисобланади.

Корхоналарни мавжуд асосий воситалардан унумли фойдаланиш ва ҳужалик ҳисобини мустаҳкамлашга қизиқтириш мақсадида бундай асосий воситаларни сотиш ва рўйхатидан чиқариш чоғида ҳосил буладиган зарарлар корхона ихтиёрида қолдириладиган фойда ҳисобидан қопланади (агар Вазирлар Маҳкамаси томонидан бундай ҳисобдан чиқаришнинг бошқа тартиби белгиланган бўлмаса).

Корхонадаги асосий воситаларнинг тугатилишига қуйидаги муомалаларни мисол қилиб келтириш мумкин:

1. Тугатилган асосий воситаларнинг дастлабки қиймати ҳисобдан чиқарилди: 20000 сўм

Шу жумладан:

2. Эскириш суммаси 18000 сўм.

3. Пудратчи томонидан бажарилган бузиш ва демонтаж ишлари учун счёт акцептланади. 1400 сўм

4. Тугатилган объектдан фойдаланиш мумкин бўлган ҳар хил материаллар олинди. 700+400 сўм

5. Тула амортизацияланмаган асосий воситаларни тугатиш натижасида кўрилган зарарлар (20000+1400) (18000+700+400) ҳужалик фаолиятининг молиявий натижалари ҳисобидан қопланди 2300 сўм.

Бу муомалалар счётлардаги ёзувлар тарихи куйидагича акс эттирилади:

Д-т	01	К-т	Д-т	47	К-т	Д-т	02	К-т
	1/20000		1/20000	1/18000		1/18000		
Д-т	60	К-т				Д-т	10	К-т
	2/1400		2/1400	3/1100		3/1100		
				4/2300				
				21400	21400		4	2300

Асосий восита тугатилгандан сунг тузилган далолатнома корхона бухгалтериясига топширилади. Бухгалтерия бу далолатномага мувофиқ асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқарилганлиги туғрисида объектнинг инвентар карточкасига ёзиб қўяди ва шу туғрида инвентар карточкаларнинг рўйхатига белги қўйиб қўяди. Асосий воситалар жойлашган жойдаги инвентар рўйхатларда ҳам худди шундай ёзувлар қилинади.

Асосий воситалар бир корхонадан иккинчи корхонага бепул берилаётганда намунавий шаклдаги «Асосий воситаларни қабул қилиш-ўтказиш далолатномалари» билан расмийлаштирилади. Бунда чиқиб кетаётган асосий воситаларнинг дастлабки қийматига 01-счёт кредитланиб, шу кунгача ҳисобланган эскириш суммасига 02-счёт ва қолдиқ қийматга 47-счёт дебетланади. Асосий воситаларни бепул беришдан кўрилган зарарлар корхона фаолияти молиявий натижаси ҳисобидан қопланади ва жорий тартибда 80-счётнинг дебетига ўтказилади.

Асосий воситаларни бошқа корхоналар устав фондига бадал тариқасида ўтказилишлар тарафларнинг келишувига асосланган нархларда амалга оширилади. Бозор иқтисодиёти шароитида бундай нархлар кўпинча асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисобидаги қийматига туғри келмаслиги мумкин. Бундай операция натижасида келиб чиққан фойда ёки зарарлар 47-счётнинг алоҳида субсчётида аниқлаб топилди.

Шундай қилиб, устав капитали (фонди)га бадал тариқасида ўтказилган асосий воситалар қиймати Счётлар режасида келтирилган 06-«Узоқ муддатли мо-

лиявий инвестициялар» счётининг дебети ва 47-счётнинг кредитида ҳар иккала томонининг ўзаро келишилган суммасида акс эттирилади.

Асосий воситаларнинг хужаликдан чиқиб кетиши натижасида олинган фойда корхонанинг фойдаси таркибига киритилади ва шунинг учун бу фойданинг суммасидан мазкур корхона учун белгиланган ставкалар бўйича солиқ ушланади.

Юқорида 47-счётга тегишли операциялардан ташқари бу счёт тегишли счётлар билан қуйидаги операциялар бўйича корреспонденцияланади:

Муомалаларнинг мазмуни	Корреспонденцияланувчи счётлар	
	Дебет	Кредит
1. Асосий воситаларнинг хужаликдан чиқиб кетишининг барча ҳолларида уларнинг ҳисобдан чиқарилиши қуйидагича акс эттирилади:		
а) уларнинг дастлабки қийматига	47	01
б) ҳисобланган эскириш суммасига	02	47
2. Асосий восита объекти тамомила эскириб, 100 фоизга эскирган бўлса:		
а) демонтаж натижасида олинган материал ва эҳтиёт қисмлар қийматига	10, 12	47
б) бузиш ва демонтаж харажатлари	47	70, 69, 60, 76
в) тугатиш натижасида қурилган зарар	80	47
3. Тула амортизацияланмаган объектни тугатишдан олинган зарар (агар эскириш суммаси 100% дан кам бўлса)	80	47
4. Табиий офат натижасида тугатилган объектдан қурилган зарар	80	47
5. Бошқа корхона, ташкилотларга бепул берилган объект бўйича қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) ҳисобланганда	47	68

6. Кам чиққан асосий воситалар объектининг қолдиқ қиймати ҳисобдан чиқарилиши:	84	47
а) айбдор шахс ҳисобига ўтказилиши	73	84
б) айбдор шахс топилмай, фойда ҳисобидан қопланиши	80	84
7. Асосий воситалар сотилишига доир муомалалар:		
а) харидордан ундириладиган суммага (реализацияни юклаб жунатиш дақиқасида ҳисобга олинганда)	76	47
б) сотилган асосий восита учун пул келиб тушиши (реализациянинг пул келиб тушиши дақиқасида ҳисобга олинганда)	50,51	47
в) сотилган асосий восита бўйича ҚҚС ҳисобланиши	47	68
г) фойда олиниши	47	80
д) зарар қилиниши	80	47

Асосий восита объектини ўз таннарихидан паст нархда сотилганда солиқ солинадиган фойда шу объектининг бозор нархида сотилишидан келиб чиқадиган ҳисоб-китобларга асосланиб ҳисобланади.

Асосий воситаларнинг бошқа ташкилотларга текинга беришига доир мисоллар келтирамыз:

1. Фараз қилайлик: корхона болалар боғчасига текинга янги телевизор берди.

Унинг дастлабки қиймати 20000 сўм:

	Сумма	Проводкалар	
		Д-т	К-т
а) балансдан дастлабки қийматининг чиқарилиши	20000	47	01
б) ҚҚС (18%)	3600	47	68/4

в) Текинга беришдан курилган зарарнинг ҳисобдан чиқарилиши	23600	80	67
2. Корхона бошқа бир кичик корхонага икки йил муддатга келишилган қийматда (300000) ижарага оргтехника топширди.			
<i>Бу асосий воситаларнинг дастлабки қиймати (200000)</i>			
<i>Эскириш суммаси (30000)</i>			
<i>Ижара мажбуриятларнинг умумий суммаси (350000)</i>			
Шартнома тугагандан сунг бу маблағлар ижарачининг мулкига айланади:			
1) оргтехника воситалари дастлабки қийматининг ҳисобдан чиқарилиш	200000	47	01
2) эскиришининг ҳисобдан чиқарилиши	30000	02/1	47
3) объектларнинг ижарага топширилиши	300000	09	47
4) келишилган қиймат билан қолдиқ қиймат уртасидаги фарқнинг ҳисобдан чиқарилиш	130000	47	83
3. Ижарачидан ижара ҳақининг ярми келиб тушиши	175000	51	09
4. Ҳисобот даврининг охирида ижара бўйича фойзнинг акс эттирилиш	25000	09	80
5. Келгуси давр даромади сифатида ҳисобга олинган сумманинг бир қисми ҳисобот даври фойдасига утказилиши	65000	83	80

АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИНГ ЭСКИРИШИ (АМОРТИЗАЦИЯСИ)НИ ҲИСОБГА ОЛИШ

Юқорида таъкидланганидек, корхонанинг асосий воситалари фойдаланиш жараёнида аста-секин эскириб боради. Бу эскиришнинг иқтисодий моҳияти шундан

иборатки, асосий воситалар ўз қийматини ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархига ўтказиб, истеъмол қийматини аста-секин йўқотиб боради.

Асосий воситаларнинг эскириши икки хил бўлади. Биринчиси — жисмоний эскириш, иккинчиси — маънавий эскиришдир.

Жисмоний эскириш деб асосий воситаларнинг атмосфера шароитлари таъсирида ва унинг моддий тузилишида ички ўзгаришлар (занглаш, чириш) содир бўлганда бошланғич ҳолатининг йўқолишига айтилади. Жисмоний эскириш асосий воситалардан фойдаланиш жараёнида ҳам улар бекор ётганда ҳам содир бўлиши мумкин. Асосий воситалар жисмоний эскиришининг даражаси уларнинг ишлаб чиқаришдаги ишлар билан бандлик даражасига, сифатига, технологик жараённинг хусусиятларига, ташқи шароитлардан муҳофаза қилиш ва парвариш қилиш сифатлари, ҳамда ишлайдиган ишчиларнинг малакасига боғлиқ.

Асосий воситаларнинг техникавий тавсифи ва иқтисодий самарадорлиги ҳақиқатдан орқада қолиши маънавий эскириш деб аталади. Маънавий эскириш ўз навбатида икки хил бўлиши мумкин. Биринчиси — шу каби асосий воситалар қайта ишлаб чиқаришининг арзонроққа тушиши натижасида улар қийматининг камайиши бўлса, иккинчиси — янги ва илғорроқ асосий воситаларни жорий қилиш натижасида уларнинг техникавий жиҳатдан орқада қолиши ва қийматининг пасайиб кетиши ҳисобланади.

Асосий воситаларни қайта тиклаш ва қайта ишлаб чиқариш мақсадида уларнинг ҳар ойдаги эскириш қиймати маҳсулот, бажарилган иш ва хизматлар таннархига қўшиб борилади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот, иш ва хизматлар таннархига қўшилаётган асосий воситаларнинг эскириш суммаси тула қайта тиклашга белгиланган амортизация ажратмалари меъёрлари бўйича ҳисобланади. Бу меъёрлар асосий воситаларнинг баланс қийматига нисбатан бир йиллик фоизлар ҳисобида белгиланади ва давлат томонидан ягона тартибда тасдиқланади. Меъёрлар барча корхоналар учун ягона ва мажбурий бўлиб ҳисобланади. Амортизация ажратмаларининг меъёрлари асосий воситаларнинг гуруҳлари ва турларига белгиланадиган умумий меъёрлардан иборат.

Асосий воситалар тула қайта тиклаш амортизация ажратмалари (эскириш)нинг бир йиллик суммасини топиш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$Ac = \frac{Bk + Tx - Mt}{\Phi m}$$

бунда:

Ac — амортизациянинг йиллик суммаси;

Bk — асосий воситаларнинг баланс қиймати;

Tx — тахминий тугатиш харажатлари;

Mt — асосий воситаларнинг тугатилишидан олинган материалларнинг тахминий қиймати;

Φm — асосий воситалардан фойдаланиш муддати.

Тула қайта тиклашга мўлжалланган амортизация ажратмалари (эскириш)нинг йиллик меъёри (Эм)ни топиш учун эса қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\text{Эм} = \frac{(Bk + Tx - Mt) \times 100}{Bk \times \Phi m}$$

Масалан, асосий воситанинг баланс қиймати (Bk) 25000 сўм, тугатиш харажати (Tx) 2000 сўм, асосий воситани тугатишдан олинган материаллар қиймати (Mt) 1000 сўм ва асосий воситалардан фойдаланиш муддати (Φm) 10 йил деб фараз қилсак, унда тула қайта тиклашга мўлжалланган йиллик амортизация (эскириш) меъёри (Mэ) 10,4% бўлади.

$$\frac{(25000 + 2000 - 1000) \times 100}{25000 \times 10}$$

Собиқ шўролар даврида амортизация ажратмалари асосий воситаларнинг юзлаб гуруҳлари, уларнинг ичида эса минглаб асосий воситаларнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида амортизация меъёрлари белгиланган бўлиб, шу меъёрларда амортизациянинг ҳар ойдаги суммалари ҳисобланар эди.

Собиқ шўролар халқ ҳужалигидаги асосий воситаларнинг тула қайта тиклашга аталган амортизация ажратмаларининг ягона меъёри СССР Министрлар Советининг 1990 йил 22 октябрида 1072-сонли қарори билан тасдиқланган бўлиб, у 1991 йилнинг 1 январидан бошлаб амалга киритилган эди. Унда асосий воситаларнинг камида 200 гуруҳи ва 2000 ортиқ турлари бўйича алоҳида-алоҳида меъёрлари белгиланган бўлиб, асосий воситаларнинг ҳар ойдаги амортизацияси (эскириши) шу меъёрлар бўлиб ҳисобланар эди. Ундан ташқари бу ҳужжатда асосий воситаларнинг ишлатилаётган шаро-

бир марта, у ҳам бўлса корхона ишга туширилаётган ойда ҳисоблаб чиқилади.

Бунинг учун, масалан, корхона январь ойида ишга тушириладиган бўлса, ушбу корхонадаги барча асосий воситалар объектлари жойлашган жойлари ва белги-ланган ягона амортизация ажратмалари меъёрларига кура турли шифрлари бўйича гуруҳланиб чиқилади. Бунда маълумотлар ҳар бир асосий восита объекти учун очиладиган аналитик карточкалардан олинади.

Ҳар ойдаги амортизация ажратмаларни ҳисоблаш учун бухгалтерияда қўлланиладиган махсус 6-сонли ишлов жадвалидан, автотранспорт бўйича эса 9-сонли ишлов жадвалидаги шаклидан фойдаланилади.

Бу жадвал шундай тузилганки, унинг маълумотлари асосида навбатдаги ҳисобот ойнанинг амортизация ажратмалари суммасини утган ойдаги ҳисоблаб топилган амортизация суммалари асосида осонлик билан топиш мумкин. Масалан, бизнинг мисолимиздаги корхона бўйича январь ойида ишга туширилган февраль ойнанинг амортизация ажратмалари суммасини топиш учун ишлов жадвалида январь ойнанинг амортизация суммасига шу январь ойида ишлатилган топширилган асосий воситалар объектининг ҳар бири бўйича бир ойлик амортизация ажратмалари суммалари қўшилиб, уша ойда фойдаланишдан чиқиб кетган асосий воситалар объектлари бўйича бир ойлик амортизация ажратмалари суммаси чегириб (олиб) ташланади. Агар январь ойидаги асосий воситалар таркибида ҳеч қандай ўзгаришлар бўлмаса, унда февраль ойидаги амортизация суммаси январь ойидаги амортизация суммасига тенг бўлади.

Шундай қилиб, ишлов жадвалининг маълумотлари ҳар ойдаги амортизация ажратмалари суммасини тегишли цех ва участка харажатларида акс эттириш, яъни дебетланувчи 20, 23, 25, 26, 28, 29, 31 ва бошқа счётлар дебетига «Асосий воситаларнинг эскириши» ёзиш учун асосий бўлиб ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида номоддий активларсиз корхона фаолиятини тасаввур қилиб бўлмайди, чунки у корхонанинг ўз ўрнини топишида ва ривожланишида муҳим ўрин тутди. Ҳозирги даврдаги рақобатнинг кучайиши ташқи бозорларга чиқариши учун энг аввало технологик ишлар, лойиҳа ишлари, патент, ихтиролар, ноу-хоу, маркетинг ва шу кабиларни амалга ошириш жараёнида номоддий активлар асосий ўрин тутди.

итлари (намлик, зарарли ва оғир шароитлар) ҳамда ишлаш режими (сменалар сони)нинг ўзгаришига қараб меъёрларни оширадиган ёки кодлардан фойдаланиш тавсия этилган эди. Бу меъёрлар Ўзбекистон Республикаси корхоналарида 1996 йил охиригача амал қилиб келди.

1996 йил 31 декабрдаги Вазирлар Маҳкамасининг 469-сонли қарорига биноан Республика Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан «Асосий воситалар гуруҳлари бўйича амортизациянинг ягона меъёрлари тўғрисида»ги янги тартиби ишлаб чиқилди. Бу қарорга биноан, амортизация ажратмаларини ҳисоблашни соддалаштириш мақсадида 1997 йил 1 январдан бошлаб барча асосий воситалар бир йиллик амортизация меъёрлари билан қуйидаги беш гуруҳга бўлинган:

1. Иморатлар, иншоотлар ва қурилишлар — 5 фоиз.

2. Енгил автомобиль, такси, йўлларда ишлатиладиган автотрактор техникаси, махсус ускуналар ва жиҳозлар. Компьютерлар, унинг ёнларидаги жиҳозлари ва маълумотларни ишлаш бўйича асбоблар — 20 фоиз.

3. Автотранспортнинг ҳаракатдаги таркиби (состави): юк ташувчи автомобиллар, автобуслар, махсус автомобиллар ва автотирковлар. Саноатнинг барча тармоқлари, тикув ишлаб чиқариш учун машина ва асбоб-ускуналар, темирчи-пресслаш асбоб-ускуналари, қурилиш асбоб-ускуналари, қишлоқ хўжалик машиналари ва асбоб-ускуналар. Офис учун мебеллар — 15 фоиз.

4. Бошқа гуруҳларга киритилмаган амортизацияланадиган активлар — 10 фоиз.

5. Темир йўл, денгиз, дарё ва ҳаво транспорт воситалари. Луч машиналари ва асбоб-ускуналар, иссиқлик-техникавий асбоб-ускуналар, турбина асбоб-ускуналари, электр двигателлари ва дизель генераторлар. Электр ўтказгич ва алоқа қурилмалари. Турубопроводлар — 8 фоиз.

Бу янги қарорда корхоналарга, керак бўлса, амортизация меъёрларни тасдиқланган меъёрларга қараганда камайтириш ёки тезлаштирилган амортизациядан фойдаланиш рухсат этилган.

Тезлаштирилган амортизациядан фойдаланилганда қўлланилган коэффициент қонун билан белгиланган меъёрдан 2 баробардан ошмаслиги ва тасдиқланган меъёрлардан ортиқ бўлган суммани фойда-даромадга солинадиган солиқ бўйича солиқ солинадиган базага қўшилиши кераклиги таъкидланган.

Янги қоидага кўра амортизация қуйидаги асосий воситалар бўйича ҳисобланмайди:

- маҳсулдор ҳайвонлар, қўтос ва ҳўкизлар;
- кутубхона фондлари;
- ҳокимиятларга ва умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларига қарашли шаҳар ободончилиги иншоотлари;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан консервацияга ўтказилган фондлар;
- тўла амортизацияланган фондлар.

Кўрилаётган корхонанинг сотиб олинган асосий воситалари ҳамда тугалланмаган қурилишдаги объектлар бўйича амортизация қурувчи ташкилот томонидан асосий фондларнинг қиймати тўғрисидаги маълумотнома (застройщик) асосида корхона томонидан белгиланган меъёрлар асосида ҳисобланади.

Шундай қилиб «Амортизациянинг меъёрлари тўғрисида» амортизация меъёрларининг анча қисқартирилганидан ташқари қўшимча равишда қўллаш учун тавсия этиладиган коэффицентлар ҳам чиқариб ташланган.

Шубҳасиз, бу янги амортизация ажратмаларини ҳисобга олишни анча осонлаштиради ва ишлатилаётган асосий воситаларнинг қийматини ва улардан фойдаланиш муддатини аниқлашни соддалаштиради. Лекин илгари мавжуд бўлган амортизация ажратмаларини тиклаб олиш, ҳисоблаш ва уларни ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархига адолатли киритиш имконини беради, лекин бу аниқлик ва объективликка путур етказиши мумкин.

Чунки, маълумки, шу вақтгача қўлланиб келинаётган амортизация меъёрлари мукаммал, асосланган ҳисобкитоблар билан ҳисобланган бўлиб, уларнинг катта-кичиклиги асосий воситаларнинг бир гуруҳи ичида ҳам катта фарқ қилади. Масалан, фақат енгил саноат машина ва асбоб-ускуналари гуруҳини олсак айрим объектлар бўйича амортизация меъёрлари 4,3 дан 14,3 фоизга белгиланган бўлса, қурилиш материаллари саноатида улар 5 дан 25 фоизгача фарқланади ва ҳоказо.

Агар 1997 йилдан бошлаб амал қилаётган янги амортизация меъёрларини ҳаётга тадбиқ этиш «Амортизация ажратмаларини ҳисоблашни соддалаштириш» бўлса, бундай соддалаштириш усули юқорида номланган 1072-қарорда ҳам мавжуд. Бу қарорга биноан амортизация ажратмаларининг бир ойлик суммаси корхонадаги барча асосий воситалар объектлари бўйича фақат

Номоддий активлар хужалик фаолиятининг мустақил қисми бўлиб оборотдан ташқари активлар қаторида ҳисобланади. Уларнинг мавжудлиги ва ҳаракати 04-«Номоддий активлар» актив, синтетик счётада ва уларнинг эскириши 05-«Номоддий активларнинг амортизацияси» номли пассив синтетик счётада умумлаштирилиб ҳисобга олиб борилади.

04-счётада номоддий активлар бошланғич қийматда сотиб олиш баҳоси ва олиб келиш харажатлари қўшилган ҳолда ҳисобга олиб борилади.

Алоҳида объектларнинг бошланғич баҳоси қуйидагича ҳисобга олинади:

а) таъсисчиларнинг корхона фондига қўшган объектлари келишилган баҳода;

б) бошқа шахслардан сотиб олинган номоддий активларнинг сотиб олиш баҳоси, уларни олиб келиш, ўрнатиш сарфларини қўшган ҳолда;

в) бошқа шахслардан текинга олинган объектларнинг аниқланган эксперт баҳоси ёки «Акт»да кўрсатилган баҳосида.

Номоддий активларнинг эскириш суммалари корхонада хизмат қилиш муддати ҳолда ҳисобланади, айрим ҳолларда фойдали хизмат муддатини аниқлаш қийин бўлган ҳолда 10 йиллик муддат белгиланади.

Номоддий активларга амортизация ҳисоблаш муддати 1 йилдан 10 йилгача белгиланади, агарда муддати белгиланмаган объектлар фойдаланишга олинса унда объект қиймати 10 йил ичида ёки шартномада кўрсатилган даврда харажат суммасини қайтариши керак. Амортизация суммасини ҳисоблаш бўйича номоддий активлар уч гуруҳга бўлинади.

1. Кузатиш ҳужжатларида хизмат муддати кўрсатилган номоддий активлар лицензия, патент ва бошқалар.

2. Хизмат муддати корхона томонидан белгиланган номоддий активлар ноу-хоу, техника ишловлар, дастур маҳсулотлари ва ҳоказо.

3. Хизмат муддатини белгилаш имконияти бўлмаган номоддий активлар 10 йилгача, товар белгилари ва ҳоказо.

Вазифа шартлари:

«Подъемник» акционерлик жамияти (АЖ)да асосий воситалар саноат ишлаб чиқариш ва носаноат гуруҳларига ажратилган.

Асосий воситалардан фойдаланиш жорий ҳисобда ҳисобга олинади ва балансда дастлабки қийматда акс

эттирилади. Асосий воситаларга «АКТ»га асосан қабул қилинган бухгалтерияда ҳар бир объект учун аналитик карточка (инвентарь карточка) очилади ва уларнинг ҳаракати кирим, фойдаланиши ва чиқими қайд қилиниб борилади.

«Подъемник» акционерлик жамиятида 199__ й декабрь ойида қуйидаги ҳужалик муомалалари содир бўлган

№	Муомаланинг мазмуни	Сумма
1.	ККБдан ҳақиқий таннархда вертикал фрезер станогни фойдаланишга қабул қилинди, бошланғич қиймати.	185200
2.	ККБдан ҳақиқий таннархда гидравлик пресс КБ-9334 фойдаланишга қабул қилинди, бошланғич қиймати	375000
3.	Тош Қ. Х маш АЖ дан бепул олинган айлана аррали станок фойдаланишга топширилди:	
	<i>бошланғич қиймати</i>	350000
	<i>эскириш суммаси</i>	100000
4.	Қуйидаги бўлимларда ишлатилаётган асосий воситаларга эскириш (амортизация) ҳисобланди:	
	а) асосий ишлаб чиқаришда;	
	б) умум цех аҳамиятидаги;	
	в) ёрдамчи ишлаб чиқаришда;	
	г) умумҳужалик аҳамиятидаги;	
	д) бошқа ишлаб чиқариш ва ҳужаликда.	
	<i>(жавобга қаранг)</i>	
5.	Ишлаб чиқариш машина ва усқунларни жорий таъмирлаш харажатлари ишлаб чиқариш харажатларига олиб борилди:	
	а) материаллар;	38000

	б) эҳтиёт қисмлар;	40000
	в) таъмирлашда ишлаган ишчиларга меҳнат ҳақи;	25000
	г) иш ҳақига нисбатан ижтимоий муҳофаза фондига ажратилди;	10000
	д) таъмирлашда эҳтиёт қисмлар олинди	2500
6.	Транспорт воситаси (КамАЗ 5221 автомашинаси) таъмирланди	
	а) эҳтиёт қисмлар;	30000
	б) таъмирловчиларга меҳнат ҳақи;	5000
	в) иш ҳақига нисбатан ижтимоий муҳофаза фондига ажратма;	2000
	г) таъмирлашга ёрдамчи материаллар сарфланди;	500
	д) таъмирлаш цехининг хизмат ҳақи	3000
7.	Цех биноси жорий таъмирланди:	
	а) қурилиш материаллари;	50000
	б) ишчиларга меҳнат ҳақи ҳисобланди;	15000
	в) ижтимоий муҳофаза фондига ажратилди	6000
8.	АЖ пансионати дам олишдан кейин таъмирланди:	
	а) таъмирлаш материаллари;	180000
	б) ишчиларга меҳнат ҳақи ҳисобланди;	54000
	в) ижтимоий муҳофаза фондига ажратилди;	21600
	г) транспорт хизмати	15000
9.	Асосий воситаларни капитал таъмирлаш бўйича пудратчиларнинг счёти акцептланди:	
	а) цехнинг махсус ускуналари;	250000

	б) умум ишлаб чиқариш воситалари;	1100001
	в) умумзавод воситалари;	80000
	г) махсус транспорт воситалари;	70000
	д) уй-жой хўжалигининг объектлари;	280000
	е) заводнинг соғломлаштириш маркази	190000
10.	Пудратчиларга бажарган капитал таъмирлаш ишларининг қиймати ҳисоблашиш счётидан туланди	1070000
11.	Бажарилган ишларни қабул қилиш актига асосан сарфланган маблағлар таъмирлаш фондидан қопланди.	1070000
12.	Қайта ҳисоблаш натижасида таъмирлаш фондига ортиқча ҳисобланган сумма қайтарилди:	
	а) асосий ишлаб чиқариш цехи;	70000
	б) умумий ишлаб чиқариш;	15000
	в) умум хўжалик;	25000
	г) бошқа ишлаб чиқариш ва хўжалик	17000
13.	Эскириши натижасида актга мувофиқ электр караси ЭК-2 ҳисобдан чиқарилди:	
	— бошланғич қиймати	74150
	— эскириш суммаси	65000
	— металлом қиймати	2150
14.	Бухгалтериянинг ҳисоблаш маълумотномасига асосан ЭК-2 электр карасини ҳисобдан чиқаришнинг молиявий натижаси аниқланди	7000
15.	Актга мувофиқ эскириш натижасида сайқал берувчи станок 3 А-16 ҳисобдан чиқарилди:	
	— бошланғич қиймати	68900
	— эскириш суммаси	50000
	— олинган материаллар қиймати	7500

16.	Бухгалтериянинг ҳисоблаш маълумотномасига асосан 3А 16 сайқал бериш станогини ҳисобдан чиқариш муомаласининг молиявий натижаси аниқланди	11400
17.	Акт йўриқномага мувофиқ корхонада фойдаланилмаётган асосий воситалар 2-УҚК сотилди	
	а) токар станогини	
	— бошланғич қиймати;	80000
	— эскириш суммаси;	25000
	— сотиш баҳоси.	60000
	б) «Беларусь — МТЗ-100» эксковатори	
	— бошланғич қиймати;	170000
	— эскириш суммаси;	30000
	— сотиш баҳоси	170000
18.	Сотилган асосий воситаларнинг қиймати ҳисоблашиш счётига келиб гушди:	
	— токар станогини учун;	60000
	— «Беларусь — МТЗ-100» эксковатори	170000
19.	Асосий воситаларни 2-УҚКга сотишнинг молиявий натижалари аниқланиб тегишли счётларда акс этирилди.	35000
20.	Яроқсиз ҳолатга келганлиги сабабли цех иморати бузилди:	
	— бошланғич қиймати;	280000
	— эскириш суммаси	60000
21.	Бинони бузишда қатнашган ишчиларга меҳнат ҳақи ҳисобланди	70000
22.	Меҳнат ҳақиға нисбатан ижтимоий муҳофаза фондига ажратилди	21000

23.	Бузишда хизмат кўрсатган ёрдамчи тармоққа хизмат ҳақи ҳисобланди	15000
24.	Бинони бузишдан материаллар қабул қилинди	95000
25.	Бинони бузиш натижасининг молиявий натижаси аниқланди	350000
26.	Инвентаризация натижасида моддий жавобгар шахс айби билан объект кам чиқди	
	— бошланғич қиймати;	180000
	— эскириш суммаси	25000
27.	Кам чиққан объектнинг қолдиқ қиймати моддий жавобгар шахснинг зиммасига юкланди.	25000
28.	Асосий воситаларни ижарага бериш шартномасига мувофиқ асосий восита узоқ муддатли ижарага олинди.	35000
29.	Ижарага олинган воситанинг қиймати ижарага берувчига ҳисобланди.	35000
30.	Ижарага берувчи ҳисоблашиш счётидан ижара ҳақи тўланди	20000
31.	Ижарага берувчига асосий воситанинг ижара ҳақининг фоизи ҳисобланди	20000
32.	Ижарага берувчига ҳисоблашиш счётидан ҳисобланган ижара ҳақининг фоизи тўланди	400000
33.	Узоқ муддатли ижарага олинган асосий воситанинг эскириш суммаси аниқланди	225000
34.	Ижара муддати тугагандан кейин ижарага олувчининг мулкига айланган асосий восита корхонага қабул қилинди	165000
35.	Шу вақтда қабул қилинган объектнинг эскириши тегишли счётда (02-счётнинг субсчётларида) қайд қилинди	940000

	<i>Ижарага берувчида</i>	
	<i>Мисол: Узоқ муддатга (6 йилга) объект ижарага берилди:</i>	
	— бошланғич қиймати;	2000000
	— эскириш суммаси;	250000
	— ижара ҳақи.	4000000
36.	Берилган объектнинг бошланғич қиймати ҳисобдан чиқарилди	940000
37.	Берилган объектнинг эскириш суммаси ҳисобдан чиқарилди	900000
38.	Ижара ҳақи ҳисобланди	900000
39.	Ижара бўйича молиявий натижа аниқланди	150000
40.	Ҳар кварталда олинадиган ижара ҳақи ҳисобланди	30000
41.	Олинган фойда ҳисобдан чиқарилди	60000
42.	Қўшимча шартнома билан сотиб олиш баҳоси аниқланди.	350000
43.	Сотиб олиш қиймати ҳисоблашиш счётига ўтказилди	350000
44.	Сотиб олиш маблағи тегишли йўналишга ўтказилди	350000
45.	Ижарага олувчидан келгуси давр учун ҳисобланган ижара ҳақи ҳисоблашиш счётига қабул қилинди	100000
46.	Келгуси давр учун келиб тушган ижара ҳақи фойда суммасини кўпайтиришга ўтказилди	100000

**Асосий воситаларга амортизация ҳисоблаш жамғармаси
(4-муомала учун)**

№	Восита тури	Баланс қиймати	Эскириш		Ойлик суммаси	Фойдаланиш жойи
			йиллик	ойлик		
1	Машина ва ускуналар	1000000	18	1,5	15000	Асосий ишлаб чиқариш
2	Инвентарь ва ускуналар	400000	12,5	1,0	4000	Умумий цех аҳамиятида
3	Транспорт воситалари ва машиналар	800000	15	1,2	9600	Ёрдамчи ишлаб чиқаришда
4	Инвентарь ва иморатлар	500000	12,5	1,0	5000	Умум хўжалик аҳамиятидаги
5	Объектлар ва инвентарлар	400000	18	1,5	6000	Бошқа ишлаб чиқариш ва хужаликда
	Жами	x	x	x	29600	

**Капитал қўйилма харажатларини буюртмачиларда
ҳисобга олиш**

Синтетик счётлардаги қолдиқлар туғрисида маълумот		
Счётлар №	Счётлар ва субсчётларнинг номи	суммаси
07-1	Ўрнатиладиган ускуналар	500000
08-1	Асосий воситаларни сотиб олиш ва қурилиш	1200000
10-8	Қурилиш материаллари	600000
51	Ҳисоблашиш счёти	800000
60	Мол етказувчи ва пудратчилар билан ҳисоблашишлар	300000
61	Берилган аванслар буйича ҳисоблашишлар	250000

Хужалик муомалалари

№	Хужалик муомалаларининг мазмуни	суммаси
47.	Ишлаб чиқариш ҳисобига асосан қурилиш ишларига сарфланган материаллар ҳисобдан чиқарилди.	180000
48.	Қурилишдаги ишчиларга меҳнат ҳақи ҳисобланди	140000
49.	Ҳисобланган иш ҳақиға нисбатан ажратмалар қилинди:	
	— <i>ижтимоий муҳофаза фондига;</i>	400000
	— <i>бандлик фондига;</i>	150000
	— <i>касаба уюшмалари қўмитасига</i>	19000
50.	Қурилаётган объектга ўрнатиш учун ускуналар топширилди	35000
51.	Пудратчилар олган ўрнатишни талаб қилмайдиган ускуналарнинг қийматини тўлашга розилик берилди:	
	— <i>олиш қиймати</i>	350000
	— <i>ҚҚС</i>	55000
52.	Лойиҳа ташкилотларининг бажарган ишлари тўлашга қабул қилинди	400000
53.	Ҳисоблашиш счётидан тўланди:	
	— <i>лойиҳа ташкилотига, бажарган иши учун;</i>	400000
	— <i>пудратчидаги ускуналар учун.</i>	350000
54.	Қурилиш объекти бошлаш учун пудратчиларга аванс ҳисоблашиши счётидан тўланди	250000
55.	Ижтимоий муҳофаза ташкилотларига ҳисобланган қарз ҳисоблашиш счётидан тўланди (49-муомалага қаранг)	
56.	Қурилиш тугаган объект Актга биноан пудратчилардан қабул қилинди	950000

57.	Олдин туланган аванс тулик ҳисоблашиш олдидан чегирилди	250000
58.	Объект қиймати пудратчиларга ҳисоблашиш счётидан туланди. (56-муомала, 57-муомала)	
<i>Номоддий активларни ҳисобга олиш (НМА)</i>		
59.	Инвесторлар шартнома баҳосида устав капиталига НМА қушди	500000
60.	Инвесторлар устав капиталига қушган НМА қийматини утказишди.	500000
61.	НМА объекти келишилган баҳода сотиб олинди	300000
62.	Сотиб олинган НМАОнинг ҚҚС	39000
63.	Сотиб олинган НМА объектидан фойдаланиш учун қўшимча харажат қилинди	45000
64.	Корхона томонидан НМА яратилди	150000
65.	Сотиб олинган ва яратилган НМА фойдаланишга топширилди	495000
66.	Бошқа шахслардан НМА бепул олинди ва қиймати ўрнатилди:	
	— ишлаб чиқариш йуналишида;	170000
	— ишлаб чиқаришдан ташқари йуналишида.	80000
67.	Корхона таъсисчиларидан бадал сифатида НМА келишган баҳода қабул қилинди	360000
68.	Корхона ким ошди савдосида сотиб олинди ва унинг сотиб олиш баҳоси ва аниқланган баҳо ўртасидаги фарқ	145000
69.	Асосий ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган НМАларга амортизация ҳисобланди	8000
70.	Ёрдамчи ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган НМАларга амортизация ҳисобланди	2500
71.	Умум ишлаб чиқариш аҳамиятида фойдаланилаётган НМАларга амортизация ҳисобланди	1800

72.	Умум хужалик аҳамиятида фойдаланилаётган НМАларга амортизация ҳисобланди	2100
73.	Бошқа ишлаб чиқариш ва хужаликларда фойдаланилаётган НМАларга амортизация ҳисобланди	1900
74.	Эскириш натижасида НМА Актга мувофиқ ҳисобдан чиқарилди:	
	— бошланғич қиймати;	275000
	— амортизация суммаси;	260000
	— амортизация суммасининг фарқи	15000
75.	Бошқа корхонанинг устав капиталига улуш сифатида НМА берилди:	
	— бошланғич қиймати;	170000
	— амортизация суммаси;	45000
	— шартномага мувофиқ умум суммаси;	150000
	— улуши билан қолдиқ қийматининг фарқи	-25000
76.	Бошқа шахсга НМА бепул берилди:	
	— бошланғич қиймати;	80000
	— амортизация суммаси;	65000
	— суммасининг фарқи.	-15000
77.	Қушма корхонага улуш сифатида НМА берилди:	
	— бошланғич қиймати;	90000
	— амортизация суммаси;	25000
	— шартнома мувофиқ умум суммаси;	60000
	— улуш суммаси билан берилган сумманинг фарқи.	+5000
78.	Ортиқча НМА бошқа шахсларга сотилди:	
	— бошланғич қиймати;	230000

	— ҳисобланган амортизация;	40000
	— олувчилардан тушган маблағ;	240000
	— ҳисобланган ҚҚС;	20000
	— сотишдан кўрилган молиявий натижа	
79.	НМА бошқа шахслардан сотиб олинди:	
	— бошланғич қиймати;	180000
	— ҳисобланган амортизация;	30000
	— сотиб олиш нархи;	160000
	— ҳисобланган ҚҚС;	18000
	— сотиш натижасида кўрилган молиявий натижа	-8000
80.	Сотиб олинган НМА текшириб фойдаланишга топширган фирманинг харажатлари тулашга қабул қилинди:	
	— хизмат ҳақи;	30000
	— ҚҚС суммаси.	6000
81.	Ҳисоблашиш счётидан қуйидагилар туланди:	30000
	— фирма хизмат ҳақи;	
	— ҚҚС бюджетга	44000

МАВЗУНИ ЎЗЛАШТИРИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Мол етказиб берувчилардан асосий восита сотиб олинди.

- | | |
|----------|-------|
| а) Дт 08 | Кт 60 |
| б) Дт 85 | Кт 01 |
| в) Дт 01 | Кт 85 |
| г) Дт 01 | Кт 08 |

2. Бошқа шахслардан асосий восита бепул олинди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) Дт | 85 | Кт | 01 |
| б) Дт | 01 | Кт | 85 |
| в) Дт | 01 | Кт | 08 |
| г) Дт | 01 | Кт | 02 |

3. Дебет счёт, 20 кредит счёт 02, бухгалтерия ёзуви нима?

- а) бепул олинган асосий воситаларнинг эскириши;
- б) асосий воситаларга ишлаб чиқаришда фойдаланишда эскириш ҳисоблаш;
- в) ҳисобдан чиқарилган асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш;
- г) асосий воситаларни қайта баҳолашда баҳосининг камайиши.

4. Таъсисчилар корхона устав капиталига улуш сифатида асосий восита бердилар.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) Дт | 01 | Кт | 85 |
| б) Дт | 75 | Кт | 85 |
| в) Дт | 01 | Кт | 08 |
| г) Дт | 01 | Кт | 75 |

5. Дебет счёт 47 ва кредит счёт 01 нима?

- а) асосий воситаларнинг кирими;
- б) асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш;
- в) асосий воситаларни сотиш;
- г) асосий воситаларни ижарага бериш.

6. Асосий воситалар бошқа шахслардан сотиб олинди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) Дт | 01 | Кт | 85 |
| б) Дт | 01 | Кт | 75 |
| в) Дт | 01 | Кт | 08 |
| г) Дт | 08 | Кт | 85 |

7. Корхона бошқа шахсдан узоқ муддатли ижарага асосий восита олди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) Дт | 01 | Кт | 03 |
| б) Дт | 01 | Кт | 97 |

- в) Дт 03 Кт 97
г) Дт 03 Кт 01

8. Узоқ муддатли ижарага олинган асосий воситалар учун ижарага берувчига ижара пули ҳисобланди.

- а) Дт 80 Кт 03
б) Дт 80 Кт 97
в) Дт 97 Кт 51
г) Дт 03 Кт 80

9. Дебет счёт 23 ва кредит счёт 02 ёзуви нима?

- а) асосий ишлаб чиқаришдаги асосий воситаларга эскириш ҳисобланди;
б) ёрдамчи ишлаб чиқаришдаги асосий воситалар ҳисобдан чиқарилди;
в) ёрдамчи ишлаб чиқаришга ишлатилган асосий восита фойдаланишга топширилди;
г) ёрдамчи ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган асосий воситаларга эскириш ҳисобланди.

10. Асосий воситаларни бузиш натижасида қурилиш материаллари олинди.

- а) Дт 10 Кт 01
б) Дт 10 Кт 26
в) Дт 47 Кт 10
г) Дт 10 Кт 47

11. Ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган машиналар усталар томонидан таъмирланди.

- а) Дт 20 Кт 23
б) Дт 23 Кт 70
в) Дт 25 Кт 23
г) Дт 26 Кт 23

12. Корхонанинг автотранспорти таъмирлаш заводида таъмирланди.

- а) Дт 20 Кт 23
б) Дт 23 Кт 60
в) Дт 20 Кт 60
г) Дт 25 Кт 60

13. Корхона идораси пудратчи ташкилотлар томонидан таъмирланди.

а) ДТ	26	КТ	23
б) ДТ	60	КТ	26
в) ДТ	23	КТ	60
г) ДТ	26	КТ	60

14. Ишлаб чиқариш ускуна ва машинаси ёрдамчи цех томонидан капитал таъмирланди.

а) ДТ	23	КТ	20
б) ДТ	20	КТ	23
в) ДТ	23	КТ	60
г) ДТ	20	КТ	60

15. Қурилаётган объектга ўрнатиш учун ускуналар топширилди.

а) ДТ	07	КТ	08
б) ДТ	08	КТ	07
в) ДТ	60	КТ	07
г) ДТ	01	КТ	07

16. Сотилган асосий воситанинг қиймати ҳисоблашиш счётига тушди.

а) ДТ	50	КТ	62
б) ДТ	62	КТ	51
в) ДТ	51	КТ	62
г) ДТ	62	КТ	47

17. Станокларни демонтаж қилиш хизмати механика цехига ҳисобланди.

а) ДТ	47	КТ	23
б) ДТ	23	КТ	47
в) ДТ	01	КТ	23
г) ДТ	01	КТ	60

18. Қўшма корхона ташкил қилиш учун енгил автомашина берилди.

а) ДТ	08	КТ	06
б) ДТ	06	КТ	47
в) ДТ	02	КТ	01
г) ДТ	85	КТ	01

19. Ижарага олинган асосий восита ижара муддати тугагандан кейин эгасига қайтарилди.

- | | | | |
|-------|----|----|-----|
| а) ДТ | 01 | КТ | 85 |
| б) ДТ | 01 | КТ | 001 |
| в) ДТ | 86 | КТ | 02 |
| г) ДТ | 85 | КТ | 01 |

20. Шартномага мувофиқ ижарага берувчи ижарадаги асосий воситани капитал таъмирлагани учун унинг қиймати тўловига қабул қилинди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 03 | КТ | 86 |
| б) ДТ | 80 | КТ | 51 |
| в) ДТ | 80 | КТ | 76 |
| г) ДТ | 03 | КТ | 60 |

21. Дастур маҳсулотига амортизация ҳисобланди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 26 | КТ | 05 |
| б) ДТ | 86 | КТ | 02 |
| в) ДТ | 85 | КТ | 02 |
| г) ДТ | 25 | КТ | 05 |

22. Дастур маҳсулоти фойдаланиш муддати тугагандан кейин балансдан чиқарилди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 02 | КТ | 86 |
| б) ДТ | 05 | КТ | 85 |
| в) ДТ | 05 | КТ | 04 |
| г) ДТ | 85 | КТ | 04 |

23. Патент бошқа корхонага сотилди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 51 | КТ | 48 |
| б) ДТ | 60 | КТ | 48 |
| в) ДТ | 76 | КТ | 48 |
| г) ДТ | 51 | КТ | 48 |

24. Сотилган патентнинг қиймати ҳисобдан чиқарилди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 05 | КТ | 76 |
| б) ДТ | 04 | КТ | 76 |
| в) ДТ | 46 | КТ | 51 |
| г) ДТ | 48 | КТ | 07 |

25. Сотилган патентнинг қиймати ҳисоблашиш счётига кирим қилинди.

а) ДТ	51	КТ	60
б) ДТ	51	КТ	76
в) ДТ	51	КТ	04
г) ДТ	60	КТ	51

26. Корхона фаолияти учун лицензия сотиб олинди.

а) ДТ	04	КТ	60
б) ДТ	04	КТ	76
в) ДТ	10	КТ	60
г) ДТ	05	КТ	60

27. Корхона томонидан (номоддий актив)лар НМА яратилди.

а) ДТ	04	КТ	26
б) ДТ	04	КТ	20
в) ДТ	04	КТ	23
г) ДТ	40	КТ	04

28. Корхона ким ошди савдосида (аукционда) сотиб олинди.

а) ДТ	04	КТ	01
б) ДТ	04	КТ	85
в) ДТ	04	КТ	60
г) ДТ	04	КТ	76

29. Умум ишлаб чиқариш аҳамиятидаги НМАларга амортизация ҳисобланди.

а) ДТ	04	КТ	62
б) ДТ	25	КТ	04
в) ДТ	26	КТ	05
г) ДТ	25	КТ	05

30. Сотиб олинган НМАларга фойдаланиш учун қўшимча харажат сарфланди.

а) ДТ	04	КТ	20
б) ДТ	04	КТ	26
в) ДТ	04	КТ	26
г) ДТ	04	КТ	60

ОЛТИНЧИ МАВЗУ

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ВА МОЛИЯВИЙ ИНВЕСТИЦИЯ (ҚЎЙИЛМА)ЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

Вексель (васиқа) — қимматли қоғозларда кўрсатилган суммани белгиланган муддатда тўлашни тасдиқловчи қимматли қоғоздир. Вексель фақатгина ҳисоблашни осонлаштирибгина қолмай тўлов муддати келгунга қадар вексель берувчи томонидан фойдаланиладиган кредит ҳамдир. У бир томонли қарз мажбурияти бўлиб векселни олган шахсга ҳеч қандай мажбурият юкламайди балки вексель берувчи шахс унда кўрсатилган суммани ўз вақтида тўлаш мажбуриятини олади. Векселнинг асосан икки тури мавжуд:

а) оддий вексель — бунда икки томон вексель берувчи ва вексель олувчига сўзсиз тўлаш мажбурияти юклатилади;

б) ўтказиш (тратта) вексели — тратта кредитор томонидан ёзилиб (мол етказувчи) унда векселни кўрсатувчи белгиланган суммани ўз вақтида тўлаш мажбуриятини олади.

Вексель бўйича ҳисоблашишлар счётларда хусусан, олинган векселлар бўйича ҳисоблашишлар 62-«Олувчилар ва буюртмачилар билан ҳисоблашишлар» суб-счётида, муомалалардан олинган фоизлар суммаси эса 51-счётнинг дебетида ва 80-счётнинг кредитида қайд қилиб борилади. Олинган векселлар бўйича ҳисоблашишнинг аналитик ҳисоби олинган векселларга тўланган қарзларнинг ҳолати акс эттирилиб борилади.

Бу ҳолатда мажбурияти дисконтланган (ссуда олинган) вексель ва муддати қиймати тўланмаган векселлар бўйича айрим ҳисобга олиб борилади.

Дисконтланган векселлар вексель эгаларининг ушбу векселлар гаровида сақланади, лекин ҳисоби корхонада амалга оширилади. Вексель муддати тугаганда корхона банкка бўлган қарзини тўлайди. Одатда вексель берувчи белгиланган муддатда вексель қийматини тўлай олмаса унда тўловчига даъво қилинади.

Вексель учун банкдан ссуда олинганда Дт 51-«Ҳисоблашиш счёти», Кт 90-«Банкнинг қисқа муддатли ссудалари» ёки 92-«Банкнинг узоқ муддатли кредитлари» ва олинган ссуданинг фоиз суммасига: Дт 80-«Фойда ва зарарлар» Кт 90-Банкнинг қисқа муддатли ссудалари» 92-«Банкнинг узоқ муддатли кредитлари» Берилган векселлар уларнинг муддатига қараб 94-«Қисқа муддатли қарз маблағлари» ёки 95-«Узоқ муддатли қарз маблағлари» счётларида ҳисобга олиб борилади.

Вазифа. *Мазкур ойда содир бўлган қуйидаги хужалик муомалаларига асосан мол етказиб берувчилар билан векселга мувофиқ содир бўлган ҳисоблашишларни счётларда қайд қилинг, счётлардаги жамғарма ва қолдиқларни ҳисобланг.*

Жорий ойда қуйидаги хужалик муомалалари содир бўлган:

№	Муомаланинг мазмуни	Суммаси
<i>Мол олувчиларда</i>		
1.	Келиб тушган хом-ашё ва материаллар қийматига вексел берилди	300000
2.	Берилган вексел қийматига асосан мол етказиб берувчиларга бўлган қарз ҳисоблашиш счётидан учирилди	300000
3.	Шартномада кўрсатилган мол етказиб берувчиларга берилган вексель бўйича фоиз ҳисоблашиш счётидан ўтказилди	21000
4.	Тақдим қилинган вексель банк томонидан туланди	400000
5.	Қарздорнинг вексель қийматини тулаш имконияти бўлмагандан кейин бу сумма ҳисоблашиш счётида чегирилди	250000
6.	Дисконтланган вексель учун банкдан қисқа муддатли ссуда олинди	150000
7.	Ҳисоблаши счётидан вексель учун узоқ муддатли ссуда берилди	500000
8.	Вексель учун берилган қисқа муддатли ссуда қайтарилди	650000

Мол отказиб берувчиларда.

1.	Жунатилган хом ашё ва материаллар учун мол олувчилардан вексель олинди	300000
2.	Истеъмолчидан олинган вексел қиймати учун маблаг сифатида ҳисоблашиш счётига қабул қилинди	210000
3.	Истеъмолчининг қарзини таъминланган вексель фоизи ҳисобланди	25000
4.	Кредитга сотилган асосий восита учун вексель олинди	300000
5.	Олинган векселнинг қиймати кассадан туланди	50000
6.	Олинган векселнинг қиймати ҳисоблашиш счётидан туланди	600000
7.	Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун вексель олинди	250000
8.	Берилган векселлар учун фоиз ҳисобланди	30000
9.	Кредитга олинган товарлар буйича ўтказиладиган векселлар акцепт қилинди	500000
10.	Ўтказиладиган векселларнинг фоизлари ҳисобга олинди	30000
11.	Вексель олиш учун банкдан олинган ссуда қайтарилди.	300000
12.	Даъво муддати ўтган вексель зарарга ўтказилди	25000

**МАВЗУНИ ЎЗЛАШТИРИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ
УЧУН ТЕСТ САВОЛЛАРИ**

1-с а в о л. Нақд пулга сотилган маҳсулотлар қиймати счётларда қандай қайд қилинади?

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) Дт | 51 | Кт | 46 |
| б) Дт | 50 | Кт | 46 |
| в) Дт | 50 | Кт | 51 |
| г) Дт | 50 | Кт | 76 |

2-с а в о л. Қайси дастлабки ҳужжат ва ҳисоб қайдномасига асосан 51-«Ҳисоблашиш счёти» номли синтетик счётга ёзувлар қайд қилинади?

1. Ҳисоблашиш счётига пулларни кирим ва чиқим қилиш дастлабки ҳужжатларига асосан.
2. Ҳисоблашиш счётидан кўчирмага асосан.
3. Дастлабки ҳужжатлар илова қилишган ҳолда ҳисоблашиш счётидан кўчирмага асосан.
4. Бухгалтериянинг маълумотномасига асосан.

3-с а в о л. Қуйидаги бухгалтерия ёзуви нимани билдиради:

Дебет счёт 90-«Банкнинг қисқа муддатли ссудаси»
Кредит счёт 51-«Ҳисоблашиш счёти»

1. Сотиб олинган акциялар қийматини тулаш.
2. Бошқа ташкилотлардан келиб тушган ссудалар.
3. Банкдан олинган кредитни қайтариш.
4. Бошқа корхоналардан олинган қисқа муддатли қарзларни қайтариш.

4-с а в о л. Қуйидаги бухгалтерия ёзуви нимани билдиради?

Дебет счёт 51-«Ҳисоблашиш счёти»
Кредит счёт 90-«Банкнинг қисқа муддатли ссудаси»

1. Банкдан қисқа муддатли кредит олиш.
2. Сотилган акциялар қийматининг кирим қилиниши.
3. Бошқа ташкилотлардан ссуда олиш.
4. Бошқа корхоналардан олинган ссудаларни тулаш.

5-с а в о л. Қуйидаги бухгалтерия ёзувлари нимани билдиради:

Дебет счёт 80-«Фойда ва зарарлар»
Кредит счёт 51-«Ҳисоблашиш счёти»

1. Мол етказиб берувчилардан олинган материаллар қийматини тулаш.
2. Дебитор қарзларни тулаш.
3. Банк фоизларини тулаш.
4. Ишчи ва ходимларнинг йул харажатларини тулаш.

6-с а в о л. Куйидаги бухгалтерия ёзуви нимани билдиради:

Дебет счёт 51-«Ҳисоблашиш счёти»

Кредит счёт 64-«Олинган аванслар бўйича ҳисоблашишлар»

- 1 Мол етказиб берувчидан олдин олинган авансни қайд қилиш.
- 2 Истеъмолчилардан олинган авансни кирим қилиш.
- 3 Тулиқ ҳисоблашилганда истеъмолчидан тушган маблағни кирим қилиш.
- 4 Истеъмолчидан олдин олинган аванснинг мол етказиб берувчи томонидан кирим қилиниши.

7-с а в о л. Қайси дастлабки ҳужжатлар ва қайдномаларга асосан 50-«Касса» синтетик счётида ёзувлар қайд қилинади?

- 1 Кассанинг кирим ва чиқим ордерлари.
- 2 Пулларнинг кирими ва чиқими бўйича дастлабки ҳужжатлар.
- 3 Касса дафтарининг йўртиладиган варақлари ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар.
- 4 Касса китоби.

8-с а в о л. Куйидаги бухгалтерия ёзуви нимани билдиради?

Дебет счёт 84-«Моддий қийматликларнинг камомади ва бузилишидан куриладиган йуриқномалар»
Кредит счёт 71-«Ҳисобдор шахслар билан ҳисоблашишлар»

- 1 Моддий қийматликларнинг камомади ҳисобдан чиқарилади.
- 2 Ҳисобдор шахсга берилган ва вақтида қайтарилмаган аванс суммаси.
- 3 Ҳисобдор шахсларда аниқланган моддий қийматликларнинг камомад суммаси.
- 4 Қайтарилмаган аванс суммасининг ҳисобдан чиқарилиши.

9-с а в о л. Агарда ҳисобдор шахсдан олдин олинган аванс суммаси ушланиб қолинса бухгалтерияда счётларда қандай акс эттирилади?

- а) Дт 50 Кт 71
б) Дт 71 Кт 51

- в) ДТ 68 КТ 71
г) ДТ 70 КТ 84

10-с а в о л. Агарда вексель учун ҳисоблашиш счётидан узоқ муддатли кредит берилса счётларда қандай акс эттирилади?

- а) ДТ 06 КТ 51
б) ДТ 83 КТ 51
в) ДТ 51 КТ 83
г) ДТ 51 КТ 06

11-с а в о л. Кредитга сотилган товарлар учун қисқа муддатли вексель олинди.

- а) ДТ 62/1 КТ 62/2
б) ДТ 62 КТ 47
в) ДТ 62/2 КТ 60
г) тўғри жавоб йўқ.

12-с а в о л. Олинган қисқа муддатли векселнинг қиймати кассадан тўланди.

- а) ДТ 50 КТ 06
б) ДТ 06 КТ 50
в) ДТ 50 КТ 51
г) ДТ 58 КТ 50

13-с а в о л. Олинган қисқа муддатли векселнинг қиймати ҳисоблашиш счётидан тўланди.

- а) ДТ 50 КТ 51
б) ДТ 58 КТ 51
в) ДТ 06 КТ 51
г) ДТ 51 КТ 58

14-с а в о л. Кредитга олинган товарлар бўйича ўтказиладиган векселлар акцепт қилинди.

- а) ДТ 60 КТ 94
б) ДТ 94 КТ 60
в) ДТ 60 КТ 92
г) ДТ 90 КТ 60

15-с а в о л. Даъво муддати ўтган қисқа муддатли вексель корхона зарарига ўтказилди.

- а) ДТ 06 КТ 58
б) ДТ 58 КТ 06
в) ДТ 81 КТ 58
г) ДТ 81 КТ 06

ЕГТИНЧИ МАВЗУ

ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАР ВА УЛАРНИНГ РЕАЛИЗАЦИЯСИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

Корхонадаги ишлаб чиқариш жараёнининг охириги босқичидан чиқарилган маҳсулотлар тайёр маҳсулотлар дейилади. Бу маҳсулотлар корхонанинг ишлаб чиқариш — технологик жараёни босқичларида тулиқ ишлаб берилиб, улар тасдиқланган стандартларга тулиқ жавоб бериши ва техник назорати томонидан қабул қилиниши лозим.

Корхоналарнинг олдиндан тузилган шартномаларга, давлат буюртмаси, шахслар, ташкилот ва муассасалар билан тузилган шартномага мувофиқ ишлаб чиқарган маҳсулотлари миқдор, сифат, турлари бўйича тулиқ жавоб бериши лозим. Чунки корхона фаолиятининг асосий босқичларидан бири реализация жараёни бўлиб бу жараёнда мол етказиб бериш шартномасига асосан тайёр маҳсулотлар истеъмолчиларга жунатилади ва шу вақтдан бошлаб сотилган деб ҳисобланади. Бу жараёнга асосланиб корхона кутилаётган фойда суммасини ҳам аниқлайди. Кутилаётган фойда суммаси сотиладиган маҳсулотларнинг бирлик таннархи билан сотиш баҳоси ўртасидаги фарқни маҳсулот ҳажми кўпайтириш натижасида топилади ва суммага асосан йил давомида давлат бюджетига фойдадан солиқ тўланиб борилади. Олинган ҳақиқий фойда суммаси ҳар ойнинг охирида қуйидаги усулда аниқланади:

$$\Phi = СК - (ТТ + ҚҚС),$$

бунда:

Φ — ҳақиқий фойда;

СК — маҳсулотнинг сотилиш қиймати;

ТТ — тулиқ ҳақиқий таннарх;

ҚҚС — қўшимча қиймат ва акциз солиғи.

Тайёр маҳсулотлар, уларни жунатиш ва сотиш жараёнини ҳисобга олишда олдинга қўйилган асосий вазифалар қуйидагилар:

— тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш, унинг захиралари ва омборда сақланиши, бажарилган ишлар ва курсатилган хизматлар устидан доимий назорат ўрнатиш;

— истеъмолчиларга жунатилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва курсатилган хизматларни ўз вақтида ва тўғри, тулиқ ҳужжатлаштириш ва истеъмолчилар билан ҳисоблашишни тўғри ва ўз вақтида ташкил қилиш;

— мол етказиб бериш шартномасининг бажарилишини (миқдори ва турлари бўйича) назорат қилиб бориш;

— сотишдан келган тушумлар, маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатидан ва олинган фойда суммаларини ўз вақтида ва тўғри ҳисоблаш;

Бу вазифаларни ўз вақтида, тўғри ва тулиқ бажариш корхонанинг бир текис ишлаши, рақобатга бардош бериши ва ривожланишига ижобий таъсир курсатади.

Тайёр маҳсулотлар корхонанинг айланма маблағлари бўлганлиги учун балансда ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархида акс эттирилади. Бу таннарх эса фақат ишлаб чиқариш жараёни тугагандан кейин — асосан ой охирида ҳисоблаб чиқилади. Корхона фаолияти жараёнида эса маҳсулот жунатиш, иш бажариш ва хизмат курсатиш ҳар куни содир бўлади. Шунинг учун бу муамалалар жараёнида жунатилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва курсатилган хизматлар корхонада қабул қилинган баҳода — режали таннарх, шартнома баҳоси ёки сотиш баҳосида ҳисобга олиб борилади.

Режадаги таннарх баҳосини қўллаганда ҳар ойнинг охирида тайёр маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархи билан режа таннархи уртасидаги фарқ сумма режадаги аниқланиб тегишли счётларга ўтказилади. Бу фарқ қуйидаги усулда товарлар турлари ёки гуруҳи бўйича аниқланади:

$$\Phi = (\sum \Phi * 100) / CT + PT$$

бунда:

Φ — режадаги ҳисобланган фарқи;

$\sum \Phi$ — ҳақиқий таннарх билан режадаги таннарх суммаларининг умумий фарқи;

CT — омборхонадаги товарларнинг қолдиғи;

PT — ким қилинган товарларнинг режаси таннархи суммаси.

Мисол. А — корхонанинг омборида тайёр маҳсулотларнинг ой бошидаги қолдиғи (режа таннархида)	— 200000
В — қолдиқ маҳсулотларга тегишли фарқ	— 6000
С — ой давомида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг режа таннархи	— 1500000
Д — ой давомида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархи	— 1455000
Е — ой давомида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг режа таннархи билан ҳақиқий таннархи бўйича фарқи (D — C)	— 45000

$$\Phi = (\sum \Phi * 100) / (CT + PT = \{(6000 + 45000) * 100\} / (200000 + 1500000) = (51000 * 100) / (1700000) = -3\%$$

бунда:

демак режа таннархи 3%га арзонлаштирилган, яъни харажатлар тежалган.

Агарда шу маҳсулотларнинг бир қисми (яъни, 1600000 сўм) сотилган ёки истеъмолчиларга жўнатилган бўлса дастлабки ҳужжатларга асосан сўётларда куйидагича акс эттирилади.

А. Дт 40	— Тайёр маҳсулотлар	— 1500000
Кт 20	— Асосий ишлаб чиқариш	— 1500000
Кт 20	— Асосий ишлаб чиқариш	— 45000
В. Дт 45	— Жўнатилган товарлар ёки	
	46 — Реализация	— 1600000
Кт 40	— Тайёр маҳсулотлар ва ойнинг охирида	— 1600000
С. Дт 45	ёки 46	— 48000
Кт 40		48000

Жўнатилган ёки сотилган маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархи 1552000 сўм.

Маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни сотиш жараёнини назорат қилишни осонлаштириш ва чуқурлаштириш учун маҳсулот турлари уларнинг модели, фасони, нави ва солиқ кўрсаткичларига асосан уларга махсус номерлар-шифрлар кўйилади ва улар ёрдамида ҳаракати тезкорлик усулда диспетчерда, цехда, маркетинг бўлимида кузатилиб борилади ва бухгалтерияда

аналитик ҳисоб юритилади маълумотлар йиғилади ва ҳисобот тузилади.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар омборхонага қабул қилиш топшириш накладнаяси, қабул қилиш ёки топшириш акти, ведомостлар, режа карталари маршрут варақаларига асосан топширилади.

Тайёр маҳсулотлар эса омборхонадан истеъмолчиларга буйруқ накладнаяга асосан жўнатилади ва шунга асосан счёт — фактуралар ёзилиб бу ҳужжатга асосан истеъмолчи билан ҳисоблашиш амалга оширилади.

Омборхона мудури жўнатилган маҳсулотни ҳисобга олган карточкада эса ушбу товарни сарфга чиқариб қўяди ва қолдиғини акс эттиради. Маҳсулотлар асосан тузилган шартномаларга асосан истеъмолчиларга жўнатилиб унда айрим модда билан маҳсулот жўнатувчи зиммасига олинадиган транспорт харажатлари курсатилади:

— франко-корхонанинг омборхонаси — бу тартибда корхона фақат маҳсулотни юклар бериш харажатларини счёт фактурага қўшади.

— франко-корхонанинг шоҳбекати — бу тартибда корхона маҳсулотни юклар ва шоҳбекатга олиб бориш харажатларини зиммасига олади.

— франко-истеъмолчининг шоҳбекати — ушбу жойга сарфланадиган харажатлар жўнатувчи зиммасида бўлади.

— франко-истеъмолчининг омборхонаси — истеъмолчининг омборхонасигача сарфлар жўнатувчининг зиммасига юклатилади.

Омборхонада тайёр маҳсулотларнинг ҳаракати ва ҳолати буйича тезкор маълумот олиш учун маҳсулотнинг ҳар бир тури буйича карточка (ФN=M-17) очилиб унда бошланғич қолдиқ, кирим, чиқим курсатилиб борилади. Маҳсулотларни ишлаб чиқариш эса 10/1- журнал ордерда 20-счётнинг кредити ва 40 нинг дебети буйича қайд қилиб борилади.

40-«Тайёр маҳсулотлар» счёти актив счёт ҳисоблашиб унинг дебет томонида тайёр маҳсулотларнинг ой бошидаги бошланғич қолдиғи, корхонада ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар, истеъмолчилар томонидан қайтарилган ва ўзи ишлаб чиқарган ярим фабрикатлар суммаси акс эттирилади, кредит томонида эса жорий ойда жўнатилган маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархи акс эттирилади.

16-ведомост — «Тайёр маҳсулотнинг ҳаракати» да эса корхонадаги маҳсулотларнинг турлари бўйича ҳаракатини тулиқ кўрсатиб борилади.

Агарда корхонада маҳсулот сотиш, жунатилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун туланган кундан қабул қилинган бўлса у вақтда ушбу муамала бўйича ҳужжатлар банкка топширилган вақтдан бошлаб то тулангунча жунатилган маҳсулотлар ҳисобланади ва 45 — «Жунатилган маҳсулотлар» счётининг дебет томонида қайд қилинади (дебет 45 ва кредит 40). Бу счётда жунатилган маҳсулот, материал ва идишларнинг ҳақиқий таннарни транспорт сарфлари ва ҚҚС туланган вақтигача кўрсатилади. Агарда ушбу суммалар истеъмолчилар томонидан туланса (дебет счёт 51 ва кредит счёт 46) ҳисобдан чиқарилади (дебет счёт 46 ва кредит счёт 45). Ушбу муомалалар бўйича жамлама маълумотлар 16-ведомостнинг II бўлимида счёт фактураларга асосан қайд қилиб борилади. 16-ведомостнинг III бўлимида эса уч турдаги маълумот:

— А — туланган ва ҳисобдан чиқарилган;

— В — маҳсулотнинг истеъмолчилар томонидан қайтарилиши натижасида ҳисобдан чиқарилган;

— С — туланмаган, ҳисобдан чиқарилмаган;

16-ведомостнинг III бўлими маълумотларига асосан 11-журнал ордер маълумотларининг 45 ва 46 счётларнинг суммалари ва 45 счётдаги ойнинг охиридаги қолдиқ суммалари тулиқ ва тўғрилиги текширилиб борилади.

Ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларни сотиш — истеъмолчиларга етказиб бериш билан боғлиқ харажатлар тижорат сарфлари деб аталиб уларга:

— идиш ва ўраш сарфлари;

— маҳсулотни сотиш бўйича транспорт сарфлари;

— комиссия йиғимлари;

— реклама ва маркетинг сарфлари;

— ва шунга ўхшаш корхонанинг молиявий режасида кўрсатилган харажатлар.

Бу сарфлар корхона томонидан амалга оширилади ва 80-Фойда ва зарарлар счётига ўтказилади (дебет счёт 80 ва кредит счёт 26/1).

Маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларни реализация қилинган деб кўрсатишнинг тартибидан қатъий назар (қиймати туланган ёки тўлов ҳужжатлари банкка топширилган вақти) бу муомала 46-«Маҳсулотлар иш ва хизматларнинг реализацияси»

счётида қайд қилиб борилади. 46-счётнинг дебет томонида сотилган маҳсулот, иш ва хизматнинг ҳақиқий сарфлари ва ҚҚС кредит томонида эса кирим қилинган тушум ёки тулашга қўйилган сумма курсатилади.

46-счётда сотиш муомалаларидан қўрилган молиявий натижада (фойда ёки зарар) дебет томонидаги суммаларни кредит томонидаги суммаларга таққослаш натижасида аниқланади:

$$- \text{фойда} = \sum \text{дебет} < \sum \text{кредит}$$

$$- \text{зарар} = \sum \text{дебет} < \sum \text{кредит}$$

ва зарар қўрилса фарқ суммасига:

Дт 80 — Фойда ва зарарлар;

Кт 46 — Маҳсулот (иш ва хизмат) реализацияси;

агарда фойда олинса фарқ суммасига:

Дт 46 — Маҳсулот (иш ва хизмат) реализацияси;

Кт 80 — Фойда ва зарарлар;

Жўнатилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва курсатилган хизматлар — счёт 45 ва маҳсулот (иш ва хизмат) реализациясининг ҳар бир тури бўйича аналитик маълумотлар II-журнал ордерида йигилиб акс этирилади ва ойлик ҳисобот тузилаётганда асос бўлади.

МАВЗУНИ ЎЗЛАШТИРИШ УЧУН АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР (ВОҚЕАЛАР)

1. а) Тузилган шартномага мувофиқ корхона истеъмолчига маҳсулот жўнатди:

— қиймати — 600000 сўм

— ҚҚС — 120000 сўм

Маҳсулот жўнатиш товар — транспорт накладнаяси ва счёт билан тасдиқланган.

б) Жорий ойда истеъмолчилар корхонага жўнатилган маҳсулот қийматининг бир қисмини туладилар — 400000 с ва ҚҚС — 80000 с. Қолган қисми кейинги ойда туланади.

в) Жорий ойда ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари қўйидагилардан ташкил топган:

— тўғри ўзгарувчан — 400000 сўм

— шартли доимий — 100000 сўм

Бу муомалаларни тегишли счётларда қайд қилинг:

- маҳсулотни жунатиш усули бўйича;
- касса усули бўйича.

Ушбу иккита усул бўйича тушум ва молиявий натижалар суммасини ҳисобланг.

2. Тузилган шартномаларга мувофиқ корхона қуйидаги истеъмолчиларга маҳсулот жунатди:

- | | |
|---|---------------|
| — А фирмасига | — 1000000 сўм |
| — В савдо ташкилотига | — 500000 сўм |
| — С консигнация шартномасига мувофиқ даллол фирмага | — 1500000 сўм |

Хориж фирмаси билан тузилган контрактга мувофиқ даллол фирмага 120000 долларлик маҳсулот жунатилди. Жунатиш санасидаги доллар қиймати 70 сўмга тенг ҳисоблашиш ҳужжатлари банкка топширилди. Корхона маҳсулотни жунатиш вақтидан бошлаб уни реализация деб ҳисоблайди.

Корхона ҚҚС ва акциз солиғидан озод қилинган.

«А» — фирмаси шартномага мувофиқ маҳсулот қийматининг 1000000 сўмини олдиндан тўлаган.

«В» — савдо ташкилоти олган маҳсулот қийматини шу кунга нақд пул билан кассага 500000 сўм тўлади.

Консигнация шартномасига мувофиқ даллол фирма «С» товар жунатилган кундан бошлаб бир ой ичида ушбу товарларни сотиш, ҳар декадада қийматининг 1/3 қисмини тўлаш мажбуриятини олган. Олган маҳсулотига 10% чегиртма белгиланган.

Ойнинг 20 кунга деффекти бўлганлиги учун корхонага 120000 сўмлик маҳсулот актга биноан қайтарилди.

Ойнинг 25 кунга хориж корхона сотиб олган 120000 долларлик маҳсулот қиймати транзит валюта счётига кирим қилинди.

Шу кунга доллар курси 71 сўмга тенг.

Талаб қилинади:

- а) маҳсулот реализацияси бўйича муомалаларни счётларга қайд қилинг.
- б) реализациянинг касса усулини қўллаганда қандай бухгалтерия муомалаларини акс эттириш лозим.
- в) ҳисоблашишнинг турлари корхона фаолиятининг натижаларига қандай таъсир қилади.
- г) маҳсулотни экспорт қилганда ҳисоблашишнинг хусусиятини таърифланг.

3. Жорий ойда корхона истеъмолчи «Даврон» хусу- сий фирмасига маҳсулот жўнатди:

- маҳсулот қиймати — 150000 сўм
- ҚҚС. — 30000 сўм
- Тўлов суммаси сётга мувофиқ — 180000 сўм

Шартномада маҳсулот жўнатиш ва тўлов ҳужжатла- рини банка тақдим қилган вақтдан 30 кун ичида қийматини тўлаш мажбуриятини истеъмолчи олган.

30 кун ўтгандан кейин «Даврон» фирмаси тўлаш имконияти йўқлигини ёзма равишда беради. Бундан ташқари суднинг қарорига мувофиқ «Даврон» фирмаси тўлов қобилияти йўқ деб тан олинган.

Мол етказиб берувчи мол жўнатиш вақтдан маҳсулот сотилган усулини қўллаш жараёнида бу муо- малаларни сётларда акс эттиринг.

4. Ҳисобот тузиш жараёнида корхонанинг бош бух- галтерияси маблағ келиб тушиши ва ишончсиз қарзлар резерви сётларига таъсир қилган муомалаларни ўр- ганиб қўйидагиларни аниқлади:

- жорий йилда маҳсулотларни жў- натиш ҳажми — 20 млн сўм;
- йил охирига маҳсулот реализа- циясидан келган тушум — 19 млн сўм;
- истеъмолчилар билан ҳисобла- шишларни текширганда ишонч- сиз деб топилган сётлар суммаси—300000 сўм;
- олдинги йилда ишончсиз деб ҳисобдан чиқарилган сётлардан келган тушум 270000 сўм;

Ушбу муомалаларни бухгалтерия ҳисоби сётларида қайд қилинг.

5. Жорий ҳисобот ойида корхона «А», «В» ва «С» маҳсулотлари ишлаб чиқарди ва уларни сотиш натижа- сида тегишли 1600000, 2000000 ва 800000 сўм кирим қилди. Ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари қўйидагича:

	А	В	С	Σ
хом-ашё ва материаллар сарфи	640000	800000	320000	1760000
иш ҳақи	480000	600000	240000	1320000

асосий воситаларнинг эскириши	—	—	—	528000
умум ишлаб чиқариш сарфлари	—	—	—	396000
умум хўжалик сарфлари	—	—	—	792000
коммерция сарфлари	—	—	—	220000
— тугалланмаган ишлаб чиқариш	—	—	—	—

Талаб қилинади:

а) Сотилган маҳсулотларнинг турлари ва калькуляция моддалари бўйича тулиқ таннархини ҳисобланг. Билвосита ишлаб чиқариш ва бошқарув харажатлари тегишли маҳсулот турларига меҳнат ҳақиға мутаносиб равишда тақсим қилинади. коммерция сарфи эса сотишдан келган тушум суммасига мутаносиб равишда тақсим қилинади.

б) Ҳар бир сотилган маҳсулот тури ва корхона бўйича молиявий натижа аниқлансин ва маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлиги аниқлансин.

в) Ҳар бир муомала тегишли счётларда қайд қилинсин, маҳсулотни сотишдан келган тушум касса усулида акс эттирилган.

г) Директ-костинг тизими бўйича маҳсулот тури ва корхона бўйича молиявий натижа ва рентабеллик даражасини аниқланг. Жами бевосита харажатлар шартли доимий харажатлар ҳисобланади.

д) Корхонани бошқариш нуқтаи назаридан директ-костинг тизимининг афзаллигини баҳоланг.

6. Қуйида келтирилган маълумотларга асосан:

а) Маҳсулот реализациясининг кутилаётган ҳажмини аниқланг.

б) Сотиладиган маҳсулотларнинг тулиқ таннархини аниқланг.

в) Маҳсулот реализациясининг молиявий натижасини аниқланг.

г) Ҳисобнинг халқаро стандарти бўйича кутилаётган фойда ва зарар тўғрисида ҳисобот тузинг.

Корхона ишлаб чиқараётган «А» ва «В» маҳсулотлари ички бозорда харидоргир ҳисобланади. Шунинг учун талаб ва таклифни урганиш натижасига кўра келгуси

йилда «А» маҳсулотдан 120000 дона ва «В» маҳсулотдан 80000 дона сотиш мўлжалланган.

«А» маҳсулотнинг баҳоси 30000 доллар ва «В» маҳсулотники эса 40000 доллар.

Ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун кутила-диган сарфлар қуйидагича:

- машина ва ускуналарни асраш ва улардан фойдаланиш сарфлари (материаллар, энергия иш ҳақи) — 188000
- бирлик маҳсулот учун сарфланадиган машина вақти соатда — А-0,25; В-0,35
- асосий воситаларнинг амортизацияси — 10000
- иморатнинг ижара суммаси — 50000
- умум ишлаб чиқариш сарфи — 35000
- умум хўжалик сарфи — 65000

7. Корхона янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Сотиш бўлими 1-йилда 30000 дона маҳсулот сотилишини кутаяпти. Бирлик баҳоси 250 доллар.

Ўзгарувчан харажатлар баҳосининг 50%ни ташкил қилади. Йиллик доимий харажатлар 750000 доллар.

Аниқлаш лозим:

— кундалик сотилиши зарур бўлган маҳсулот миқдори аниқлансин.

— 300000 доллар фойда олиш учун қанча миқдорда маҳсулот сотиш зарур?

8. Корхона 3 хил маҳсулот А, В ва С ишлаб чиқармоқда. С маҳсулотига талабнинг камайиши натижасида В маҳсулотининг 400 донадан 800 донага кўпайтириш натижасида сарф бўладиган ҳолатни таҳлил қилинг.

Таҳлил қилаётганда шунга эътибор бериш лозимки ҳамма маҳсулот битта ускунада ишлаб чиқарилади ва умумий меҳнат сарфи ҳажми ошмайди.

Ишлаб чиқариш кўрсаткичлари	А	В	С
1. Сотиш — дона	300	400	500
2. Маҳсулот баҳоси — дона	150	30	200
3. 1 дона маҳсулотнинг ўзгарувчан харажати — дона	125	20	120
4. Бирлик маҳсулотни ишлаб чиқариш меҳнат сарфи — мин.	12,5	4,0	50

Куйдаги муомалаларни счётларда қайд қилинг

№	Хўжалик муомаласининг мазмуни	Сумма
1.	Омборхонага ишлаб чиқаришдан тайёр маҳсулот кирим қилинди	500000
2.	Тайёр маҳсулот истеъмолчиларга жунатилди, лекин эгалик ҳуқуқи берилгани йўқ	350000
3.	Жунатилган тайёр маҳсулотларга эгалик ҳуқуқи харидорларга берилди	350000
4.	Жунатилган тайёр маҳсулотларнинг тўлиқ таннарни аниқланиб фарқи (—) тегишли счётларда акс эттирилди	35000
5.	Талабга жавоб бермаганлиги учун товарнинг бир қисми харидорлар томонидан қайтарилди	40000
6.	Тайёр маҳсулотлар бир жавобгар шахсдан иккинчисига ўтказилди	70000
7.	Тайёр маҳсулотларнинг бир қисми болалар боғчасига берилди	25000
8.	Ҳисоблашиш счётидан пули тўланиб тайёр маҳсулотлар сотиб олинди	80000
9.	Валюта счётидан пули тўланиб тайёр маҳсулотлар сотиб олинди	10000\$
10.	Тайёр маҳсулотлар олиниб қиймати чек билан тўланди	600000
11.	Давлатга сотиш учун индивидуал сектордан тайёр маҳсулот қабул қилинди	90000
12.	Табиий офат натижасида йўқотилган тайёр маҳсулотларнинг қиймати суғурга ҳисобидан қопланди	55000
13.	Омбордаги тайёр маҳсулотлар қайта баҳоланганда уларнинг қиймати камайди	40000
14.	Хўжалик ходимларига ёрдам тариқасида тайёр маҳсулот берилди	8000

15.	Харидорлар томонидан олинган маҳсулотлар қиймати туланди, бу сумма ҳисоблашиш счётига кирим қилинди. Тулаш вақтидан маҳсулот реализация қилиниши усулида	85000
16.	Харидорларга тайёр маҳсулот жунатилди	250000
17.	Жунатилган товарлар буйича харидорлар тулаган пул ҳисоблашиш счётига кирим қилинди олдин 100000 сўм туланган.	180000
18.	Жунатилган маҳсулотлар қиймати реализация счётига ўтказилди	250000
19.	Сотилган маҳсулотлар буйича молиявий натижалар аниқланди (17, 18 ва 19 муомалаларга қаранг). Маҳсулотларни жунатиш вақтидан реализация қилиниш усули	?
20.	Харидорларга омбордан тайёр маҳсулотлар жунатилди	350000
21.	Жунатилган маҳсулотларнинг шартнома баҳоси	400000
22.	Бажарилган ишлар Актга мувофиқ қабул қилинди	70000
23.	Даллолик хизмати учун ҳақ ҳисобланди	15000
24.	Дебитор қарзларни инвентаризация қилиш натижасига кўра ишончсиз қарзлар буйича резерв ташкил қилинди	50000
25.	Йил давомида даъво муддати ўтган дебитор қарзлар резерв суммасидан қопланди	30000
26.	Йил охирида ташкил қилинган резерв суммасининг фойдаланилмаган суммаси фойдага ўтказилди	20000
27.	Мол етказиб берувчилардан сотиш учун товарлар олинди	100000
28.	Олинган моллар корхона магазини орқали сотилди	170000
29.	Сотилган товарлардан келган нақд пул кассага топширилди	170000

30.	Товарларин сотиш жараёнида муомала харажатлари сарфланди	25000
31.	Товарларни сотиш бўйича молиявий натижа аниқланди (28 ва 29 муомалаларга қаранг)	?
32.	Муомала харажатлари тегишли счётларга ҳисобдан чиқарилди	25000
33.	Таъсисчиларнинг улуши ҳисобига тайёр маҳсулотлар қабул қилинди	75000

МАВЗУНИ ЎЗЛАШТИРИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Тайёр маҳсулотлар истемолчиларга жунатилди, лекин эгалик ҳуқуқи берилгани йўқ.

- | | |
|----------|-------|
| а) ДТ 50 | КТ 71 |
| б) ДТ 71 | КТ 51 |
| в) ДТ 68 | КТ 71 |
| г) ДТ 70 | КТ 84 |

2. Жунатилган маҳсулотларнинг тулиқ ҳақиқий таннархи аниқланиб ҳисоб таннархи ўртасидаги фарқ тегишли счётларда қайд қилинди.

- | | |
|----------|-------|
| а) ДТ 45 | КТ 40 |
| б) ДТ 46 | КТ 45 |
| в) ДТ 46 | КТ 40 |
| г) ДТ 60 | КТ 45 |

3. Асосий ишлаб чиқаришдан тайёр маҳсулот олинди.

- | | |
|----------|-------|
| а) ДТ 41 | КТ 20 |
| б) ДТ 40 | КТ 20 |
| в) ДТ 45 | КТ 20 |
| г) ДТ 46 | КТ 20 |

4. Талабга жавоб бермаганлиги учун харидорлар тайёр маҳсулотларнинг бир қисмини қайтардилар.

- | | |
|----------|-------|
| а) ДТ 63 | КТ 45 |
| б) ДТ 40 | КТ 45 |
| в) ДТ 63 | КТ 46 |
| г) ДТ 45 | КТ 46 |

5. Омбордаги тайёр маҳсулотларнинг бир қисми бир жавобгар шахсдан иккинчисига ўтказилди.

- | | | | |
|-------|------|----|------|
| а) ДТ | 45 | КТ | 40/1 |
| б) ДТ | 40/2 | КТ | 40/1 |
| в) ДТ | 76 | КТ | 40 |
| г) ДТ | 41 | КТ | 40 |

6. Тайёр маҳсулотлар болалар богчасига берилди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 29 | КТ | 46 |
| б) ДТ | 46 | КТ | 40 |
| в) ДТ | 29 | КТ | 40 |
| г) ДТ | 45 | КТ | 40 |

7. Таъсисчилар томонидан таъсис бадали ҳисобига тайёр маҳсулот олинди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 10 | КТ | 75 |
| б) ДТ | 40 | КТ | 76 |
| в) ДТ | 40 | КТ | 75 |
| г) ДТ | 41 | КТ | 75 |

8. Корхона магазинида сотиш учун тайёр маҳсулот олди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 40 | КТ | 60 |
| б) ДТ | 41 | КТ | 60 |
| в) ДТ | 41 | КТ | 62 |
| г) ДТ | 41 | КТ | 76 |

9. Тайёр маҳсулот олиниб қиймати чек билан туланди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 40 | КТ | 55 |
| б) ДТ | 41 | КТ | 55 |
| в) ДТ | 60 | КТ | 55 |
| г) ДТ | 76 | КТ | 55 |

10. Давлатга сотиш учун индивидуал сектордан тайёр маҳсулот олинди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 40 | КТ | 73 |
| б) ДТ | 41 | КТ | 76 |
| в) ДТ | 40 | КТ | 76 |
| г) ДТ | 41 | КТ | 46 |

11. Табиий офат натижасида нобуд бўлган тайёр маҳсулот қиймати муҳофаза ташкилот томонидан қопланди.

а) ДТ	65	КТ	41
б) ДТ	65	КТ	40
в) ДТ	45	КТ	65
г) ДТ	76	КТ	40

12. Импорт товар олиниб қиймати валюта счётидан туланди.

а) ДТ	40	КТ	52/1
б) ДТ	41	КТ	52/1
в) ДТ	40	КТ	76
г) ДТ	40	КТ	62

13. Харидорларга тайёр маҳсулот жўнатилди.

а) ДТ	46	КТ	40
б) ДТ	45	КТ	40
в) ДТ	62	КТ	40
г) ДТ	60	КТ	40

14. Жўнатилган маҳсулот қиймати харидорлар томонидан туланди.

а) ДТ	76	КТ	46
б) ДТ	62	КТ	46
в) ДТ	51	КТ	46
г) ДТ	52/1	КТ	46

15. Реализация қилинган маҳсулот қиймати тегишли счётлардан чиқарилди.

а) ДТ	46	КТ	45
б) ДТ	60	КТ	45
в) ДТ	62	КТ	45
г) ДТ	46	КТ	40

16. Маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ харажатлар қилинди.

а) ДТ	26/3	КТ	51
б) ДТ	26/2	КТ	52/1
в) ДТ	26/2	КТ	51
г) ДТ	26/3	КТ	51

17. Маҳсулотларни сотиш бўйича молиявий натижа аниқланди (фойда).

а) Дт	45	Кт	80
б) Дт	40	Кт	80
в) Дт	80	Кт	46
г) Дт	46	Кт	80

18. Бажарилган ишлар Актга мувофиқ қабул қилинди.

а) Дт	60	Кт	20
б) Дт	60	Кт	23
в) Дт	62	Кт	20
г) Дт	46	Кт	20

19. Ишончсиз дебитор қарзлар бўйича резерв ташкил қилинди.

а) Дт	83	Кт	63
б) Дт	80	Кт	76
в) Дт	76	Кт	83
г) Дт	80	Кт	82

20. Мол етказиб берувчилардан олинган товарлар сотиш учун корхона магазинига берилди.

а) Дт	76	Кт	41
б) Дт	45	Кт	41
в) Дт	46	Кт	41
г) Дт	71	Кт	41

21. Корхона магазинида сотилган товарлар бўйича тушган пул кассага қабул қилинди.

а) Дт	50	Кт	76
б) Дт	50	Кт	71
в) Дт	50	Кт	41
г) Дт	50	Кт	46

САККИЗИНЧИ МАВЗУ

КОРХОНАНИНГ ЎЗ МАБЛАҒЛАРИ, КРЕДИТЛАР ВА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир корхона, ташкилот ўзининг молиявий ресурс (маблағ)ларини ташкил қилиши ва ундан фойдаланиши мумкин. Бу маблағларнинг манбаи эса фойда, амортизация ажратмаси, қимматли қоғозларни сотишдан тушган маблағлар, акция эгаларининг баъдали ва улушлари, кредитлар, мақсадли молиялаштириш маблағлари ва шунга ухшаш йўналишдаги маблағлардир.

Бу мавзуда асосан корхонанинг устав капитали, махсус йўналишдаги фондлар, фойда ва бошқа маблағларни кўриб чиқамиз.

Корхонанинг устав капитали унинг маблағларининг ташкил бўлишида асосий манба ҳисобланади. Бу капитални ташкил қилиш қонун ва таъсис ҳужжатлари томонидан тартибга солинади.

Давлат корхоналарининг устав капитали давлат бюджети томонидан корхона фойдаланишига топширилган вақтда ажратилган маблағлар йиғиндисиدير.

Нодавлат, коммерция корхоналарининг капитали эса акционерлар томонидан қўйилган маблағлар йиғиндисиға тенг бўлади.

Акционерлар жамияти (АЖ) юридик шахс бўлиб унинг капитали акция эгаларининг қўйган улушидан ташкил топган АЖ фаолияти устави билан тартибга солинади ва акциячилар фақат устав капиталиға қўядиган улуши бўйича мажбурият оладилар.

АЖ — очик ва ёпиқ турда бўлади.

Очик АЖ акциялари очик усулда сотилади, бир шахсдан иккинчи шахсға ўтади, яъни қимматбаҳо қоғозлар биржасида сотилиши мумкин.

Ёпиқ АЖ да акциялар бозорга чиқарилмайди, бундан ташқари ўз улушларини бошқа акциядорларнинг розилиғисиз сотиши мумкин эмас.

АЖ нинг устав капитали ҳажми унинг уставида кўрсатилган бўлади. Устав капиталининг кўпайиши ёки

камайиши акциянинг номинал қийматининг ошиши ёки камайишига боғлиқ.

АЖ томонидан чиқарилган акциялар нақд пулга, пул ўтказиш йўли билан, мулкка, иморат, иншоат ва номоддий активларга ҳам сотилиши мумкин.

Устав капиталининг ҳолати ва ҳаракати 85 — «Устав капитали» номли пассив, фонд ва синтетик счётида ҳисобга олиб борилади. Бу счётнинг кредит қолдиғи қайд қилинган устав капитали суммасини билдиради, дебет обороти устав капиталининг камайиши, кредит обороти — қонунга амал қилган ҳолда устав капиталининг кўпайишини билдиради. 85 — «Устав капитали»да қилинадиган муаммолар 12-журнал ордерида жамғарилиб борилади. АЖ қайд қилингандан кейин акциячиларнинг жамияти устав капитали суммаси бўйича қарзи вужудга келади. Шунинг учун таъсисчилар билан ҳисоблашиш учун 75 «Таъсисчилар билан ҳисоблашиш» номли актив-пассив счёт қўлланилади. Бу синтетик счёт иккита субсчётдан ташкил топган:

75/1 — *«Устав капиталига қўйилган улушлари бўйича ҳисоблашишлар»;*

75/2 — *«Даромадларни тулаш бўйича ҳисоблашишлар».*

Таъсисчилар бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир шахс билан айрим ҳолда амалга оширилиб борилади. Унда таъсисчилар номи, қарз суммаси, тулаган суммаси ва вақти, қолган қарз суммаси кўрсатилиб борилади. Бундан ташқари таъсисчилар акция суммасига воситалар, материаллар, номоддий активлар тулаши, сўм ёки валютада ҳисоблашиши мумкин. Аналитик ҳисобни юриштишга таъсис ҳужжатлари, актлар, тўлов топшириқлари, кассанинг кирим ордерлари асос бўлади. 75/1- «Устав капиталига улуши бўйича ҳисоблашишлар» счётининг дебет томонида ой бошидаги таъсисчиларининг қарзи суммаси, ой давомида ушбу қарзнинг кўпайиши ва кредит томонида таъсисчиларнинг тулаган суммалари кўрсатилади.

АЖ қонунга мувофиқ фаолият кўрсатади, олинган фойдадан белгиланган тўловларни тўлайдилар, резерв капиталига ажратма қиладилар. Яъни фойдадан резерв капиталига ажратма ва бошқа суммаси чегирилиб қолган сумма умумий мажлис қарорига мувофиқ икки йўналишда фойдаланилади, яъни бир қисми акциядорларга дивиденд тулаш учун, иккинчи қисми махсус йўналишдаги фондларни ташкил қилиш учун йўналтирилади.

Акциялар буйича дивиденд суммасининг ҳажми умумий мажлис қарори билан белгиланади ва дивидентлар ҳар кварталда, ярим йилда ва йилда бир марта тўланиши мумкин.

Қайд қилинган дивидентлар эса имтиёзли акцияларга қўлланилиб бу тўловларнинг фоизи ушбу акциялар чиқарилаётганда кўрсатилади ва АЖ нинг молиявий натижасидан қатъий назар биринчи навбатда ушбу акция эгаларига тўланиши лозим.

Акционерларнинг даромадлари буйича ҳисоблашишлар 75/2 — «Даромадларни тўлаш буйича ҳисоблашишлар» субсчётида ҳисобга олиб борилади. Бу субсчёт пассив бўлиб унинг кредитида акционерларга АЖ қарзи дебет сёт 81 — «Фойданинг фойдаланиши» ва кредит 75/2 — «Даромадларни тўлаш буйича ҳисоблашишлар». Ҳисобланган дивидентлар тўланганда дебет 75/2 ва кредит 68 — давлат олган акцияга, кредит 75/1 — қўшимча акция олганда, ва кредит 51 — дивидент суммаси ўтказилганда ва 50 — дивидент суммаси нақд берилганда. Агарда АЖ ходимларининг акцияларига дивидент ҳисобланса кредит 70 — иш ҳақида қўшилганда, ёки 73 — агарда ходимлар янги акциялар сотиб олишга ушбу дивидентларни сарфласа.

Дивидентлар АЖ аъзоларининг умумий йиғилиш қарорига асосан белгиланиб мажлисининг баённомаси бухгалтерияга берилади. Шунга асосан ҳисобланган дивидент суммасидан қонунга мувофиқ бошқа ушланиб қолган сумма акция эгаларига нақд пулда кассанинг чиқим ордерига ва пул ўтказиш йўли билан тўлов топширигига асосан берилади.

Акция эгалари билан ҳисоблашишнинг аналитик ҳисоби ҳар бир акциячи билан алоҳида 7-ведомостда ва умумлаштирилган ҳолда 8-журнал ордерида юритилади.

Қўшимча капитал — молиявий маблағларнинг ички манбаларидан бири ҳисобланиб, қайта баҳолаш натижасида аниқланган оборотдан ташқари активлар қийматининг ошиши натижасида пайдо бўлади. Қўшимча капитал 87 — пассив, синтетик сётда ҳисобга олиниб, унинг кредит томонида капиталнинг ташкил бўлиши ва кўпайиши, дебет томонида эса камайиши — мулкни бепул бериш жараёнлари акс эттирилади.

87 — «Қўшимча капитал» сётида муассасаларнинг турларига қараб учта субсчёт очилади:

87/21 — Қайта баҳолаш натижасида мулк қийматининг улуши;

87/22 — Эмиссия даромади;

87/23 — Бепул олинган қийматликлар.

Бу счётадаги муомалалар тегишли субсчётлар бўйича умумлаштирилиб 12-журнал ордера юритилади.

Резерв капитали — қонунга ва корхонанинг таъсис ҳужжатларига асосан ва келгусида кутилмаган зарар ва йўқотишларни қоплаш учун ҳосил қилинадиган маблағлардир. Резерв капитали учун маблағлар фақат АЖ олган фойда ҳисобига ташкил қилинади ва бу маблағлар 87-«Резерв капитали» пассив, фонд счётида ҳисобга олинади.

Корхоналарда маълум мақсадларда фойдаланиш учун жамғармалар ташкил қилинади. Бу жамғармалар асосан корхона олган фойдаси ва таъсисчиларнинг хайрия баъдаллари ҳисобига ташкил қилиниб улар:

- жамғарма фонди;
- ижтимоий тармоқ фонди;
- истеъмол фондига булинади.

Жамғарма фонди маблағлари корхонада ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва шунга ўхшаш тадбирларни амалга оширишга йўналтирилади:

— ишлаб чиқаришни қайта қуроллантириш, кенгайтириш, реконструкция қилиш ва янги объект қурилишини молиялаштириши;

— илмий текшириш ишларини амлага ошириш, ускуналар олиш;

— акция, облигация ва бошқа қимматбаҳо қоғозларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини молиялаштириш;

— инвестиция фонди, қўшма корхона, АЖ ва ассоциацияларни ташкил қилиш баъдаллари;

— маҳсулот таннархига қўшилмайдиган, корхона фойдаси ҳисобидан қопланадиган харажатларни қоплаш.

Ушбу маблағларнинг ҳаракати 88-«Тақсимланган фойда қопланмаган зарар» счётида ҳисобга олиб борилади.

Истеъмол фонди маблағлари корхонанинг ижтимоий ривожланиши ва ходимларни моддий рағбатлантириш учун йўналтирилади. Яъни овқатланиш талонлари, транспорт билетлари, йўлланмалар, уй-жой қурилиши, моддий ёрдам бериш учун фойдаланилади.

Ижтимоий тармоқ фонди маблағлари ижтимоий тармоқни ривожлантириш учун фойдаланилади.

Мақсадли молиялаштириш ва тушумлар — махсус мақсадлар учун амалга оширилган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлардир. Бу маблағларга бошқа корхоналардан, давлат муассасалардан, ота-оналардан тушган маблағлар киради. Ушбу маблағлар 96-«Мақсадли молиялаштириш ва тушумлар» номли пассив счётада ҳисобга олиб борилиб унинг дебет томонида белгиланган тадбирларни амалга ошириш харажатлари ва кредит томонида эса молиялаштириш ва бошқа тушумлар қайд қилинади. Ушбу юқорида қайд қилинган фондлар ва тушумлар бухгалтериянинг далолатномаси, банкнинг кўчирмаси, кассирнинг ҳисоботига асосан 12-журнал ордерда ҳар бир фонд ва тушумлар бўйича умумлаштирилган ҳолда ҳисобга олиб борилади.

Корхонанинг бир текис фаолият кўрсатиши ва айрим ҳолларда қийин аҳволлардан чиқиш учун банк кредитлари муҳим ўрин тутди.

Ҳозирги даврда давлат банкидан ташқари ҳар хил тижорат банклари ташкил қилиниб уларда кредит, ҳисоблашиш ва касса хизматлари амалга оширилади. Қайси банкнинг хизматидан фойдаланиш эса корхона ихтиёридадир.

Банклар шартномага асосан қайтариб бериш, муддат ва фоизлар кўрсатилган асосда жисмоний шахслар, корхоналарга қарз берадилар. Ушбу кредитларни олиш ва уларни тўлаш тартиби банк билан тузилган шартномалар асосида тартибга солиниб турилади.

Кредит шартномаларида қуйидагилар кўрсатилади:

- кредит бериладиган объект;
- кредит берилиш муддати;
- кредитни бериш ва уни тўлаш тартиби ва шарти;
- мажбуриятларни таъминлаш шакли;
- фоиз даражаси;
- фоизни тўлаш тартиби;
- кредит берадиган томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;
- кредит оладиган томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

- банкка тақдим қилинадиган ҳужжатлар ва уларнинг даврийлиги;
- махсус шартлар.

Кредит олиш учун корхона банкка қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилади:

- низомнинг нусхаси;
- гувоҳноманинг нусхаси;
- бухгалтерия ҳисоботи;
- қайд қилиш ҳисоботи;
- ва ҳоказо.

Ушбу ҳужжатларни банк чуқур ўрганиб чиқади, агарда зарур бўлса корхонага бориб унинг фаолиятини таҳлил қилади. Натижада кредитни қайтариб бериш имкониятига ишонгандагина кредит беради.

Кредитларни бериш муддатига қараб улар узоқ ва қисқа муддатли кредитларга бўлинади.

Қисқа муддатли кредитлар шахсларга бир йилгача муддатга, ва узоқ муддатли кредитлар эса (асосан капитал қўйилма учун) бир йилдан ортиқ муддатга берилади.

Кредит берилаётганда олинadиган фоизлар уларнинг турлари ва мақсадларига қараб, агарда ички кредитлар бўлса Марказий банкнинг тартибига асосан ва ташқи (валюта) кредитлари эса ЛИБОР (LIBOR) тартибига асосан белгиланади.

Олинган кредитларнинг турларига қараб улар 90-«Қисқа муддатли банк кредитлари» ва 92-«Узоқ муддатли банк кредитлари» номли пассив счётларда қайд қилиб борилади.

Банкдан кредит олинганда:

- Дт 50 — кредит ҳисобига кассага нақд пул олиш;
- Дт 51 — ҳисоблашиш счётига маблағ олиш;
- Дт 52 — валюта билан кредит олиш;
- Дт 55 — аккредитив ёки чек билан кредит олиш;
- Дт 60 — мол етказиб берувчиларга олинган хом-ашё ва материаллар қийматини тулаш.

90 ва 92-счётларнинг дебет томонида олинган қисқа ва узоқ муддатли ссудалар бўйича қарзларнинг қисман ёки умумий туланган суммалари қайд қилинади. Бу муомала жараёнида 51 ва 52-счётларнинг кредит томонига суммалар қайд қилинади.

Олинган кредитлар бўйича шартномада келишилган фоизлар туланса фойдадан фойдаланиш ёки тегиш-

ли харажат счётларининг дебет томонида ва 51 ва 52-счётларнинг кредит томонига ушбу сумма банк кучирмасига асосан ёзиллади. Агар ҳисоблаган фоизлар тулашдан олдин счётларда қайд қилиб борилса, ушбу суммаларга кредит суммалари қупаяди:

Дт 87 ва харажат счётлари
Кт 90 ва 92 счётлар

Кейинги вақтларда банклар томонидан корхона кафолати билан ходимлар учун уй-жой қурилишига, дала ҳовли қурилишига, олинган товарлар учун савдо корхоналари билан ҳисоблашиш учун бериллади. Ушбу кредитлар 93 — «Ходимлар учун банк кредитлари» — пассив счётида ушбу кредитларнинг турлари бўйича ҳисобга олиб бориллади ва қуйидаги субсчётлар очилган:

93/1 — «Кредитга олинган товарлар учун»;
93/2 — «Уй-жой қурилиши учун»;
93/3 — «Дала ҳовли қурилиши учун».

Агарда кредитлар товарлар бўйича олинса ушбу суммага:

Дт 73/1 — «Кредитга олинган товарлар бўйича
ҳисоблашишлар»;
Кт 93/1 — «Кредитга сотилган товарлар учун»;

Ушбу кредитлар туланса:

— ишчи ва хизматчилар билан — Дт 70 ёки 50
Кт 73/1
— корхона ва банк ўртасида — Дт 93/1
Кт 51 ёки 50

Агарда кредит уй-жой қурилиши учун олинса:

Дт 73/2
Кт 93/2

Ушбу қоғозлар туланса:

— ишчи ва хизматчилар билан — Дт 70 ёки 50
Кт 73/2
— корхона ва банк ўртасида — Дт 93/2
Кт 51 ёки 50

Агарда кредит дала ҳовли қурилиши учун берилса уни олиш, тулаш муомалалари ва тартиби уй-жой қурилиши жараёнидаги тартиб ва муомалалари сингари бир хилдир.

Агарда ёш мутахассислар ёки оилаларга фоизсиз ссуда берилса бу муомалалар 73/4 ва 51, 50-счётларда махсус фондларда — 93 ва 96 қайд қилинади.

Корхоналар ўз фаолияти жараёнида ишлаб чиқаришни бир маромда юритиш учун бошқа шахслардан вақтинча қарзлар олиши мумкин. Бу муомалалар қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

- бошқа шахслардан қисқа ва узоқ муддатли ссуда олганда;
- берилган векселлар бўйича қарзлар;
- вақтинча корхона зарурияти учун четдан жалб қилинган маблағлар, яъни қисқа ва узоқ муддатли қимматбаҳо қоғозлар (облигация, акциялар)ни сотишдан тушган маблағлар.

Ушбу маблағлар тўлаш муддатига қараб қисқа муддатли (бир йилгача) ва узоқ муддатли (бир йилдан ортиқ) заёмларга бўлинади ва уларнинг ҳаракати тегишли:

94—«Қисқа муддатли қарзлар» ва 95—«Узоқ муддатли қарзлар» номли пассив счётларда ҳисобга олиб борилади. Бу қарзларни олиш, тўлаш ва ҳужжатлаштириш тартиби банкдан олган қарзларни ҳужжатлаштириш билан бир хил. Корхона акцияларини узининг ходимларига сотса:

Дт 70 ва муддатига қараб
Кт 94 ёки 95

Агарда корхонанинг сотган акцияларнинг қиймати номинал қийматидан ошиқча бўлса шу суммага Дт 51, 52 ва Кт 83. Кейин ушбу акция ёки облигациянинг хизмат муддати даврида бу сумма секин-аста фойдага қўшилади:

Дт 83
Кт 80

Олинган қарзлар бўйича ҳисобланган фоиз суммалари Дт 80 ва Кт 76 да қайд қилинади.

Корхона ва ташкилотлар айрим ҳолларда оборот маблағларини тўлғазиш учун давлатдан имтиёзли кредитлар олиши мумкин — Дт счёт 51 ва Кт счёт 96 субсчёт «Давлатнинг мақсадли кредити», шу вақтда бу маблағ ҳисобига айрим фонд ташкил қилинади — Дт 87 ва Кт 85/3-«Айланма маблағларини тўлғазиш фонди».

Ушбу кредитлар буйича ҳисобланган фоизлар суммаси ушбу кредитлар фойдаланилаётган тармоқлар харажатларига қўшилади, тулаш муддати ўтган вақтларга ҳисобланган фоизлар суммаси корхона зарарларига ўтказилади — Дт 87 ва Кт сёт 96.

Шахслардан олинган қисқа ва узоқ муддатли қарзлар буйича аналитик ҳисоблар ҳар бир қарз берувчи буйича айрим карточкаларда ҳисобга олиб борилади.

Корхонанинг фаолиятига асосий баҳо берадиган курсаткич молиявий натижа ёки балансда курсатилган, яъни зарар ёки фойдадир. Бу фойда ва зарарлар қуйидаги муомалалар натижаси буйича олинади:

- а) маҳсулотларни реализация қилиш буйича;
- б) ишларни бажариш ва хизмат курсатиш натижасида;
- в) асосий воситаларни сотиш натижасида;
- г) номоддий активларни сотиш буйича;
- д) моддий қийматликларни сотиш буйича.

Сотилаётган маҳсулот, иш, хизмат, восита ва бошқа активларнинг қиймати уларни сотишдан олинган тушумлар суммасини таққослаш натижасида зарар ёки фойда суммаси аниқланади ва тегишли сётларда қайд қилинади:

- агарда фойда олинса (тушум суммаси кўп бўлса, ушбу суммага) Дт 46, 47 ва 48 Кт 80;
- агарда зарар кўрилса (тушум суммаси қийматидан кам бўлса, ушбу суммага) Дт 80 ва Кт 46, 47 ва 48.

Бундан ташқари корхона реализациядан ташқари муомалалар буйича ҳам фойда олиши ёки зарар куриши мумкин:

- а) олинган ёки туланган жарима ёки устамалар суммаси;
- б) валюта сёттидаги маблағлар ва валюта муомалалари жараёнидаги миллий сўм курсининг фарқи;
- в) акция, облигация ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар буйича олинган даромадлар;
- г) бошқа корхоналар фаолиятидаги улушлари буйича олинган даромадлари;
- д) корхона фойдаси ва зарарларига олиб бориладиган бошқа даромад, сарф ва йўқотишлар.

Ушбу даромад ва йуқотишлар 80-»Фойда ва зарарлар» счётида йиғилиб борилади ва тегишли счётлар 51, 76, 29 ва бошқалар билан боғланади.

Натижада корхонанинг фаолияти буйича қурилган зарарлар 80 счётнинг дебетида ва олинган фойдалар 80 — счётнинг кредитида йиғилиб борилади ва йилнинг охирида корхона фаолиятига баҳо бериш учун ушбу счётнинг дебетида йиғилган суммалар кредитида йиғилган суммалар билан таққосланиб якуний натижа фойда ёки зарар суммаси аниқланади. Фойда ва зарарларнинг синтетик ҳисоби бухгалтериянинг маълумотномаси банкдаги счётларнинг кучирмаларига асосан 15-журнал ордерда қайд қилиб борилади. Ушбу журнал-ордер маълумотларига асосан квартал ёки йил охирида корхона ҳисоботининг тегишли шакли тулғазилади.

Қонунга мувофиқ корхоналар ва шахслар давлат бюджетига тегишли солиқлар тўлагандан кейинги қолган соф фойда корхонанинг таъсис ҳужжатлари ва акциядорларнинг умумий йиғилиш қарорига мувофиқ жамғарма, истеъмол фондига ва резерв капиталига тақсим қилинади.

Ушбу маълумотлар олдин тегишли 80 ва 87 — счётларда қайд қилиниб, кейин ҳисоботнинг 2-шакли тулғазилади. Бу шаклда I — молиявий натижалар, II — фойданинг фойдаланиши ва III — пул маблағларининг ҳаракати буйича ҳисобот булимлари мавжуддир. Ушбу шакл маълумотлари корхонанинг фаолияти буйича молиявий натижаларини ва корхонанинг ҳолатини таҳлил қилишда кенг қўлланилади.

Вазифа. Корхонада қуйидаги муомалалар содир бўлди

№	Ҳужалик муомалаларининг мазмуни	Сумма
1.	Корхона қайд қилинганда устав капитали ташкил қилинди	5000000
2.	Устав капиталига улуш сифатида қатнашувчиларнинг узоқ муддатли қўйилмалари киримга олинди	1500000
3.	Обуна бўлган шахсларга корхона акциялари сотилди	1000000
4.	Тақсимланган фойданинг бир қисми устав капиталини кўпайтиришга ўтказилди	300000

5.	Корхона соф фойдасининг бир қисми устав капиталини кўпайтиришга утказилди	500000
6.	Акционерлар АЖдан чиққанлиги сабабли уларнинг улуши қайтариб берилди	600000
7.	АЖ зарари устав капитали ҳисобидан қопланди	150000
8.	АЖ томонидан чиқарилган акцияларининг бир қисми бекор қилинди	400000
9.	Таъсисчи ходимларга дивиденд суммаси маҳсулот сифатида берилди	80000
10.	Таъсисчиларга ҳисобланган дивиденд суммалари туланди:	
	— сўмда	600000с
	— валютада	10000\$
11.	Таъсисчилар улуши ҳисобига асосий воситалар кирим қилинди	300000
12.	Таъсисчилар улуши ҳисобига АЖ га номоддий активлар кирим қилинди	2500000
13.	Таъсисчилар улуши ҳисобига материал ва хомашёлар кирим қилинди	180000
14.	Таъсисчилар улуши ҳисобига арзон баҳоли ва тез тузувчан буюмлар кирим қилинди	70000
15.	Таъсисчилар улуши ҳисобига тайёр маҳсулотлар кирим қилинди	120000
16.	Таъсисчилар ажратган енгил автомобиль кирим қилинди	320000
17.	Таъсисчиларнинг қўйилмалари АЖ ҳисоблашиш счётига кирим қилинди	1800000
18.	Ходимларга туланидиган дивидендларнинг етишмаган қисми эҳтиёт фондидан қопланди	85000
19.	Таъсисчиларнинг корхона фаолиятида қатнашганлиги учун дивиденд ҳисобланди	170000

20.	Соф фойдадан жамғарма фондига ажратма қилинди	250000
21.	Таъсисчиларнинг оладиган дивидендларидан даромад солиғи ушланди	87000
22.	Корхона акциясини сотиши жараёнида номинал баҳоси билан сотиш баҳосининг ортиқча суммаси аниқланди	95000
23.	Корхона фаолиятида кўрилган зарарлар таъсисчиларнинг мақсадли баъдаллари ҳисобидан қопланди	270000
24.	Таъсисчиларнинг мақсадли бадаллари ҳисобига истеъмол фондлари ташкил этилди	280000
25.	Корхона мулки қайта баҳоланиш натижасида ортиқча суммага қўшимча капитал ҳосил қилинди	90000
26.	Эмиссия даромади кирим қилинди	75000
27.	Қийматликлар хайрия сифатида қабул қилиниб унинг қиймати комиссия томонидан аниқланди	350000
28.	Корхона мулки қайта баҳоланиш натижасида фарқ сумма (баҳоси пасайган) қўшимча капитал суммасидан қопланди	78000
29.	Қўшимча капитал суммасининг бир қисми таъсисчилар дивидендига қўшилди	80000
30.	Бошқа шахсларга АЖ транспорт воситаси бепул берилди	190000
31.	Қўшимча капитал маблағининг бир қисми устав капиталига ўтказилди	35000
32.	Ходимларга туланадиган дивидендларнинг етишмаган қисми эҳтиёт фондидан қопланди	35000
33.	Корхонанинг йил охиридаги кўрилган зарарининг бир қисми эҳтиёт фондидан қопланди	160000
34.	Ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар сарфи эҳтиёт фондидан қопланди	65000

35.	Сотилган акциянинг сотиш баҳосининг номинал қийматидан ортиқча қисми эҳтиёт фондига ўтказилди	70000
36.	Фойдадан эҳтиёт фондига ажратма қилинди	140000
37.	Бошқа корхоналардан хайрия ҳисобиغا асосий восита олинди	15500
38.	Бошқа корхоналардан эҳсон сифатида номоддий активлар олинди	76000
39.	Махсус истеъмол фонди ҳисобидан корхона ходимларига ёрдам берилди	80000
40.	Корхона олган фойдадан ходимларга мукофот ҳисобланди	300000
41.	Истеъмол фонди ҳисобидан муҳтож оилаларга кассадан ёрдам тариқасида нақд пул берилди	170000
42.	Истеъмол фондидан байрам муносабати билан ходимларга тайёр маҳсулотлар совға қилинди	340000
43.	Корхонада қурилган зарарнинг бир қисми жамгарма фондидан қопланди	220000
44.	Бюджет ажратган субсидия нақд пул сифатида кассага кирим қилинди	90000
45.	Бюджет томонидан ажратилган махсус маблағлар ҳисоблашиш счётига кирим қилинди	200000
46.	Болалар боғчаси учун ота-оналарнинг тулови ҳисобланди	45000
47.	Уй-жойлар учун ходимлар ўз қарзларини туладилар	80000
48.	Асосий воситаларнинг қийматини оширмайдиган харажатлар сарфланди	40000
49.	Оборот маблағларини тулдириш учун маблағлар сарфланди	70000
50.	Болалар боғчалари харажатларининг бир қисми мақсадли молиялаштириш фонди ҳисобидан қопланди	45000

51.	Бюджет маблағлари ҳисобидан иш бажарган ходимларга иш ҳақи ҳисобланди	65000
52.	Банк кредити билан таъминланган меъёрдан ортиқча материалларнинг нархлари ошди	75000
53.	Бошқа ташкилотларнинг ёрдамчи ташкилотлар учун бажарган ишлари банк ссудаси ҳисобидан туланди	60000
54.	Ишлаб чиқариш мақсадлари учун банкдан қисқа муддатли ссудалари ҳисобига банкда аккредитивлар очилди	270000
55.	Банкнинг қисқа муддатли ссудалари ҳисобига банкда аккредитивлар очилди	150000
56.	Дам олиш уйлари ва оромгоҳларга олинган йўлланмалар қиймати қисқа муддатли ссуда ҳисобидан туланди	45000
57.	Банкдан қисқа муддатли қарз олиниб мол етказиб берувчиларга бўлган қарз туланди	300000
58.	Ишлаб чиқариш мақсадлари учун банкдан олинган қисқа муддатли қарзлар ҳисоблашиш счётидан туланди	270000
59.	Ишлаб чиқариш мақсадлари учун хориж банкларидан қисқа муддатли ссуда олинди (валютада)	15000\$
60.	Аккредитивда фойдаланилмаган маблағлар қисқа муддатли ссудани тулаш учун банкка қайтарилди	90000
61.	Хўжаликлараро корхоналар тулаган маблағлар банкнинг қисқа муддатли ссудасини қоплашга ўтказилди	400000
62.	Реализация қилинган маҳсулотлар бўйича тайёрлов идораларидан тушган маблағлар банкнинг қисқа муддатли ссудасини қоплашга ўтказилди	120000
63.	Узоқ муддатли ссуда ҳисобидан асосий воситалар сотиб олинди	680000

64.	Банкнинг узоқ муддатли қарзи ҳисобига корхона кассасига нақд пул олинди	400000
65.	Асосий воситаларни олиш учун банкнинг узоқ муддатли ссудаси ҳисобидан аккредитив очилди	300000
66.	Мол етказиб берувчиларга машина ва ускуналар буйича қарз банкнинг узоқ муддатли ссудаси ҳисобидан тўланди	700000
67.	Банкнинг узоқ муддатли қарзи ҳисобидан пудратчиларга бўлган қарз тўланди	500000
68.	Ҳужаликлараро корхоналардан сотиб олинган транспорт воситаларининг қиймати банкнинг узоқ муддатли кредити ҳисобидан тўланди	280000
69.	Қурилиш ва воситалар сотиб олиш учун олинган банкнинг узоқ муддатли кредити тўланди	240000
70.	Махсус йўналишдаги фондлар ҳисобига банкдан олинган узоқ муддатли ссудалар валюта билан тўланди	700000
71.	Олинган узоқ муддатли ссудаларнинг фоиз суммалари ҳисоблашиш счётидан тўланди	20000
72.	Фойдаланилмаган аккредитив суммаси банкнинг узоқ муддатли кредитини қоплашга ўтказилди	1200000
73.	Банкнинг узоқ муддатли ссудалари ҳисобига қурилган иморатларга ҳисобланган суғурта суммаси банкнинг узоқ муддатли қарзларини қоплашга ўтказилди	85000
74.	Асосий воситани сотиб олишга олинган банкнинг узоқ муддатли қарзи бюджет ажратмалари ҳисобидан қопланди	270000
75.	Якка тартибда уй қурилиш учун олинган қарзлар ҳисобидан олинган нақд пул кассага кириш қилинди	700000
76.	Якка тартибда уй қурилиш учун олинган қарзлар ҳисобига пудратчиларнинг бажарган ишлари тўланди	340000

77.	Хўжалик чеки билан ходимлар бевосита банкдан уй қуриш учун қарз олдилар	2700000
78.	Якка тартибда уй қуриш учун олинган қарз нақд пул билан кассага топширилди	550000
79.	Уй қуришга олинган қарзлар ҳисоблашиш счётидан туланди	870000
80.	Ходимлар уй қурилиши учун олган қарзларини бевосита банкка туладилар	280000
81.	Ёш мутахассисларнинг уй қуриш учун олган қарзларининг бир қисми махсус мақсадли фонддан туланди	240000
82.	Бошқа ташкилотлардан кредит шартномаларига асосан қисқа муддатли қарз олинди	400000
83.	Хориж фирмаларидан кредит контрактига мувофиқ валютада қисқа муддатли қарз олинди	\$15000 900000
84.	Иш ҳақидан берилган қисқа муддатли қарз ушлаб қолинди	250000
85.	Бошқа ташкилотлардан олинган қисқа муддатли қарз туланди	400000
86.	Хориж фирмаларидан олинган қисқа муддатли валюта қарзи қайтарилди	\$15000 900000
87.	Ходимларнинг иш ҳақи юзасидан корхона қисқа муддатли қарз қилди	250000
Товарларни сотиб берувчилар билан комитент ўртасидаги ҳисоблашишларни тўлиқ ва тезкор олиб бориш ва назоратни кучайтириш мақсадида 76 счётга 76/3 — «Комитентлар билан ҳисоблашишлар» субсчётини очиш ва унда ҳар бир комитент учун аналитик счёт юритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Аналитик счётнинг кейинги номери экспорт-импорт контрактининг номерида бўлиши лозим. Масалан, контракт № А-187, демак аналитик счёт шифри ҳам 76/3 А-187 бўлиши керак.

Ушбу таклиф бўйича комиссия савдосидаги содир бўлган муомалалар счётларда қуйидагича акс эттирилади:

а) комиссияга олинган товарлар сотилиб тушум ҳисоблашиш счётига тушди:

Дт 51
Кт 76/3А-187

б) товарларни сотиш учун харажат қилинди:

Дт 76/3 А-187
Кт 51,60 ёки 76

в) сотилган товарлар бўйича ҚҚС олинди:

Дт 76/3 А-187
Кт 68

Хориж фирмаларига ҚҚС чегирилган ҳолда товарнинг қиймати тўланади, агарда улар ҚҚС тўловчи шахслар ҳисобланса, у ҳолда товар қийматига ҚҚС суммаси қўшилади ва комитент бюджетга ҚҚС ҳисобламайди (солиқ муомаласи қайд қилинмайди).

г) комисион даромад ҳисобланди:

Дт 76/3 А-187
Кт 46

д) комитентга сотилган товарлар қиймати тўланди:

Дт 76/3 А-187
Кт 52/1

Экспорт ва импорт товарларни асосан контрактга мувофиқ хориж фирмаларидан оладилар. Ушбу контрактда ҳамма шартлар — томонларнинг мажбуриятлари, ҳуқуқлари ва иқтисодий жазолар кўрсатилади.

Хориж фирмалари билан ҳисоблашишни амалга ошираётганда ҳисоблашиш турлари ва мол етказиб бериш шартларига амал қилинади. Хорижда ҳисоблашишнинг қуйидаги шакллари амалга оширилади:

- аккредитив билан ҳисоблашишлар;
- тижорат кредити билан ҳисоблашишлар;
- ўтказиш векселлари (тратт) ёрдамида ҳисоблашиш;
- ҳисоблашишнинг иккала шакли;
- очиқ счётлар билан ҳисоблашиш.

Аккредитив билан ҳисоблашиш тартиби («Документлар аккредитив билан ҳисоблашишнинг умумий қоидаси ва тартиби» (Жаҳон савдо палатаси № 400)га амал қилинади.

Ушбу ҳисоблашиш тартибида тўловчининг илтимоси ва кўрсатмасига асосан банк (банк-эмитент) қуйидагиларни амалга оширади:

- а) олинган ёки олинандиган товарлар қийматини учинчи шахсга пулда ёки ўтказиладиган векселда тўлаши;
- б) бошқа банкка ушбу муомалаларни амалга ошириш ҳуқуқини бериш мумкин.

Ушбу шаклдаги ҳисоблашиш қуйидаги тартибда содир бўлади:

Истеъмолчи (импортчи) сотувчи (экспортчи)нинг товарларнинг тайёрлиги туғрисидаги хабарни олгандан кейин ўзининг банкига экспортчининг банкида контрактда кўрсатилган суммада аккредитив очиш учун ариза беради. Ушбу аризада суммани тўлаш учун зарур бўлган ҳужжатлар кўрсатилади ва истеъмолчи банки сотувчига хизмат қиладиган банкда тегишли сумма бўйича белгиланган муддатда аккредитив очади. Сотувчи товарларни жунатгандан кейин ўзининг банкига контрактда кўрсатилган ҳужжатларни топшириб тегишли суммани аккредитивдан олади ва ушбу муомалани сотувчи банки истеъмолчи банкига тегишли ҳужжатлар билан етказди.

Коммерция кредити билан ҳисоблашиш тартибида сотувчи истеъмолчига товарларни қийматининг бир қисмини ва умумий суммасини кейин тўлаш шarti билан товар жунатади. Олинган товар қиймати контрактда

кўрсатилган муддатда ва кредит фоизи қўшилган ҳолда товар эгасига туланади.

Векселлар ёрдамида ҳисоблашишда қарз мажбурияти вексел билан тасдиқланади. Векселлар оддий ва бошқа шахсларга ўтказиладиган шаклда бўлади.

Оддий векселда вексел берувчи уни олган шахсга векселда кўрсатилган муддатда тегишли суммани тулаш мажбуриятини олади.

Ўтказиладиган векселда эса вексел эгаси (трассант) вексел берувчи (трассат) унда кўрсатилган суммани белгиланган муддатда бошқа шахсга тулаш учун буйруқ беради. Бунинг учун векселда ўтказувчи ёзув ва муҳр билан мустаҳкамланади.

Инкассо шаклида экспортчи жўнатилган товарлар суммасини импортчи банкдан тегишли ҳужжатлар билан олади.

Бунинг учун аввало импортчининг розилигини (3 кун) кутиши ва кейин банкдан талаб қилиши лозим.

Ҳозирги шароитда бу усул кам қўлланилади.

Очиқ счётлар билан ҳисоблашиш тартиби доимий алоқада бўлган сотувчи ва истеъмолчилар ўртасида қўлланилиб, ушбу жараёнда товар эгаси молни жўнатгандан кейин тегишли ҳужжатларни ва илтимос хатини, контрактда кўрсатилган суммани белгиланган муддатда тулаш туғрисида истеъмолчига жўнатади.

Ушбу муомалаларни ва ҳисоблашиш шаклларни амалга ошириш учун тегишли счётларда қуйидаги субсчётлар очиш лозим:

- 60 — «Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоблашишлар» счётида:
- 60/1 — «Экспорт товарлари, ишлар ва хизматлар бўйича мол етказиб берувчилар билан ҳисоблашишлар»;
- 60/2 — «Импорт товарлари, ишлар ва хизматлар бўйича мол етказиб берувчилар билан ҳисоблашишлар»;
- 60/3 — «Бошқа муомалалар бўйича мол етказиб берувчилар билан ҳисоблашишлар»;
- 60/4 — «Коммерция кредити бўйича ҳисоблашиш»;
- 60/5 — «Берилган векселлар бўйича ҳисоблашиш»;
- 55 — «Банкдаги махсус счётлар» счётида:
- 55/1 — «Мамлакат ичидаги аккредитивлар»;
- 55/2 — «Хориждаги аккредитивлар»;
- 55/3 — «Чек дафтарчалари».

Аккредитивлар хорижда очилганда уларнинг аналитик ҳисоби аккредитивлар, давлатлар, контракт турлари ва валюта кодлари бўйича юритилиши мақсадга мувофиқ.

Содир бўлган воқеаларни ечиш учун вазифалар.

1. Тегишли ҳужжатларга асосан корхонада қуйидаги воқеалар содир бўлган.

Хориж фирмаси билан тузилган А-136 шартномага мувофиқ экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқарилди: (сум ҳисобида)

— хом-ашё ва материаллар сарфи	— 120 000
— меҳнат ҳақи сарфи, ажратмалари билан	— 640 000
— умум ишлаб чиқариш сарфлари	— 70 000
— маъмурий бошқарув сарфлари	— 90 000
— ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот омборга қабул қилинди	— 1 900 000
— тайёр маҳсулот экспорт қилинди (франко-аэропорт)	— 2 300 000
— аэропортгача транспорт харажатлари сарфланди	— 60 000
— самолётга юклаш ва авиа таъриф суммаси	— 140 000
— қўшимча қиймат солиғи	— 450 000
— божхона тўлови ва хизматлари сарфи	— 90 000

Қуйидаги вазифалар бажарилсин:

- харажатлар бўйича тегишли ҳужжатларнинг номлари келтирилсин;
- харажатлар тегишли счётларда қайд қилинсин;
- маҳсулотлар жўнатилган вақтда сотилган шартга амал қилиб ушбу муомалалар натижаси бўйича молиявий натижа аниқлансин.

2. «Уктам ва К» савдо фирмасининг қуйидаги кўрсаткичлари мавжуд:

— товарларнинг ой бошидаги қолдиғи	— 500 000
— ой бошидаги товарларга тегишли муомала сарфлари	— 50 000
— ҳисобот ойида олинган товарлар	— 6 000 000
— ҳисобот ойида сотилган товарлар	— 5 900 000
— ой охиридаги товарларнинг қолдиғи	— 600 000

Ой давомида қуйидаги сарфлар қилинди:

— меҳнат ҳақи ҳисобланди	— 250 000
— муҳофаза фондига ажратма қилинди	— 75 000

- транспорт сарфлари — 60 000
- банк кредити учун фоиз тўланади — 150 000

а) Ушбу маълумотларга асосан:

- бир сўм товарга тўғри келадиган муомала сарфлари аниқлансин;
- сотилган ва омборхонада қолган товарларга тегишли муомала суммалари топилсин;
- муомала суммалари ва товарлар ҳаракати тегишли счётларда қайд қилинсин.

3. «Ислом ва К» АЖ тайёр маҳсулотларини сотиш учун «Ўктам ва К» савдо фирмаси билан экспорт контракти тузди. Контрактда мувофиқ «Ўктам ва К» савдо фирмаси «Ислом ва К» АЖ дан олган маҳсулотни комиссия асосида экспорт қилиш ва «Ислом ва К» АЖ «Ўктам ва К» савдо фирмасига бу муомаладан тегишли хизмат ҳақи суммаси бериш мажбуриятини олди.

«Ислом ва К» АЖ экспорт қилиш учун «Ўктам ва К» савдо фирмасига тайёр маҳсулот берди — 5 000 000 сўм.

Шартномага асосан агарда товарларни сотишдан савдо фирмаси зарар кўrsa комитент томонидан қопланади.

Ушбу товарлар савдо фирмаси томонидан экспорт контрактига асосан хориж фирмасига жўнатилди — 5 000 000 сўм.

Товарларни жўнатиш жараёнида қуйидаги сарфлар қилинди:

- транспорт харажатлари — 190 000 сўм
- божхона хизмати ва тўловлари — 75 000 сўм.
- йўлдаги муҳофаза тўловлари — 35 000 сўм.

Сотилган товарлар бўйича хориж фирмасидан олинган маблағ кирим қилинди — 6 100 000 сўм.

«Ислом ва К» АЖ савдо фирмасига товарларни сотиш бўйича хизмат ҳақи ҳисобланди — 290 000 сўм.

«Ўктам ва К» савдо фирмаси комитентга сотилган товарлар бўйича тушум суммасининг тегишли қисмини тўлади — ?

- комиссионер даромадидан солиқ ушланди — 58 000
- ушбу муомалалар тегишли счётларда (комитент ва комиссионерларда) қайд қилинсин;
- комитент ва комиссионерлар ўртасидаги ҳисоблашишлар амалга оширилсин;
- комитентга тегишли сумма аниқлансин.

4. «Ислом ва К» АЖ 100 дона автомашина хориж фирмасидан олиб ўзимизнинг истеъмолчиларга сотди:

- | | |
|---|-------------------|
| — божхона тўлови | — 239 000 000 |
| — божхона йиғими | — 1 000 000 |
| — божхонадан утган кундаги (СИФ1 — Тошкент) валюта курси бўйича (1\$=60 сўм) товарларнинг қиймати | — 1200000000 сўм |
| — божхонада тўланган ҚҚС | — 360 000 000 сўм |
| — истеъмолчиларга 50 дона автомашина жунатилди, шундан 30 донасининг қиймати кирим қилинди | — 560 000 000 сўм |
| — жорий ойда сотилган товарларга тегишли муомала харажатлари | — 600 000 сўм |

Талаб қилинади:

- кирим қилинган импорт товарларнинг ҳақиқий таннархини аниқлаш (жаъми ва бирлик маҳсулот бўйича);
- ушбу товарларни сотишдан кўрилган молиявий натижалар ва ҚҚС суммасини аниқлаш;
- ушбу муомалаларни тегишли сўтларда қайд қилиш.

5. «Ислом ва К» АЖ экспорт ва импорт бартери контрактига асосан бартер шаклида ўзининг маҳсулотини айирбошлаш учун сотди:

- а) сотилган товарнинг ҳақиқий таннархи — 270 000 000 сўм
- б) олинган товарнинг қиймати — 50 000\$

Мулкдорлар ўзгарган кунда (\$ қиймати 60 сўм)

Ушбу муомала бўйича молиявий натижа аниқлансин ва тегишли сўтларда қайд қилинсин.

6. «Ислом ва К» АЖдан «Ўктам ва К» савдо фирмаси сотиб бериш учун 5 000 000 сўмлик товар олди ва товарларни сотишдан келган тушумлар ва сотиш сарфлари қуйидагича:

- | | |
|---------------------------------------|-------------|
| — товарлар сотилди: | |
| — нақд пулда | — 1 350 000 |
| — ҳисоблашиш усулида | — 7 150 000 |
| — сотиш сарфлари (комитент ҳисобидан) | — 500 000 |
| — олинган ҚҚС ва акциз солиқлари | — 1 250 000 |

- сотилган товарлар учун комитент савдо фирмасига хизмат ҳақи ҳисоблади — 600 000
- савдо фирмаси комитент билан ҳисоблашишиди — 6 150 000

талаб қилинади:

- савдо фирмаси ўз номидан АЖ маҳсулотларини сотади лекин товарни балансига қабул қилмайди;
- ушбу муомалалар тегишли счётларда қайд қилинсин;
- ушбу муомала бўйича АЖ олган молиявий натижа суммаси аниқлансин.

Қуйидаги ҳужалик муомалалари содир бўлган

№	Ҳужалик муомалаларининг мазмуни	Сумма
1.	Экспорт маҳсулотлари бўйича тузилган контрактга асосан истеъмолчилардан олинган аванс кирим қилинди	1 500 000
2.	Экспорт маҳсулоти ишлаб чиқариш бўйича қуйидагилар сарфланди:	
	— хом-ашё ва материаллар;	1 300 000
	— меҳнат ҳақи ҳисобланди;	650 000
	— меҳнат ҳақиға нисбатан ижтимоий муҳофаза фондига ажратилди;	210 000
	— ёрдамчи тармоқларнинг хизмати истеъмол қилинди;	95 000
	— кам баҳоли ва тез тузувчан буюмлар сарфланди;	35 000
	— умум ишлаб чиқариш харажатлари;	70 000
	— умум ҳужалик харажатлари	90 000
3.	Тайёр маҳсулотлар оморга кирим қилинди	2 500 000
4.	Тайёр маҳсулотларни жунатишга тайёргарлик сарфлари қилинди	76 000

5.	Тайёр маҳсулотлари темир йул бош бекати-га жўнатилди:	
	— юклаш ва тушириш харажатлари;	25 000
	— автотранспорт бўлимининг харажатлари	34 000
6.	Тайёр маҳсулотларнинг темир йул таърифи (контракт бўйича истеъмолчи тўлаши керак).	170 000
7.	Қўшимча қиймат солиғи	420 000
8.	Божхона тўловлари ва хизмат ҳақи	90 000
9.	Муҳофаза компанияларга баъдал тўланди	55 000
10.	Савдо фирмаси экспорт қилиш учун товар олди	2 300 000
11.	Олинган товарлар бўйича ҚҚС ҳисобланди	450 000
12.	Фирма олган товарларни экспортга жўнатди	2 000 000
13.	Ушбу жўнатилган товарлар хориж истеъмолчисининг мулкига ўтказилди	2 000 000
14.	Жўнатилган товарлар қиймати хориж истеъмолчиси томонидан тўланди	2 400 000
15.	Жўнатилган товарлар бўйича транспорт таърифи тўланди.	100 000
16.	Жўнатилган товарларга бојхона тўловлари ва солиғи ҳисобланди	150 000
17.	Товарларни сотиш бўйича молиявий натижалар аниқланди	?
18.	Сотилган товарлар қиймати тегишли сўётдан чиқарилди	2 000 000
19.	Жўнатилган товарлар бўйича хориж истеъмолчига сўёт-фактура (инвайсо) контракт баҳосида берилди	1 500 000
20.	Сотилган товарларнинг ҳақиқий таннархи ҳисобдан чиқарилди	135 000

21.	Хориж учун бажарилган иш ва хизматлар учун счёт-фактура (инвайсо) контракт қийматида берилди	580 000
22.	Сотилган товарлар ва бажарилган ишларнинг муомала харажатлари тегишли счётларга утказилди	60 000
23.	Сотилган товарлар буйича хориж фирмасидан чет эл валютасида аванс олинди.	15 000\$
24.	Сотилган товарлар қиймати чет эл валютасида счётга қабул қилинди	90 000
25.	Сотилган товарлар қиймати буйича чет эл валютаси кирим қилинаётганда олдин олинган аванс чегирилиб ташланди	25 000\$
26.	Хориж валютасининг сўмга нисбатан курсидаги салбий фарқ корхона зарарига утказилди	15 250
27.	Комиссионер сотиб бериш учун фирмадан товар қабул қилди	15 000\$
28.	Комиссионер кометент ҳисобидан сотиш билан боғлиқ харажатларни тўлади	900 000
29.	Ушбу сарфлар комитентнинг тегишли счётларида қайд қилинди	25 000
30.	Комиссионерга хориж истеъмолчиси товарлар қийматини тўлади	1 600 000
31.	Комиссионер сотилган товарлар қийматини комитент счётига қайд қилди (28—30)	250 000
32.	Комиссионер комитентга товарларнинг реализациясига тегишли суммани тўлади	250 000
33.	Ташкилий муассасалар учун йигим ҳисобланди	1 600 000
34.	Мол етказиб берувчи тўлаган ҚҚС бюджетга утказилди	1 350 000
35.	Киримга олинган валютанинг бир қисми сотилди	65 000\$

36.	Банкка валюта сотиш учун хизмат ҳақи ҳисобланди	50 000
37.	Маҳсулотларнинг экспорт реализациясининг молиявий натижаси аниқланди	75 000
38.	Хориждан хом-ашё ва материаллар сотиб олинди	15 000\$
39.	Хориждан машина ва ускуналар ўрнатиш учун сотиб олинди	900 000
40.	Хориждан транспорт воситаси сотиб олинди	15 000
41.	Олинган хом-ашё ва материаллар бўйича боғхона йиғимлари ва тўлови ҳисобланди	400 000
42.	Олинган товарлар бўйича боғхона йиғимлари ва тўлови ҳисобланди	3 000 000
43.	Олинган товарлар бўйича акциз суммаси ҳисобланди	1000 000
44.	Олинган товарлар бўйича қўшимча қиймат солиғи ҳисобланди	360 000
45.	Импорт товарлари бўйича хориж фирмасига аванс тўланди	600 000
46.	Боғхона декларацияси ва кирим ҳужжагларига мувофиқ хом-ашёнинг қиймати аниқланди	170 000
47.	Товар қабул қилингандан кейин хориждаги мол етказиб берувчига тўланган аванс суммаси умумий қарз суммасидан чегирилди	45 000
48.	Хориждан олинган хом-ашёнинг ҳақиқий таннархи аниқланиб тегишли сўтга ўтказилди.	250 000
49.	Ҳисобланган ҚҚС ва акциз солиғи бюджетга тўланди	800 000
50.	Чакана савдода савдо устамаси ҳисобланди	3 960 000

51.	Сотилган товарларнинг қиймати ҳисобдан чиқарилди	800 000
52.	Сотилган товарларга тегишли савдо устамаси ҳисобдан чиқарилди	3 960 000
53.	Муомала харажатлари тегишли счётларга олиб борилди	295 000
54.	Чакана савдо корхоналарида маҳсулот сотишдан фойда олинди	70 000
55.	Бартер асосида хориж фирмасига товар жўнатилди	900 000
56.	Бартер асосида хориж фирмасидан хом-ашё олинди	70 000
57.	Маҳсулот ва хом-ашё айирбошлаш натижасидаги кирим ва тулов акс эттирилди	45 000
58.	Бартер айирбошлаши тартибида сотилган маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи ҳисобдан чиқарилди	70 000
59.	Бартер муомаласи бўйича молиявий натижа аниқланди. Маҳсулотни жўнатиш вақтидан (мулк эгаси ўзгариши) реализация қилиниши усулида	2 000 000
60.	Хориж истеъмолчиларга тайёр маҳсулот бартер усулида жўнатилди	2 300 000
61.	Хориж истеъмолчилардан хом-ашёлар бартер усулида бизга жўнатилди	2 000 000
62.	Хориж истеъмолчилардан бартер усулидаги жўнатилган хом-ашё кирим қилинди	2 300 000
63.	Хориж истеъмолчисига бартерга олинган хом-ашё бўйича қарз ўзаро қопланди	2 000 000
64.	«Ислон ва К» АЖ дан «Ўқтам ва К» савдо фирмаси сотиб бериш учун комиссияга товар олди	4360 000
65.	Комиссион товарларни сотишдан тушган маблағ нақд пулда кирим қилинди	3 000 000

66.	Комиссион товарларни сотишдан тушган маблағ ҳисоблашиш счётига кирим қилинди	3 500 000
67.	Комиссион товарларни сотиш билан боғлиқ харажатлар қилинди	3 500 00
68.	Сотилган комиссион товарлар буйича ҚҚС олинди	800 000
69.	Олинган ҚҚС бюджетга тўланди	800 000
70.	Сотувчи фирмага комитент хизмат ҳақи ҳисобланди	3 00 000
71.	«Ўқтам ва К» фирмаси «Ислоҳ ва К» АЖ сотилган товарлар қийматини тўлади	4 360 000
72.	Экспорт товарлари буйича акцептланган қарз мол етказиб берувчилар ҳисобига утказилди	360 000
73.	Мол етказиб берувчининг товарлар буйича берган счёти акцептланди	1 000 000
74.	Экспорт товарларни ташувчиларнинг счёти акцептланди	1 000 000
75.	Мол етказиб берувчиларга тўланадиган ҚҚС ҳисобланди	500 000
76.	Мол етказиб берувчиларга олдин тўланган аванс ҳисобга олинди	5 500 000
77.	Мол етказиб берувчиларга экспорт товарлар қиймати аккредитивдан тўланди	2 800 000
78.	Мол етказиб берувчиларга экспорт товарлар қиймати банкнинг қисқа муддатли ссудасидан тўланди	2 300 000
79.	Импорт товарлари қиймати акцепт қилинди	280 000
80.	Мол етказиб берувчилар билан бўлган ҳисоблашишдаги валюта курсининг салбий фарқи	80 000

МАВЗУНИ УЗЛАШТИРИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Экспорт маҳсулотлари буйича олинган аванс кирим қилинди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) Дт | 52 | Кт | 60 |
| б) Дт | 51 | Кт | 62 |
| в) Дт | 52 | Кт | 64 |
| г) Дт | 51 | Кт | 64 |

2. Экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун хом-ашё сарфланди.

- | | | | |
|-------|------|----|------|
| а) Дт | 20/2 | Кт | 10 |
| б) Дт | 20/2 | Кт | 12 |
| в) Дт | 20/1 | Кт | 20/2 |
| г) Дт | 20/1 | Кт | 10 |

3. Экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқаришда қатнашаётган ишчиларга меҳнат ҳақи ҳисобланди.

- | | | | |
|-------|------|----|------|
| а) Дт | 25 | Кт | 70 |
| б) Дт | 20/1 | Кт | 70 |
| в) Дт | 20/2 | Кт | 70 |
| г) Дт | 70 | Кт | 20/2 |

4. Экспорт маҳсулотларнинг таннархига тегишли умум ишлаб чиқариш харажатлари қушилди.

- | | | | |
|-------|------|----|------|
| а) Дт | 20/2 | Кт | 26 |
| б) Дт | 20/2 | Кт | 25 |
| в) Дт | 20/2 | Кт | 20/2 |
| г) Дт | 20/2 | Кт | 23 |

5. Экспорт учун ишлаб чиқараётган маҳсулотларга ёрдамчи ишлаб чиқариш хизмат қилди.

- | | | | |
|-------|------|----|------|
| а) Дт | 20/1 | Кт | 20/2 |
| б) Дт | 20/2 | Кт | 25 |
| в) Дт | 20/2 | Кт | 60 |
| г) Дт | 20/2 | Кт | 23 |

6. Экспорт учун ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот омборга қабул қилинди.

- | | | | |
|-------|------|----|------|
| а) Дт | 40/1 | Кт | 20/1 |
| б) Дт | 45 | Кт | 20/2 |
| в) Дт | 40/2 | Кт | 20/2 |
| г) Дт | 40/1 | Кт | 20/2 |

7. Тайёр маҳсулотларни истеъмолчиларга жўнатиш учун тайёргарлик сарфлари қилинди.

а) ДТ	40/2	КТ	26/2
б) ДТ	40/2	КТ	26/1
в) ДТ	40/2	КТ	23
г) ДТ	40/2	КТ	10

8. Экспортга чиқарилаётган тайёр маҳсулотларни темир йўл бекатига олиб бориш учун автотранспорт хизматидан фойдаланилди.

а) ДТ	26/2	КТ	10
б) ДТ	20/2	КТ	12
в) ДТ	20/1	КТ	20/2
г) ДТ	20/1	КТ	10

9. Жўнатилган маҳсулотларнинг темир йўл таърифи ҳисобланди.

а) ДТ	26/2	КТ	76
б) ДТ	26/2	КТ	60
в) ДТ	26/2	КТ	51
г) ДТ	26/2	КТ	62

10. Жўнатилган тайёр маҳсулотларга қўшимча қий-
мат солиғи ҳисобланди.

а) ДТ	26/2	КТ	19
б) ДТ	26/1	КТ	19
в) ДТ	20/2	КТ	19
г) ДТ	19	КТ	26/2

11. Жўнатилган товарлар буйича божхона тўловлари ва хизмат ҳақи ҳисобланди.

а) ДТ	26/2	КТ	76
б) ДТ	26/2	КТ	60
в) ДТ	26/1	КТ	51
г) ДТ	76	КТ	26/2

12. Жўнатилган товарлар учун муҳофаза компанияга баъдаллар туланди.

а) ДТ	26/3	КТ	76
б) ДТ	26/1	КТ	76
в) ДТ	26/2	КТ	76
г) ДТ	20	КТ	76

13. Савдо фирмаси экспорт қилиш учун товар олди.

а) ДТ	41/1	КТ	60
б) ДТ	41	КТ	60
в) ДТ	41/1	КТ	76
г) ДТ	41/1	КТ	52

14. Олинган товарлар бўйича ҚҚС ҳисобланди. (ҚҚС мол етказиб берувчилар томонидан тўланди).

а) ДТ	19	КТ	76
б) ДТ	41	КТ	19
в) ДТ	19	КТ	60
г) ДТ	41/1	КТ	19

15. Савдо фирмаси олган товарларни экспортга жўнатди.

а) ДТ	45	КТ	40
б) ДТ	45	КТ	40/2
в) ДТ	45	КТ	41/1
г) ДТ	45	КТ	46

16. Жўнатилган товарлар хориж истеъмолчиларнинг мулкига ўтказилди.

а) ДТ	45/1	КТ	45/2
б) ДТ	45/2	КТ	45/1
в) ДТ	45	КТ	40
г) ДТ	46	КТ	45

17. Жўнатилган товарларнинг қиймати хориж истеъмолчилар томонидан тўланди.

а) ДТ	52/2	КТ	46
б) ДТ	52/1	КТ	46
в) ДТ	51	КТ	46
г) ДТ	51	КТ	60

18. Жўнатилган товарларга божхона солиғи ва тўловлари ҳисобланди.

а) ДТ	46	КТ	60
б) ДТ	26/2	КТ	60
в) ДТ	26/2	КТ	76
г) ДТ	26/3	КТ	76

19. Қиймати туланган товарлар суммаси жўнатилган товарлар ҳисобидан чиқарилди.

- | | | | |
|-------|----|----|------|
| а) ДТ | 46 | КТ | 45/2 |
| б) ДТ | 46 | КТ | 45/1 |
| в) ДТ | 51 | КТ | 46 |
| г) ДТ | 46 | КТ | 40/2 |

20. Экспорт қилинган товарлар буйича молиявий натижа (фойда) аниқланди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 46 | КТ | 80 |
| б) ДТ | 80 | КТ | 40 |
| в) ДТ | 80 | КТ | 51 |
| г) ДТ | 52 | КТ | 80 |

21. Хориж учун бажарилган иш ва курсатилган хизматлар учун счёт фактура (инвайсо) берилди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 52 | КТ | 46 |
| б) ДТ | 64 | КТ | 46 |
| в) ДТ | 60 | КТ | 46 |
| г) ДТ | 62 | КТ | 46 |

22. Сотилган товарлар ва бажарилган ишларнинг муомала харажатлари тегишли счётларга ўтказилди.

- | | | | |
|-------|------|----|------|
| а) ДТ | 26/2 | КТ | 80 |
| б) ДТ | 46 | КТ | 26/3 |
| в) ДТ | 80 | КТ | 26/3 |
| г) ДТ | 80 | КТ | 26/2 |

23. Сотиладиган товарлар юзасидан хориж фирмаларидан аванс олинди.

- | | | | |
|-------|------|----|----|
| а) ДТ | 52/1 | КТ | 64 |
| б) ДТ | 51 | КТ | 64 |
| в) ДТ | 52/2 | КТ | 64 |
| г) ДТ | 52 | КТ | 60 |

24. Хориж валютасининг сўмга нисбатан ижобий фарқи корхона фойдасига ўтказилди.

- | | | | |
|-------|------|----|----|
| а) ДТ | 52/2 | КТ | 80 |
| б) ДТ | 52/2 | КТ | 80 |
| в) ДТ | 51 | КТ | 80 |
| г) ДТ | 52 | КТ | 80 |

25. Комиссионер сотиб бериш учун фирмадан товар олди.

а) ДТ	40	КТ	76
б) ДТ	41	КТ	60
в) ДТ	004	КТ	-
г) ДТ	41	КТ	62

26. Комиссионер комитент ҳисобидан товарларни сотиш билан боғлиқ харажатларни тўлади.

а) ДТ	76	КТ	52
б) ДТ	76	КТ	51
в) ДТ	60	КТ	51
г) ДТ	62	КТ	52

27. Комитент комиссионер сарфлаган савдо харажатларни қайд қилди.

а) ДТ	26/3	КТ	76/3
б) ДТ	26/2	КТ	76/3
в) ДТ	26/1	КТ	76/3
г) ДТ	20	КТ	76

28. Сотилган товарлар қийматини хориж истеъмолчиси комиссионер счётига тўлади.

а) ДТ	52	КТ	76
б) ДТ	52/1	КТ	76/3
в) ДТ	51	КТ	76/3
г) ДТ	50	КТ	76/3

29. Комиссионер комитентга сотилган товарларнинг тегишли суммасини тўлади.

а) ДТ	76/3	КТ	52/1
б) ДТ	76/2	КТ	51
в) ДТ	62	КТ	52/1
г) ДТ	60	КТ	52/1

30. Ташкилий муассасалар учун йиғим ҳисобланди.

а) ДТ	68	КТ	19
б) ДТ	68	КТ	51
в) ДТ	68	КТ	52
г) ДТ	68	КТ	26/3

31. Мол етказиб берувчи тўлаган қўшимча қиймат солиғи бюджетга туланди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 68 | КТ | 51 |
| б) ДТ | 68 | КТ | 52 |
| в) ДТ | 76 | КТ | 51 |
| г) ДТ | 60 | КТ | 52 |

32. Қўшимча олинган валютанинг бир қисми валюта биржасида сотилди.

- | | | | |
|-------|------|----|------|
| а) ДТ | 76/2 | КТ | 46 |
| б) ДТ | 76 | КТ | 47 |
| в) ДТ | 76/2 | КТ | 48 |
| г) ДТ | 48 | КТ | 52/3 |

33. Банкка валютани сотгани учун хизмат ҳақи ҳисобланди.

- | | | | |
|-------|----|----|------|
| а) ДТ | 46 | КТ | 51 |
| б) ДТ | 47 | КТ | 52 |
| в) ДТ | 48 | КТ | 52/2 |
| г) ДТ | 48 | КТ | 51 |

34. Маҳсулотларнинг экспорт реализациясининг молиявий натижаси аниқланди (фойда).

- | | | | |
|-------|------|----|----|
| а) ДТ | 46/2 | КТ | 80 |
| б) ДТ | 46/1 | КТ | 80 |
| в) ДТ | 80 | КТ | 46 |
| ғ) ДТ | 40 | КТ | 80 |

35. Хориж фирмасидан хом-ашё ва материаллар сотиб олинди.

- | | | | |
|-------|------|----|----|
| а) ДТ | 15/1 | КТ | 60 |
| б) ДТ | 15/1 | КТ | 62 |
| в) ДТ | 15/1 | КТ | 76 |
| г) ДТ | 10 | КТ | 60 |

36. Хориж фирмасидан ўрнатиладиган ускуналар сотиб олинди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 07 | КТ | 76 |
| б) ДТ | 08 | КТ | 60 |
| в) ДТ | 07 | КТ | 60 |
| г) ДТ | 07 | КТ | 62 |

37. Хориждан олинган хом-ашёлар юзасидан божхона ййғимлари ва туловлари ҳисобланди.

а) ДТ	10	КТ	76/4
б) ДТ	07	КТ	76/4
в) ДТ	08	КТ	76/4
г) ДТ	40	КТ	76/4

38. Олинган товарлар буйича акциз солиғи ҳисобланди.

а) ДТ	41/1	КТ	68
б) ДТ	40	КТ	68
в) ДТ	10	КТ	68
г) ДТ	07	КТ	68

39. Олинган материаллар буйича ҚҚС ҳисобланди.

а) ДТ	10	КТ	68
б) ДТ	10	КТ	76
в) ДТ	07	КТ	19
г) ДТ	10	КТ	19

40. Импорт товарлари юзасидан хориж фирмасига аванс туланди.

а) ДТ	60	КТ	52/2
б) ДТ	64	КТ	50
в) ДТ	64	КТ	51
г) ДТ	64	КТ	52/2

41. Хориждан олинган материалларнинг ҳақиқий таннархи аниқланиб тегишли сётга ўтказилди.

а) ДТ	15/1	КТ	15
б) ДТ	10	КТ	15/1
в) ДТ	12	КТ	15/1
г) ДТ	07	КТ	15/1

42. Ҳисобланган қўшимча қиймат ва акциз солиғи бюджетга туланди.

а) ДТ	26/2	КТ	10
б) ДТ	20/2	КТ	12
в) ДТ	20/1	КТ	20/2
г) ДТ	20/1	КТ	10

43. Чакана савдода савдо устамаси ҳисобланди.

а) ДТ	46	КТ	42
б) ДТ	41	КТ	42
в) ДТ	40	КТ	42
г) ДТ	42	КТ	46

44. Сотилган товарлар қиймати ҳисобдан чиқарилди.

а) ДТ	46	КТ	41
б) ДТ	45	КТ	41
в) ДТ	46	КТ	40
г) ДТ	46	КТ	45

45. Чакана савдо ташкилотларида сотилган товарларга тегишли савдо устамаси тегишли счётларда қайд қилинди.

а) ДТ	46	КТ	42
б) ДТ	46	КТ	42
в) ДТ	42	КТ	46
г) ДТ	80	КТ	42

46. Бартер асосида хориж фирмасига хом-ашё жуна-тилди.

а) ДТ	46	КТ	10
б) ДТ	76	КТ	10
в) ДТ	60	КТ	10
г) ДТ	62	КТ	10

47. Бартер асосида хориж фирмасидан товар олинди.

а) ДТ	41/1	КТ	62
б) ДТ	41/1	КТ	60
в) ДТ	41/1	КТ	76
г) ДТ	41/1	КТ	52/2

48. Бартер айирбошлаш натижасидаги молиявий натижа (фойда) тегишли счётда қайд қилинди.

а) ДТ	76	КТ	80
б) ДТ	62	КТ	80
в) ДТ	46	КТ	80
г) ДТ	60	КТ	80

49. Хориж истеъмолчиларга тайёр маҳсулот бартер усулида жунатилди.

а) ДТ	46	КТ	45
б) ДТ	46	КТ	40/2
в) ДТ	46	КТ	60
г) ДТ	76	КТ	76

50. Хориж фирмаларидан бартерга хом-ашё ва материаллар олинди.

а) ДТ	07	КТ	60
б) ДТ	10	КТ	60
в) ДТ	60	КТ	62
г) ДТ	10	КТ	76

51. Хориж фирмаларидан жунатилган хом-ашё кирим қилинди.

а) ДТ	07	КТ	60
б) ДТ	10	КТ	60
в) ДТ	60	КТ	62
г) ДТ	10	КТ	76

52. Хориж истеъмолчиларга сотилган тайёр маҳсулот ва олинган хом-ашё қиймати узаро қопланди.

а) ДТ	76	КТ	60
б) ДТ	60	КТ	76
в) ДТ	60	КТ	46
г) ДТ	60	КТ	62

53. АЖДдан сотиб бериш учун савдо фирмаси комиссияга товар олди.

а) ДТ	41	КТ	60
б) ДТ	40	КТ	76
в) ДТ	41	КТ	76
г) ДТ	004	КТ	—

54. Комиссияга олинган товарларни сотишдан тушган маблағ кирим қилинди.

а) ДТ	50	КТ	76
б) ДТ	51	КТ	76
в) ДТ	51	КТ	62
г) ДТ	51	КТ	60

55. Комиссияга олинган товарларни сотиш билан боғлиқ харажатлар қилинди.

- | | | | |
|-------|------|----|------|
| а) ДТ | 76/3 | КТ | 50 |
| б) ДТ | 76/3 | КТ | 51 |
| в) ДТ | 76/2 | КТ | 51 |
| г) ДТ | 76/3 | КТ | 76/2 |

56. Сотилган комисион товарлар буйича ҚҚС ҳисобланди.

- | | | | |
|-------|------|----|----|
| а) ДТ | 60 | КТ | 68 |
| б) ДТ | 68 | КТ | 60 |
| в) ДТ | 76/2 | КТ | 68 |
| г) ДТ | 76/3 | КТ | 68 |

57. Комисион товарларни сотишда олинган ҚҚС бюджетга тўланди.

- | | | | |
|-------|----|----|------|
| а) ДТ | 68 | КТ | 52/1 |
| б) ДТ | 68 | КТ | 51 |
| в) ДТ | 68 | КТ | 55 |
| г) ДТ | 68 | КТ | 76 |

58. Комисион савдо фирмасига комитент хизмат ҳақи ҳисоблади.

- | | | | |
|-------|------|----|----|
| а) ДТ | 76/3 | КТ | 46 |
| б) ДТ | 76/2 | КТ | 46 |
| в) ДТ | 76/3 | КТ | 51 |
| г) ДТ | 76/3 | КТ | 50 |

59. Савдо фирмаси эгасига товарлар қийматини тулади.

- | | | | |
|-------|------|----|------|
| а) ДТ | 76/3 | КТ | 51 |
| б) ДТ | 60 | КТ | 52/2 |
| в) ДТ | 76/3 | КТ | 52/2 |
| г) ДТ | 62 | КТ | 52/1 |

60. Экспорт товарларни ташувчиларнинг счёти фактураси акцептланди.

- | | | | |
|-------|------|----|----|
| а) ДТ | 41/2 | КТ | 60 |
| б) ДТ | 41/2 | КТ | 76 |
| в) ДТ | 41/2 | КТ | 62 |
| г) ДТ | 41/2 | КТ | 51 |

61. Мол етказиб берувчиларга туланидиган ҚҚС ҳисобланди.

а) ДТ	19	КТ	51
б) ДТ	19	КТ	60/1
в) ДТ	19	КТ	76
г) ДТ	19	КТ	62

62. Мол етказиб берувчиларга туланган аванс ҳисобга олинди.

а) ДТ	62	КТ	64
б) ДТ	60	КТ	62
в) ДТ	60	КТ	64
г) ДТ	76	КТ	64

63. Экспорт товарларнинг қиймати аккредитивдан туланди.

а) ДТ	76	КТ	55
б) ДТ	60/1	КТ	55
в) ДТ	60/2	КТ	55
г) ДТ	62	КТ	55

64. Экспорт товарлари тижорат кредити ҳисобидан олинди.

а) ДТ	41/2	КТ	60/2
б) ДТ	41/2	КТ	60/4
в) ДТ	41/2	КТ	60/1
г) ДТ	41/2	КТ	76

65. Хориж фирмалари билан ҳисоблашиш жараёнида валюта курсларининг ижобий фарқи аниқланди.

а) ДТ	60/4	КТ	80
б) ДТ	60/1	КТ	80
в) ДТ	60/2	КТ	80
г) ДТ	60/4	КТ	83

66. Коммерция кредити валюта счётидан туланди.

а) ДТ	60/4	КТ	52/2
б) ДТ	60/1	КТ	52/2
в) ДТ	76	КТ	52/2
г) ДТ	51	КТ	52/2

67. Хориж мол етказиб берувчисининг тратти акцепт қилинди.

- | | | | |
|-------|------|----|------|
| а) ДТ | 60/2 | КТ | 60/5 |
| б) ДТ | 62 | КТ | 76 |
| в) ДТ | 60/4 | КТ | 60/5 |
| г) ДТ | 60/1 | КТ | 60/5 |

68. Утказиладиган векселлар буйича қарз туланди.

- | | | | |
|-------|------|----|----|
| а) ДТ | 76 | КТ | 51 |
| б) ДТ | 60/5 | КТ | 50 |
| в) ДТ | 60/5 | КТ | 52 |
| г) ДТ | 60/5 | КТ | 51 |

69. Векселлар буйича тегишли фоизлар ҳисобланди.

- | | | | |
|-------|----|----|------|
| а) ДТ | 26 | КТ | 60/5 |
| б) ДТ | 30 | КТ | 60/5 |
| в) ДТ | 31 | КТ | 60/5 |
| г) ДТ | 76 | КТ | 60 |

70. Аккредитивдан фойдаланиш вақтида валюта курси пасайди.

- | | | | |
|-------|------|----|------|
| а) ДТ | 55/2 | КТ | 80 |
| б) ДТ | 80 | КТ | 55/1 |
| в) ДТ | 80 | КТ | 51 |
| г) ДТ | 80 | КТ | 55/2 |

УНИНЧИ МАВЗУ

ДАВЛАТ КОРХОНАЛАРИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ БЎЙИЧА МУОМАЛАЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

Ҳозирги даврга келиб давлат корхоналари тезкорлик усулида ҳиссадорлик жамиятига (ХЖ) айлантирилмоқда, яъни хусусийлаштирилмоқда.

Хусусийлаштириш — давлат мулки бўлган давлат корхоналарини келишилган тартибда ҳиссадорларга сотиш, яъни ушбу корхоналарни давлат тасарруфидан чиқаришдир. Ушбу корхона ходимлари ва бошқа юридик ва жисмоний шахслар корхонанинг акциясини сотиб олишлари мумкин.

Давлат томонидан хусусийлаштиришнинг ҳар хил вариантлари ишлаб чиқилиб унда корхона ходимларига бериладиган имтиёзлар ва акциялар пакетининг назорат ҳажми белгиланган.

Қандай вариант қўлланишидан қатъи назар хусусийлаштириш тўрт босқични босиб ўтади:

- а) корхонада ишчи комиссиясини ташкил қилиш;
- б) комиссиянинг ишлаш жараёни;
- в) акционерлар жамиятини таъсис қилиш;
- г) чиқадиган акцияларни тақсимлаш;

Корхона раҳбари томонидан ташкил қилинган ишчи комиссияси қуйидаги ишларни амалга оширади:

- корхона мулкини баҳолаш;
- хусусийлаштириш вариантларини танлаш учун ходимларни етарли маълумотлар билан таъминлаш;
- хусусийлаштириш вариантыни танлаш мақсадида жамоа аъзоларининг йиғинини ўтказиш;
- корхонани хусусийлаштириш билан боғлиқ режасини тузиш, чиқарилаётган акцияларнинг миқдори ва тақсимлаш тартибини белгилаш;
- корхона мулки баҳоланган актни тасдиқлаш;
- АЖнинг уставини ишлаб чиқиш ва давлат мулкини бошқариш қўмитасига зарур ҳужжатларни (хусусийлаштириш режаси, мулк баҳоси ва уставни) тақдим қилиш;

Давлат мулкини бошқариш қўмитаси корxonани очиқ турдаги АЖга айлантиришга асос бўладиган хусусийлаштириш режасини тасдиқлайди. Шундан кейин ДМБҚ¹ давлат қайдномасидан ўтиш учун таъсис ҳужжатлари ва ариза, акциялар чиқаришни қайд қилиш учун эмиссия проспекти беради. Корхона давлат қайдномасини олган кундан АЖ ҳисобланади.

АЖ Бош директори раҳбарлигида директорлар кенгаши тасдиқланиб, унга бош директор вакили, ДМБҚ, меҳнат жамоаси ва маҳаллий ҳукумат вакиллари кирилади.

Чиқарилган акциялар икки усулда тақсим қилинади:

- оддий акциялар;
- ушбу акция эгалари корxonани бошқаришда қатнашиш ҳуқуқига эга;
- директорлар кенгашини сайлаш;
- жамият бюджетини тасдиқлаш;
- дивиденд миқдорини белгилаш;
- йиғилишда қўриладиган бошқа муҳим масалалар.

Лекин оддий акция эгаларига, агарда корхона фаолияти натижасида фойда олмаса дивиденд ҳисобланмайди.

Хусусийлаштиришнинг I варианты: ушбу вариантда корxonанинг ишчи ва ходимлари имтиёзли акцияларни бепул олади ва ушбу акциянинг эгалари корxonани бошқаришда қатнашмайдилару лекин корхона фаолиятининг молиявий якунидан қатъий назар акциялари учун дивиденд олиш кафолатланади.

Ушбу акцияларнинг суммаси корхона устав капиталининг 25% суммасидан ошмаслиги лозим. Бундан ташқари корхона ходимлари акцияларнинг 10%ни имтиёзли олиши мумкин:

- номинал қийматининг 30% чегирилган ҳолда;
- уч йил давомида номинал қийматини тўлаш шарти билан;
- дастлабки бадал суммаси номинал қийматининг 15%ини ташкил қилган ҳолда:

Корхона маъмурияти аъзолари корхона акциясининг 5% гача номинал қийматида сотиб олиши мумкин.

Хусусийлаштиришнинг II варианты. — корxonанинг ишчи ва ходимлари ёпиқ, обуна бўйича устав капитали-

¹ ДМБҚ — Давлат Мулкини Бошқариш Қўмитаси. Келгусида қулай бўлиши учун матнда унинг қисқартирилган вариантыдан фойдаланилади (муаллиф).

нинг 15%гача қийматда оддий акцияларни сотиб олиши мумкин. Қолган акциялар тегишли мулкчилик фондига берилади. Ушбу мулк фонди 49% ва ундан ортиқ акцияга эгалик қилиши ва ушбу акцияларнинг 20% овоз бериш ҳуқуқидаги акциялар бўлади, қолган акциялар имтиёзли акциялар ҳисобланиб овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмайди. Ушбу акциянинг қиймати обуна тугаган кундан бошлаб 90 кун ичида тўланиши лозим.

Хусусийлаштиришнинг III-варианти — бу вариантда корхона ходимлари корхонанинг банкротга учрашини олдини олиш ва уни қайта ташкил қилиш мақсадади тегишли давлат мулки фонди билан шартнома тузади. Шартнома жамоа томонидан тасдиқланиб бир йилга тузилади. Шартнома тузган ходимлар акцияларнинг 20% ни ташкил қилиши керак. Мулкчилик фонди 60% акцияга эгалик қилиб, унинг 20% овоз бериш ҳуқуқидаги оддий акциялар бўлиб, қолганлари имтиёзли акциялардир ва обуна тугаган кундан 90 кун ичида акциянинг номинал қийматини АЖга тўлаши шарт.

Асосий фондлар қиймати 1—50 млн. сўм ва ходимлар сони 200 кишидан ортиқ бўлган корхоналарда акцияларни сотишдан тушган даромадларнинг (жамоа аъзоларига сотилган акцияларнинг қийматидан ташқари) 10% ходимларнинг шахсий ҳисобига кирим қилиниши лозим.

Хусусийлаштириш жараёни ва уни бухгалтерия ҳисобида қайд қилишнинг стандарт шарт-шароитлари қуйидагича:

— корхонани хусусийлаштириш туғрисида умумий йиғин қарори чиққан ва уни ҳокимият томонидан тасдиқланган вақтдан бошлаб корхонанинг бошланғич баҳоси аниқланиши зарур. Шунинг учун хусусийлаштириш жараёни ҳисобининг бошланиши мулк қийматликларини инвентаризация қилишдан бошланади. Бу қийматликлар сотиб олинadиган давлат мулкдир. Лекин янги ташкил қилинаётган АЖ (корхона)га давлат корхонасининг тўланадиган мажбуриятлари (банк ссудаси, бюджетга бўлган қарзи, мол етказиб берувчиларга, ижтимоий муҳофаза фондига, ишчи ва ходимларга, кредиторларга) сабабли ушбу суммалар миқдорига сотиб олиш суммаси (бошланғич баҳоси) камаяди. Хусусийлаштириш жараёнида яратилаётган хусусийлаштириш фонди суммаси ҳам сотиш қийматига кирмайди. Хусусийлаштириш фонди миқдори хусусийлаш-

тириш жараёни, махсус йўналишдаги фондлар ва тақсимланмаган фойда суммасининг миқдорига боғлиқдир.

Хусусийлаштириш фонди корхона ихтиёрида қолдирилиб корхона ходимларига бўлиб берилади ва бу сумма шахсий счётларида қайд қилинади. Бу сумма корхона акциясини сотиб олишга ёки бошқа корхоналарнинг фондини сотиб олишга ишлатилиши мумкин.

Инвентаризация натижалари бошланғич капитал баҳоси ҳисобланган мулкни баҳолаш актида қайд қилинади.

Масалан: «Навруз» тикувчилик фабрикаси «Юлдуз» АЖга айлантирилиши жараёнида қўйидаги хусусийлаштириш муомалалари амалга оширилди.

Мулкни баҳолаш Акти 01.09.96.

№	Курсаткичлар номи	сумма (м. сум)
1.	Корхона балансидаги активнинг жами шундан:	31186
	— асосий воситалар — қолдиқ қийматда	25050
	— номоддий активлар — қолдиқ қийматда	310
	— капитал қўйилмалар, аванслар ва ускуналар	592
	— узоқ муддатли молиявий қўйилмалар	512
	— захиралар ва харажатлар	2264
	— пул, ҳисоблашишдаги маблағлар ва бошқа активлар	2458
2.	Актив моддалари қийматидан чегириландиган баланс пассиви моддаларнинг қиймати — жами шундан:	4208
	— хусусийлаштириш фондини ташкил қилишга йўналтириландиган — махсус йўналишдаги фонд маблағлари ва фойда суммаси	910

	кредитлар ва бошқа олинган қарзлар	1426
	— қарзга олинган ва жалб қилинган маблағларни акс эттирувчи ва кредитор қарзлар бўйича ҳисоблашиш маблағлари	1504
	— келгуси сарфлар ва туловлар резерви, капитал қўйилмаларни молиялаштиришнинг ўз манбалари, келгуси давр даромадлари	368
3.	Мулк қийматидан чегириладиган сумма — жами шундан:	8792
	— қонун бўйича хусусийлаштиришнинг махсус тартиби ўрнатилган мулкнинг қиймати	5912
	— давлат, ҳокимият мулкида қолдирилган объектлар қиймати	2880
	Устав капиталининг қиймати $= (1 - (2 + 3))$	18186

Давлат корхоналарини хусусийлаштириш жараёнида инвентаризация натижасига асосан тузилган мулк актига асосан тугатиш баланси тузилади ва АЖ устав капиталини ташкил қилиш тартибига асосан корхонани АЖга топшириш баланси тузилади.

Тугатиш баланси 01.09.96

Актив	сумма (минг сўм)	Пассив	сумма (минг сўм)
1. Асосий воситалар ва бошқа оборотдан ташқари активлар		1. Ўз маблағларининг манбаи устав капитали резерв фонди	364854
номоддий активлар (к.к.)	310		
Асосий воситалар (к.к.)	25059		
ўрнатиладиган ускуналар, тугалланмаган капитал қўйилма	174	махсус йўналишдаги фонд	
	118	шундан:	23586

узоқ муддатли молиявий қўйилма	512	капитал қўйилмаларни молиялаштиришнинг ўз манбаи	116
		Мақсадли молиялаштириш ва тушумлар	476
		Тақсимланмаган фойда	600
<i>I бўлим жами</i>	<i>26464</i>	<i>I бўлим жами</i>	<i>28364</i>
II Захира ва харажатлар	2264	II Узоқ муддатли пассивлар	1080
<i>II бўлим жами</i>	<i>2264</i>	<i>II бўлим жами</i>	<i>1080</i>
III. Пул маблағлари, ҳисоблашишлар ва бошқа активлар		III. Ҳисоблашишлар ва бошқа пассивлар	
Дебиторлар билан ҳисоблашишлар	958	Банкнинг қисқа муддатли кредитлари	282
Мол етказиб берувчиларга берилган аванслар		Қисқа муддатли қарзлар	64
қисқа муддатли молиявий қўйилмалар	166	Кредиторлар билан ҳисоблашишлар	1186
Пул маблағлари	192	Олинган аванслар	318
	1142	Келгуси давр даромадлари	
		Келгуси давр сарфлари ва тўловлари резерви	138
			114
<i>III бўлим жами олдинги йил...</i>	<i>2458</i>	<i>III бўлим жами</i>	<i>2102</i>
БАЛАНС	31546	БАЛАНС	31546

АЖ бухгалтериясига келиб тушган тугатиш баланси маълумотларига асосан устав капиталини ташкил қилиш учун бухгалтерияда қуйидаги муомалалар амалга оширилади:

- ўтган йилги зарарлар суммаси қопланади — (360000с)
 - резерв фонидан — 54000 с Дт 86 Кт 87
 - тақсимланмаган фойдадан — 306000 с Дт 87 Кт 86
- натижада баланс валютаси — 360000 сумга камаяди.

Агарда қўрилган зарарлар суммасини қоплаш манбаи бўлмаса бу сумма хусусийлаштирилган корхона балансида қолдирилади ва шу суммага бошланғич баҳо ёки мулк қиймати камайтирилади.

- Резерв фондининг фойдаланилмаган қисми корхонанинг устав капиталига қўйилади.
 - Хусусийлаштириш фонди тақсимланмаган фойда ҳисобидан (35%) ташкил қилинади — 104000 с Дт 86, Кт 96
- ва махсус йўналишдаги фондлар (х3,5%) ҳисобидан — 806000 с Дт 86, Кт 96

96 субсчёт «Хусусийлаштириш фонди бўйича аналитик ҳисоб» ходимларининг шахсий мақсадли счётлари бўйича юритилади.

Бухгалтерия 96-«Мақсадли молиялаштириш ва тушумлар» счётининг ҳолатини таҳлил қилиб ушбу счётда мақсадли дастурларни амалга ошириш учун тушган маблағларнигина қолдириши мумкин. Бюджетдан ёки бюджетдан ташқари фондлардан тушган мақсадли тушумлар ва молиялаштириш маблағлар устав капиталига киритилади.

Бизнинг мисолимизда бу манба 476000 сўм Дт. 96, Кт 85

АЖнинг устав капитали баланс моддалари «Келгуси давр даромадлари» ва «Келгусидаги сарфлар ва туловлар»да кўрсатилган суммага камаяди, чунки бу сумма корхонанинг бошланғич баҳосидан чегирилади. Агарда корхонани жисмоний шахс сотиб олса бу сумма корхонанинг бошланғич баҳоси ёки устав капиталига қўшиб сотилади.

Айрим ҳолларда корхоналарнинг турлари ва йўналишига қараб айрим объектлар хусусийлаштирилмай давлат мулки бўлиб қолиши мумкин. У ҳолда шу объектлар

қийматига АЖ устав капитали суммаси камаяди лекин махсус йўналишдаги фондлар қаторига қўшилиб АЖ ихтиёрида қолдирилади.

— 8792000 Дт-85, Кт-86

Ундан кейин ҳисобдан чиқарилмаган фойда ва махсус йўналишдаги суммасини ҳисоблаш лозим. Бунинг учун эса балансдаги қолдиқ фойда суммасидан кўрилган зарарлар ва хусусийлаштириш фонди суммаларини чегириб ташлаш лозим.

Бизнинг хусусийлаштирилаётган «Юлдуз» АЖда балансдаги қолдиқ фойда	— 800000 сўм
шундан фойдаланилган:	
— зарарни қоплашга	— 306000
— хусусийлаштириш фондини яратишга	— 104000

жами	410000
------	--------

Демак устав капиталига 290000 сўм киритилади (800000—410000)

Дт-86 ва Кт-85

Балансда махсус йўналиш фонди 23586000 сўмга тенг

шундан фойдаланилган:	
— хусусийлаштириш фондини яратиш учун	— 806000 сўм
— фондлар ҳисобидан капитал қўйилмаларни молиялаштиришнинг ўз манбалари корхона ихтиёрига қолдирилади	— 116000 сўм

жами	922000 сўм
------	------------

Демак устав капиталига қолган сумма 22664000 сўм (23586000—922000) қўшилади. Натижада устав капиталининг қиймати — 18186000 сўм

шундан:

— тугатилиш баланси бўйича	— 3648000 сўм
— фойда ҳисобидан	— 190000 сўм
— махсус фондлар ҳисобидан	— 22664 сўм
— мақсадли молиялаштириш маблағлари ҳисобидан	
— хусусийлаштириш қилинмаган	— 476000

объектлар қиймати чегирилиб
ташланади (—)

— 8972000

жами:

18186000 сўм

Натижада янги ташкил қилинган махсус йўналишдаги

фонд суммаси

— 8908000 сўм

шундан:

— капитал қўйилмаларни молиялаштиришнинг манбалари

— 116000 сўм

— хусусийлаштириш қилинмайдиган объектлар қиймати

— 8792000 сўм

Юқорида содир бўлган хўжалик муомалалари маълумотларига асосланиб Давлат мулки муассасаси билан келишилган ҳолда, бошланғич капитал, хусусийлаштириш фонди, мажбуриятлар ва активлар суммаларига асосан бухгалтерия топшириш балансини тузади.

Давлат корхонасини АЖга топшириш баланси

Актив	сумма (минг сўм)	Пассив	сумма (минг сўм)
<i>1. Асосий воситалар ва оборотдан ташқари активлар</i>		<i>1. Уз маблағларининг манбаи</i>	
Номоддий активлар (к.к.)	310	Устав капитали	18186
Асосий воситалар (к.к.)		Махсус йўналишдаги фондлар	8908
Ўрнатиладиган ускуналар	25050	Мақсадли молиялаштириш ва тушумлар	910
Тугалланмаган капитал қўйилма	174		
Узоқ муддатли молиявий қўйилма	418		
	512		

<i>I бўлим жами</i>	26464	<i>I бўлим жами</i>	28004
II. Захира ва харажатлар	2264	II. Узоқ муддатли пас-сивлар	1080
<i>II бўлим жами</i>	2264	<i>II бўлим жами</i>	2264
III. Пул маблағлари, ҳисоблашишлар ва бошқа активлар		III. Ҳисоблашишлар ва бошқа пассивлар	
Дебиторлар билан ҳисоблашишлар	958	Банкнинг қисқа муддатли кредитлари	282
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган аванслар	166	Қисқа муддатли қарзлар	64
Қисқа муддатли молиявий қўйилмалар	192	Кредитлар билан ҳисоблашишлар	1186
Пул маблағлари	114	Олинган аванслар	318
		Келгуси давр даромадлари	138
		Келгуси сарфлар ва тўловлар резерви	114
<i>III бўлим жами</i>	2458	<i>III бўлим жами</i>	2102
<i>Баланс</i>	31186	<i>Баланс</i>	31186

Корхонани тугатиш ва топшириш балансларини таққослаб ва таҳлил қилиб қўйидаги хулосага келиш мумкин:

- баланс валютаси (жами суммаси) олдинги йилда қўрилган зарар суммаси камайди
- баланснинг актив томони бошқа ҳамма моддаларида ўз мазмунини сақлаб қолди;
- асосий ўзгаришлар ўз маблағларининг манбаи билан боғлиқ, яъни устав капитали яратилиши натижасида унинг ҳажми беш мартаба кўпайди.

Натижада баланснинг пассив қисмида қўйидаги моддалар тушириб қолдирилди:

- резерв фонди;
- жорий йилдаги тақсимланмаган фойда;

- капитал қўйилмаларни молиялаштиришнинг ўз манбалари;
- махсус йўналишдаги фонднинг ички тузилиши тубдан ўзгарди;
- жалб қилинган маблағлар — корхона мажбуриятларининг манбалари ўзгармади.

Корхоналар хусусийлаштирилганда — АЖга айлантирилганда энг аввало ҳозирги даврдаги корхона ходимларига берилган акциялар билан бир қаторда, шундай имтиёзга эга бўлган олдин корхонада ишлаб кетган, лекин ҳозирги вақтда нафақага чиққан ходимларга берилган имтиёзли акцияларни ҳисобга олиш тартибини ёритиш зарур. Хусусан:

- акцияларнинг бир қисмини бепул бериш;
- маъмурият ходимларига акцияларнинг бир қисмини қийматини бўлиб-бўлиб тўлаш шартида номинал қийматда сотиш;
- ёпиқ обунада акцияларни номинал қийматидан чегирилган ҳолда тарқатиш ёки келишилган баҳода тарқатиш;

Хусусийлаштирилган корхоналарда акцияларни тақсимлаш билан боғлиқ обуна ва бошқа ишлар очиқ турдаги АЖни қайд қилишгача амалга оширилади.

Акциялар бўйича ҳисоблашиш муомалаларини қайд қиладиган бухгалтерия ёзувидан ва акционерларни қайд қилиш дафтари ушбу АЖ қайд қилингандан кейин амалга оширилади.

АЖда энг аввало устав капитали қайд қилиниб ушбу капитал 85-«Устав капитали» счётида қуйидаги субсчётларда ҳисобга олиб борилади.

— 85/1-«Эълон қилинган (уставда) капитал» — корхонани АЖга топшириш балансида қайд қилинган устав капитали суммасини ҳисобга олади;

— 85/2-«Обуна капитали» — АЖ рўйхатдан ўтгандан кейин очилиб ушбу субсчётда обуна бўйича тарқатилган акцияларнинг номинал қиймати қайд қилинади;

— 85/3 — «Туланган капитал» бу субсчётда обуначилар томонидан туланган акцияларнинг номинал қиймати ва мулк фондининг аукционда сотилган акцияларнинг қиймати қайд қилинади;

— 85/4 — «Қайтариб олинган капитал» — акциячилардан сотиб олинган акцияларнинг номинал қиймати қайд қилинади.

Акционерлар жамиятини рўйхатдан ўтказгандан кейин:

- мулкни бошқариш қўмитасига ҳар бир шахсга берилган миқдори кўрсатилган ҳолда бепул берилган имтиёзли акциялар эгаларининг рўйхати берилади;
- ушбу қўмитадан топшириқ (розичилик) олингандан кейин ушбу шахслар акциячилар рўйхатига киритилади;
- тарқатилган имтиёзли акциялар бухгалтерия ҳисобида қўшимча муомалалар сифатида қайд қилинмайди ва ушбу акциялар қиймати 85/1 да қолади;
- обуна бўйича тарқатилган ҳамма имтиёзли акцияларнинг номинал қиймати эълон қилинган капитал суммасидан обуна капитали суммасига ўтказилади Дт 85/2 ва Кт 85/1.

Бир вақтнинг ўзида корхонанинг ишчи ва ходимлари ва унга тенглаштирилган жисмоний шахслар обуна бўлган акцияларнинг номинал қийматига АЖ мулк фондига қарз ва обунага қатнашган шахсларнинг АЖга қарзи сифатида ҳисобга олинади ва сўтларда қуйидагича қайд қилинади:

Дт 76 — «Акция обуначиларининг қарзи»

Кт 96 — «Акция юзасидан фонд билан ҳисоблашиш»

Обуна қилинган акцияларнинг номинал қийматидан чегирилган суммага ушбу қарзлар суммаси камаяди:

Дт 96 — «Акция юзасидан фонд билан ҳисоблашиш»

Кт 76 — «Акция обуначиларининг қарзи»

Агарда обуначиларга акциялар номинал қийматдан ортиқча баҳода сотилса тесқари проводка берилади, лекин қиймати билан сотиш баҳоси ўртасидаги фарқ 85-«Устав капитали»да кўрсатилмайди.

Мулк фондига сотилиш учун берилган акциялар 85—1 сўтда қайд қилиб борилади ва сотилганлиги туғрисида маълумот олинганда сўтларда қуйидагича қайд қилинади:

Дт 85—1 «Эълон қилинган капитал»

Кт 85—3 «Тўланган капитал»

Шундай қилиб 85—1 кредит суммасида АЖ ходимларига бепул берилган ва мулк фонди ихтиёрида қолган акцияларнинг номинал қиймати акс этирилади.

Ёпиқ обуна тартибига мувофиқ корхона ходимлари АЖни қайд қилиш кунигача қонунда чегараланган миқдордан ортиқча акция олиш имконияти мавжуд. Бунинг учун хоҳловчилар аванс сифатида пул маблағлари ўтказадилар. Шунинг учун 55 — «Обуначиларнинг депозити» субсчёти очилади ва депозитарийларнинг шахсий счётидан ўтказилган суммаларга:

Дт 55 «Обуначиларнинг депозити»

Кт 73 «Обуначиларнинг маблағлари»

Акцияларни сотишдан тушган маблағлар АЖга кирим қилинмайди, балки давлат мулки ҳисобланиб мулк фондига кирим қилинади. Шунинг учун ушбу маблағлар тегишли фондларга келишилган муддатда ўтказилади.

Ўтказиладиган суммага:

Дт 96 «Акциялар буйича фонд билан ҳисоблашиш»

Кт 67 «Мулк фонди билан ҳисоблашиш»

Агарда ушбу сумма фондга ўтказилса:

Дт 67 «Мулк фонди билан ҳисоблашиш»

Кт 51, 52, 55

Қачонки мулк фондига бўлган қарз тулиқ тўлангандагина акциялар сотилган ҳисобланади ва

Дт 85—2 — «Обуна капитали»

Кт 85—3 — «Тўланган капитал» ёзуви билан қайд қилинади.

Бир вақтнинг ўзида акция эгаларининг реестрида акцияларнинг акциячилар мулкига ўтганлиги қайд қилинади.

55 — «Обуна қатнашчиларининг депозити»

67 — «Мулк фонди билан ҳисоблашиш»

73 — «Обуначиларнинг қарзи»

85 — «Обуна капитали»

ва 96 — «Фонд билан акция юзасидан ҳисоблашишлар».

Шундай қилиб 85 — «Устав капитали» корхонанинг бошланғич баҳоси ёки аукцион баҳосини акс эттириб, ташкил қилиниши жараёнида фақат субсчётлар буйича қайд қилиб борилади.

Хусусийлаштириладиган корхоналарни сотиб олувчилар жисмоний ва юридик шахслар бўлади. Юридик шахслар корхонани тулиқ сотиб олган ёки акцияларнинг бир қисмини сотиб олган вақтидан бошлаб узоқ

муддатли молиявий қўйилмачилар ҳисобланади. Юридик шахслар тўлаган суммаларига:

Дт 06

Кт 51 агарда бошланғич баҳосида тўланса, мабодо тўлов суммаси бошланғич баҳодан кам бўлса:

Дт 06 — бошланғич баҳода

Кт 51 — тўланган суммага

Кт 83 — баҳолар ўртасидаги фарқ суммасига.

Кейинчалик 83 «Келгуси давр сарфлари» счётининг қолдиғида йиғилган суммалар фирма фаолиятининг молиявий натижаларига қўшилади. Дт 83 ва Кт 80

Агарда олинган акцияларнинг қиймати маълум вақтдан кейин тўланса, у вақтда олувчининг мулк фондига кредитор қарзи пайдо бўлади:

Дт-06 — бошланғич баҳода;

Кт-51 — тўланган қийматига;

Кредит — 67 — қарз суммасига.

Агарда олдиндан гаров суммаси берилса:

Дт 67

Кт 51

Олди сотди муомалалари содир бўлиши натижасида дебитор қарзлар ҳисобдан чиқарилиб борилади:

Дт 06

Кт 67

Агарда объект аукционда сотилсаю унинг сотиш баҳоси бошланғич қийматидан юқори бўлса, бошланғич сотиш баҳосига тенглаштирилиб ушбу сумма балансининг «Келгуси давр тўловлари ва сарфлари» ва «Келгуси давр даромадлари» моддаларида ва капитал қўйилмаларни молиялаштириш маблағларининг ўз манбаларида қайд қилинади. АЖнинг устав капитали тўланган суммада акс эттирилади ва бошланғич қиймат билан сотилган баҳо ўртасидаги фарқ суммаси 04 — счётининг «Сотиб олиш ва бошланғич қиймати ўртасидаги фарқ» субсчётида кўрсатилади.

Дт 04

Кт 85

ва кейинги 10 йил ичида (агарда бошқа муддат белгиланмаса) корхона харажатиға қўшилиб ҳисобдан чиқарилади.

Ижара корхоналари ўз фаолиятида ўз маблағлари ҳисобига яратилган асосий фондлардан ва қарзга олин-

ган ва жалб қилинган манбалар ҳисобидан яратилган асосий фондлардан ҳам фойдаланадилар.

Ушбу корхоналар мулкига ўзининг объектларидан ташқари давлат ва бошқа шахслардан, кейинчалик сотиб олиш ва сотиб олмаслик шарти билан, узоқ муддатли ижарага олинган объектлар ҳам киради.

Ушбу мулклар ижарачида 03 — «Узоқ муддатли ижарага олинган асосий воситалар» счётида шартномада келишилган баҳода ҳисобга олинади ва 97-«Ижара мажбуриятлари» счётининг дебет ва кредит томонларида акс эттирилади.

Ушбу ижаралар молиялаштирилган ижаралар ҳисобланиб ҳар ойда ҳисобланган эскириш суммаси билан қопланиб борилади.

Дт 20, 23, 25, 26, 29

Кт 02

Асосий воситалардан ташқари ижарага ҳар хил активлар моддий заҳиралар, номоддий активлар ва ҳоказолар ҳам олинади. Ушбу қийматликларнинг қиймати узоқ муддатли заём сифатида баланснинг активида ва пассивида қайд қилинади:

Дт 04, 10, 12

Кт 95 — «Узоқ муддатли заёмлар»

Ушбу муомалалар амалга оширилгандан кейин ижарачи ва ижарадор ўртасида ҳар хил ҳисоблашишлар амалга оширилади:

— ижарага олинган объектлар бўйича туловлар ҳисобланади:

Дт 97

Дт 95

Кт 67

— ушбу ҳисобланган маблағлар ижарадор счётига тўланади:

Дт 67

Кт 51, 52, 55...

— ижарага олинган мулклар бўйича ижара фоизи ҳисобланади:

Дт 80

Кт 67

ушбу ҳисобланган фоизлар тўланади:

Дт 67

Кт 51, 52, 55

Агарда ижарачи ва ижарадор ўртасида тузилган контрактда ушбу мулкни ижарачига кейинчалик сотиб олиш ҳуқуқи берилса, ижара мажбуриятлари суммаси тулиқ тулангандан кейин ушбу объект ижарачининг мулки ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда ижара корхоналари асосида маъсулияти чегараланган корхоналар ва очиқ турдаги АЖ ҳам фаолият кўрсатиши мумкин.

Ижарага олинган объектларни кейинчалик сотиб олиш баҳоси қуйидаги тартибда белгиланади:

- сотиб олиш ҳуқуқини берадиган ижара контрактда кўрсатилган шартлар бўйича;
- сотиб олиш ҳуқуқини берадиган ижара контрактга асосан, лекин унда ҳамма шартлар кўрсатилмаган ҳолда;
- ижарага олинган мулк қийматининг икки баробар баҳосида;
- давлат ёки ҳокимиятга тегишли акцияларнинг номинал қийматининг 2 баробар баҳосида ва ҳоказо.

Ижарага олинган асосий воситалар ва оборот маблағларининг туланмаган қийматлари бўйича мажбуриятлар суммаси тегишли — 95, 97 ва 67-счётларда акс эттирилиб борилади.

Асосий воситаларнинг қийматини ошириш туғрисида қонун ва буйруқлар чиқса, уша оширилган қиймати ижарага олинган асосий воситаларнинг ижараларига туланмаган суммасига тааллуққидир. Масалан, асосий восита ижарага олинди:

баҳоси	— 700000 сўм
туланган сумма	— 450000 сўм
қолдиқ сумма	— 250000 сўм

Асосий воситаларнинг қиймати 2, 3 баробар оширилди, демак туланмаган сумма $575000/250000+325000$ ($250000*1,3$)/

Ушбу суммага — 325000 с 97-счёт кўпайтирилади:

- Дт 86 — «Мулкни индексация қилиш фонди»
- Кт 97 — «Ижара мажбуриятлари»

Агарда ижарага олинган бошқа активларнинг қиймати оширилса, туланмаган қийматига:

Дт 04 «Давлат мулкни сотиб олиш қийматининг индексацияси»

Кт 95 «Узоқ муддатли қарзлар»

04 — счётнинг қолдиғи корхона харажатларига қўшилади лекин индексация қилинган сумма жамғарма фондидан ёки тақсимланмаган фойда ҳисобидан қопланади.

Агарда ижара корхонаси асосида очиқ турдаги Акциячилар жамияти бирга қилинса унинг устав капитали қуйидаги манбалар:

— ижара мажбуриятларининг қолдиғи:

Дт 97 ва 95

Кт 85

— моддий рағбатлантириш фондининг қолдиғи

Дт 86

Кт 85

Капитал қўйилмаларни давлат фондидан молиялаштириш:

Дт 96

Кт 85

Шу билан бир вақтда хусусийлаштирилмайдиган объектлар қийматиға устав капитали суммаси камаяди:

Дт 85

Кт 86

Ижарачилар ўз улушидаги мулкларға мулкый ҳуқуқига эга бўлганлиғи учун акцияларға ёпиқ обуна қилинганда улар биринчи навбатда обуна бўлиш ҳуқуқига эга. Жисмоний шахсларнинг обуна суммалари 73 счётда ва юридик шахсларнинг обуна суммаси бўйича қарзи 75 счётда қайд қилинади:

Дт 73 — «Ходимларнинг акция обуналари бўйича қарзи»

Кт 75 — «Таъсисчиларнинг акция обуналари бўйича қарзи»

Кт 96 — «Акция бўйича фонд билан ҳисоблашиш»

Хусусийлаштиришнинг тулаган суммаларига:

Дт 51

Кт — 73 ва 75 счётларнинг тегишли субсчётлари.

Кейинчалик муддатли тўловлар шарти билан берилган акциялар бўйича қолдиқ сумма 96-счётда аниқланиб муддати келган тўлов суммаси ҳисобланганда:

Дт 96

Кт 67

ва ушбу сумма акция эгалари томонидан тулангандан кейин мулк фондига ўтказилади:

Дт 67

Кт 51

Корхоналар хусусийлаштирилгандан кейин уларга берилган юридик статусга асосан бухгалтерия ҳисоби ташкил қилинади ва юритилади.

Агарда хусусийлаштириш натижасида корхона статуси ўзгариб АЖ шахслар инвестиция фонди ихтиёрига ўтиб юридик шахс ҳисобланса уларда бухгалтерия ҳисоби «Бухгалтерия ҳисоби туғрисидаги қонун»га «Счётлар режасига» асосан юритилади ва бошланғич маълумотлар топшириш балансидан олинади.

Корхонани сотиб олган шахс ушбу корхонани юридик шахс сифатида қолдириш ёки ўз корхонасининг балансига қабул қилиб ҳисоб юритиш тизимини ташкил қилиши мумкин.

Шунинг учун бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва юритишнинг иккита тури мавжуд. Биринчиси:

корхона юридик шахс ҳисобланмай мустақил балансга эга бўлиб сотиб олувчининг корхонасидаги йиғма балансга қўшилади. Бу вақтда янги ташкил бўлган корхона ва фаолият кўрсатаётган корхоналар ўртасида ўзаро ҳисоблашиш муносабатлари пайдо бўлади ва 79 — «Ички хўжалик ҳисоблашишлари» счётини юритиш зарурияти туғилади.

Лекин бу ҳисоблашишлар умумий балансда кўрсатилмайди. Топшириш баланси ёки инвентаризация актига нисбатан асосан актив қисмининг счётларида суммалар дебет томонидан кўрсатилиб, ушбу сумма 79-счётнинг кредитига қайд қилинади ва пассив қисмининг счётларидаги суммалар кредит томонида кўрсатилиб ушбу сумма 79-счётнинг кредитида қайд қилинади. Чунки хусусийлаштирилган корхонанинг тулаш мажбуриятларини янги шахс ўз зиммасига олади.

Иккинчиси:

сотиб олинган мулклар фаолият кўрсатаётган корхонанинг умумий балансига қўшилади ва натижада баланснинг актив ва пассив қисмидаги моддалар суммаси кўпаяди ва тегишли счётларидаги суммалар ҳам кўпаяди.

Хусусийлаштирилган корхоналарда ҳисобни юритиш учун қуйидаги счётлар режасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

Синтетик счёти шифри	Синтетик счётининг номи	Субсчёт шифри	Субсчёт номи	Балансда жойла- ниши
04	Номоддий актив-лар	04/4	Сотиб олиш ва баҳолаш қий- матлари ўртаси- даги фарқ	А
		04/5	Давлат мулкани сотиб олиш сум- масининг ин- дексацияси	А
55	Банкдаги махсус счётлар	55/3	Акция обуначи- ларининг депозитлари	А
67	Бюджетдан таш- қари тўловлар буйича ҳисобла- шишлар	67/3	Мулкчилик фонди билан ҳисоблашишлар	П
73	Ходимлар билан бошқа муомала- лар буйича ҳисоб- лашишлар	73/3	Акция обуначи- ларининг қарзи	А
			Акция обуначи- ларининг маб- лағлари	А
83	Келгуси давр да- ромадлари	83/2	Сотиб олиш ва қолдиқ қийма- ги ўртасидаги фарқ	П
85	Устав капитали	85/1	Эълон қилинган капитал	П
		85/2	Обуна қилинган капитал	П
		85/3	Туланган капи- тал	П
		85/4	Чегирилган ка- питал	П
86	Эҳтиёт фонди	96/2	Хусусийлашти- риш фонди	П
96	Мақсадли мо- лялаштириш ва тушумлар	96/3	Акциялар буйи- ча фонд билан ҳисоблашишлар	П

Хусусийлаштирилган корхоналарда бухгалтерия аппаратининг бажарадиган ишларининг ҳажми бирмунча ошади ва қуйидаги қўшимча ишларни амалга ошириш ва юритиш зарурияти туғилади:

- акцияларни сотиш учун биринчи жойлаштиришда қатнашиш;
- акцияларнинг иккинчи муомалаларини ташкил қилиш;
- акцияларга обуна қилиш давомида туловларни ҳисобга олиш;
- акциячиларни қайд қилувчи реестр китобини юритиш;
- акцияларнинг ҳолати ва ҳаракатини ҳисобга олиш;
- акцияларга дивидентларни тақсимлаш, ҳисоблаш ва тулаш;
- ва бошқалар.

Шунинг учун бухгалтер хусусийлаштириш туғрисидаги қонун ва кўрсатмаларни чуқур ўрганиши, таъсис ҳужжатлари ва корхонанинг уставини билдириши шарт. Ушбу шарт-шароит маълумотларини яратиш ва олиш мумкин. Ушбу ҳаққоний маълумотлар асосида ҳужалик фаолиятининг назоратини амалга ошириш, таҳлил қилиш, ҳужаликни муваффақиятли бошқариш, корхона фаолиятдан фойда олиш, ходимларни иқтисодий ҳимоя қилиш, уларнинг шарт ва шароитларини яна ҳам яхшилаш ва бошқа тадбирларни амалга ошириш мумкин.

ҲОЛАТЛАРНИ ҚАЙД ҚИЛИШ, ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА ЕЧИШ УЧУН МИСОЛЛАР

1. «Малика» ишлаб чиқариш фирмаси ДМБҚ қарорига асосан 01. 04. 96 йилда акционерлик жамиятига айлантирди. Қарорда кўрсатилиши бўйича ушбу фирма 1-вариант бўйича АЖга айлантирилиши керак.

Маълумотлар:

— Мулкни баҳолаш акти ва тугатиш балансига мувофиқ фирманинг тугатиш балансида Устав капитали суммаси 32000000 сўм.

Талаб қилинади:

- тегишли ҳужжатлар ДМБҚ қайд қилиниши учун топширилсин;
- акция чиқариш рухсатномаси олинсин;
- акциялар белгиланган тартибда тарқатилсин ва сотилсин;

— тарқатилган ва сотилган акциялар ва улардан келган тушум тегишли счётларда акс эттирилсин;

2. «Тошкент қишлоқ хужалиги машиналари» бирлашмаси ДМБҚ қарорига мувофиқ 01.04.95 йилда акционерлик жамиятига айлантирди. Қарорда кўрсатилиши бўйича ушбу фирма II вариант бўйича АЖга айлантирилиши керак.

Маълумотлар:

— Мулкни баҳолаш акти ва тугатиш балансига мувофиқ фирманинг тугатиш балансида Устав капитали суммаси 965000000 сўм.

Талаб қилинади:

— бирлашмани АЖга айлантириш учун бажариладиган ишлар аниқлансин;

— тегишли ҳужжатлар ДМБҚ қайд қилиниши учун топширилсин;

— акция чиқариш рухсатномаси олинсин;

— акциялар белгиланган тартибда тарқатилсин ва сотилсин;

— тарқатилган ва сотилган акциялар ва улардан келган тушум тегишли счётларда акс эттирилсин;

3. «ТТЗ» ишлаб чиқариш бирлашмаси ДМБҚ қарорига мувофиқ 01.02.95 йилда акционерлик жамиятига айлантирди. Қарорда кўрсатилиши бўйича ушбу фирма III вариант бўйича АЖга айлантирилиши керак.

Маълумотлар:

◆ Мулкни баҳолаш акти ва тугатиш балансига мувофиқ фирманинг тугатиш балансида Устав капитали суммаси 890000000 сўм.

Талаб қилинади:

— бирлашмани АЖга айлантириш учун тайёргарлик кўрилсин;

— тегишли ҳужжатлар ДМБҚ қайд қилиниши учун топширилсин;

— акциялар белгиланган тартибда тарқатилсин ва сотилсин;

— тарқатилган ва сотилган акциялар ва улардан келган тушум тегишли счётларда акс эттирилсин;

4. «Тошвин» комбинати акционерлик жамиятига айлантирилиши учун ДМБҚнинг қарори чиқарилди ва инвентаризация комиссияси комбинат мулкни рўйхатдан ўтказиб мулкни баҳолаш актини тузди

Мулки баҳолаш акти 01. 04. 1995 й

№	Курсаткичлар номи	суммаси минг сум
1.	Корхона балансининг активлари	15000000
	шундан:	
	— асосий воситалар (КК)	110300
	— номоддий активлар (КК)	1500
	— капитал қўйилмалар, аванслар ва ускуналар.	2700
	— узоқ муддатли капитал қўйилмалар	2800
	— захиралар ва харажатлар	190000
2.	Пул маблағлари ҳисоблашишдаги маблағлар ва бошқа активлар	140000
	Корхона активидан ҳисобдан чиқариладиган пассив моддалари суммалари	250000
	Шундан:	
	— махсус йўналишдаги фондлар	26000
	— хусусийлаштириш фондини ташкил қилишга йўналтириладиган фойда	24000
	— банкнинг кредитлари	45000
	— бошқа шахслардан олинган қарзлар	38000
	— кредиторлар билан ҳисоблашиш қарзлари	42000
	— заёмлар ва вақтинча жалб қилинган маблағлар манбаи	39000
	— келгуси давр сарфлари ва тўловлари	12000
	— келгуси давр даромадлари	14000
	— капитал қўйилмаларни молиялаштиришнинг ўз манбалари	10000

3.	Корхона мулкидан ҳисобдан чиқарилади шундан:	765000
	— давлат мулкида қолдириладиган объектлар қиймати	765000
	— устав капитали суммаси	485000

- ушбу маълумотларга асосан тугатиш баланси тузилсин;
- устав капитали яратилсин ва унга тегишли муомалалар бухгалтерия счётларида қайд қилинсин;
- комбинатнинг АЖ топшириш баланси тузилсин;
- чиқариладиган акцияларнинг умумий қиймати ва унга обуна тартиби белгилансин (2-вариант бўйича).

Давлат корхоналари хусусийлаштириш қилиниши натижалари куйидаги хўжалик муомалалари содир бўлди

№	Хўжалик муомалаларининг мазмуни	сумма
	Корхонани хусусийлаштириш қилиш натижасида тугатиш балансига асосан топшириш баланси тузиш учун куйидаги муомалалар амалга оширилди:	
1.	Корхона кўрган зарар резерв фонди ҳисобига қопланди	75000
2.	Корхона кўрган зарар суммасининг бир қисми корхона фойдасидан қопланди	80000
3.	Корхона кўрган зарарнинг бир қисми корхона фойдасидан қопланди	
4.	Резерв фондининг фойдаланилмаган қисми АЖнинг устав капиталига қўшилди	150000
5.	Тақсимланмаган фойда ҳисобидан хусусийлаштириш фонди ташкил қилинди	120000
6.	Махсус йўналишдаги фонд суммасининг бир қисми хусусийлаштириш фондига ўтказилди	70000

7.	Бюджетдан ажратилган мақсадли маблағлар устав капиталига ўтказилди	370000
8.	Бюджетдан ташқари фондлардан ажратилган мақсадли маблағлар корхонанинг устав капиталига ўтказилди	190000
9.	Хусусийлаштирилмайдиган мулкнинг қиймати АЖ ихтиёрида қолдирилди	1400000
10.	Тақсимланмаган фойда суммаси устав капиталини кўпайтиришга ўтказилди	320000
11.	Махсус йўналишдаги фондларнинг қолган маблағлари устав капиталини кўпайтиришга ўтказилди	470000
12.	Корхонанинг акциялари обуна бўйича тарқатилди	1800000
13.	Тарқатилган акцияларнинг номинал қиймати обуначилар қарзига олиб борилди	1800000
14.	Тарқатилган акцияларнинг номинал қийматидаги чегирма обуначилар қарзидан чегирилди	540000
15.	Мулкчилик фондига берилган акциялар сотилганлиги тўғрисида хабарнома олинди	340000
16.	Корхона ходимлари лимитдан ортиқча акциялар олдилар	450000
17.	Ходимлар лимитдан ортиқча олган акцияларнинг қийматини тўладилар	450000
18.	Акцияларни сотишдан тушган маблағлар мулкчилик фондига қарз сифатида ҳисобланди	450000
19.	Акцияларни сотиш бўйича мулкчилик фондига бўлган қарз тўланди	450000
20.	Акциялар бўйича қарзлар мулкчилик фондига тўлангандан кейин сотилган ҳисобланиб ҳисобдан чиқарилди	450000
21.	Юридик шахслар акция пакетининг қийматини тўладилар	740000

22.	Сотилган акцияларнинг сотиб олиш баҳоси номинал баҳосидан юқори	110000
23.	Сотилган акциялардан олинган даромад корхона фойдасига ўтказилди	110000
24.	Акциялар қийматининг бир қисми кейин туланадиган бўлганлиги учун ушбу сумма қарз сифатида қайд қилинди	85000
25.	Акциялар қиймати юзасидан гаров суммаси қўйилди	85000
26.	Акциялар учинчи шахсга сотилиши муносабати билан дебитор қарз ҳисобдан чиқарилди	180000
27.	Хусусийлаштириш қилинган объект аукционда сотилиши натижасида бошланғич баҳосига нисбатан сотиш баҳоси кам чиқди	240000
28.	Баҳолар ўртасидаги фарқнинг тегишли қисми жорий йилда ҳисобдан чиқарилди	24000
29.	АЖ узоқ муддатли ижарага мулк олди	500000
30.	Узоқ муддатли ижарага олинган мулкка эскириш ҳисобланди	50000
31.	Узоқ муддатли ижарага номоддий активлар олинди	240000
32.	Ишлаб чиқаришда фойдаланилмаётган номоддий активларга эскириш ҳисобланди	20000
33.	Ижарага моддий қийматликлар олинди	320000
34.	Ижарачи ижарадорларга мулк учун ижара ҳақи ҳисоблади	14000
35.	Ҳисобланган ижара ҳақи ижарадорга туланди	14000
36.	Ижарага олинган мулк бўйича ижарадорга тегишли фоиз ҳисобланди	3000
37.	Ҳисобланган ижара фоизлари ижарадорларга туланди	3000
38.	Ижарага олинган асосий воситалар қиймати ҳукумат қарори билан индексация қилинди	350000

39.	Ижарага олинган материал қийматликлар баҳоси ҳукумат қарори билан индексация қилинди	140000
40.	Моддий қийматликларнинг индексация суммаси тегишли счётларга олиб борилди	140000
41.	Индексация натижасида содир бўлган қарз суммаси жамғарма фондидан қопланди	490000
42.	Ижара корхонаси асосида ташкил бўлган АЖда ижара мажбуриятларининг қолдиқ суммасига устав капитали барпо қилинди	950000
43.	Ижара корхонаси асосида ташкил бўлган АЖда иқтисодий рағбатлантириш фонди қолдиғи ҳисобидан устав капитали кўпайтирилди	470000
44.	Ижара корхонаси асосида ташкил бўлган АЖда давлат фонди ҳисобидан капитал қўйилмалар учун олинган маблағ устав капиталига ўтказилди	600000
45.	Хусусийлаштирилмайдиган объект қийматига АЖнинг устав капитали суммаси камайди	350000
46.	Жисмоний шахслар корхона акциясига обуна бўлдилар	750000
47.	Юридик шахслар корхона акциясига обуна бўлдилар	1350000
48.	Жисмоний шахслар корхона акциялари қийматини туладилар	750000
49.	Юридик шахслар корхона акциялари қийматини туладилар	1350000
50.	Акциялар бўйича муддати келган қарзлар ҳисобланди	525000
51.	Акциялар бўйича муддати келган қарз суммалари акция эгалари томонидан туланди.	525000

МАВЗУНИ УЗЛАШТИРИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Корхона кўрган зарар резерв фонди ҳисобидан қопланди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 87 | КТ | 81 |
| б) ДТ | 86 | КТ | 80 |
| с) ДТ | 87 | КТ | 80 |
| д) ДТ | 86 | КТ | 87 |

2. Корхона кўрган зарарнинг бир қисми махсус фондлар ҳисобидан қопланди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 87 | КТ | 80 |
| б) ДТ | 80 | КТ | 87 |
| с) ДТ | 88 | КТ | 80 |
| д) ДТ | 86 | КТ | 80 |

3. Резерв фондининг фойдаланилмаган қисми устав капиталига қўшилди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 86 | КТ | 81 |
| б) ДТ | 86 | КТ | 80 |
| с) ДТ | 86 | КТ | 85 |
| д) ДТ | 86 | КТ | 80 |

4. Иқтисодий рағбатлантириш фондининг бир қисми ҳисобидан хусусийлаштириш фонди ташкил қилинди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 80 | КТ | 86 |
| б) ДТ | 81 | КТ | 86 |
| с) ДТ | 87 | КТ | 86 |
| д) ДТ | 86 | КТ | 87 |

5. Тарқатиладиган акцияларнинг номинал қиймати обуначилар қарзига олиб борилди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 73 | КТ | 96 |
| б) ДТ | 75 | КТ | 96 |
| с) ДТ | 63 | КТ | 96 |
| д) ДТ | 96 | КТ | 73 |

6. Акцияларни сотишдан тушган маблағлар мулкчилик фондига қарз сифатида ҳисобланди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 67 | КТ | 51 |
| б) ДТ | 75 | КТ | 96 |
| с) ДТ | 96 | КТ | 67 |
| д) ДТ | 96 | КТ | 75 |

7. Корхона кўрган зарар суммасининг бир қисми корхона фойдасидан қопланди.

а) Дт	80	Кт	46
б) Дт	80	Кт	29
с) Дт	80	Кт	81
д) Дт	80	Кт	86

8. Акциялар бўйича муддати келган қарзлар ҳисобланди.

а) Дт	75	Кт	96
б) Дт	73	Кт	96
с) Дт	63	Кт	96
д) Дт	96	Кт	51

9. Моддий қийматликларнинг индексация суммасини тегишли сўтларга олиб берилди.

а) Дт	10	Кт	80
б) Дт	88	Кт	97
с) Дт	86	Кт	97
д) Дт	10	Кт	86

10. Жисмоний шахслар корхона акциясига обуна бўлди.

а) Дт	75	Кт	96
б) Дт	70	Кт	96
с) Дт	73	Кт	96
д) Дт	96	Кт	51

11. Узоқ муддатли ижарага олинган мулкка эскириш ҳисобланди.

а) Дт	20	Кт	02
б) Дт	25	Кт	02
с) Дт	26	Кт	02
д) Дт	85	Кт	02

12. Акцияларни сотиш бўйича мулкчилик фондига бўлган қарз туланди.

а) Дт	67	Кт	51
б) Дт	67	Кт	55
с) Дт	73	Кт	67
д) Дт	67	Кт	52

13. Ижарага олинган материал қийматликлар баҳоси ҳукумат қарори билан индексация қилинди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 08 | КТ | 95 |
| б) ДТ | 06 | КТ | 95 |
| с) ДТ | 04 | КТ | 95 |
| д) ДТ | 86 | КТ | 95 |

14. Бюджетдан ташқари фондлардан ажратилган мақсадли маблағлар корхонанинг устав капиталига ўтказилди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 86 | КТ | 96 |
| б) ДТ | 87 | КТ | 96 |
| с) ДТ | 96 | КТ | 85 |
| д) ДТ | 88 | КТ | 85 |

15. Ходимлар лимитдан ортиқча олган акцияларнинг қийматини туладилар.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 70 | КТ | 73 |
| б) ДТ | 73 | КТ | 67 |
| с) ДТ | 73 | КТ | 96 |
| д) ДТ | 70 | КТ | 51 |

16. Акциялар бўйича муддати келган қарз суммалари акциялар эгалари томонидан туланди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 96 | КТ | 51 |
| б) ДТ | 73 | КТ | 51 |
| с) ДТ | 51 | КТ | 73 |
| д) ДТ | 51 | КТ | 75 |

17. Ижара корхонаси асосида ташкил бўлган АЖда иқтисодий рағбатлантириш фонди қолдиғи ҳисобидан устав капитали кўпайтирилди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 87 | КТ | 85 |
| б) ДТ | 85 | КТ | 87 |
| с) ДТ | 86 | КТ | 85 |
| д) ДТ | 88 | КТ | 85 |

18. Баҳолар ўртасидаги фарқнинг тегишли қисми жорий йилда ҳисобдан чиқарилди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 51 | КТ | 04 |
| б) ДТ | 25 | КТ | 04 |
| с) ДТ | 20 | КТ | 04 |
| д) ДТ | 26 | КТ | 04 |

19. Ижарачи ижарадорга мулк учун ижара ҳақи ҳисоблади.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 96 | КТ | 67 |
| б) ДТ | 97 | КТ | 67 |
| с) ДТ | 95 | КТ | 67 |
| д) ДТ | 67 | КТ | 51 |

20. Сотилган акцияларнинг сотиб олиш баҳоси номинал баҳосидан юқори.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 73 | КТ | 80 |
| б) ДТ | 75 | КТ | 80 |
| с) ДТ | 73 | КТ | 83 |
| д) ДТ | 75 | КТ | 81 |

21. Мулкчилик фондига берилган акциялар сотилганлиги туғрисида хабарнома олинди.

- | | | | |
|-------|------|----|------|
| а) ДТ | 85/3 | КТ | 96 |
| б) ДТ | 85/1 | КТ | 87 |
| с) ДТ | 85/1 | КТ | 85/3 |
| д) ДТ | 85 | КТ | 86 |

22. Бюджетдан ажратилган мақсадли маблағлар корхонанинг устав капиталига ўтказилди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 96 | КТ | 85 |
| б) ДТ | 87 | КТ | 85 |
| с) ДТ | 88 | КТ | 85 |
| д) ДТ | 51 | КТ | 85 |

23. Тақсимланмаган фойда суммаси устав капиталини кўпайтиришга ўтказилди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 80 | КТ | 85 |
| б) ДТ | 81 | КТ | 85 |
| с) ДТ | 87 | КТ | 85 |
| д) ДТ | 96 | КТ | 85 |

24. Юридик шахслар корхона акциялари қийматини туладилар.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 51 | КТ | 75 |
| б) ДТ | 51 | КТ | 73 |
| с) ДТ | 67 | КТ | 51 |
| д) ДТ | 51 | КТ | 04 |

25. Жисмоний шахслар корхона акциялари қиймати-ни туладилар.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 96 | КТ | 73 |
| б) ДТ | 51 | КТ | 73 |
| с) ДТ | 51 | КТ | 75 |
| д) ДТ | 51 | КТ | 96 |

26. Индексация натижасида содир бўлган қарз суммаси жамғарма фондидан қопланди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 04 | КТ | 87 |
| б) ДТ | 87 | КТ | 04 |
| с) ДТ | 87 | КТ | 01 |
| д) ДТ | 20 | КТ | 87 |

27. Ижара корхонаси асосида ташкил қилинган АЖда давлат фонди ҳисобидан капитал қўйилмалар учун олинган маблағ устав капиталига ўтказилди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 96 | КТ | 85 |
| б) ДТ | 08 | КТ | 85 |
| с) ДТ | 95 | КТ | 85 |
| д) ДТ | 97 | КТ | 85 |

28. Хусусийлаштирилмайдиган объект қийматига АЖнинг устав капитали суммаси камайди.

- | | | | |
|-------|------|----|------|
| а) ДТ | 85/4 | КТ | 85/2 |
| б) ДТ | 85/4 | КТ | 85/1 |
| с) ДТ | 85/3 | КТ | 85/2 |
| д) ДТ | 85/4 | КТ | 85/3 |

29. Ижара корхонаси асосида ташкил қилинган АЖда ижара мажбуриятларининг қолдиқ суммасига устав капиталига қабул қилинди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 95 | КТ | 85 |
| б) ДТ | 97 | КТ | 85 |
| с) ДТ | 67 | КТ | 85 |
| д) ДТ | 96 | КТ | 85 |

30. Ижарага олинган асосий воситаларнинг қиймати ҳукумат қарори билан индексация қилинди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) Дт | 87 | Кт | 96 |
| б) Дт | 86 | Кт | 97 |
| с) Дт | 88 | Кт | 97 |
| д) Дт | 87 | Кт | 97 |

31. Акциялар буйича қарзлар мулкчилик фондига тулангандан кейин сотилган ҳисобланиб ҳисобдан чиқарилди.

- | | | | |
|-------|------|----|------|
| а) Дт | 85/2 | Кт | 85/1 |
| б) Дт | 85/3 | Кт | 85/1 |
| с) Дт | 85/2 | Кт | 85/3 |
| д) Дт | 85/1 | Кт | 85/3 |

32. Ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган номоддий активларга эскириш ҳисобланади.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) Дт | 20 | Кт | 04 |
| б) Дт | 25 | Кт | 04 |
| с) Дт | 26 | Кт | 04 |
| д) Дт | 20 | Кт | 02 |

33. Ижарага олинган мулк буйича ижарадорга тегишли фоиз ҳисобланди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) Дт | 67 | Кт | 51 |
| б) Дт | 81 | Кт | 67 |
| с) Дт | 80 | Кт | 67 |
| д) Дт | 96 | Кт | 67 |

34. Тарқатилган акцияларнинг номинал қиймати обуначилар қарзидан чегирилди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) Дт | 70 | Кт | 73 |
| б) Дт | 70 | Кт | 51 |
| с) Дт | 51 | Кт | 73 |
| д) Дт | 50 | Кт | 73 |

35. Корхона ходимлари лимитидан ортиқча акциялар олдилар.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) Дт | 73 | Кт | 96 |
| б) Дт | 75 | Кт | 96 |
| с) Дт | 73 | Кт | 97 |
| д) Дт | 73 | Кт | 95 |

36. Тақсимланмаган фойда ҳисобидан хусусийлаштириш фонди ташкил қилинди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 81 | КТ | 86 |
| б) ДТ | 80 | КТ | 86 |
| с) ДТ | 81 | КТ | 87 |
| д) ДТ | 81 | КТ | 96 |

37. Махсус йўналишдаги фондлардан келган маблағлар устав капиталини купайтиришга ўтказилди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 96 | КТ | 85 |
| б) ДТ | 87 | КТ | 85 |
| с) ДТ | 88 | КТ | 85 |
| д) ДТ | 51 | КТ | 85 |

38. Корхона акциялари обуна бўйича тарқатилди.

- | | | | |
|-------|------|----|------|
| а) ДТ | 85/1 | КТ | 85/3 |
| б) ДТ | 85 | КТ | 85 |
| с) ДТ | 85/3 | КТ | 85/1 |
| д) ДТ | 85/2 | КТ | 85/3 |

39. АЖ узоқ муддатли ижарага мулк олди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 03 | КТ | 97 |
| б) ДТ | 04 | КТ | 97 |
| с) ДТ | 08 | КТ | 97 |
| д) ДТ | 01 | КТ | 97 |

40. Хусусийлаштирилмайдиган мулкнинг қиймати АЖ ихтиёрида қолдирилди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 01 | ДТ | 08 |
| б) ДТ | 01 | КТ | 97 |
| с) ДТ | 97 | КТ | 85 |
| д) ДТ | 51 | КТ | 85 |

41. Юридик шахслар акция пакетининг қийматини туладилар.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 51 | КТ | 75 |
| б) ДТ | 51 | КТ | 73 |
| с) ДТ | 50 | КТ | 75 |
| д) ДТ | 75 | КТ | 96 |

42. Сотилган акциялардан олинган даромад корхона фойдасига ўтказилди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 83 | КТ | 80 |
| б) ДТ | 81 | КТ | 80 |
| с) ДТ | 80 | КТ | 80 |
| д) ДТ | 51 | КТ | 80 |

43. Ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган номоддий активларга эскириш ҳисобланди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 04 | КТ | 02 |
| б) ДТ | 20 | КТ | 02 |
| с) ДТ | 25 | КТ | 02 |
| д) ДТ | 26 | КТ | 02 |

44. Акциялар қиймати юзасидан гаров суммаси қўйилди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 51 | КТ | 75 |
| б) ДТ | 51 | КТ | 73 |
| с) ДТ | 55 | КТ | 73 |
| д) ДТ | 52 | КТ | 75 |

45. Узоқ муддатли ижарага олинган мулкка эскириш ҳисобланди.

- | | |
|-------|-----|
| а) 20 | 02 |
| б) 25 | 02 |
| с) 26 | 02 |
| д) 01 | 02. |

46. Акциялар қийматининг бир қисми кейин туланган бўлганлиги учун ушбу сумма қарз сифатида қайд қилинди.

- | | | | |
|-------|----|----|-----|
| а) ДТ | 73 | КТ | 96 |
| б) ДТ | 75 | КТ | 96 |
| с) ДТ | 75 | КТ | 76 |
| д) ДТ | 73 | КТ | 76. |

47. Акциялар учинчи шахсга сотилиши муносабати билан дебитор қарз ҳисобдан чиқарилди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 75 | КТ | 76 |
| б) ДТ | 73 | КТ | 76 |
| с) ДТ | 51 | КТ | 73 |
| д) ДТ | 52 | КТ | 75 |

48. Ҳисобланган ижара ҳақи ижарадорга туланди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 67 | КТ | 51 |
| б) ДТ | 97 | КТ | 52 |
| с) ДТ | 95 | КТ | 51 |
| д) ДТ | 60 | КТ | 97 |

49. Ҳисобланган ижара ҳақи ижарадорга туланди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 67 | КТ | 51 |
| б) ДТ | 97 | КТ | 51 |
| с) ДТ | 95 | КТ | 51 |
| д) ДТ | 60 | КТ | 51 |

50. Хусусийлаштирилган объект аукционда сотилиши натижасида бошланғич баҳосига нисбатан сотиш баҳоси кам чиқди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 85 | КТ | 08 |
| б) ДТ | 85 | КТ | 04 |
| с) ДТ | 80 | КТ | 47 |
| д) ДТ | 80 | КТ | 85 |

ЎН БИРИНЧИ МАВЗУ

ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ ВА СОЛИҚ МУАССАСАЛАРИ БИЛАН ҲИСОБЛАШИШ

ШАХСЛАР ФОЙДАСИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ

Ўзбекистон Республикасида жойлашган ва фаолият кўрсатаётган ҳар бир корхона ва бошқа юридик шахслар мулкчилик шаклидан қатъи назар фойдадан солиқ тўлайди. Фойда ҳисобидан солиқ ҳисоблаш ва уни тўлаш тартиблари Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси», «Ўзбекистон Республикасида солиқларнинг рағбатлантириш ролини кучайтиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Республикамиз Президентининг Фармониغا асосан Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 123/170 — «Корхона ва ташкилотларнинг фойдасидан солиқ ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тўғрисидаги кўрсатмаси»га амал қилган ҳолда олиб борилади.

Ушбу Қонун, Фармон ва кўрсатмаларга асосан қуйидаги корхона ташкилот ва бошқа юридик шахслар фойдадан солиқ тўлашдан озод қилинади:

- хориж инвестициясида ташкил қилинган корхоналар;
- чет эл юридик шахслари (чет эл давлатининг қонунига мувофиқ ташкил қилинган ва фаолиятини мамлакатимизда жойлашган ваколатхонаси орқали амалга ошираётган компания, фирма ва бошқа ташкилотлар);
- деҳқон (фермер) хўжалиги;
- хусусий корхоналар;
- савдо корхоналари;
- банк муассасалари;
- муҳофаза ташкилотлари ва компаниялари ва ҳакозалар.

Қуйидаги корхоналар, ташкилот ва муассасалар мулк шаклидан қатъий назар фойдадан солиқ тўлайдилар:

- юридик шахс ҳисобланган, Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтган корхона, бирлашма, ташкилот-

лар (бюджет ташкилотлари ҳам). Бюджет ташкилотларига асосий фаолияти тўлиқ ёки қисман даромад ва сарфлар сметаси бюджет маблағлари билан молиялаштириладиган муассасалар киряди;

- ушбу корхона, бирлашма ва ташкилот қарамоғидаги юридик шахслар ҳисобланмаган, лекин мустақил баланси ва банк муассасаларида ҳисоблашиш счёти бўлган филиаллар, ваколатхоналар ва бошқа шунга ўхшаш бўлинмалар.

Хар йили Молия вазирлиги тамонидан тасдиқланган тармоқ ва бирлашма корхоналари билан солиқлар бўйича бюджет билан ҳисоблашиш марказлаштирилган тартибда амалга оширилади.

Солиққа тортиш объекти корхона, бирлашма ва ташкилотларнинг ялпи даромади фойдаси ҳисобланади. У қуйидагилардан ташкил топган:

- маҳсулот, иш ва хизматларни, асосий фондларни, номоддий активларни, хом-ашё ва материалларни сотиш, сотишдан ташқари муомалалардан тушган дароматлар (сарфланган харажатларни чиқариб ташлаган ҳолда);
- маҳсулот, иш ва хизматларни сотишдан олинган тушумлар (ҚҚС ва акциз солиғи қўшилмаган ҳолда)дан маҳсулот, иш ва хизматларнинг таннархига қўшиладиган ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари чегирилган ҳолда, экспорт маҳсулотлари бўйича эса тушумдан божхона йиғимлари ва тўловлари суммаси чегирилган ҳолда;
- асосий фондларни ва корхонанинг бошқа мулкларини сотганда асосий фондлар, номоддий активлар ва кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларнинг қолдиқ қиймати билан сотиш баҳосининг ошиқча фарқи солиққа тортилади. Агарда бу муомаладан корхона зарар кўрса ушбу сумма корхонада қолдирилган фойда суммасидан қопланади;
- маҳсулотларни бартер усулида ва таннархга тенг баҳода сотадиган корхоналарга эса ушбу маҳсулотларга ўхшаш маҳсулотларнинг бозор (товар биржалари) баҳолари қўлланилиб тушум шу баҳоларда ҳисобланади ва фарқ суммаси (фойда) солиққа тортилади;
- реализациядан ташқари муомалалардан тушган даромад (сарф)ларга қуйидагилар киряди:

- а) бошқа корхоналар фаолиятига қўшган улуши бўйича келган даромадлар;
- б) мулкларни ижарага беришдан тушган даромадлар;
- в) акция, облигация ва қимматбаҳо қоғозлар бўйича тушган даромадлар;
- д) маҳсулот, иш ва хизматларни ишлаб чиқиш ва сотиш билан боғлиқ бўлмаган муомалалардан олинган даромад (сарф)лар;
- е) жазолар қўллаш натижасида ва зарарларни қоплаш учун олинган ва тўланган суммалар;
- ж) бошқа корхоналардан эҳсон сифатида олинган маблағлар (давлат бюджети ва таъсисчилар томонидан эҳсон сифатида берилган ва устав капиталига қўшилган мулклардан ташқари).

— корхоналарнинг чет эл валютасида олган даромадлари миллий сўмда олган даромадлари қўшилган ҳолда солиққа тортилади. Хориж валюта курси Марказий Банк томонидан валюта счётига кириш қилинган ёки кассага қабул қилинган вақтдан ҳисобланади;

— солиққа тортишдан аввал ялпи фойда суммасидан бошқа корхоналарга қўшган улушидан олинган даромадлар, акция, облигация ва солиқ қимматбаҳо қоғозлар бўйича тушган дивидент ва фоизлар суммаси чегирилиб қолган суммадан солиқ олинади. Юқоридаги қайд қилинган даромадлар эса айрим солиққа тортилади.

Корхоналар кўп тармоқли ва хилма-хил фаолият кўрсатса ҳар бир фаолияти бўйича айрим ҳисоб олиб борилиши ва ушбу фаолияти бўйича фойда суммаси ҳисобланиб солиққа тортилиши лозим. Агарда айрим ҳолда ҳисоб юритилмаса корхонанинг солиқ тармоқларига ҳам ушбу корхонага ўрнатилган солиқнинг юқори даражаси қўлланилади.

Умумишлабчиқариш ва умумҳужалик харажатлари тармоқлар фаолиятидан олинган тушумларга мутаносиб равишда тақсим қилинади.

Бюджет муассасалари ва солиқ нокоммерция ташкилотлар (жамоат ташкилотлари ва фондлар, диний бирлашмалар ва бошқалар) ишбилармонлик фаолиятини юритиб даромад олсалар ушбу даромадларидан солиқ тўлайдилар.

Хайрия ва эҳсон қилинган суммалардан солиқ олинмайди. Корхона, фирма, АЖ ва ташкилотлар ҳисобланган ялпи фойда суммасининг 33,5%ни солиқ сифатида давлатга тўлайдилар.

Қуйидаги ҳолларда солиқ даражаси камайтирилади:

а) ўтган йилнинг шу кварталига нисбатан ортиқча ишлаб чиқарилаган маҳсулот хажмининг ҳар бир фоизига 0.3% солиқ суммаси камайтирилади (даллол воситачи фирмалар бундан мустасно)

Мисол: АЖ ўтган йил II кварталда 15 млн сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган. Жорий йилнинг II кварталда эса 15750 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Натижада маҳсулот ишлаб чиқариш 750 минг сўмга ўсди ва 5%ни ташкил қилди: — ўсиш суммаси $15750000 - 15000000 = 750000$ сўм.

Фоизи

$$\frac{((15750000 - 15000000) * 100\%)}{15000000} = (750000 * 100\%) / 15000000 = 5\%$$

$$- \text{солиқ суммасининг имтиёзи} = 5\% * 0.3\% = 1,5\%$$

$$- \text{ўрнатиладиган солиқ даражаси} = 35\% - 1.5\% = 33.5\%$$

— АЖда ўтган йили ушбу кварталда 4,5 млн фойда олган, жорий йилда эса 5,0 млн сўм фойда олган.

$$- \text{ўтган йилда тўланган солиқ суммаси} = 1575000 \text{ сўм} = (4500000 * 35\%) / 100;$$

$$- \text{жорий йилда тўланган солиқ суммаси} = 1675000 \text{ сўм} = (5000000 * 35,5\%) / 100$$

жорий йилда қўшимча олган 500000 сўмдан фақат 100000 сўм солиқ, яъни 20% солиқ тўлаган ва 18% = 90000 сўм корхона ҳисобига қолдирилган.

б) ишлаб чиқаришни ривожлантириш, реконструкция қилиш ва техника билан жиҳозлашга фойдасининг 30—50%ни сарфласа солиқ миқдори 5%га камайтирилади:

Мисол: АЖда ҳисобот йилида капитал қўйилма учун 38000000 сўм сарфлади, ялпи фойда эса 12250000 сўмни ташкил қилди яъни фойданинг 31% = $((38000000 * 100\%) / 12250000)$ капитал қўйилма учун сарфланди. Натижада корхонадан фойда суммасидан олинadиган солиқ суммаси 30%ни (35%—5%) ташкил қилади, демак йилнинг охиридаги баланс фойда суммасининг 30% и солиқ сифатида олинади.

Корхона олган ялпи (баланс) фойдаси суммасидан олинadиган солиқ миқдорини аниқлаш:

Мисол: йил охирида корхонанинг хўжалик фаолияти курсаткичлари қуйидагича:

- маҳсулот ишлаб чиқарилди — 46000000 сўм;
- ўтган йилда ишлаб чиқарилган маҳсулот — 40000000 сўм;
- олдинги йилга нисбатан маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши. %+ -15%;
- жорий йилда олинган ялпи фойда — 12250000 сўм;
- ўтган йил олинган фойда — 10000000 сўм;
- жорий йилда сарфланган капитал қўйилма маблағлари солиқда — 2500000 сўм, фоизда 25%;
- ўтган йилда олинган солиқ — сўмда — 3800000, фоизда — 35%
- жорий йилда олинган солиқ — сўмда — 3491250, фоизда — 25,5% яъни, маҳсулот ўсишига $4,5\% = (15 \cdot 0,3)$, капитал қўйилма учун — 5% ўтган йилга нисбатан ишлаб чиқариш 15%га ва олинган фойда 22,5% га ўсишига қарамасдан корхона тўлаган солиқ суммаси ўтган йилга қараганда кам тўланди:
- маҳсулот ҳажми ўсиши натижасида $(12250000 \cdot 4,5) = 551250$ сўм;
- капитал қўйилмаларнинг ўсиши натижасида $(12250000 \cdot 5,0) = 612500$ сўм;
- жами 1163750 сўм.

в) монополист корхоналар учун рентабеллик даражасининг оширилган ҳар бир фоизига 0,5%га солиқ суммаси оширилади. Ушбу корхонанинг рентабеллик даражаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

Мисол: «Тошкент қишлоқ хўжалиги машиналари» АЖ пахта териш машиналарини ишлаб чиқарадиган ягона (монополист) корхона ҳисобланади. Ушбу корхонага Молия вазирлиги томонидан рентабеллик даражаси 30% белгиланган. Ушбу корхонанинг хўжалик фаолияти курсаткичлари қуйидагича:

- ялпи маҳсулот — 1500000000 сўм
- ялпи фойда сўмда — 600000000, фоизда — 40%
- ялпи фойдадан тўланадиган солиқлар:

оддий солиқ:	сумда	— 210000000
	фоизда	— 35%
қўшимча солиқ:	сумда	— 30000000.
	фоизда	— $\{(40-30)*0,5\}-5\%$

яъни олинган 60000000 сумнинг тенг ярми солиққа тортилди.

Жами: 258000000 сум.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, монополист корхоналарнинг рентабеллигини оширишдан олган қўшимча фойда суммасининг ҳаммасини давлатга солиқ сифатида олиниши ва уларга қўшимча иқтисодий жазо берилиши мақсадга мувофиқдир.

Ялпи фойда солигидан озод қилиш ва бошқа имтиёзлар тегишли қонунлар, фармонлар ва кўрсатмаларда батафсил келтирилган.

СОЛИҚ БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАР

1. Фойдадан солиқ тўлашдан қуйидаги шахслар озод қилинади:

- ходимларининг 50% ва ундан ортиғи ногирон бўлган корхоналар
- ходимларининг 75% ва ундан ортиғи ўрта мактаб ва билим юртларининг ўқувчилари бўлган корхоналар;
- протез-ортопедия маҳсулотлари ва ногиронларга протез хизматлари кўрсатадиган корхоналар;
- тарихий ва маданий ёдгорликларни тиклаш ва таъмирлашдан олинган фойда суммаси;
- даволаш муассасалари қошидаги даволаш ишлаб чиқариш устахоналари қайд қилинган ногиронларнинг ташкилотлари, уларнинг муассасалари, бирлашма ва корхоналари;

— Қизил Ярим ой, Уруш ва меҳнат фахрийлари жамиятлари, Ўзбекистон хотин-қизлари қўмитаси, «Орол», «Навруз», «Экосан» фондлари ва ҳоказолар;

— Олий, ўрта ва касб ҳунар ўргатадиган билим юртлари қошида ёшлар ва касаба уюшмаси томонидан ташкил қилинган корхоналарнинг талабалари ва ўқувчиларининг шароитини яхшилашга қаратилган фойда суммаси;

- қурилиш, кенгайтириш, меҳмонхоналар қуриш, кўкаламзорлаштириш ва фойдаланиш сарфлари-

ни қоплаш учун сарфланган деҳқон бозорларининг фойдаси;

- шаҳар йўловчи транспорти (таксидан ташқари)-нинг фойдаси;
- босма нашриёт маҳсулотларини аҳолига тарқатишдан олинган фойда;
- умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини таъмирлаш ва уларни асраш бўйича тушган фойда;
- уруш ва меҳнат фахрийларининг корхона ва ташкилотлари, агарда уларда ишлаётган нафақахўрлар 50%дан кам бўлмаса;
- меҳнат тарбия муассасаларининг корхоналари ва бошқалар (тегишли курсатмага қаралсин).

2. Қуйидаги фаолиятлардан олинган фойда вақтинча солиққа тортилмайди:

— патент эгалари ушбу патентларни ўзининг ишлаб чиқаришда фойдалансалар — патентларга лицензия сотишдан; фойдаланиш муддатига қараб:

- а) патент бўйича материаллар — 5 йилгача,
- б) патент олди ихтироси — 3 йилгача;
- в) патент олди ихтироларининг саноат намуналари — 2 йилгача;
- г) гувоҳномалар бўйича фойдали моделлар — 2 йилгача.

— саноат мулки бўлган объектлардан фойдаланиш лицензиясини олган шахслар:

- 1) патент ихтиролари — 5 йилгача;
- 2) патент олди ихтироси — 5 йилгача;
- 3) патент бўйича саноат намуналари — 3 йилгача;
- 4) патент олди саноат намуналари — 2 йилгача;
- 5) гувоҳнома бўйича фойдали моделлар — 2 йилгача;
- 6) товар ёки хизмат курсатиш белгиси — 1 йилгача;

— янги ташкил қилинган (биржалар, тайёрлов, улгуржи, таъминот ва сотиш воситачи ва савдо-коммерция корхоналаридан ташқари) корхоналар қайд қилинган вақтидан бошлаб бир йилда 25% ва икки йилда 50% солиқ тулайдилар. Агарда уч йил ичида ушбу корхоналар тугатилса олдинги йиллар учун ҳам 100% солиқ тулайдилар.

Мисол: Янги ташкил қилинган корхонанинг хўжалик фаолиятининг асосий курсаткичлари қуйидагича:

- корхона 01.01.95 йилда ташкил қилинган;
- 1995 йилда олинган ялпи фойда — 3,5 млн сўм;

- 1996 йилда олинган ялпи фойда — 5,0 млн сўм;
 - 1995 йилда тўланган солиқ — $\{(3,5*35)/100\}/4$
— 332500 сўм;
 - 1996 йилда тўланган солиқ — $\{(5,0*35)/100\}/2$
— 950000 сўм;
 - Корхона 1997 йил 1-октябрда тугатилган ялпи фойда суммаси — 1000000
 - 1997 йил тўланадиган солиқ — 380000 сўм;
 - 1995 йил учун қўшимча солиқ $\{(3,5*38\%)/100\}$ —
— 332500=997500 сўм;
 - 1996 йил учун солиқ $\{(5,0*38\%)/100\}$ — 950000 =
= 950000 сўм;
- Жами солиқ суммаси 2367500 сўм.

Агарда корхона 01.01.98 йилда тугатилганда 1947500 сўм суммасидан озод бўлар эди.

Корхонанинг экспорт қилинадиган маҳсулот, иш ва хизматлари ялпи маҳсулотнинг 30%ни ташкил қилса (валютада) солиқ суммаси 2 баробар камаяди.

Мисол: «В. Чкалов номидаги Тошкент Авиация ишлаб чиқариш» АЖ хўжалик фаолиятининг асосий кўрсаткичлари қуйидагича:

- ялпи маҳсулот 600 млрд. сўм;
- шундан четга валютага сотилган маҳсулот 210 млрд. сўм;
- олинган ялпи фойда 15 млрд. сўм;
- ҳисобланган солиқ суммаси $[(15 \text{ млрд} * 35)2]/100$
2625 млн. сўм;
- оддий солиқ ҳисобланганда, яъни экспорт маҳсулоти <30% ташкил этганда <18 млрд. сўмгача $(15 \text{ млрд} * 35)/100$ 5250 млн. сўм.

АЖ экспорт маҳсулотини бизнинг мисолимизда 3 млрд. сўмга кўпайтириб 2625 млн сўмни корхонанинг соф фойдасига қўшган.

Корхона фойдасининг солиққа тортиладиган суммаси қуйидаги ҳолларда камаяди:

- маҳаллий ҳукумат томонидан тасдиқланган ва корхона балансида турган ва ўз улуши билан

қатнашаётган соғлиқни сақлаш объектлари, қариялар ва ногиронлар уйи, болалар муассасалари, болаларнинг дам олиш уйлари, маданият, спорт объектлари, халқ таълими муассасалари, уй-жой фондига сарфланган харажатлар миқдориغا;

- солиққа тортиладиган фойданинг 1% гача экология, соғломлаштириш ва хайрия фондларига бадал суммаларига;
- диний ва жамоат ташкилотларининг (профсоюз ва партия ташкилотларидан ташқари) устав капиталини ташкил қилиш учун ажратма суммасига;
- корхона ташкилотларнинг уй-жой ва маданий маиший қурилишига йўналтирилган фойда суммасидан 50% солиқ олинади;
- табиатни қуриқлаш тadbирларига ажратилган суммадан 30% солиқ олинади;
- болалар, ўқув, техникавий ва илмий адабиётлар чиқаришдан олинган фойдадан 20% солиқ олинади.

Фойдадан солиқ олиш тартиблари ва бериладиган имтиёзлар Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджетини тасдиқлаётган вақтда Олий Мажлис томонидан ўзгартирилиши мумкин. Фойда ҳисобидан солиқни тўловчилар ҳар ойнинг 10 ва 25 кунларигача квартал тўловининг 1/6 қисмини аванс сифатида тўлаб борадилар. Солиқ тўловчилар белгиланган муддатда солиқ муассасаларига бухгалтерия ҳисоботи, баланс ва фойда ҳисобидан солиқ суммаси ҳисобланган шаклни топширадилар.

Солиқ тўловчилар ойлик ва кварталлик ҳисоботларни тасдиқланган кундан бошлаб 5 кун ва йиллик ҳисоботни тасдиқланган кундан 10 кун ичида ҳисобланган солиқ суммасини тўлашлари лозим.

Агарда солиқ назоратчилари томонидан ҳисоблашишда фарқ суммаси топилса ушбу сумма 5 кун ичида тўланиши керак, агарда ушбу муддатда улгурмаса жарима тўлайдилар.

Корхона томонидан солиқ бўйича тўлов топшириғи ҳисоблашиш счётининг ҳолатидан қатъий назар банк томонидан биринчи навбатда бажарилади.

Агарда тўловчилар ўз вақтида солиқ суммасини бюджетга тўламасалар кечиктирилган ҳар бир кунига 0,2% жарима суммаси тўлайдилар.

Мисол: Корхона 10.04.97 й гача бюджетга фойда солиги бўйича 50000 сўм тўлаши лозим. Лекин ушбу суммани 15.05.97 йил тўлади. Тўланган сумма 50500 сўм, яъни 50000 сўм солиқ ва 500 сўм $(50000 \cdot (0,2 \cdot 5)) = (50000 \cdot 1\%)$ жарима суммаси дебет 68 ва кредит 51.

2-илова

Давлат солиқ назоратига	Солиқ назоратининг белгиси
«Малика» АЖ	олинди _____

1997 йил III кварталда кутилаётган фойда суммасидан солиқнинг аванс бадалини тўлаш тўғрисида

М А Ё Л У М О Т

«Малика» акционерлик жамияти

Минг сўм

№ *Курсаткичлар номи*

1. Кварталда кутилаётган фойда миқдори (минг сўм)
2. Солиқ даражаси %
3. Тўланадиган солиқ суммаси — сўм

Корхона раҳбари

ИМЗОСИ

Бош бухгалтер

ИМЗОСИ

3-илова

Давлат солиқ назоратига
«Малика» АЖ

Солиқ назоратининг белгиси
олинди _____

1997 йил III квартал учун фойда олинган

Ҳ И С О Б Л А Ш

№	Курсаткичлар	Минг сўм	
		Қатор	Сумма
1.	Фойда солиғини тулашгача молиявий натижа	010	
2.	Солиққа тортиладиган ҳажмига қўшилладиган сарфлар	020	
	(даромад солиғи тулайдиган корхоналар томонидан тулғазилади)	030	
3.	Солиққа тортиладиган ҳажмдан чегирилмайдиган сарфлар (26/4 счёта ҳисобга олинладиган сарфлар).	040	
	Солиққа тортиладиган ҳажмдан чегириладиган олдин сарфланган харажатлар (001 счёта буйича махсус ҳисоблашиш).	050	
	Солиққа тортиладиган ҳажмга қўшилиши керак бўлган харажатлар (040—050)	060	
4.	Девидентлар ва улуши буйича олинган харажатлар	070	
5.	Солиққа тортиладиган ҳажм (010 + 020 + 030 + 060 — 070)	080	
6.	Берилган имтиёзларга асосан солиққа тортиш миқдорининг камайиши (далолатнома илова қилинади)	090	
7.	Солиққа тортиладиган фойда (даромад) (080—090)	100	
8.	Фойда солиғининг даражаси %	110	
9.	Тартибга туширилган фойда (даромад) солиғининг даражаси — %	120	
10.	Бюджетга туланадиган фойда (даромад) солиғининг суммаси — $\{100 \cdot 120\} / 100\%$	130	
11.	Девидентлар буйича солиқ даражаси	140	15%
12.	Олинган даромадлар буйича солиқ суммаси $(070 \cdot 15\%) / 100$	150	

13. Бюджетга ҳисобланадиган солиқ сум- маси (130+150)	160
14. Бюджетга ҳисобланган	170
15. Белгиланган муддатда солиқ ҳисоблаш учун	180
16. Ҳисобланган солиқни камайтириш учун	190

Корхона раҳбари

Олинди

ИМЗО

ИМЗО

сана

Бош бухгалтер

ИМЗО

ДАРОМАДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ

1. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига асосан киритилган ўзгартиришларга мувофиқ Ўзбекистон Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан ишлаб чиқарилган Кўрсатмага мувофиқ қуйидаги юридик шахслар солиқ тўловчилар қаторига киритилади:

а) мулкчилик шаклидан қатъи назар юридик шахс бўлган корхона, бирлашма ва ташкилотлар бундан ташқари юридик шахс бўлмаган, лекин мустақил баланси бўлган ва банк муассасаларида ҳисоблашиш счёти бўлган корхона, бирлашма, ва ташкилотларнинг филиаллари, бўлимлари ва ваколатхоналари. (Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хориж инвестициясида ташкил қилинган корхоналар ва фаолияти бўйича даромад олаётган хориж юридик шахслари учун айрим-айрим кўрсатма ишлаб чиқилган);

б) ҳужалик ҳисобида бўлмаган ташкилотлар, лекин ҳужалик (тижорат) фаолиятидан даромад олаётган ташкилотлар (бюджет маблағи билан таъминланадиган илмий тадқиқот ташкилотларидан ташқари);

в) ҳужалик (тижорат) фаолиятини амалга ошираётган халқаро нодавлат ташкилот ва бирлашмалар;

г) банклар, муҳофаза қилиш муассасалари.

2. Солиқ тўловчиларнинг махсус даражаси (категорияси) Давлат бюджети тасдиқланаётганда Олий Мажлис томонидан тасдиқланади.

3. Ўзбекистон темир йўллари, Ўзбекистон ҳаво йўллари, Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги, Ўздав-кафолат корхоналари билан солиқ бўйича ҳисоблашиш марказлаштирилган тартибда амалга оширилади.

4. Корхонада солиққа тортиладиган объект унинг ялпи даромадидир. Бу даромад маҳсулот, иш ва хизматни сотишдан олинган тушум + моддий қийматликларни сотишдан келган тушум + номоддий қийматликларни сотишдан келган тушум + сотишдан ташқари муомалаларнинг натижаларининг йиғиндисидан иборат бўлади.

Агарда тайёр маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар бўйича ҳисоблашиш ҳужжати истеъмолчига ва банкка топширилса улар сотилган ҳисобланади.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, таъминот-сотиш, тайёрлов корхоналарида товарларнинг кўрсатилган ва сотилган қийматлари ўртасидаги фарқ солиққа тортилади.

Воситачи (даллол) корхоналардан олинган хизмат ҳақи суммасидан солиқ олинади.

Биржалардан олинган солиқ суммасини ҳисоблашда уларнинг олган суммасидан хизмат ҳақи + брокер ўрнини сотишдан тушган + савдода қатнашиш учун тўлов + хизмат кўрсатиш тушумлари суммаси йиғилиб солиққа тортилади.

Мулкларни ижарага топшириш тушумдан олинган жарималар, облигация даромадлари, берилган қарз фоизлари ва бошқа тушумлар (сарфлар суммаси чегирилгандан кейин) сотишдан ташқари муомалаларнинг натижалари дейилади.

Ўзбекистон Республикасининг солиқларига мувофиқ кўрилган жазо сифатида бюджетга кирим қилинган суммалар корхона ихтиёрида қолдирилган даромадлар ҳисобидан қопланади.

Акция бўйича олинган дивидендлар, солиқ корхоналарнинг устав капиталига қўшган капиталлардан олинган даромадлар солиққа тортилмайди.

Корхона бартер усулида товар сотсалар сотиш даромадини ҳисоблаганда шу вақтда ва шунга ўхшаш товарларнинг сотиш баҳоси ҳисобга олинади.

Қайд қилинган баҳо ва таъриф бўйича ишлаётган корхоналарда, биржа баҳоси ялпи даромад суммасини ҳисоблашда асос бўлади.

5. Умумий муоммоларни ечиш учун корхоналар томонидан йиғилган бадал, улуш ва бошқа мақсадли молиялаштириш маблағлари солиққа тортилмайди. Агарда ушбу маблағлар коммерция ва бошқа мақсадларда фойдаланилса, бу маблағлар суммаси солиққа тортилади.

6. Корхоналар солиққа тортиладиган суммаларни аниқлаганда қуйидаги тўлов ва харажатларни чиқариб ташлаши керак:

а) реализация тушумига қўшилган ҚҚС, акцизлар, хом ашё ресурси ва маҳсулот солиғи, ер, мулк ва транспорт эгаларидан олинадиган солиқ;

б) нафақа, бандлик, ижтимоий муҳофаза фондларига ажратмалар, суғурта тўловлари ва бошқа мажбурий тўловлар;

в) банкнинг қисқа муддатли кредитлари бўйича туланган фоизлар (муддати бошқа кредитлар бўйича туланган фоизлар суммаси кирмайди);

г) рента тўловлари суммаси

д) ҳисобланган ва маҳсулот таннархига қўшилган асосий фондларни тула тиклаш учун ҳисобланган амортизация фонди суммалари;

е) ижара тўловлари (молиявий лизинг бўйича ҳисоблашиш). Агарда ижарага олинган корхона давлатники бўлса ижара ҳақи республика ёки маҳаллий бюджетга туланади;

ж) буюм кўринишида бўлмаган, корхонага даромад киритадиган ёки даромад киритишга шароит яратиб берадиган номоддий активларни сотиб олиш суммаси;

— патент, автор ҳуқуқи, лицензия, «ноу-хау», дастур таъминоти қиймати;

— хусусий патентлаш сарфи;

— савдо маркаларидан фойдаланиш, брокер ўрнини сотиб олиш;

Номоддий активлар моддасидаги сарфлар 5 йил мобайнида амортизация ажратмаси сифатида ҳисобдан чиқарилади.

Мисол. 1995 йил номоддий активларни сотиб олиш учун 450 минг сўм сарфланган ва 1997 йил дастур ва «ноу-хау» учун 500 минг сўм сарфланди. 1997 йилда туланадиган даромад солиғидан $\{(450000+500000)/5=(950000/5)=190000$ сўм чегирилади.

з) Ўзбекистон Республикаси қонунларида курсатилган номоддий активлардан фойдаланиш ҳуқуқини олиш тўловларининг барча турлари;

и) маҳсулотларни сертификациялаш харажатлари, маслаҳат, ахборот ва аудиторлик хизматлари сарфлари;

к) маҳсус муассасаларда ёнгинга қарши курашиш ва қуриқлаш туловлари;

л) алоқа ва ҳисоблаш маркази хизматларининг туловлари;

м) хизмат ва шароит сафари (дала шароити ва қурилиш ташкилотларининг кучиб юриш турлари буйича туловлар ҳам қўшилади) юзасидан сарфлар;

н) ваколатлик мақсадлари сарфлари;

о) реклама сарфлари;

п) солиққа тортиш даврида қиймати туланган ва сотилган маҳсулот, иш ва хизматлар қийматига қўшилган материал сарфларининг қиймати.

7. Бартер усулида товар сотадиган ва таннархи буйича товар сотадиган корхона ва ташкилотларги ушбу кўрсатманинг 4,5 ва 6 моддалари қўлланилмайди.

Солиққа тортиш даражаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан (1993 й. 31 декабрь № 615) тасдиқланган ва қуйида 4-иловада келтирилган

4 - и л о в а

Халқ хужалигининг айрим олинган тармоқларида даромад солиғи даражаси

№	Халқ хужалиги тармоқлари	солиқ даражаси %
1	Қишлоқ хужалиги (қишлоқ хужалиги фаолияти буйича)	3
2	Илм-фан (илмий текшириш, конструкторлик, лойиҳа қидирув ташкилотлари) коммунал хужалиги, геология разведкаси	15
3	Саноат, моддий-техника таъминоти, сотиш, ҳаво ва темир йўл транспорти, Ўз-агросаноатбанки, Ўзсаноатқурилишбанки	25
4	Банклар ва муҳофаза ташкилотлари (Ўздав-кафолат ва Халқ банкидан ташқари) биржалар ва брокер идоралари.	35
5	Воситачилик (даллоллик) фаолияти	35
6	Савдо соҳаси:	35
	а) савдо устамасини юқори даражада қўлланадиган савдо ташкилотлари	

б) товарларни эркин баҳода сотадиган (савдо устамаси қўйилмайдиган) савдо коммерция ва бошқа корхона ва ташкилотлар

- Э с л а т м а: — Ушбу рўйхатга кирмаган халқ хўжалик тармоқлари 18% миқдориди даромад солиғи тулайдилар.
- Давлат нашриёт ва матбаа корхоналари ижтимоий тармоққа киритилган.
 - Қишлоқ хўжалиги ва унга тенглаштирилган хўжалик ва ташкилотлар ушбу Қарорга асосан солиқ тулашдан озод қилинган.

1 - и л о в а

Даромад солиғидан озод қилинган қишлоқ хўжалик корхоналарининг рўйхати

№	Корхоналарнинг номи.
1	Ҳамма ишлаб чиқариш йўналишидаги жамоа хўжаликлари.
2	Совхозлар, паррандачилик фабрикалари, чорва саноати комплекси, мева ва парранда инкубатори станциялари, племзаводлар.
3	Деҳқон (фермер) хўжалиги.
4	Қишлоқ хўжалик кооперативлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи кичик ва бошқа корхоналар.
5	Қишлоқ хўжалиги йўналишидаги хўжаликлараро корхоналар.
6	Бурдоқчилик хўжаликлари ва бўлинмалари
7	Бош пилла қуриткичлар, пиллаларга дастлабки ишлов берувчи корхоналар, грён заводлари, ипак қурти чиқарадиган бўлинмалар
8	Молларни тайёрлов ва ўстирувчи туман идоралари
9	Қишлоқ хўжалиги фаолиятига ихтисослашган илмий текшириш ва ўқув

	юртларининг уқув ва уқув тажриба хўжаликлари
10	Наслдор ҳайвонлар ва суний қочириш бўлинмалари
11	Хўжаликлараро биолобораториялар
12	Мустақил балансдаги ёрдамчи хўжалиklar

Қишлоқ ва сув хўжалигида ўзгаришлар содир бўлиши натижасида юқорида қайд қилинган хўжалиklarнинг номлари ўзгариши мумкин, лекин фаолият йўналиши тўғри келса шу рўйхатда тадбиқ қилинган имтиёзлар қолдирилади.

Мисол: Совхозлар — жамоа хўжаликлари ёки ширкатларга, бўрдоқчилик хўжаликлари — акционерлик жамиятига (АЖ) айлантирилиши мумкин.

— акция дивидентлари ва бошқа корхоналарнинг устав капиталига қўшган капитали бўйича олган даромадларидан 15% солиқ олинади.

Имтиёзларнинг бошқа турлари фойдадан солиқ олиш тартибидаги имтиёзларга ўхшайди ва солиқ бўйича қўйидаги имтиёзлар мавжуд:

— қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ва қайта ишлов берувчи, халқ истеъмоли товарлари, қурилиш материаллари, ишлаб чиқариш техника ускуналари, қурилиш, таъмирлаш, моддий хизмат кўрсатиш йўналишида янги ташкил қилинган мустақил корхоналар — фермер ва хусусий хўжалиklar икки йил мобайнида солиқ тулашдан озод қилинадилар. Агарда улар уч йил ичида тугатилса олдинги йиллар учун ҳам солиққа тортиладилар.

16. Солиққа тортиш суммаси қўйидагича камаяди:

— маҳаллий ҳокимият белгилаган соғлиқни сақлаш каби корхоналарга сарфланган харажатлар суммасига;

— озиқ-овқат, қурилиш материаллари ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга олинган кредитларни қоплаш харажатларининг 50%и;

— ихтисосликка ўқиш, малака ошириш, усмирлар билан ўқишдан ташқари — вақтда шуғулланиш харажатлари;

- маиший тармоқ объектларини қураётган қурилиш ташкилотларининг даромадидан 15%;
- хусусий корхоналарнинг ишлаб чиқаришни кенгайтириш, реконструкция қилиш ва техника билан қуроллантириш харажатлари.

17. Маҳаллий ҳокимиятлар корхоналарининг фаолияти турларига қараб солиқ миқдорларини ўзгартириши мумкин.

18. Давлат облигациялари ва давлатнинг қимматли қоғозларидан тушган дивидентлар солиққа тортилмайди.

Солиқ суммасини ҳисоблаш ва тўлаш тартиблари корхоналарнинг ялпи фойдасидан олинадиган солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби билан бир хилдир. Даромад солиқлари бўйича бюджет билан ҳисоблашиш 68 — «Бюджет билан ҳисоблашиш» субсчётида ҳисобга олинади. Ҳисобланган даромад солиғига

Дт 81 — Фойда (даромад)дан ҳисобланган солиқлар

Кт 68 — Даромад солиғи субсчёти

Ушбу ҳисобланган сумма бюджетга тўланганда:

Дт 51 — «Ҳисоблашиш» счёти

Кт 68 — «Даромад солиғи» субсчёти

ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИТОРЛАРИ ҚАТНАШАЁТГАН ҚУШМА КОРХОНАЛАРНИНГ ДАРОМАДЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ

Қўшма корхоналарнинг даромадларини солиққа тортиш Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига асосан амалга оширилади.

Ушбу кодексга амал қилинган ҳолда Республика Молия вазирлиги ва Солиқ қўмитаси қўшма кўрсатма чиқардилар. Ушбу кўрсатмага асосан қўшма корхоналарнинг даромадидан солиқ олиш тартиби қуйидагича:

- агарда қўшма корхоналарни ташкил қилаётганда томонлар шартнома орқали бошқа тартиблар келишилмаса шу шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги фаолияти ва чет мамлакатдаги фаолияти бўйича олган даромад суммаси солиққа тортилади;
- солиққа тортиш тартиби, ўрнатиладиган имтиёзлар ўзбекистонлик ва хорижий шахсларнинг корхона устав капиталидаги улушига боғлиқ;

- агарда хорижлик шерикнинг корхона устав капиталидаги улуши $< \text{ёки} = 30\%$ бўлса даромад солиғи 18%,
- агарда ушбу улуш $> \text{ёки} = 30\%$ бўлса даромад солиғи 10% белгиланган. Бу тартиб шу корхоналарнинг филиалларига ҳам тааллуқлидир;
- қўшма корхона таъсисчиларининг улуши қўшилган бадал суммаси кейинги ойнинг биринчи кундаги Марказий Банк курси билан белгиланади. Агарда ҳисобот вақтига шерикнинг улуши қўшилмаган бўлса, ушбу корхона ёки қўшма корхона сифатида даромади солиққа тортилади;
- солиққа тортиш объекти корхонанинг ялпи даромадидир;
- маҳсулот, иш ва хизматларни сотишдан, моддий қийматликларни сотишдан ва сотишдан ташқари муомалалардан келган тушумлар йиғиндиси. Бу тартибда ушбу муомалалар бўйича тўланган ва ҳисоблашиш, валюта, махсус счётларга ва кассага кирим қилинган суммалар ҳисобга олинади.
- қурилиш-монтаж, таъмирлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий ташкилотларда буюртмачи томонидан тасдиқланган бажарилган ишларнинг қиймати тушум ҳисобланади;
- савдо, умумий овқатланиш, таъминот-сотиш, тайёрлов ташкилотларининг даромади сотиб олиш ва сотиш баҳоларининг ўртасидаги фарқдир;
- воситачи корхоналарнинг солиққа тортиладиган даромади далоллик фаолияти бўйича оладиган рағбатлантириш суммасидир;
- сотишдан ташқари муомалаларга:
- мулк ижараси ҳақи;
- кирим қилинган жарималар (тўланган сумма чегирилади);
- облигация бўйича даромадлар;
- берилган ссудалар бўйича киримлар
- бошқа тушумлар (сарфлар суммаси чегирилган ҳолда).

Қурилган жазо чораси сифатида бюджетга тўланган суммалар корхона ихтиёрида қолдирилган даромад ҳисобидан тўланади.

Акция бўйича дивидендлар, бошқа корхоналарнинг устав капиталига қўшилган капитал бўйича олинган даромадлар сотишдан ташқари муомалаларга киритил-маса бу даромаддан 15% солиқ олинади.

Қатъий белгиланган баҳода маҳсулот сотаётган корхоналарда қатъий баҳо ва бошқа баҳода маҳсулот сотаётган корхоналарда биржанинг ўртача баҳоси қўлланилади.

Махсус вазифаларни бажарувчи корхоналарнинг ушбу вазифаларини бажариш учун олган бадал, улуш ва бошқа мақсадли маблағлардан солиқ олинмайди.

Корхонанинг даромади суммасидан қуйидагилар чегирилади:

- ҚҚС, акциз солиғи, четга чиқарилаётган хом ашё ва маҳсулотлардан олинadиган солиқ ва ер солиғи суммалари;
- пенсия фонди, бандлик фонди, ижтимоий муҳофаза мажбурий суғурта тўловлари ва бошқа тўловлар суммаси;
- банк кредитлари бўйича тўланадиган %лар суммаси (вақти солиқ кредитлар %идан ташқари);
- рента тўловлари суммаси;
- тула тиклаш учун ҳисобланган амортизация фонди суммаси;
- аренда тўловлари (молия лизинги бўйича ҳисоблашиш);
- буюм кўринишида бўлмаган номоддий активларни сотиб олиш;
- патент, авторлик ҳуқуқи, лицензия, «ноу-хау», дастур сотиб олиш;
- ўзи патент олиши;
- савдо маркасида фойдаланиш ҳуқуқи;

Ушбу сарфлар беш йил давомида амортизация ажратмасига ўшаб корхона даромадидан чегирилади. Номоддий активлар бўйича ҳисобланган эскириш суммаси тегишли харажат сўтларининг — 20, 23, 25, 26 дебетида ва 02-»Мулкнинг эскириши» сўтининг кредитида қайд қилинади. Ушбу активлар ҳисобдан чиқарилганда эса Дт 02 ва Кт 04 сўтларида акс эттирилади, агарда фойдаланиш муддатидан олдин ҳисобдан чиқарилса, қолган эскириш суммаси корхона зарарига олиб борилади — Дт 80 ва Кт 02 сўтлари

- номоддий активларга бўлган ҳуқуқларни олиш бўйича сарфланган тўловлар;
- маҳсулотларни сертификация қилиш, маслаҳат, ахборот ва аудиторлик хизматлари тўловлари;
- ёнгиндан сақланиш ва қуриқлаш сарфлари;
- алоқа ва ҳисоблаш марказларининг харажатлари;
- ваколатхона харажатлари;
- реклама, кўргазма, ярмаркаларда қатнашиш харажатлари;
- сотилган товарлар қийматига олиб борилган ва қиймати солиқ даври охиригача тўланган материалларнинг қиймати;
- маҳсулотларни экспорт қилиш харажатлари;

9. Резерв ва шунга ўхшаш фондларга ажратилган маблағлар, агарда корхонанинг даромад суммасининг 20% ва устав капиталининг 25%ни ташкил қилган бўлса.

10. Қўшма корхоналарнинг даромадидан яна ушбу сарфлар чегирилади:

- хориж капиталининг улуши 30% дан ошиқ бўлганда чет элдан келган вакилларнинг турар жой ва коммунал хизмат сарфлари;
- банк хизматлари учун коммиссион тўловлар;
- маҳаллий ҳокимият томонидан тасдиқланган маданий-маиший объектларнинг харажатлари;
- қизил ярим ой жамиятига тўланган бадаллар ва бошқа эҳсонлар суммаси;
- озиқ-овқат, қурилиш материаллари ва халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш учун инвестиция харажатларининг 30% ва шу мақсад учун олинган кредитларни тўлаш маблағлари;
- табиатни муҳофаза қилиш, илмий-текшириш, тажриба конструкторлик ишлари, янги технология ва маҳсулотларни ўзлаштиришга сарфланган харажатларнинг 30%;
- ўтган йилга нисбатан озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмол товарлари, болалар учун товарлар, озиқ-овқат ва дори-дармонларни ортиқча ишлаб чиқаришдан олинган даромаднинг 20%;
- экология, соғломлаштириш ва бошқа фондларга; маданий-маиший ташкилотларга тўланган бадаллар суммаси-даромад суммасининг 1%;

- ихтисоси бўйича ўқитиш, малака ошириш ва ўсмирлар билан мактабдан ташқари ишлаш харажатлари;
- даврий матбуот, болалар, ўқув адабиётлари 2000 нусхагача илмий ва техника адабиётларини чоп қилишдан олинган даромаднинг 20%;
- ижтимоий тармоқ объектларини қуришдан олинган даромаднинг 15%;

13. Қўшма корхонанинг даромадини солиқдан озод қилиш тартиби фойдани солиққа тортишдан озод қилиш тартибига ўхшайди.

14. Янги ташкил бўлган қўшма корхоналар биринчи йили 25% ва иккинчи йил 50% олинган даромад суммасидан солиқ тўлайдилар, агарда улар 3 йилгача тугатилса биринчи ва иккинчи йилига ҳам тўлиқ (100%) солиқ тўлайдилар;

Даромад солиғи бухгалтерия баланси маълумотларига асосан ҳисобланади ва ҳар кварталда қутилаётган даромаддан белгиланган фоиз суммасининг 1/4 қисми бюджетга тўланиб борилади — 15 март, 15 июнь, 15 сентябрь, 15 декабр гача. Ҳақиқий олинган даромаддан ҳисобланган даромад суммасининг аванс тўловидан фарқи 25 мартгача тўланиши зарур.

Қўшма корхоналарнинг ўзбек таъсисчиларининг акциялар ва устав капиталига қўшган улуши бўйича олган даромадларидан 15% солиқ олинади, хориж шерикларининг олган даромад суммаларидан ушбу суммалар чет элга ўтказилаётганда 10% солиқ олинади ва ўз вақтида тўланмаган солиқлар суммасига ҳар куни 0,5% жарима ҳисобланади.

Ушбу кўрсатмадаги тартиб ва қоидаларни ўрганишни осонлаштириш учун айрим мисоллар келтирамиз;

1-мисол. Ўзбекистон Республикасида ташкил қилинган ва чет эл капитали 30% дан ошиқ бўлган қўшма корхона Англияда тижорат фаолияти кўрсатади.

Олинган даромади:

Ўзбекистонда	— 750000 сўм
Англияда	— 250000 сўм
Жами:	— 1000000 сўм

Англияда тўлаган солиғи 22.500 (150000*15%/100) сўм Ўзбекистонда солиққа тортиш тартиби қуйидагича:

Қўшма корхоналарнинг даромади — 1000000 сўм
 Солиққа тортиладиган даромад — 375000 сўм
 Олинадиган солиқ суммаси — 37500 сўм = (375*10%)

Ўзбекистондаги солиқ тартибига мувофиқ Англияда олинган даромаддан 15000 сўм (150000*10) олиниши керак. Жами тўланадиган солиқ суммаси 52500 сўм бўлиши керак. Демак, яна тўланадиган солиқ суммаси 30000 сўм (52500—22500) га тенг.

2-мисол. Ўзбекистон Республикасида ташкил қилинган қўшма корхонанинг 30%дан ортиқ устав капитали немис ишбилармонлариники ва у Германияда савдо сотиқ билан шуғулланади. Жорий йилда ушбу корхона 1300000 сўм даромад қилди. Шундан 1100000 сўм Ўзбекистонда ва 200000 сўм Германияда.

Германияда тўлаган солиқ суммаси
 $24000 = (60000 * 40\%)$

Ўзбекистонда тўланадиган солиқ суммаси
 $55000 = \{(350000 + 200000)/10\};$

Хорижда тўлаган солиқнинг фақат 20000 сўми = (200000*10%) ҳисобга олинади, демак жами тўланиши керак сумма 55000 сўмга тенг ва фарқ сумма 4000 сўмга қўшма корхонанинг ўзида қолдирилган даромад камайтирилади.

3-мисол. Ўзбекистон Республикасида ташкил қилинган қўшма корхонанинг 30%дан ортиқ устав капитали Покистонлик ишбилармонлариникидир.

Олинган даромади жами — 2500000 сўм
 шундан: Покистонда — 500000 сўм
 Ўзбекистонда — 2000000 сўм

Покистонда тўлаган солиғи 66000 сўм (300000*20%)
 Ўзбекистонда тўланадиган солиқнинг суммаси 200000 сўм = (2000000*10%)

Жами тўланадиган солиқ суммаси—250000 сўм = (2000000 + 500000). 10% Тўланиши керак бўлган солиқ суммаси 250000 сўм = (200000+50000). Демак, Покистонда тўланган солиқнинг фақат 50000 сўми ҳисобга олинади, қолган 16000 сўм эса қолган даромад ҳисобидан қопланади.

Агарда қўшма корхоналарнинг устав капиталида хориж шерикларнинг улуши 30% дан кам бўлса ҳам солиқ суммасини ҳисоблаш тартиби шунга ўхшаш, лекин солиқ олиш фоизи бошқа даражада.

Кўшма корхонанинг номи _____

ноҳияси Давлат солиқ назоратига

Кўшма корхона даромадидан 199_ йил учун солиқ ҳисоблаш

№	Кўрсаткичлар	Корхона режаси бўйича	Тулов- чи- нинг маълумоти	Солиқ назоратининг маълумоти
1	2	3	4	5
1	Устав капитали (01.01.199 й)	15000000	15000000	15000000
2	Таъсисчиларнинг маблағлари Ўзбекистонликлар _____ _____ _____			
	жами суммаси	9750000	9750000	9750000
	улуши %	65	65	65
	хорижликлар _____ _____ _____			
	жами суммаси	5250000	5250000	5250000
	улуши %	35	35	35
3	Резерв фонди			
4	Резерв фондининг юқори миқдори (25%)	3750000	3750000	3750000
5	Корхонанинг ялпи даромади	18000000	20000000	20000000
5.1	Сотишдан келган тушум (маҳсулот, иш ва хизматлардан)	15200000	18500000	18500000
5.2	Солиқ сотишлардан келган тушум	800000	600000	600000
5.3	Сотишдан ташқари муомалалар қолдиғи	1000000	900000	900000

- 6 Корхонанинг ялпи даромадидан чегирилади:
- 6.1 Мажбурий тулов ва ажратмалар:
- а)
 - б)
 - в)
 - г)
 - д)
 - е)
 - ж)
 - з)
 - и)
 - к)
- 6.2 Банкнинг қисқа муддатли ссудалари буйича %.
- 6.3 Рента туловлари
- 6.4 Ижара туловлари
- 6.5 Амортизация ажратмалари суммаси
- 6.6 Материаллар ва унга тенглаштирилган харажатлар
- 7 Солиққа тортиладиган сумма (қ.5-к.6) қуйидагиларга камаяди:
- 7.1 Акция даромадлари ва солиқ корхоналарнинг устав капиталига қўйилган маблагдан тушган даромадлар
- 7.2 Солиқ буйича имтиёзлар
- 8 Солиққа тортиладиган даромад
- 9 Белгиланган солиқ даражаси-%
- 10 Давлат бюджетига туланидиган солиқ суммаси (қ.8*қ.9)/100

- 11 Солиқ солиқ суммаси (71 * 15%)
100
- 12 Давлат бюджетига ҳисобланган солиқ суммаси (қ.10+қ.11)
- 13 Чет мамлакатда туланган солиқ суммаси
- 13.1 Шундан ҳисобга олинган сумма
- 14 Ҳисобланган солиқ суммаси (қ.12—қ.13)
- 15 Белгиланган вақтда солиқ тулаши лозим
- 16 Ортиқча туланган солиқ суммаси камайтиради
- Йиллик балансни топшириш муддати

x x x

Қўшма корхона бош директори

_____ (имзо)

Бош бухгалтер

_____ (имзо)

Ҳисобланган маълумотни қабул қилдим



Солиқ назоратчиси _____

(имзо)

Хориж юридик шахслардан фақатгина Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олган даромадлари бўйича солиқ тўлайдилар.

Банк ва суғурта муомалалари даромадларидан 30% ўйинлар, томошалар ва бошқа талбирлардан (кўрсатманинг 3 ва 4-банди) тушган даромадларидан 60% солиқ тўлайдилар.

Ҳар бир юридик шахс солиқ тўлаши ёки туламаслигидан қатъи назар рўйхатдан утиши зарур, акс ҳолда бу ваколатхоналар олган даромади миқдоридан солиқ ва шу миқдорда жарима тўлайдилар. Хорижий юридик шахсларнинг турлари ва шакли кўрсатманинг 5-бандида келтирилган.

(Чет эл юридик шахсларнинг даромадини солиққа тортиш ҳақида Кўрсатма 1993 йил 5 апрелда Молия вазирлиги, Солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган)

ҚўШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ

Ўзбекистон Республикасида қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) маҳсулотлар, иш ва хизматларни сотиш жараёнида янги ташкил қилинган қийматдан ҳосил қилинган соф даромаднинг бир қисмини бюджетга олиш усулидир.

Ушбу ҚҚС ҳисоблаш ва тулаш тартиби Солиқ кодексига асосан Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган кўрсатмага мувофиқ амалга оширилади.

ҚҚ солиғи тулайдиган юридик шахсларга қуйидагилар киради:

- а) юридик шахс бўлган ва мулкчилик шаклидан қатъий назар корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар, юридик шахс бўлмаган лекин мустақил баланси ва банк муассасаларида ҳисоблашиш счёти бўлган бўлимлар, ваколатхоналар ва шунга ўхшашлар;
- б) ҳужалик ҳисобида бўлмаган лекин тижорат фаолиятини амалга ошираётган ташкилотлар;
- в) хориж инвестицияси асосида ташкил қилинган корхоналар, авлодлар корхонаси, бўлимлари, тижорат фаолиятини юритадиган халқаро бирлашмалар;
- г) ҳужалик тижорат фаолиятини амалга ошираётган хусусий оилавий корхоналар;
- е) юридик шахс ташкил қилинмай ишбилармонлик фаолияти билан шуғулланаётган шахслар;

Банк муассасаларига ҳисоблашиш ҳужжатлари топширилган жўнатилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар қиймати солиққа тортилади. Ушбу товарлар буйича тўлов ҳужжатлари муомала содир бўлган куннинг эртасига банкка топширилиши шарт, акс ҳолда жўнатилган маҳсулотлар, иш ва хизматларнинг ҳамма суммаси солиққа тортилади.

Солиққа тортиш объектлари қуйидагилардир:

- ўзи ишлаб чиққан ва сотиб олинган ва жўнатилган маҳсулот ва товарлар (маҳсулот, товар, кўчмас

мулк, электр иссиқлик энергияси, газ сув ва шунга ухшашлар);

- бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар;
- харажатлари маҳсулот таннархига қўшилмаган ўз истеъмоли учун сотилган, ишчи ходимларига сотилган маҳсулотлар, иш ва хизматлар қиймати, ёрдамчи хўжалик товарларининг қиймати;
- бошқа корхоналар ёки жисмоний шахсларга бепул ёки қисман тўлов шаклида берилган товарлар;
- хориж валютасида республикага сотилган импорт товарлари;
- истеъмолчи (бюджетчи)ларга молиявий ёрдам, махсус йўналишдаги фондларни тўлғазиш ёки фойдани купайтириш учун йўналтирилган реализациядан келган маблағлар;

ҚҚСни ҳисоблаш тартиби қуйидагича:

- ҚҚСга тортиладиган товарларга акциз суммаси ҳам қўшилади;
- сотилган маҳсулот, иш, хизмат қиймати шартнома баҳосида ёки қайд қилинган баҳода ҳисобланади.

Мисол: «Подъёмник» АЖ асосий восита ҳисобланган ускунани бошқа корхонага сотди. Бошланғич қиймати 1500000 сўм, эскириш суммаси 250000 сўм. ҚҚС тўланган сотиш баҳоси 1000000 сўм. ҚҚС = 180000с (1000000 * 18%). Ушбу ускунанинг бозор баҳоси 1500000 сўм. Демак, ускуна қолдиқ баҳосидан кам сотилаётгани учун унинг бозор қиймати ҚҚСга тортилади: ҚҚС = 270000 сўм (1500000*18%).

— бартерга сотишда, бепул ёки қисман қийматини тўлаш шarti билан товарлар берилса уларнинг қиймати акциз суммаси қўшилган ҳолда шартнома баҳосида ёки давлат томонидан қайд қилинган баҳода аниқланади;

Мисол: Корхона жорий ойда бошқа корхонага бартер усулида маҳсулот берди. Маҳсулотнинг келишилган баҳоси 500000 сўм ва акциз солиғи 100000 сўм (500000*20%). ҚҚС суммаси 120000с(600000*20%).

Корхона бошқа корхонага бепул эҳсон сифатида маҳсулот берди. Маҳсулотнинг қиймати 300000 сўмга баҳоланди. Шу ойда ушбу маҳсулот 400000 сўмга сотилди. Акциз солиғи корхона ҳисобида 60000 сўм (300000с*20%). Корхона ҳисоблаган ҚҚС-72000сум (360000*20%).

Ҳисобланиши зарур бўлган ҚҚС — 80000 сўм = (400000*20%). Демак, корхона солиқ ҳисоблаши зарур:

- акциз 20000с (80000 — 60000)
- ҚҚС 18000с (80000 — 72000).
- жами 38000с (20000 + 21600).
- ўз истеъмоли учун сарфланган товарлар иш ва хизматлар қиймати уларга ўрнатилган баҳо ёки ҳақиқий таннархи бўйича ҳисобланади;
- агарда ходимларнинг меҳнатига ўзи ишлаб чиқарган товарлар билан ҳақ туланса ушбу товарларнинг қиймати акциз суммаси қўшилган ҳолда шартнома баҳосида ёки қайд қилинган баҳода ҳисобланади;
- корхонанинг ўз ходимларига ёки четга нақд пулга сотган товарларининг қиймати шартнома баҳосида ҳисобланади;
- импорт товарлари бўйича (агарда ҚҚС туланмаган ёки номаълум бўлган) сотиб олиш ва сотиш баҳолари уртасидаги фарқ суммаси ҚҚС га тортилади;

Қайтарилган идишлар қиймати (гаров суммаси бўлган) агарда ушбу идишлар сотилмаса ҚҚСга тортилмайди.

- агарда маҳсулот истеъмолчининг хом ашё ва материалидан ишлаб чиқарилса фақатгина ишлов бериш қиймати ва акциз суммалари йиғиндиси ҚҚСга тортилади.

Қуйидаги фаолиятлар ва корхоналар ҚҚС дан озод қилинадилар:

- маҳсулот, ярим фабрикат, иш ва хизматларнинг корхона ичида ишлаб чиқаришда фойдаланиши;
- кооператив мулклари тугатиш натижасида аъзолар ўртасида тақсимланган мулк;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқараётган қишлоқ хўжалик корхоналари, ширкатлари, фермер хўжаликлари

Ушбу хўжаликлар ташқаридан олган уруғ, ўғит, ёқилғи ва бошқа хом ашё ва материалларни ҚҚС туланган ҳолда олиб ушбу ҚҚС суммасини харажатларга қўшадилар:

- шаҳар йўловчи транспорти (таксидан ташқари) шаҳар атрофи, темирйўл, сув ва автомобил транспорти хизмати;

- халққа кўрсатилган уй-жой, коммунал ва фойдаланиш (меҳмонхона хизматидан фойдаланишдан ташқари) хизмати;
- хусусийлаштирилган мулк хизмати, давлат корхонасини ижарага олиш тўловлари;
- ссуда бериш ва олиб бошқага бериш;
- қимматбаҳо қоғозлар билан муомала қилиш;
- халқ таъминоти хизмати;
- умумий фойдаланиш йўллари таъмирлаш ва улардан фойдаланиш тушумлари;
- халққа кўрсатилаётган маданий-маиший хизматлар ва соғломлаштириш хизматларидан келган тушумлар;
- ва шунга ухшаш хизматлар;

Солиқ қиймат солиғи 1 январь 1998 йилдан бошлаб 20% белгиланди. Агарда инвентаризация натижасига кўра корхонада қолган тайёр маҳсулотлар бўйича истеймолчилар билан шартнома тузилган бўлса ва ушбу шартномада 18% ҚҚС кўрсатилган бўлса ушбу ҚҚС фарқи — 2% (20—18) корхона зарарига олиб борилади.

Мисол. Инвентаризация натижасида:

- корхона омборидаги тайёр маҳсулот қолдиғи — 500000 сўм
- қолдиқ товарларга ҳисобланган ҚҚС (500000 * 18%)—90000 сўм
- қолдиқ товарларга ҳисобланган янги ҚҚС (500000 * 20%)—100000 сўм
- зарарга олиб бориладиган фарқ сумма (100000—90000)=10000 сўм.

Корхоналардаги қолдиқ хом-ашё ва материалларга тегишли ҚҚС ўртасидаги фарқ сумма ишлаб чиқариш харажатига қўшилади.

Қўшимча қиймат солиғини акс эттириш учун бухгалтерия ҳисобида 19-ҚҚС синтетик сўёт жорий қилинган. Бу сўёт йиғиб тақсимловчи сўёт бўлиб унда ҳисобланган ҚҚС йиғиб борилади ва тегишли объектларга тақсим қилинади. Ушбу синтетик сўётда қуйидаги субсўётлар очиш мақсадга мувофиқдир:

- 19/1-Материал ресурслари бўйича ҚҚС;
- 19/2-ОБ ва ТЭ буюмлар бўйича ҚҚС;
- 19/3-Номоддий активлар бўйича ҚҚС;

19/4-Ишлаб чиқариш хусусиятидаги иш ва хизматлар буйича ҚҚС;

19/5-Капитал қуйилмаларни амалга ошириш буйича ҚҚС.

Ушбу моддий ресурслар сотиб олинаётганда ҳисобланган ҚҚС суммасига Дт 19 ва Кт 76. Агарда ҳисобланган ҚҚС суммаси бюджет томонидан қопланса Дт 68 ва Кт 19.

19/3 субсчётда ҳисобланган ҚҚС олти ой давомида ушбу номоддий активлар фойдаланилаётган тармоқларга ҳисобдан чиқарилади.

Сотиб олинган машина ва ускуналар буйича ҚҚС ҳам олти ой давомида ушбу ускуналар ўрнатилаётган тармоққа ҳисобдан чиқарилиб борилади.

Асосий воситалар ва номоддий активлар буйича тўланган ҚҚС ушбу асосий воситалар қабул қилинган ва номоддий активлар ҳисобга олинган вақтда бюджетга тўланадиган бошқа суммасидан чегирилади.

Ноишлаб чиқариш тармоқлари учун олинган асосий воситалар ва номоддий активлар буйича ҳисобланган ҚҚС, энгил автомобиллар ва микроавтобуслар ҚҚС корхона ихтиёрида қолган фойда суммаси ҳисобидан қопланади.

Лекин қишлоқ хўжалик корхоналари олган ушбу воситалар активлар учун тўланган ҚҚС суммасига тўланадиган бошқа тўловлар камайтирилади.

Жўнатиш товарлар. Бажарилган ишлар ва хизматлар буйича ҳисобланган ҚҚС сотиш тушумида кўрсатилади

Дт 60 ёки 62,76

Кт 46

ва

Дт 46, 47, 48

Кт 68

Чакана савдо, умумий овқатланиш ва товарларни аукцион орқали сотишда ҚҚС сотиб олинган ва сотилган суммалар ўртасидаги фарқдан олинади ва 46 счётининг дебети ва 68 счётининг кредит томонларида қайд қилинади.

Мисол. Чакана савдо корхонаси истеъмолчиларга 800000 сўмлик товар сотди. Ушбу товарларни сотиб олиш баҳоси 600000 сўм, олинган даромад 200000 сўм (800000 сўм - 600000 сўм) ва ҚҚС суммаси 40000 сўм (200000 сўм * 20%). Дт 46 ва Кт 68.

Агарда истеъмолчилардан сотиладиган товарлар учун аванс олинса: бу суммага:

Дт 51
Кт 64

ва ҚҚС суммасига:

Дт 64
Кт 68

Корхона жорий ойда мол етказиб берувчилардан хом-ашё ва материаллар олди

Сотиб олиш баҳоси 3000000 сўм
ҚҚС 540000 сўм

Шу ойда ушбу материаллар буйича бўлган қарзнинг 2400000 сўми тўланди демак, 19 счётда ҳисобга олинаётган ҚҚС суммасининг 480000 сўми 19 счётнинг қиймати тўланган материаллар буйича ҚҚС қисмига ўтказилди Дт 19 ва Кт 19.

Жорий ойда АЖ истеъмолчиларга тайёр маҳсулот сотди:

— контракт баҳоси 5000000 сўм
— ҚҚС 1000000 сўм

Дт 51-6000000 сўм

Кт 46-6000000 сўм

Дт 46-1000000 сўм

Кт 68-1000000 сўм

Жорий ойда АЖ молиявий ёрдам сифатида буюртмачилардан 1500000 сўм маблағ олди.

ҚҚС 300000 сўм

Дт 51-1500000 сўм

Кт 46-1500000 сўм

Дт 46-300000 сўм

Кт 68-300000 сўм

Давлат солиқ назоратига

солиқ муассасининг
қайд қилиш белгиси

ижрочининг исми ва шарифи

олинган «__» 199__ й.

тел. _____

(сўм) _____

Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш

_____ ойн 199__ й

№	Кўрсаткичлар	оборот	қ.қ.с.
			% 1 суммаси

1. Олинган қийматликлар буйича ҚҚС

шундан:

а) моддий қийматликларнинг қийматликлари туланган буйича ҚҚС

шундан:

- ишлаб чиқариш учун олинган моддий қийматликлари буйича ҚҚС
- ҳисобга олинган номоддий активлар буйича ҚҚС
- фойдаланишга топширилган асосий воситалар буйича ҚҚС
-
-

2. Импорт товарлар буйича туланган ҚҚС.

3. ҚҚСга тортиладиган сотиладиган товарлар.

4. Олинган аванслар буйича ҳисобланган ҚҚС

5. Олдинги ойда авансдан ҳисобланган ҚҚС(-).

6. Жорий ойдаги ҚҚС:

а) бюджетга туланадиган.

б) бюджетдан қопланадиган.

7. Келгуси туловлар ҳисобидан бюджетга туланган ҚҚС

а) декада буйича туланган аванслар

8. қўшимча тулаш лозим.

9. қоплаши лозим бўлган сумма.

10. ҚҚС тортилмайдиган товарлар қиймати.

Корхона раҳбари: _____

Бош бухгалтер: _____

Назоратчининг белгиси ва эътирозлари

Олдиндан текшириш натижасида қуйидаги ўзгартиришлар киритилди.

« ___ » _____ 199 й. Назоратчи: _____ имзо

Ҳисоб буйича назоратчининг маълумотномаси.

Ушбу ҳисоблаш буйича тўловчининг шахсий счётига сўм ҳисобланди.

« ___ » _____ 199 й. Назоратчи: _____ имзо

АКЦИЗ СОЛИҒИ

Акциз солиғи бюджетга бевосита солиқ сифатида олинадиган соф даромаднинг бир қисми ҳисобланиб, унинг миқдори солиқ кодексига асосан белгиланади.

Акциз солиғи тўловчилар мулкчилик шаклидан қатъи назар акцизга тортиладиган маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхона, фирма, бирлашма ва ташкилотлар ҳисобланади.

Жунатилган ва ҳисоблашиш ҳужжатидан берилган маҳсулотларнинг ҳажми акциз солиғига тортилади. Айрим товарлар натура ўлчовида бўлса, birlik товарга акциз суммаси белгиланади, агарда сўм қийматида берилса % кўринишида акциз суммаси берилади.

Ўзи ишлаб чиқариб экспортга жунатган товарлардан акциз солиғи олинмайди. Агарда акциз солиғи тўланган товарлар истеъмолчилар томонидан қайтарилса акциз суммаси кейинги ойда ҳисобланади.

- ароқ-шароб маҳсулоти ишлаб чиқарувчи ва сотувчи корхона ва фирмалар муомала содир бўлгандан кейин учинчи кун акциз солиқ суммасини тулаши;
- бошқа корхона ва фирмалар ҳар ун кунликда — 13, 23 ва 3 кунлари тўлаши лозим.

Акциз солиғи тўловчилар акциз буйича ҳисоблашиш ҳисоботини кейинги ойнинг 15 гача солиқ назоратига тақдим қилиши керак.

Акциз солиғини ҳисоблаш

199__ й. ойи учун

Товарнинг номлари	Улчов бирлиги	Тортиладиган ҳажми		Даража %	Акциз суммаси
		натура жу-ринишида	қиймат қуринишида		
1	2	3	4	5	6
Жами:			х		х

- 1. Жорий ойдаги аванс тўловидан сўм —
- 2. Қушимча тўланадиган сумма сўм —
- 3. Ортиқча тўланган сумма ҳисобга олинади сўм —
- 4. Бюджет билан ҳисоблашиш сум-масининг қолдиғи сўм —

Тўланадиган сумма —
 Ортиқча тўланган сумма —
 Корхона раҳбари имзо
 Бош бухгалтер имзо

Акциз суммаси товарларни жўнатиш бўйича тузилган қайднома маълумотларига асосланиб ҳисобланади. Ушбу қайднома товарларнинг турлари; миқдори, баҳоси, қиймати дастлабки ҳужжатларга асосланиб кўрсатилади.

Акциз солиғига тортиладиган товарларнинг сотиш баҳоси ичида акциз суммаси бўлади: — улгуржи баҳо+акциз суммаси. Бошқача айтганда акциз суммаси истеъмолчи томонидан тўланади (қопланади).

Мисол: Корхонанинг улгуржи баҳодаги тайёр маҳсулотлари 1.275.000 сўм.

- Сотиш баҳосига нисбатан акциз солиғи даражаси 15%
- Сотиш баҳоси 1.500.000 сўм.
- Акциз суммаси 225.000 сўм.

Акциз солиғи суммаси қуйидаги формула ёрдамида топилади:

$$\Sigma A = U \cdot b \cdot h \cdot Aq / 100$$

бунда,

- ΣA — акциз солиғи суммаси;
 Y_6 — улгуржи баҳо;
 A_q — акциз солиғи даражаси (%).

Акциз солиғининг даражаси кейинги вақтда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тез ўзгариб турибди.

Мисол: Спиртли ичимлик маҳсулотларига 1 д/л га 3800 сўмдан 65% га

Гилам ва гилам маҳсулотларига 60% дан 15% га

Алкогол маҳсулотларига 90% дан 60%га

Тамаки маҳсулотларига 40% дан 50 %га

Пахта ёғига 70% га

МУЛКНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ

Мулкчилик шаклидан қатъи назар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган мустақил баланси бўлган юридик ва жисмоний шахслар мулк солиғи тўлайдилар.

Ўзбекистон Республикаси солиқ кодексига асосан мулк солиғи тўловчилар қуйидагилар:

- юридик шахс ҳисобланадиган ҳамма корхона, бирлашма ва ташкилотлар;
- банклар ва кредит ташкилотлари;
- компания, фирма ва бошқа ташкилотлар;
- мустақил балансда турган ва ҳисоблашиш счётига эга бўлган филиаллар ва бошқа бўлинмалар;
- бюджет ташкилотлари ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро органлари, маҳаллий ҳукуматлар;
- адвокатлар жамоалари;
- диний ташкилотлар ва миллий маданий марказлар;
- шаҳарнинг уй-жой коммунал ва бошқа хужаликлари;
- тижорат фаолияти кўрсатмаётган жамоа ташкилотлари;
- янги ташкил қилинган корхоналар 2 йилгача;
- ижарага берилган мулкдан баланс қийматига асосан солиқ тўланади;
- давлат корхоналари асосида ташкил бўлган ижара корхоналари ўзининг ва ижарага олган мулкларига мулк солиғи тўлайдилар.

Корхона балансининг активида курсатилган қийматликлар солиққа тортилишидан аввал ундан қуйидаги суммалар чегирилади:

- асосий воситалар ва кам баҳоли ва тез тўзувчан буюмларнинг эскириши;
- капитал қўйилмалар ва аванслар;
- кредитлар ва бошқа қарзга олинган маблағлар;
- ҳисоблашишда ва бошқа пассивлар;
- кварталда фойданинг ишлатилиши.

Бундан ташқари солиққа тортиладиган суммадан қуйидагилар чегирилади:

- уй-жой, коммунал, маданий ва маиший объектлар қиймати;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш, селекциялаш, балиқларни ўстириш, овлаш ва ишлов бериш объектлари;
- табиатни қуриқлаш, санитар тозалаш ва ёнғин хавфсизлиги объектлари;
- йўллар, алоқа, энергия ўтказиш, уларнинг фаолиятига ёрдам берувчи объектлар ва ажратилган ерлар;
- алоқа йўлдошлари;
- Республика ҳукуматининг қарорига мувофиқ консервация қилинган объектлар;
- корхоналарнинг автотранспортлари;
- қурилишидан солиқ туланган қурилишлар.

Корхона мулкнинг қийматидан 2% солиқ ҳисоблашиб, ушбу солиқ суммаси харажатларга қўшилади ва биринчи навбатда маҳаллий бюджетга туланади.

Бухгалтерия ҳисоботи маълумотига асосан ҳар кварталда йиллик суммасининг 1/4 қисми бюджетга туланиб борилади. Солиқнинг аванс бериш ҳар ойнинг 20 кунигача квартал суммасининг 1/3 қисми бюджетга туланиб борилади.

Корхона йилнинг бошида солиққа тортилмайдиган, қўшимча имтиёз берилган мулкларнинг рўяхати ва суммасини солиқ назоратига беради.

Мулкнинг ўртача қиймати қуйидаги тартибда ҳисобланади:

- кварталлик = квартал бошидаги мулк қийматининг ярми + квартал охиридаги мулк қийматининг ярми;
- ярим йиллик = 1 январ ва 1 июль ярим суммаси + 1 апрелдаги тулиқ суммалар йиғиндисининг ярми;

- 9 ойлик = 1 январ ва 1 октябр суммаларининг ярми + 1 апрел ва 1 июл суммалари қўшилиб $1/3$ қисми олинади:
- йиллик = ҳисобот йилнинг 1 январига қийматининг $1/2$ қисми + кейинги йилнинг 1 январига қийматининг $1/2$ қисми + 1 апрел, 1 июл ва 1 октябрдаги тулиқ қийматлар қўшилиб, умумий сумманинг $1/4$ қисми олинади.

Мулкнинг ўртача қийматини ҳисоблаш учун балансдаги қуйидаги счётлар маълумотларидан фойдаланилади:

01 — «Асосий воситалар» ва 03 «Узоқ муддатли ижарага олинган асосий воситалар» (- эскириш суммаси счёт 02).

04 — «Номоддий активлар» (-амортизация суммаси счёт 05).

10 — «Материаллар».

12 — «Кам баҳоли ва тез тузувчан буюмлар» (-эскириш суммаси, счёт 13).

15 — «Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш».

16 — «Материаллар қийматидаги фарқлар».

20 — «Асосий ишлаб чиқариш».

21 — «Ўзида ишлаб чиқарилган ярим фабрикатлар».

23 — «Ёрдамчи ишлаб чиқариш».

26 — «Давр харажатлари (муомала харажатлари)».

29 — «Хизмат кўрсатадиган хўжаликлар ва ишлаб чиқариш».

30 — «Нокапитал ишлар».

31 — «Келгуси давр сарфлари».

36 — «Тугалланмаган ишларнинг бажарилган босқичлари».

40 — «Тайёр маҳсулотлар».

41 — «Товарлар» (сотиб олиш баҳосида, ҚҚС қўшилмаган ҳолда).

Мулк солиғи бўйича бюджет билан ҳисоблашиш 68-счётнинг «Мулк солиғи» субсчётида ҳисобга олиб борилади. Ушбу счётнинг кредитида ҳисобланган солиқлар:

Дт 26 — «Давр харажатлари»

Кт 68 — «Бюджет билан ҳисоблашиши» Мулк солиғининг бюджетга туланган суммасига:

Дт 68 — «Бюджет билан ҳисоблашиш»

Кт 51 — «Ҳисоблашиш счёти».

**Мулк солигини ҳисоблаш
«Малика» АЖ**

Корхона ёки шахс номи

1997 й. III квартал

№	Кўрсаткичлар	Туловчи маълумоти	Назоратчи маълумоти
1.	Мулкнинг ўртача қиймати	950000000	950000000
2.	Солиқдан озод қилинган мулкнинг ўртача қиймати	250000000	250000000
3.	Солиққа туланидиган мулкнинг ўртача қиймати	700000000	700000000
4.	Солиқ даражаси	2%	2%
5.	Тулаш учун ҳисобланган солиқ суммаси	14000000	14000000
6.	Жорий йилда ҳисобланган солиқ суммаси	29500000	29500000
7.	Қўшимча тулаш лозим	12500000	12500000
8.	Туланган солиқ суммасини камайтиришга	—	—

Балансларни тақдим қилиш муддати

квартал _____

йиллик _____

Корхона раҳбари

Солиқ назорати раҳбари

ИМЗО

ИМЗО

Бош бухгалтер

Назоратчи

ИМЗО

ИМЗО

Солиқ назоратчисининг хулосаси

Текшириш натижасида ҳеч қандай ўзгартириш киритилмади.

«08» октябр 1997 й.

Назоратчи

ИМЗО

Ушбу ҳисоблашга мувофиқ туловчининг шахсий счётига 12500000 сўм ёзилди.

«08» октябр 1997 й.

Ҳисобга олувчи иқтисодчи

ИМЗО

ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ, ЎЗИ ЮРАР МАШИНА ВА МЕХАНИЗМЛАРДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ

Транспорт воситалари, ўзи юрар машина механизмлардан олинадиган солиқ, келгусида транспорт солиғи, Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан амалга оширилади. Ушбу солиқ транспорт эгаларидан транспорт воситаларини қайд қилишидан олдин, қайтадан қайд қилаётганда ва ҳар йили белгиланган муддатларда олинади.

Солиқ туловчи юридик ва жисмоний шахслар: корхона, бирлашма, ташкилотлар, фуқаролар ва бошқа транспорт эгаларидир.

Солиқдан қуйидагилар озод қилинади:

- давлат бюджетдаги ташкилот ва муассасалар;
- гусеничали машина ва механизм, пахта, дон йиғувчи ва бошқа махсус комбайн эгалари;
- умумий фойдаланиш автотранспорти (йўловчиларни ташувчи таксидан ташқари);
- ногиронлар;
- уруш ва партизанлик ҳаракати қатнашчилари;
- йўл хўжалиги ташкилотлари;
- ҳарбий кучлар учун кадрлар тайёрловчилар;

Солиқ миқдори машинанинг маркаси, қувватига қараб белгиланади.

Ҳисобланган солиқни қайд қилиш ва бюджетга тўлашни акс эттириш қуйидагича:

- солиф ҳисобланса: ДТ 26
Кт 68
- солиф тўланганда: ДТ 68
Кт 51

Транспорт эгаларидан олинadиган солиқ суммасини ҳисоблаш

корхона номи							
№	Транспорт воситасининг тури ва маркаси	Транспорт воситанинг қуввати (о.к ёки квт)	Транспорт воситасининг миқдори	Қувватининг жами	1 о.к. ёки квт дан олинadиган солиқ	Солиқ суммаси	
						туловчи маълумотида	солиқ назоратчиси маълумотида
1	2	3	4	5	6	7	8

Корхона раҳбари

Солиқ назорати раҳбари

ИМЗО

ИМЗО

Бош бухгалтер

Назоратчи

ИМЗО

ИМЗО

ЕР СОЛИФИ

Ер солиғи Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасида ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланишда қуйидаги юридик ва жисмоний шахслар ер солиғини тўлайдилар:

- корхона, бирлашма ва ташкилотлар;
- ушбу корхона, бирлашма ва ташкилотларнинг филиаллари ва бўлимлари;
- чет эл фуқаролари, уларнинг корхоналари ва қўшма корхоналар;

- Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлат фуқаролари, фуқаро бўлмаган жисмоний шахслар.

Куйидаги ер турлари солиқдан озод қилинади:

- умумий фойдаланиш учун ажратилган ерлар;
- дала ҳовли ширкати ва жамоа гаражи;
- табиатни қуриқлаш учун ажратилган ерлар;
- соғломлаштириш йўналишидаги ерлар;
- халқнинг дам олишини ташкил қилувчи ташкилотларга ажратилган (рекреацион) ерлар;
- тарихий-маданий йўналишдаги ерлар;
- сув фонди ери — сув фонди ва уни ҳимоя қилиш учун ажратилган ерлар;
- ер захиралари;
- газ, нефт ўтказиш, электр, иссиқлик ўтказиш, алоқа йўллари, подстанциялар учун ажратилган ерлар;
- спорт ўйинлари майдонлари, соғломлаштириш ва даволаш муассасалари учун ажратилган ерлар;
- автомобиль, темир йўли, ҳаво йўли, метрополитен, шаҳар электр транспорти учун ажратилган ерлар;
- гидрометеорология, гидрогеология ва молларни ҳайдаб ўтиш учун ажратилган ерлар;
- ҳукумат қарорига асосан қурилаётган ёки консервация қилинган иморат ва иншоотлар учун ажратилган ерлар;
- коммунал хўжалик ерлари;

Куйидаги юридик ва жисмоний шахслар ер солиғи тулашдан озод қилинадилар:

б) «Ватанпарвар» мудофаа жамияти, «Орол» фонди ва бошқа экологик жамиятлар;

д) қўшма корхоналарнинг устав капиталида 30% дан ортиқ маблағи бўлган ходим инвесторлари 2 йил мобайнида;

е) сув хўжалиги корхона ва ташкилотлари;

ж) қаҳрамонлар, уруш ногиронлари, I—II гуруҳ меҳнат ногиронлари.

з) якка тартибдаги уй қуриш учун ажратилган ердан 3 йил мобайнида;

и) четдаги чорва фермасининг чўпонлари, подачилари, отбоқарлари ва бошқа ходимлари;

к) кучиб келган фуқаролар — 5 йилгача ва ҳоказолар.

Юридик шахслар «Ерлардан фойдаланувчиларни ҳисобга олиш» китобида жисмоний, шахслар эса «Фуқаролар тулаётган солиқларни ҳисобга олиш китоби»да ҳисобга олиб борилади. Юридик шахсларнинг ер майдонлари 0,01 га, шаҳарда истиқомат қилаётган жисмоний шахсларники 2 м² ва қишлоқда истиқомат қилаётган шахсларники 0,01 га миқдоригача аниқликда ҳисобга олинади.

Белгиланган меъёрдан ортиқча олинган ерларга 2 баробар солиқ суммаси солинади.

Ер солиғи суммалари тегишли счётларда ҳисобга олиб борилади ва харажат счётларига қўшилади: ҳисобланганда:

Дт 08, 20, 23, 29...

Кт 68

туланганда:

Дт 68

Кт 51

ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ФАОЛИЯТИДА ҚҲЙИДАГИ ВОҚЕАЛАР СОДИР БҮЛДИ

1. «Подъёмник» АЖ бошқа шахсга ускуна сотди:

бошланғич баҳоси — 1000000 сўм.

эскириш суммаси — 150000 сўм.

Сотилган ускуна буйича мол етказиб берувчи томонидан ҚҚС туланган.

Сотилган баҳоси — 8000000 сўм.

ҚҚС ?

Ушбу ускунанинг бозор баҳоси 950 000 сўм.

Вазифа:

а) Ушбу ускунанинг сотилаётганда корхона томонидан ҳисобланган ҚҚС топилсин;

б) бозор баҳоси асосида фойда солиғи ва ҚҚС ҳисоблансин;

в) ушбу муомалалар тегишли счётларда акс этилсин.

2. Июнь ойида «Уртоқ» АЖ бошқа корхонага 500 кг конфет беради — баҳоси 120 сўмдан 60000 сўм.

Шу ойда ушбу конфетни 150 сўмдан сотди.

Вазифа:

- а) берилган конфет буйича куриладиган тушумни ҳисобланг;
- б) ушбу тушум буйича ҚҚС ва фойда солиғини ҳисобланг;
- в) ушбу муомалани тегишли счётларда қайд қилинг.

3. «Малика» АЖ утган йилнинг III кварталда 25 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган, жорий йилнинг шу кварталда эса ишлаб чиқариш 1250 минг сўмга (5%) ўсди.

Утган йилнинг ушбу кварталда 5 млн. сўм фойда, жорий йилнинг шу кварталда эса 6 млн. сўм фойда олган.

Вазифа: а) солиқ суммасининг имтиёзи ҳисоблансин;

- б) утган йилда ҳисобланган солиқ суммаси аниқлансин;
- в) жорий йилда тўланадиган солиқ суммаси аниқлансин;
- г) имтиёз қўлланиши натижасида корхона ихтиёрида қоладиган қўшимча фойда суммаси ҳисоблансин;
- д) ушбу муомалалар натижаси счётларда қайд қилинсин.

4. «ТТЗ» АЖ ҳисобот йилида капитал қўйилма учун 3800000 сўм сарфлади. Ялпи фойда эса 13300000 сўмни ташкил қилди.

Вазифа:

- а) умумий фойда суммасидаги капитал қўйилма суммасининг улуши аниқлансин;
- б) улуш фойзига нисбатан солиқ имтиёзи даражаси белгилансин;
- в) корхона фойдасидан имтиёзли солиқ ҳисоблансин;
- г) ушбу муомалалар тегишли счётларда қайд қилинсин.

5. Йил охирида АЖнинг хужалик фаолиятидан кўрсаткичлари қуйидагича:

- а) ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми — 54000000 сўм;
- б) солиқ йилида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми — 45000000 сўм;
- в) утан йилга нисбатан маҳсулот ҳажмининг ўсиши — 20%;

- г) жорий йилда олинган ялпи фойда — 13500000 сўм;
- д) ўтган йилда олинган ялпи фойда — 9000000 сўм;
- е) сарфланган капитал қўйилма маблағлари:
 - жорий йилда — 4800000 сўм;
 - улуши % — 35%;
 - ўтган йилда — 2250000 сўм;
 - улуши — 25%.
- ж) Олинган фойда солиғи суммаси аниқлансин:
 - ўтган йилда ?
 - фоизи ?
 - жорий йилда ?
 - фоизи ?

Вазифа. Маҳсулот ҳажми ўсиши натижасида АЖ га бериладиган имтиёз ҳисоблансин:

- капитал қўйилмалар сарфи ўсганлиги натижасида бериладиган имтиёз аниқлансин;
- ушбу имтиёзлар ҳисобга олинган ҳолда тўланадиган солиқ суммасини аниқлансин;
- ҳисобланган солиқ ва корхона ихтиёрида қолган фойда суммалари тегишли сўётларда қайд қилинсин;
- хулоса ёзилсин.

6. Монополист корхонанинг хўжалик фаолияти кўрсаткичлари қуйидагича:

- а) ялпи маҳсулот ҳажми — 1500000000 сўм.
- б) олинган ялпи фойда — 450000000 сўм.
- в) рентабеллик даражаси: — тасдиқланган 25%
— ҳақиқатда 30%

Вазифа:

а) ушбу кўрсаткичларга асосан ялпи фойда суммасидан ҳисобланадиган солиқлар суммаси аниқлансин:

- оддий солиқ суммаси —
- фоизи —
- жарима солиғи-суммаси —
- фоизи —

б) хулоса ёзилсин.

7. Янги ташкил қилинган «Сигма» корхонасининг молиявий кўрсаткичлари қуйидагича:

- Корхона 1995 йил 01 апрелда ташкил қилинган.
- 1995 йилда олган фойда суммаси — 1500000 с.

- 1996 йилда олган фойда суммаси — 1200000 с.
- 1995 йилда ҳисобланган солиқ суммаси — ?
урнатилган фоизи — ?
- 1996 йилда ҳисобланган солиқ суммаси — ?
урнатилган фоизи — ?

Вазифа: белгиланган имтиёзларга мувофиқ солиқ суммалари ҳисоблансин.

8. 1995 йил 1 мартда ташкил қилинган «Этиклдүз» корхонаси 1997 йил 1 ноябрда тугатилди.

Ушбу корхона олган фойда суммасидан қуйидаги ҳажмда солиқ туланган:

- 1995 йилда — 35000 сўм.
- 1996 йилда — 40000 сўм.
- 1997 йилда — 30000 сўм.
- қўшимча солиқ — ?

Вазифа: Янги ташкил қилинган корхонанинг 1995, 1996 ва 1997 йилларда олган ялпи фойда суммаси аниқлансин.

— Корхона тугатилиши муносабати билан ҳисобланадиган қўшимча солиқ суммаси ҳисоблансин.

9. «ТТЗ» АЖ ҳужалик фаолиятининг асосий кўрсаткичлари:

- Ялпи маҳсулот — 950 млрд. сўм.
- шундан четга валютага сотилган маҳсулот — 400 млрд. сўм.
- олинган ялпи фойда — 120 млрд. сўм.
- ҳисобланган солиқ суммаси:
- оддий —
- имтиёзли —

Вазифа. Корхонанинг ушбу кўрсаткичларига асосан солиқ суммалари ҳисоблансин ва тегишли счётларда қайд қилинсин.

10. АЖ бюджетга қарз булган солиқ суммасининг 50% ни 9 апрель куни тўлади қолган сумма 250000 сўмни ташкил қилади.

Ушбу қарз сумма жарима миқдори билан қўйилган ҳолда 18 апрель куни тўлади.

Вазифа: Корхона бюджетга неча сўм солиқ ва неча сўм жарима тўлаган?

Ушбу жарима суммаси ва солиқ суммаси тегишли счётларда қайд қилинсин.

11. Акционерлар жамияти «Номоддий активлар» сотиб олиш учун маблағ сарфлади:

- 1995 йилда — 600000 сўм.
- 1996 йилда — 9000000 сўм.

Вазифа:

а) Корхонанинг солиққа тортиладиган даромадидан чегириладиган сумма аниқлансин.

б) Ушбу сумма ҳисобига ўрнатиладиган имтиёз ҳисобига солиқ суммасининг камайган ҳажми аниқлансин.

в) Жорий йилда неча сўм номоддий активлар ҳисобдан чиқарилади.

г) Аниқланган суммалар тегишли счётларда қайд қилинсин.

12. «Шуҳрат» қўшма корхонасининг жорий йилда олган даромади 5500000 сўмни ташкил қилди. Устав капиталида хориж инвесторларининг улуши 25%.

Олган даромаддан солиқ ҳисобланг.

13. «Шаҳризод» қўшма корхонасининг жорий йилда олган даромади 2500000 сўмни ташкил қилди. Ушбу қўшма корхонасининг устав капиталида хориж инвесторларининг улуши 35%.

Олган даромаддан солиқ ҳисобланг.

14. Фирманинг акциялар ва устав капиталига қўйган улуши буйича олган даромади 560000 сўмни ташкил қилди. Ушбу дивиденд ва даромадлар буйича солиқ ҳисобланг.

15. Мамлакатимизда ташкил қилинган қўшма корхона ўз ваколатхонаси орқали Францияда ҳам фаолият кўрсатади. Унинг асосий кўрсаткичлари:

— Устав капиталидаги хориж инвесторининг улуши 35%.

Олган даромади: — Францияда — 3000000 сўм.

— Ўзбекистонда — 9000000 сўм.

Туланган солиқ — Францияда — 450000 сўм.

— Ўзбекистонда — ?

Ўзбекистонда туланадиган солиқлар суммаси аниқлансин ва солиқ назоратчининг маълумотномаси тузилсин.

16. Мамлакатимизда Ўзбекистон-Покистон қўшма корхонаси ташкил қилинди. Устав капиталининг структураси — 60—40%

— Покистонда олинган даромад — 500000 сўм.

— Ўзбекистонда олинган даромад — 1200000 сўм.

— Покистонда туланган солиқ — 25%

суммаси — ?

— Ўзбекистонда туланадиган солиқ — %

суммаси — ?

Вазифа: Ўзбекистонда туланадиган даромад солиғи ҳисоблаб топилсин:

- Покистонда олинган даромаддан
- Ўзбекистонда олинган даромаддан
- Ушбу солиқ суммалари тегишли счётларда қайд қилинсин.

17. «ИИЗ» АЖ ўзининг ортиқча ускунасини бошқа корхонага сотди.

- бошланғич қиймати — 900000 сўм.
- эскириш суммаси — 120000 сўм.
- ускунани олдин сотиб олаётганда мол етказиб берувчи ташкилот томонидан ҚҚС тўланган.
- ускунани сотишдан келган тушум — 826000 сўм.
- шундан ҚҚС — 126000 сўм.
- ушбу ускунанинг аукцион баҳоси — 950000 сўм.

Вазифа: Усқунанинг бозор баҳосига асосан ҚҚС ҳисоблансин:

- ҳисобланган ҚҚС тегишли счётларда қайд қилинсин;
- сотиш муомаласи бўйича молиявий натижа аниқланиб счётларда акс эттирилсин.

18. Корхона ўтган ойда бошқа корхонага бартер усулида маҳсулот сотди:

- маҳсулотнинг шартнома баҳоси — 800000 сўм.
- акциз солиғи — 20% — ?
- ҚҚС — ?

Вазифа: Бартер усулида сотилган маҳсулотнинг акциз ва ҚҚС ҳисоблансин.

Ушбу муаммолар тегишли счётларда қайд қилинсин.

19. АЖ бошқа ташкилотга эҳсон сифатида бепул маҳсулот берди.

- маҳсулот баҳоланди — 150000 сўм.
- шундай маҳсулотни бошқа ташкилотларга сотган қиймати — 175000 сўм.
- корхона томонидан ҳисобланган солиқлар:
- акциз солиғи — 30000 сўм.
- ҚҚС — 31500 сўм.

Вазифа: Ҳисобланган акциз ва ҚҚС текширилсин:

- агарда фарқи аниқланса тегишли счётларда қайд қилинсин.
- солиқ назоратчисининг маълумотномаси тузилсин.

20. АЖ омборхонасидаги тайёр маҳсулотлар, солиқ даражасининг ўзгариш муносабати билан, қолдиғи инвентаризация қилинди. Инвентаризация якунлари буйича:

- тайёр маҳсулот қолдиғи — 600000 сўм.
- тайёр маҳсулотларга ҳисобланган ҚҚС —
- тайёр маҳсулотларга ҳисобланадиган янги ҚҚС —
- ҚҚС ўртасидаги фарқ суммаси —

Вазифа: Илгари амал қилинган ҚҚС ҳисоблансин

- янги ўрнатилган ҚҚС ҳисоблансин;
- ҚҚС ўртасидаги фарқ суммаси аниқланиб тегишли счётларда қайд қилинсин.

21. «Шерзод ва О» савдо фирмаси жорий ойда истеъмолчиларга товарлар сотди:

- сотишдан келган тушум — 1500000 сўм.
- ушбу товарларнинг сотиб олиш қиймати — 1200000 сўм.
- олинган даромад — 300000 сўм.

Вазифа: Ушбу чакана савдо фирмаси буйича ҚҚС ҳисоблансин.

— Ушбу муомалалар тегишли счётларда қайд қилинсин.

22. Юридик шахс жорий ойда харидорларга маҳсулот сотди:

- улгуржи баҳоси — 500000 сўм.
- акциз солиғи даражаси — 15%
- сотиш баҳоси — ?
- акциз суммаси — ?

Вазифа: Сотилган маҳсулотларнинг акциз солиғи суммаси ва сотиш баҳоси аниқлансин.

Ушбу муомалалар тегишли счётларда қайд қилинсин.

23. «О ва Р» хориж фирмаси ўз ваколатхонаси орқали Ўзбекистонда фаолият кўрсатмоқда. Лекин унинг олган ялпи даромад суммасидан (15 млн. сўм) Ўзбекистонда олган даромади суммасини ажратиш имконияти йўқ. Аниқланишича ушбу фирманинг 8 ходими ўз юртида ва 2 ходими Ўзбекистонда фаолият кўрсатмоқда.

Вазифа: Фирма вакили билан келишилган ҳолда ходимларнинг улуши буйича фирма даромади солиққа тортилсин.

Ҳисобланган солиқ суммаси тегишли счётларда қайд қилинсин.

24. АЖ ўз товарларини аукционга қўйди:

— бошланғич қиймати — 500000 сўм.

— сотилган қиймати — 750000 сўм.

Олинган умумий даромад, шундан	— аукционда
сотишдан олинган	— 200000 сўм.
қўшимча тушум	— 150000 сўм.
— бошқа даромадлар	— 50000 сўм.
— товарларнинг материал сарфлари	
ва муомала сарфлари	— 300000 сўм.
— шундан ҚҚС	— 54000 сўм.

Вазифа: Ҳисоблансин:

— товарларни сотишдан келган тушум бўйича солиқ ҳисоблансин;

— бошқа даромадлардан солиқ ҳисоблансин;

— бюджетга тўланадиган умумий солиқ суммаси ҳисоблансин;

— ушбу муомалалар тегишли счётларда қайд қилинсин.

25. Комиссион савдо учун товарлар қабул қилинди:

— товарларнинг қабул қилиш баҳоси — 200000 сўм.

— товарларнинг сотилган баҳоси — 280000 сўм.

— ишлаб чиқариш материал харажатлари — 125000 сўм.

— ҚҚС суммаси — 22500 сўм.

— комиссион даромад суммаси — 80000 сўм.

Вазифа: Ушбу муомалалар тегишли счётларда қайд қилинсин.

26. Комиссион магазинга олинган товарлар сотилди:

— сотилган қиймати — 300000 сўм.

— комиссион скидка (чегирта)си 10% — 30000 сўм.

— шундан ҚҚС — 54000 сўм.

— товар эгаси (комитент)га тўланадиган сумма — 270000 сўм.

— муомала харажатлари — 2000 сўм.

— шундан тўланадиган солиқ суммаси — 360 сўм.

Вазифа: Бюджетга тўланадиган солиқ суммаси ҳисоблансин:

Ушбу муомалалар тегишли счётларда ҳисоблансин.

27. Чакана савдо корхонаси «О ва О» фирмаси келишилган баҳода товар сотиб олди — 50000 сўм.

Шундан ҚҚС — 90000 сўм, Ушбу товарларни сотишдан келган тушум — 670000 сўм.

Вазифа: Ушбу муомала бўйича солиқ ҳисоблансин ва муомалалар тегишли счётларда қайд қилинсин.

28. «Равшанбек ва К» кафеси мол етказиб берувчилардан маҳсулот сотиб олди:

- | | |
|---------------------------|--------------|
| — келишилган баҳоси | — 250000 сўм |
| — шундан солиқ суммаси | — 45000 сўм |
| — савдо устамаси | — 20% |
| — баҳога қўйилган устама | — 50% |
| — олинган даромад суммаси | — ? |

Вазифа: Ушбу муомала бўйича ҳисоблансин.

- савдо устамаси;
- баҳога қўйилган устама;
- олинган даромад суммаси;
- ҳисобланган солиқ суммаси.

29. Воситачи (даллол) ташкилот корхонанинг маҳсулотини сотишга қатнашди:

- сотилган маҳсулот суммаси — 1500000 сўм.
- шундан ҚҚС
- воситачининг хизмат ҳақи 2%
- шундан тўланадиган солиқ.

Вазифа: Ҳисоблансин.

- сотилган маҳсулот бўйича ҚҚС;
- воситачининг хизмат ҳақи;
- хизмат ҳақидан тўланадиган солиқ.

Ушбу муомалалар тегишли счётларда қайд қилинсин.

30. Ишбилармонлик билан шуғулланаётган жисмоний шахс солиқ декларациясида жорий йилда оладиган даромад суммаси 250000 сўм. Ушбу маълумотга мувофиқ:

- ҚҚС аниқланди 20% — 50000 сўм.
- даромад солиғи ҳисобланадиган сумма аниқланди — 200000 сўм.

Жорий йил охирида даромади бўйича декларация тақдим қилди:

- олган даромад суммаси — 320000 сўм.
- сарфланган харажатлар — 50000 сўм.

Вазифа: Қуйидагилар ҳисоблансин:

- соф даромад ҳисоблансин;
- ҚҚС;
- йил давомида тўланган ҚҚС;
- йил охирида тулаши лозим бўлган ҚҚС.

- йил давомида тулаган даромад солиғи
- йил охирида тулаши лозим бўлган даромад солиғи.

Ушбу муомалалар тегишли сётларда акс эттирилсин.

31. Корхона ишлаб чиқараётган маҳсулотининг улгуржи баҳоси	— 600000 сум.
акциз солиғи даражаси	30%
маҳсулотларни сотиш баҳоси	?
акциз суммаси	?

Вазифа: Маҳсулотнинг сотиш баҳоси ва акциз солиғи суммаси топилсин.

32. «Равшанбек ва К» фирмаси хориждан консигнация шартномасига асосан товар олди.

— геинвайс бўйича товар баҳоси	— 50000\$-Д
— товарларни сотиш баҳоси	— 70000\$-Д
— ушбу товарлар бўйича олинган даромаднинг 50% консигнацияга ўтказилиши	— 10000 Д
ва 50% консигнаторда қолдирилиши лозим	— 10000 Д

Консигнантнинг улушини хориж давлатга ўтказганда бюджетга қийматининг 10% ни тулаш лозим.

Вазифа: Ушбу воқеа тегишли сётларда қайд қилинсин.

33. Ушбу маълумотларга мувофиқ транспорт солиғи ҳисоблансин. Корхонанинг 01.01.97 йилдаги мавжуд транспорт воситалари:

а) КАМАЗ-21062	— 20 дона	— 300 о//к
б) КАМАЗ-21084	— 15 дона	— 350 о//к
в) Автобуслар	— 4 дона	— 300 о//к
г) Микроавтобуслар	— 2 дона	— 110 о/к
д) Енгил автомобиллар	— 4 дона	— 110 о/к.

34. 1 — УҚК га ажратилган ер майдони 25,5 га Тошкент шаҳрининг 3 зонасига жойлашган ерларнинг 1 гага 4700000 сум солиқ туланди:

Вазифа: Комбинат тулайдиган умумий ер солиғи суммаси ҳисоблансин.

Ушбу солиқнинг ойлик, кварталлик ва ярим йиллик суммалари ҳисоблансин:

Солиқ тулаш муомалалари тегишли сётларда қайд қилинсин.

35. Уй эгаси И. Нурматов Тошкент шаҳрида истиқомат қилади ва тасарруфида 650 метр кв ер майдони бор.

Таъриф бўйича ҳар метр кв учун 14 с. 50 т. солиқ тўлаши лозим.

Қонун бўйича И. Нурматовга 600 метр ер майдони ажратилиши лозим.

Вазифа: И. Нурматов ерига асосий ери учун ва қўшимча ери учун солиғ ҳисобланг.

Ушбу воқеа тегишли сўтда қайд қилинсин.

36. Уй эгаси М. Урозбоев Гурлан туманининг «Вазир» жамоа хўжалигида истиқомат қилади. Унга уй қурилиши учун 0,13 га ва деҳқончилик қилиш учун 0,12 га ер ажратилган. Суғориладиган ерлардан олинадиган солиқ 0,01 га ерга 560 сўм ва коэффицент 1,3.

Вазифа: М. Урозбоев тўлаши зарур бўлган асосий ва қўшимча томорқалар бўйича ер солиғи ҳисоблансин.

— Ушбу солиқ суммаларининг тўлаш миқдори ва саналари аниқлансин.

— Солиқ тўлаш билан боғлиқ муомалалар тегишли сўтларда қайд қилинсин.

37. «Вазир» жамоа хўжалигининг кўрсаткичлари қуйидагича:

— маҳсулот реализациясидан тушган даромад — 30000000 сўм.

— қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг таннархи — 20000000 сўм

— рентабеллик даражаси — ?

Эслатма: Рентабеллик даражаси 40% гача 3% ва 40% дан ошиқ бўлса 20% фойда суммасидан солиқ олинади.

38. «Жайхун» жамоа хўжалигининг кўрсаткичлари қуйидагича:

— маҳсулот реализацияси — 15000000 сўм.

— маҳсулотларнинг тўлиқ таннархи — 12000000 сўм.

— рентабеллик даражаси — ?

Эслатма: Рентабеллик даражаси 40% гача 3% ва 40% дан ошиқ бўлса 20% фойда суммасидан солиқ олинади.

Вазифа: Рентабеллик даражаси аниқлансин.

Солиқ суммаси ҳисоблансин.

Сумманинг тўлов тартиби ёритилсин.

Ушбу воқеа тегишли сўтларда ёритилсин.

**Корхона, бирлашма ва ташкилотларда қуйидаги
муомалалар содир бўлди**

№	Муомалалар мазмуни	сумма
1.	Корхона мулки ҳисобланган компьютер сотилди	590000
2.	Сотилган компьютер суммасига ҚҚС ҳисобланди	90000
3	Сотилган компьютерларнинг бошланғич қиймати ҳисобдан чиқарилди	750000
4	Сотилган компьютернинг эскириш суммаси ҳисобдан чиқарилди	100000
5.	Сотишдан молиявий натижа (зарар) аниқланди	60000
	Ушбу компьютернинг бозор баҳоси	700000с
6	Бюджетга туланадиган ҚҚС	12600
7	Фойдадан олинадиган солиқ суммаси	15000
8	Болалар уйига бепул берилган маҳсулотга ҚҚС ҳисобланди	17000
9	Қўшма корхонанинг олган даромадидан солиқ ҳисобланди	75000
10.	Қўшма корхонанинг хорижда олган даромадидан олинган солиқ инобатга олинди	28000
11.	Материаллар қийматининг туланган қисмига ҚҚС акс эттирилди	50000
12.	АЖ харидорларга маҳсулот сотди, маҳсулот баҳосида ҚҚС кўрсатилмаган	600000
13.	Истемолчилардан ҚҚС олинди	108000
14.	А. Ж. ўзининг буюртмачиларидан молиявий ёрдам сифатида пул маблағлари олди	700000
15.	Молиявий ёрдам учун олинган маблағларга ҚҚС ҳисобланди	126000

16.	Инвентаризация натижасида аниқланган материаллар камомад ҳисоб баҳосида қайд қилинди	15000
17.	Моддий жавобгар зиммасига камомад материаллари бозор баҳосида олиб борилди	30000
18.	Баҳолари ўртасидаги фарқ корхона фойдасига кирим қилинди	15000
19.	Аниқланган камомад бозор баҳосида ундириб олинди	30000
20.	Инвентаризация натижасида аниқланган ортиқча товарлар биржа баҳосида кирим қилинди	10000
21.	Камомади аниқланган материалларнинг баҳолари ўртасидаги фарқ сумма солиққа тортилди	6000
22.	Ортиқча чиққан товарлар қиймати солиққа тортилди	2000
23.	Кассада сақланаётган валюта курсининг пасайиши натижасидаги сумма	15000
24.	Валюта счётидаги сақланаётган валюта курсининг пасайиши суммаси	42000
25.	Ушбу валюта курсининг камайиши суммаси корхона зарарига олиб борилди	57000
26.	Валюта бўйича дебитор қарзлари туланди	350000
27.	Валюта курси бўйича фарқ (камайиши) корхона зарарига олиб борилди (60 тийин)	21000
28.	Валютага олинган товарлар бўйича бўлган қарз туланди	550000
29.	Товарларнинг валюта курси бўйича фарқ (камайиши) корхона зарарига олиб борилди (60 тийин)	33000
30.	Валюта курси ўртасидаги фарқ йилнинг охирида тегишли счётга ўтказилди	54000

31.	Кредитга олинган товарлар қиймати валюта билан тўланди.	25000\$
32.	Тулаш санасидаги валюта курси ўртасидаги фарқ (зарар) тегишли счётага ўтказилди.	5000
33.	АЖ мулкига белгиланган фоизда солиқ ҳисобланди	4500000
34.	АЖ мулкига ҳисобланган солиқ бюджетга тўланди	450000

МАВЗУНИ ЎЗЛАШТИРИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Истеъмолчилардан қўшилган қиймат солиғи олинди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) Дт | 51 | Кт | 60 |
| б) Дт | 60 | Кт | 68 |
| в) Дт | 19 | Кт | 68 |
| г) Дт | 68 | Кт | 51 |

2. Бюджетга тўланадиган қўшилган қиймат солиғи ҳисобланди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) Дт | 19 | Кт | 68 |
| б) Дт | 68 | Кт | 20 |
| в) Дт | 68 | Кт | 51 |
| г) Дт | 68 | Кт | 19 |

3. Номоддий активларни сотишдан аниқланган молиявий натижа (зарар) суммаси тегишли счётада қайд қилинди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) Дт | 80 | Кт | 46 |
| б) Дт | 80 | Кт | 47 |
| в) Дт | 80 | Кт | 48 |
| г) Дт | 48 | Кт | 80 |

4. Товарлар бўйича аниқланган камомад биржадага баҳода ундириб олинди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) Дт | 50 | Кт | 84 |
| б) Дт | 70 | Кт | 73 |
| в) Дт | 50 | Кт | 73 |
| г) Дт | 73 | Кт | 84 |

19. Инвентаризация натижасида ортиқча чиққан товарлар суммаси солиққа тортилди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) Дт | 41 | Кт | 84 |
| б) Дт | 41 | Кт | 68 |
| в) Дт | 41 | Кт | 80 |
| г) Дт | 84 | Кт | 68 |

6. Қўшма корхонанинг олган даромадидан солиқ ҳисобланди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) Дт | 80 | Кт | 68 |
| б) Дт | 81 | Кт | 68 |
| в) Дт | 20 | Кт | 68 |
| г) Дт | 26 | Кт | 68 |

7. Болалар уйига эхсон қилинган маҳсулотга қўшилган қиймат солиғи ҳисобланди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) Дт | 20 | Кт | 68 |
| б) Дт | 19 | Кт | 68 |
| в) Дт | 40 | Кт | 68 |
| г) Дт | 46 | Кт | 68 |

8. АЖнинг жорий йилда олган фойдасидан солиқ ҳисобланди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) Дт | 80 | Кт | 68 |
| б) Дт | 81 | Кт | 68 |
| в) Дт | 26 | Кт | 68 |
| г) Дт | 68 | Кт | 51 |

9. Сотилган компьютер суммасига қўшилган қиймат солиғи ҳисобланди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) Дт | 68 | Кт | 51 |
| б) Дт | 19 | Кт | 68 |
| в) Дт | 19 | Кт | 68 |
| г) Дт | 04 | Кт | 68 |

10. Инвентаризация натижасида кам чиққан хом-ашёнинг ҳақиқий таннари ва аукцион баҳолари ўртасидаги фарқ корхона фойдасига кирим қилинди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) Дт | 84 | Кт | 80 |
| б) Дт | 73 | Кт | 80 |
| в) Дт | 10 | Кт | 80 |
| г) Дт | 26 | Кт | 80 |

11. Аниқланган камомад бўйича ундириб олинган материалларнинг ҳақиқий таннархи билан бозор баҳоси ўртасидаги фарқ сумма бўйича солиқ ҳисобланди.

а) ДТ	73	КТ	84
б) ДТ	84	КТ	68
в) ДТ	73	КТ	68
г) ДТ	68	КТ	73

12. Қўшма корхонанинг хорижда олган даромади суммасидан тулаган солиғи инобатга олинди.

а) ДТ	51	КТ	80
б) ДТ	68	КТ	80
в) ДТ	51	КТ	68
г) ДТ	26	КТ	80

13. Кассада сақланаётган валюта курсининг пасайиши натижасидаги сумма корхона зарарига олиб борилди.

а) ДТ	80	КТ	52
б) ДТ	80	КТ	26
в) ДТ	52	КТ	80
г) ДТ	80	КТ	51

14. АЖ мулкига ҳисобланган солиқ бюджетга туланди.

а) ДТ	68	КТ	52
б) ДТ	68	КТ	51
в) ДТ	68	КТ	55
г) ДТ	68	КТ	50

15. Инвентаризация натижасида аниқланган ортиқча товарлар биржа баҳосида кирим қилинди.

а) ДТ	10	КТ	80
б) ДТ	84	КТ	80
в) ДТ	41	КТ	80
г) ДТ	40	КТ	80

16. АЖ мулкига белгиланган фоизда солиқ ҳисобланди.

а) ДТ	80	КТ	68
б) ДТ	81	КТ	68
в) ДТ	26	КТ	68
г) ДТ	01	КТ	68

17. Материаллар қийматининг тўланган қисмига ҚҚС акс этирилди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 10 | КТ | 68 |
| б) ДТ | 10 | КТ | 19 |
| в) ДТ | 19 | КТ | 68 |
| г) ДТ | 68 | КТ | 80 |

18. Валютага олинган товарлар буйича булган қарз туланди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 60 | КТ | 52 |
| б) ДТ | 62 | КТ | 52 |
| в) ДТ | 60 | КТ | 51 |
| г) ДТ | 62 | КТ | 51 |

19. Сотилган компьютернинг бошланғич қиймати ҳисобдан чиқарилди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 85 | КТ | 01 |
| б) ДТ | 47 | КТ | 01 |
| в) ДТ | 02 | КТ | 47 |
| г) ДТ | 02 | КТ | 01 |

20. Валюта курси ўртасидаги фарқ (фойда) йилнинг охирида тегишли сётга ўтказилди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 55 | КТ | 80 |
| б) ДТ | 52 | КТ | 80 |
| в) ДТ | 51 | КТ | 80 |
| г) ДТ | 50 | КТ | 80 |

21. АЖ ўзининг буюртмачиларидан молиявий ёрдам сифатида пул маблағлари олди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 60 | КТ | 64 |
| б) ДТ | 52 | КТ | 64 |
| в) ДТ | 51 | КТ | 64 |
| г) ДТ | 55 | КТ | 64 |

22. Валюта курси буйича фарқ (камайиши) корхона зарарига олиб борилди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 80 | КТ | 52 |
| б) ДТ | 80 | КТ | 51 |
| в) ДТ | 80 | КТ | 50 |
| г) ДТ | 80 | КТ | 55 |

23. АЖ харидорларга маҳсулот сотди, маҳсулот баҳосида ҚҚС кўрсатилмаган.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 40 | КТ | 46 |
| б) ДТ | 46 | КТ | 40 |
| в) ДТ | 45 | КТ | 40 |
| г) ДТ | 46 | КТ | 19 |

24. Тулаш санасидаги валюта курси уртасидаги фарқ (зарар) тегишли сўтга ўтказилди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 80 | КТ | 51 |
| б) ДТ | 80 | КТ | 52 |
| в) ДТ | 80 | КТ | 55 |
| г) ДТ | 52 | КТ | 80 |

25. Сотилган компьютернинг эскириш суммаси ҳисобдан чиқарилди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 02 | КТ | 85 |
| б) ДТ | 02 | КТ | 01 |
| в) ДТ | 02 | КТ | 47 |
| г) ДТ | 47 | КТ | 02 |

26. Корхона мулки ҳисобланган компьютер сотилди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 85 | КТ | 01 |
| б) ДТ | 02 | КТ | 01 |
| в) ДТ | 02 | КТ | 47 |
| г) ДТ | 47 | КТ | 01 |

27. Валюта сўтидаги сақланаётган валюта курсининг ўзгариш суммаси (зарар) тегишли сўтга ўтказилди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 80 | КТ | 52 |
| б) ДТ | 80 | КТ | 51 |
| в) ДТ | 80 | КТ | 55 |
| г) ДТ | 52 | КТ | 80 |

28. Инвентаризация натижасида аниқланган материаллар камомати ҳисоб баҳосида қайд қилинди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 84 | КТ | 10 |
| б) ДТ | 26 | КТ | 10 |
| в) ДТ | 73 | КТ | 10 |
| г) ДТ | 80 | КТ | 10 |

29. Валюта бўйича кредитор қарзи туланди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 64 | КТ | 52 |
| б) ДТ | 62 | КТ | 52 |
| в) ДТ | 60 | КТ | 52 |
| г) ДТ | 76 | КТ | 52 |

30. Қўшма корхонанинг хорижда олган даромадидан олинган солиқ ҳисобга олинди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 68 | КТ | 52 |
| б) ДТ | 68 | КТ | 51 |
| в) ДТ | 80 | КТ | 68 |
| г) ДТ | 68 | КТ | 80 |

31. Кредитга олинган товарлар қиймати валюта билан туланди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 60 | КТ | 51 |
| б) ДТ | 60 | КТ | 52 |
| в) ДТ | 76 | КТ | 52 |
| г) ДТ | 64 | КТ | 52 |

32. Товарларнинг валюта курси бўйича (камайтиши) корхона зарарига олиб берилди.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 80 | КТ | 52 |
| б) ДТ | 52 | КТ | 80 |
| в) ДТ | 80 | КТ | 51 |
| г) ДТ | 80 | КТ | 55 |

33. Акционерлик жамияти корхона ҳудуди жойлашган ер учун солиқ тулади.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 51 | КТ | 68 |
| б) ДТ | 68 | КТ | 51 |
| в) ДТ | 19 | КТ | 51 |
| г) ДТ | 26 | КТ | 68 |

34. Фуқаро И. Нурматов шахсий ери учун солиқ тулади.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 68 | КТ | 70 |
| б) ДТ | 70 | КТ | 68 |
| в) ДТ | 68 | КТ | 50 |
| г) ДТ | 68 | КТ | 51 |

35. Қўшма корхона эгаллаган майдони учун ер солиғи тулади.

- | | | | |
|-------|----|----|----|
| а) ДТ | 19 | КТ | 51 |
| б) ДТ | 26 | КТ | 51 |
| в) ДТ | 26 | КТ | 68 |
| г) ДТ | 51 | КТ | 68 |

ЎН ИККИНЧИ МАВЗУ

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ, УНИНГ ТУРЛАРИ, ТУЗИШ ВА ТАҚДИМ ҚИЛИШ ТАРТИБЛАРИ

Мулкий ва ташкилий шаклларида қатъи назар ҳар бир корхона, ташкилот, муассаса ўзининг фаолиятини акс эттириши ва унга баҳо бериши, яъни ҳисобот тузиши шарт. Чунки ҳисоботда корхона, ташкилот ва муассасаларнинг маълум даврдаги шарт-шароити ва фаолиятининг натижасини ёритадиган кўрсаткичлар тизимидан ташкил топган:

- жорий ҳисоб кўрсаткичларидан олинган қисқа маълумотлар;
- фаолиятини ёритувчи жамғарма маълумотлар.

Ҳисобот бухгалтерия ҳисоби жараёнининг тугалланувчи босқичи ҳисобланиб жорий ҳисобнинг ҳамма шакллари маълумотларига асосан тузилади:

- тезкор (оператив) ҳисоби маълумотлари;
- бухгалтерия ҳисоби маълумотлари;
- статистика ҳисоби маълумотлари.

Ҳисобот орқали сифат, миқдор ва қиймат кўрсаткичлари орқали корхона фаолиятига тавсиф берилади. Тасдиқланган шаклдаги бухгалтерия ҳисобида сотилган маҳсулот, иш ва хизмат, ишлаб чиқариш харажатлари, корxonанинг мулк ва молиявий ҳолати ва хўжалик фаолиятининг натижалари бўйича маълумотлар маълум тизимда акс эттирилади.

Бизга маълумки бухгалтерия ҳисоби жараёни асосан тўртга босқичдан иборатдир:

- ҳар бир воқеа ҳужжатлаштирилади;
- ушбу воқеа ва маълумотлар гуруҳлаштирилиб бир кўринишдаги маълумотларга айланттирилади яъни ушбу воқеа ва маълумотлар бухгалтерия ҳисобининг счётларида қайд қилинади;
- Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган шакл ва мазмундаги ҳисобот шакллари ташкил қилинади;
- фаолиятни баҳолаш ва талбирлар белгилаш учун хўжалик фаолияти таҳлил қилинади.

Ушбу босқичлар бир бутун бўлиб уларни ўрганиш жараёнида уша бирликка, узаро боғланишга эътибор бериш лозим. Бухгалтерия ҳисоботи корхона ишини режалаштириш, назорат қилиш ва уни баҳолаш, жамоа, таъсисчилар, бошқарув муассасалари ва қизиқувчи ташкилотлар учун энг асосий ахборот манбаи ҳисобланади.

Ҳисобот асосан қуйидаги белгиларига асосан бири-биридан фарқ қилади:

- маълумотлар ҳажми бўйича;
- қандай мақсадда фойдаланиш учун;
- қамраган даври бўйича.

Ҳисобот маълумотларининг ҳажмига қараб ҳисоботлар:

- қисман — корхонанинг у ёки бу аниқ бўлимига тавсия баҳо берадиган маълумотларини жамғаради;
- умумий — корхонанинг жами ҳужалик фаолиятини тавсифлайдиган ва баҳолайдиган маълумотларни жамғаради.

Фойдаланиш мақсадига қараб:

— ташқи — корхона фаолияти билан қизиқувчи шахслар фойдаланиши учун, корхонанинг фаолият тури, даромадининг даражаси ва мулкининг аҳволи тўғрисидаги маълумотлар. Бу ҳисоботни матбуотда эълон қилиш зарурияти туғилади ва халқаро терминда «Омма учун» деб ҳам юритилади:

— ички — ҳужалик маъмуриятининг талаби учун тузиладиган ҳисобот:

Қамраган даври бўйича:

- даврий ҳисобот — йил ичида тузиладиган кундалик, ҳафталик, ойлик, кварталлик ва ярим йиллик ҳисоботлар;
- йиллик — корхона фаолиятининг йиллик кўрсаткичларини чуқур ва тўлиқ қамраган маълумотлар йиғилади.

Ҳисоботни чуқур ўрганиб ва таҳлил қилиб эришилган муваффақиятлар омиллари, камчиликлар сабабини аниқлаш ва уларни тугатиш учун тадбирлар белгилашга асос бўлади.

Ҳисоботдан ташқи фойдаланувчилар ушбу маълумотларни ўрганиб қуйидаги имкониятларга эга бўладилар:

- у ёки бу корхона билан иш юритиш лозимлиги ва шарт-шароитларни белгилаш;

- ишончсиз шахсга қарз бериш ёки бермаслик;
- у ёки бу корхонанинг активини сотиб олиш мувофиқлиги;
- буюртмачилар билан муносабатни туғри урнатиш;
- келгусида алоқада буладиган корхоналарнинг молиявий аҳволини баҳолаш;
- ишни бошлаш ва юритиш жараёнида баъзи бир таваккалчиликни ҳисобга олиш.

Даврий ва йиллик ҳисоботлар асосан юқори ташкилот, солиқ муассасаси, банк статистика муассасаларига тақдим қилинади. Айрим ҳолларда таъминотчиларга ва қизиқувчи шахсларга ҳисобот маълумотлари ҳам берилади.

Корхона, ташкилот ва муассасаларда йиллик ҳисобот тузилаётганда бухгалтерия ҳисобини юритишнинг куйидаги шартларига амал қилиш лозим:

— жорий йил давомида айрим хўжалик муомалаларини қайд қилиш ва қонунда кўрсатилган тартибга корхона мулкини баҳолаш каби қабул қилинган ҳисоб сиёсатига амал қилиш, агарда ҳисоб сиёсати ўзгартирилса ушбу ўзгариш йиллик ҳисоботга илова сифатида берилади;

— жорий йилда амалга оширилган хўжалик муомалаларини тулиқ акс эттириши, мулк ва мажбуриятларини, инвентаризация маълумотларини тулиқ юритиш;

— бухгалтерия ҳисобининг счётлар режаси ва бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи туғрисидаги қонунга мувофиқ даромад ва сарфларни жорий йилда туғри олиб бориш;

— ҳисобни ташкил қилишда ишлаб чиқариш ва муомала буйича жорий харажатлар ва капитал куйиш харажатларини ажратган ҳолда ҳисобга олиш;

— йиллик инвентаризация ўтказиш вақтига аналитик ҳисоб маълумотларининг статистик маълумотига туғри келиши;

Шундай қилиб йиллик ҳисобот тузишдан олдин ўтган йилда содир бўлган ҳамма хўжалик муомалалари бухгалтерия ҳисоби счётларида қайд қилинган бўлиши лозим. Шу билан бир қаторда бухгалтерия ҳисоби маълумотлари тулиқ ва туғри бўлиши билан йиллик ҳисобот ва бошқа жорий ҳисобот шакллари чукур ва ҳаққоний юритиб бориш имкониятига тула эга бўла олмайди. Чунки корхона мулки ва мажбуриятларининг

ҳажми ва ҳолати текширилиб ҳисоботга ўзгартиришлар киритилади.

Ҳисобнинг ишончли бўлишининг асосий шарти жорий йил маълумотларини ўтган йил маълумотлари билан таққослаш имкониятини яратишдир. Ҳисоботдаги маълумотларни ўчириш ёки ўзгариш киритиш мумкин эмас, агарда ўзгартириш киритилса ёки хато ёзувлар туғирланса ҳисоботга имзо қўйган жавобгар шахслар киритилган ўзгаришларни имзоси билан тасдиқлашлари шарт.

Эълон қилинган ҳисобот маълумотларига асосан ташқи истеъмолчилар томонидан қилинган хулосаларнинг ишончли ва мустаҳкам ишбилармонлар томонидан қўйиладиган талабнинг асосидир. Шунинг учун ҳар хил нотўғри хулосалар рўёбга чиқмаслиги, тегишли низом ва кўрсатмалар талабига жавоб бериши ёки бермаслиги учун олдиндан махсус лицензияси бўлган юқори малакали бухгалтер-аудитор томонидан текширилиб тасдиқнома олинади. Ушбу хулосада-тасдиқномада ҳисобот маълумотлари, корхонанинг молиявий ҳолати баҳоланади ва банкротликка яқинлик даражаси кўрсатилади.

Бухгалтерия ҳисобининг Халқаро стандартидаги асосий талаблардан бири — ҳисобот тушунарли ва оддий бўлишидир. Ҳисобот маълумотларининг сифат белгиси, яъни «яхши» маълумотни «ёмон» маълумотдан ажратиш — ахборотнинг ўз жойида ва ишончли бўлишидир. Чунки ўз жойида ва ишончли бўлиши у ёки бу қарорни қабул қилишда асосий кўрсаткич ҳисобланади. Ахборотларни жой-жойида ва ишончли тақдим қилиш айрим ривожланган давлатларда «объектив ва ҳақиқат кўзгуси» деб юритилади. Чунки корхонанинг ҳисоботи корхона ҳолати ва фаолиятини акс эттирувчи кўзгу ҳисобланади.

Агарда ҳисобот ахборотига асосан қиймат баҳосига ёки ҳозирги ва келгуси даврда қабул қилинадиган қарорга таъсир қилса, ўз жойида берилган ҳисобланади. Ҳисоботда келтирилган маълумотларнинг жой-жойида берилишига қуйидаги омиллар таъсир қилади:

— ўз вақтида — маълумотлар зарур вақтида берилиши шарт, чунки кечиктирилган маълумотнинг қиймати пасаяди ёки умуман зарурияти йўқолади.

— прогноз қилиш учун аҳамияти — ҳисобот маълумотлари корхона ҳолати ва фаолиятини баҳолаш ва қарор қабул қилиш учун асос бўлади. Ҳисобот тузувчи ушбу маълумотлардан фойдаланувчиларни қайси маъ-

лумотлар қизиқтиришини яхши билиши керак. Чунки у ёки бу маълумотнинг ҳажми ва мазмуни қарорлар қабул қилишда қандай кучга эга бўлишини билиши шарт. Чунки бу маълумотларга асосан у ёки бу истеъмолчи тегишли қарор қабул қилади.

— Прогноз қилиш учун қиймати — ҳисобот маълумотлари олдинги йили фаолиятини юритиши билан бир қаторда келгусида корхонанинг фаолияти ва равнақи учун қабул қилинадиган қарорлар ва тадбирлар учун асосий омил ҳисобланади, яъни корхонанинг келгусида оладиган даромадлари, киримлари, дивиденд даражаси, биржадаги баҳоси ва бошқа маълумотларни аниқлаш учун хизмат қилади.

— Фаолияти натижаларини таққослаш — ҳисобот маълумотларига асосан корхонанинг олдинги йиллардаги фаолияти натижалари ва турдош корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятлари таққосланади ва истеъмолчилар томонидан у ёки бу тадбир учун қарор қабул қилишга асос бўлиб хизмат қилади.

— Ишончли маълумотларни акс эттириш — ҳисобот маълумотларидан фойдаланувчилар учун корхона фаолиятини ва унда содир бўлган воқеаларни объектив, холисано ёритувчи, сифатини белгиловчи кўрсаткичдир. Ушбу ишончли маълумотларни йиғиш ва ёритишга қуйидаги омиллар ёрдам беради:

— маълумотларнинг ҳақиқийлиги — берилган ахборотларда фақат тегишли воқеалар ёритиши шарт.

Масалан, агарда ҳисоботда фойда ва зарарлар тўғрисидаги маълумотлар маълум даврни қамраган бўлса, фақат шу даврдаги кирим ва чиқимлар тулиқ ёритилиш лозим. Шунинг учун тегишли даврдаги ҳисобга олиш ва қўлланилган баҳолар тартиби ва усули берилиши лозим;

— Мазмунининг шаклдан устунлиги — айрим вақтларда ҳисоботда келтирилган маълумотлар ва воқеалар ҳар хил тушунилади. Ушбу воқеаларни юридик ва иқтисодий томонидан кўриш лозим. Лекин корхоналар ҳисобот маълумотларида муомала ва воқеаларни асосан иқтисодий мазмунига асосланиб баён қилиниши лозим.

— Холислик — фойдаланувчиларнинг қандай бўлишидан қатъи назар ахборотлар объектив бўлиши зарур. Бухгалтерия ҳисоботи фойдаланувчиларнинг у ёки бу қарорни қабул қилишга ёрдам берувчи маълумотлар келтиришидан қатъи назар ундаги маълумотлар холис бўлиши шарт.

— Эҳтиёткорлик (консерватизм) — ҳисобот маълумотларнинг ишончлилик даражасини баҳолаётганда унинг номаълумлик омилини ҳам эътибордан четда қолдириш мумкин эмас. Бу маълумотлар ўтган йилда содир бўлган воқеаларни ўзида акс эттирилишига қарамай бу воқеаларнинг келгуси даврга таъсир қилиши нуқтаи назарида ўрганиш натижасида уларнинг моҳияти очилади. Шунинг учун ҳам ҳисобот тузаётганда, ушбу натижаларни баҳолаётганда эҳтиёт бўлиш зарур.

— Текшириш мумкинлиги — айрим ҳолларда у ёки бу муомала ёки воқеаларга ишончсизлик вужудга келса мустақил ва малакали аудиторлар томонидан ҳисоботдаги маълумотлар қисман ёки тўлиқ текширилиши мумкин.

— Маълумотларнинг таққосланиши — ҳисобот маълумотларидан фойдаланувчилар корхона ҳисоботиغا асосан унинг динамикасини ва тузилишини таҳлил қилиши мумкин. Ҳисоботларни таққословчи баҳода ёки бирликда тузиш шу давр ичида ушбу корхона ёки бир нечта турдош корхоналарнинг коммерция ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятларини ўрганиш имкониятини беради.

Ўзбекистон Республикасининг Қонунига асосан корхоналарнинг йиллик ҳисобот маълумотлари банклар, биржалар, инвесторлар, истеъмолчилар, таъсисчилар, мол етказиб берувчилар ва бошқа ташқи фойдаланувчилар учун очиқ ҳисобланади ва ушбу маълумотлар тегишли тартиб ва муддатда газета ва журналларда чоп қилиниши лозим.

Агарда корхона қонунга мувофиқ аудит текширилишидан ўтиши лозим бўлса чоп қилинаётган ҳисобот аудитор ҳулосаси билан тасдиқланиши лозим. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисидаги қонунга мувофиқ бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрилиги ва ишончлигини таъминлаш мақсадида ҳамда мулк миқдорини тўғри аниқлаш учун корхоналар ҳисобот тузишдан олдин асосий воситалар капитал қўйилмалари, тугалланмаган капитал қурилиши, товар моддий қийматликлари, пул маблағидан, ҳисоблашишлар ва баланснинг бошқа моддаларида кўрсатиладиган маблағ ва манбаларни инвентаризация қилиши шарт.

Маълум муддатга корхонада мавжуд бўлган маблағлар ва уларнинг манбалари, ҳақиқатда сарфланган харажатлар, яъни қолдиқни ҳисоблаб аниқлаш ва ҳисоб маълумотлари билан таққослаш инвентаризация ёрдами билан амалга оширилади.

Инвентаризациянинг асосий мақсади корхона балансида акс эттирилган товар-материал қийматликлари, касса, банкдаги счётлардаги пул маблағлари, дебитор-кредитор қарзлар, келгуси давр сарфлари, фондлар, резервлар ва бошқа моддалардаги суммаларнинг ҳақиқийлигини аниқлашдир.

Инвентаризация ўтказишда қуйидаги вазифалар қўйилади:

- корхона мулки, моддий қийматликлари, ва кассадаги пул маблағларининг ҳақиқий ҳолатини аниқлаш;
- кассадаги пул маблағларини ҳисобдаги пул маблағлари билан таққослаш. йўли билан корхона мулкининг мавжудлигини назорат қилиш;
- сотиш мақсадида зарур бўлмаган ва ортиқча асосий воситалар ва моддий қийматликларни аниқлаш;
- моддий қийматликлар ва пул маблағларининг сақланиши уй жой фондидан фойдаланиш, гаражлар ва бошқа иморат ва иншоотларни асраш қоидаларига риоя қилишни текшириш;
- дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоблашишлар, биржа ва банк билан ҳисоблашишлар ҳолатини текшириш.

Инвентаризация объектини қамраши бўйича икки турда бўлади:

- а) тўлиқ инвентаризация — корхона ресурсларининг ҳамма турини ўз ичига олади;
- б) қисман инвентаризация — корхона ресурсининг у ёки бу турини текшириши мумкин — моддий қийматликлар, ёки дебитор ва кредитор қарзлар ва ҳоказо.

Инвентаризация ўтказилишини кутиш нуқтаи назаридан:

- режага асосан — корхонанинг илгари тузилган режасига асосан ўтказиладиган инвентаризация ва йиллик ҳисоботни ва балансини тузишдан олдин ўтказиладиган инвентаризация,
- режадан ташқари (кутилмаганда, тўсатдан) ўтказиладиган инвентаризация ва шикоят тушганда, жавобгар шахс алмашганда ва ҳоказо.

Жорий йилда ўтказиладиган инвентаризациянинг миқдори, тартиби, ўтказиш муддати, тешкириладиган мулк ва мажбурият турлари корхона томонидан белгиланади. Лекин қуйидаги ҳолларда инвентаризация ўтказиш шарт:

- корхона мулкени ижарага бериш, сотиш ёки корхонанинг бошқа мулкчилик шаклига ўтказиш вақтида;
- моддий жавобгар шахс алмашганда;
- ўғирлик, суистеъмол қилиш аниқланганда, табиий офат, ёнгин ва бошқа экстремал натижасида мулкларга зарар етганда;
- ташкилотни тугатганда ёки уни бошқа мулкчилик шаклига ўтказганда;
- бошқа Қонунда кўрсатилган шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда. Корхонанинг ҳисоботини тузишдан олдин ўтказиладиган инвентаризация ишчи инвентаризация комиссияси томонидан амалга оширилади ва унга тафтиш комиссиясининг аъзолари, бухгалтерия ходимлари ва тегишли мутахассислар жалб қилинади.

Мулкчилик шаклидан қатъий назар йиллик ҳисобот ва баланс тузишдан олдин инвентаризация ўтказилишининг қуйидаги муддати тавсия қилинади:

- асосий воситалар — йилда бир марта, 1 октябрдан кейин иморат ва муқим турган объектлар — 2—3 йилда, библиотека фонди 5 йилда бир мартаба;
- капитал қуйилмалар — йилда бир марта, 1 декабрдан кейин;
- тугаланмаган ишлаб чиқариш — 1 октябрдан кейин;
- асосий воситаларнинг тугаланмаган таъмирлаши, келгуси давр сарфлари, моддий қийматликлар, кам баҳоли ва тез тузувчан буюмлар — йилда бир марта;
- ёш ва боқувдаги ҳайвонлар, паррандалар, қуёнлар, бошқа ҳайвонлар, асаларилар ва тажриба учун боқилаётган ҳайвонлар — кварталда бир марта, 1 октябрдан кейин;
- омбордаги тайёр маҳсулотлар — йилда бир марта, 1 октябрдан кейин;
- омборда ва бозордаги саноат моллари — йилда бир марта, 1 октябрдан кейин;
- омборда ва бозордаги озиқ-овқат таомлари — йилда икки марта;
- ёнилғи ва мойлаш материаллари, овқатланиш маҳсулотлари — ҳар кварталда;
- хом-ашё ва бошқа моддий қийматликлар — 1 октябрдан кейин;

- пул маблаглари, пул ҳужжатлари, қийматликлари, қатъий ҳисобот бланкалари — ҳар ойда;
- банк билан ҳисоблашиш — кучирма олиш жарёнида;
- бюджет билан ҳисоблашиш — кварталда бир марта;
- дебитор ва кредиторлар билан ҳисоблашиш — йилда икки марта;
- ишлаб чиқариш структуралари билан ҳисоблашиш — ҳар ойнинг маълум бир кунда;
- баланснинг бошқа моддалари — ҳисобот йилининг кейинги ойининг биринчи кунига.

Корхона ва ташкилотларда инвентаризация яқунлари қуйидаги дастлабки ҳужжатларда қайд қилинади:

- инв. 1-шакли — асосий воситаларнинг инвентаризация рўйхати — асосий воситаларнинг турган жойлари ва жавобгар шахслар бўйича рўйхатга олинган асосий воситалар қайд қилинади;
- инв. 2-шакли — инвентаризация ёрлиғи — хомашё, тайёр маҳсулотлар, товарлар, материаллар ва бошқа моддий қийматликлар бўйича тўлғазилади. Ушбу шакл маълумотларига асосан товар — материал қийматликларининг рўйхати инв. 3-шакли тўлғазилади;
- инв. 3-шакли — товар материал қийматликларининг инвентаризация рўйхати — товар материал қийматликларининг жойлари ва моддий жавобгар шахслар бўйича қолдиғи акс эттирилади;
- инв. 4-шакли — жунатилган товарлар акти — тўлов муддати келмаган ва тўлов муддати ўтган жунатилган товарлар бўйича айрим тўлғазилади;
- инв. 5-шакли — маъсул сақлашга қабул қилинган товар — материал қийматликларининг инвентаризация рўйхати — маъсул сақлашга қабул қилинган Т. М. К. қайд қилинади;
- инв. 6-шакли — йўлдаги товар ва материалларнинг инвентаризация акти — инвентаризация вақтида йўлдаги товар ва материаллар туғрисида маълумотлар қайд қилинади;
- инв. 4, 5, 6-шакли ўрнига тегишли журнал ордернинг табуляграммаси ёки ведомости қўлланилиши мумкин;
- инв. 8-шакли — қимматли металллар ва улардан бўлган буюмлар;

- инв. 9-шакли — қимматли тошлар ва жавоҳирлар ва улардан тайёрланган буюмлар. Ушбу қимматбаҳо металл, тош ва жавоҳирлар сақланиши ва ишлатилиши жойлари бўйича инвентаризация маълумотидан йиғилади;
- инв. 10-шакли — асосий воситаларнинг тугалланмаган капитал таъмирлашни инвентаризация акти. Тегишли объектларни капитал таъмирлаш харажатларини қайд қилади;
- инв. 11-шакли — келгуси давр сарфларининг инвентаризация акти — тегишли счётларда қайд қилинган суммаларни текшириш яқунлари акс эттирилади;
- инв. 12-шакли — савдо ташкилотларида товарлар, материаллар ва идишларнинг инвентаризация рўйхати;
- инв. 13-шакли — савдо ташкилотларида товарлар, материаллар, идишлар ва пул маблағларининг инвентаризация рўйхати. Савдо ташкилотларидаги мавжуд ушбу қийматликларининг мавжудлиги аниқланиб жавобгар шахслар бўйича икки нусхада тузилади ва 1 нусхаси жавобгар шахсга ва 2-нусхаси бухгалтерияга берилади;
- инв. 14-шакли — умумий овқатланиш корхоналарида маҳсулот ва ярим фабрикатлар қолдигининг инвентаризация рўйхати;
- инв. 15-шакли — пул маблағларининг мавжудлиги инвентаризация акти — кассадаги нақд пуллар, лотореялар, чипталар ва шунга ўхшаш қийматликларнинг нақдлиги қайд қилинади;
- инв. 16-шакли — қийматликлар ва қатъий ҳисобот бланкаларининг инвентаризация рўйхати;
- инв. 17-шакли — истеъмолчи мол етказиб берувчи, дебитор ва кредиторлар билан ҳисоблашишнинг инвентаризация акти;
- инв. 18-шакли — асосий воситаларнинг инвентаризация натижасини таққослаш ведомости;
- инв. 19-шакли — товар материал қийматликларининг инвентаризация натижаларини таққослаш ведомости;
- инв. 20-шакли — савдо ташкилотларида товарлар, материаллар ва идеалларнинг инвентаризация натижаларини таққослаш ведомости;
- инв. 21-шакли — савдо ташкилотларида товарлар, материаллар, идишлар ва пул маблағлари-

нинг инвентаризация натижаларини таққослаш ведомости;

- инв. 18, инв. 19, инв. 20 ва инв. 21-шакллари тегишли инвентаризация рўйхатлари билан бухгалтериядаги аналитик ҳисоби маълумотлари таққосланиб ортиқча ёки кам чиққан моддий қийматликлар аниқланади.

Инвентаризация натижасида аниқланган корхона мулкининг фарқлари қуйидагича тартибга солинади:

- ортиқча чиққан асосий воситалар, моддий қийматликлар, пул маблағлари ва бошқа мулклар қабул қилиниши ва молиявий натижалар ёки фондларнинг кўпайтирилишига ёзилиши лозим;
- қийматликларнинг белгиланган меъёр чегарасидаги камайиши корхона раҳбарининг буйруғига мувофиқ харажатларга ёки корхона зарарига олиб борилиши зарур;
- моддий қийматликларнинг меъёрдан ортиқча аниқланган камомад суммаси жавобгар шахслар зиммасига юклатилади. Агарда жавобгар шахс аниқланмаса, суд томонидан эътироз билдирилса ушбу камомад суммаси ишлаб чиқариш, муассаса харажатларига ёки корхона зарарига олиб борилади.

Йиллик ҳисобот муносабати билан инвентаризация ўтказиш даврида корхонада марказий инвентаризация комиссияси ташкил қилинади ва бу комиссия инвентаризация ўтказиш режасини тузади.

Инвентаризация натижаси марказий инвентаризация комиссияси томонидан кўриб чиқилади, тегишли қарорлар қабул қилинади ва улар бўйича баённомалар тузилади:

- аниқланган камомаднинг сабабчиси ва уни корхона ихтиёрига ўтказиш ёки жавобгар шахсдан ундириш;
- аниқланган ортиқча моддий қийматликни кирим қилиш тартиби.

Тузилган баённомалар аниқланган камомаднинг сабаби ва унинг ҳажмига қараб корхона раҳбари томонидан ёки корхона раҳбарининг илтимосномасига асосан юқори ташкилот томонидан тасдиқланади. Ушбу тасдиқланган баённомага асосан бу воқеаларни бухгалтерия тегишли счетларда қайд қилади ва инвентаризация маълумотлари билан жорий ҳисоб маълумотларининг бир хиллигини таъминлайди, яъни корхона мулкининг ҳақиқий ҳолатини ёритади.

Инвентаризация ўтказиш натижаларини ёритишни чуқурроқ урганиш мақсадида бир нечта мисол келтирамиз:

1. Асосий воситаларни инвентаризация қилиш.

Корхонанинг ўзига тегишли асосий воситалар билан бир қаторда ижарага олинган асосий воситалар ҳам инвентаризация рўхатида (айрим рўхатда) қайд қилиниб, бухгалтериядаги аналитик маълумотлар билан таққосланиб инвентаризация натижалари ёритилади ва комиссиянинг баённомаси тузилиб қарор қабул қилинади:

	Дг	Кт
Ҳисобга олинган объект аниқланиб кириш қилинди:		
— тиклаш қийматига	01	80
аниқланган эскириш суммасига	80	02
— камомад ҳисобланган асосий восита ҳисобдан чиқарилди:		
— баланс қийматига	47	01
— эскириш суммасига	02	47
— қолдиқ қийматига	84	47
— жавобгар шахс зиммасига юкланган суммага	73	84
— ушбу объект буйича жавобгар шахс аниқланмаса, қолдиқ қийматига	26	84
— Инвентаризация натижасида арзон баҳоли ва тез тузувчан буюмлар асосий воситага ўтказилганда:		
— бошланғич қийматига	01	12
— эскириш суммасига	13	02
— фарқи аниқланди	20, 23, 25, 26, 29	13

2. Товар моддий қийматликларининг инвентаризация натижаларини акс этириш:		
— корхона омборидаги ТМК ортиқчаси аниқланди	10, 12	80
— фойдаланишдаги КБ ТЭБ ортиқчаси аниқланди:		
— эскириш суммаси (50%)	12	13
— қолган суммага	12	80
— Асосий восита КБ ТЭБ қаторига ўтказилди:		
— бошланғич қийматига	12	01
— эскириш қийматига	20, 23, 25, 26, 29	13
— Ҳисобга олинмаган вақтинча қурилган (ти-тулсиз) иншоот кирим қилинди	12	80
— Омборхоналарда моддий қийматликларнинг камомати аниқланди ва ҳақиқий таннархда акс этирилди	84,	10, 12
— Фойдаланишдаги КБ ТЭБ камомати аниқла-ниб счётларда қайд қилинди		
— баланс қийматига	13	12
— қолган 50% қийматига	84	13
— Камомат аниқланган моддий қийматликлар ҳисобдан чиқарилди:		
— жавобгар шахслар зиммасига юклатилди	73	84
— ҳақиқий таннархи билан чакана баҳоси ўрта-сидаги фарқ суммасига	73	84
— табиий меъёрда камайиш суммасига	25, 26, 16	84
— табиий меъёрдан ортиқча камайиши сумма-сига, агарда жавобгар шахс аниқланмаса ёки ундириб олиш суд томонидан инкор қилинса	26	84

— тугалланмаган ишлаб чиқаришдаги ортиқча сарф ҳақиқий таннархда кирим қилинди	20, 23,	84
— тугаланмаган ишлаб чиқаришдаги камомад суммаси ҳақиқий таннархда акс эттирилди	84	20 23
3. Тайёр маҳсулотларнинг инвентаризация натижалари:		
— омборхонадаги тайёр маҳсулотларнинг аниқланган ортиқча қисми кирим қилинди.	40	80
— омборхоналардаги тайёр маҳсулотларнинг камомади аниқланди	84	40
4. Пул маблағларининг инвентаризация натижаларини:		
— кассада нақд пулларнинг ортиқча қисми кирим қилинди	50	80
— кассада нақд пулларнинг камомади аниқланди	84	50

5. Дебитор ва кредиторлар билан ҳисоблашишларни инвентаризация қилишда ҳисоблаш ишларининг ҳолати тегишли корхона, ташкилот ва айрим жисмоний шахслар бўйича айрим олган ҳолда таққосланади. Бунинг учун ҳар бир дебитор ёки кредиторга хат жўнатилади ёки корхона бухгалтерия хизмат сафарига жўнатилиб таққослаш акти тузилади. Инвентаризация жараёнида муддати ўтган дебитор қарзларга алоҳида эътибор бериш ва уларни ундириб олиш имкониятини топиши зарур. Шу билан бир қаторда ишончсиз қарзлар бўйича ушбу суммалар миқдорига резерв яратилади. Ушбу ишончсиз дебитор қарзлар бўйича айрим рўйхат қилиниб, ҳар бир дебитор қаторига ишончсизлик сабаби (корхона тугатилган, қарзни инобатга олган корхона йўқ, дебитор қарзини бўйнига олмайди ва ҳоказо) кўрсатилади. Марказий инвентаризация комиссиясининг қарорига асосан ва корхона раҳбарининг буйруғига мувофиқ ишончсиз қарзлар резерви ҳисобига қопланади. Дебет счёти 80, 82 ва кредит счёти 76 ва ушбу қарз суммаси баланسدан ташқарида 5 йилгача ҳисобга олиб борилади, дебет счёти 007.

Хулоса қилиб айтганда инвентаризация ҳисобот тузишга тайёрланиш ва бошлашнинг биринчи босқичи ҳисобланиб корхона мулкининг белгиланган вақтидаги ҳақиқий ҳолатини кўрсатишда асос бўлади ва қуйидаги босқичлардан ташкил топади:

- инвентаризация объектини белгилаш;
- инвентаризация услубини белгилаш;
- инвентаризация натижаларини қайд қилиш;
- инвентаризация комиссияларининг таклифига мувофиқ марказий комиссиянинг қарори ва унинг корхона раҳбари томонидан тасдиқланиши.

Ушбу қарорга мувофиқ инвентаризация натижаларини тегишли регистрлар ва счётларда қайд қилиш.

Корхона ва ташкилотларда квартал ва йиллик ҳисоботларни ўз вақтида тузиш ва топшириш мақсадида бухгалтерия аппаратининг бажарадиган ишлари ва бажариш вақти кўрсатилган умумий график тузилади. Ушбу тасдиқланган графикка асосан бухгалтерия ходимлари қуйидаги ишларни бажарадилар:

- журнал ордер суммаларини жамлайдилар;
- зарурият туғилганда суммаларни бир регистрдан иккинчи регистрга ёзадилар;
- счётлар корреспонденциясидаги суммаларни ўзаро таққослайдилар.

Бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шаклида суммаларни ўтказиш ва ҳисоб регистрларини ёпиш тартиби қуйидагича:

— расшифровка варақаларидаги дебет ва кредит жамланма суммалари журнал-ордер ва ведомостларга ўтказилади ва янглишиб кетмаслик мақсадида ушбу суммаларига белги қўйиб борилади;

— № 1-ведомостдаги 50-«Касса» ва № 2 ведомостдаги 51-«Ҳисоблашиш счёти» дебетидаги жамланма суммалар № 3, 10/1, 13 ва бошқа журнал ордерларига ўтказилади;


— аналитик ҳисоб ведомостлари № 7, 12, 14, 15, 16, 17 ва бошқа тегишли ведомостларнинг суммалари жамланади ва ушбу суммалар тегишли журнал-ордерларга ўтказилади;

— тегишли журнал-ордерлардаги счётларнинг кредитидаги суммалар жамланади.

Агарда журнал-ордерда счётлар бўйича аналитик маълумотлар бўлса суммалар ҳисобланиб келгуси ойга

қолдиқ аниқланади ва алоқада бўлган регистрлардаги жамланган суммалар таққосланади.

Мисол: 1-журнал-ордердаги 51-счётнинг дебети ва 51-счётнинг кредити ўзаро алоқа қиладиган устундаги суммаларнинг жами ушбу суммаларни кўрсатадиган № 2-ведомостдаги счётлар суммаси билан таққосланади. Шунга ўхшаш таққослашлар ҳамма журнал-ордерлар бўйича ўтказилиб бўлгандан кейингина ушбу суммалар бош дафтарга кўчирилади ва журнал-ордерларга белги (суммалар бош дафтарга ўтказилади) қўйиб чиқилади. Хулоса қилиб айтганда молиявий ҳисоботни ташкил қилиш қўидаги босқичларни босиб ўтади:



Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига асосан корхона ва ташкилотлар белгиланган вақтларда ва тегишли адресларга 1997 йил 15 февралдаги Молия вазирлигининг 5 - буйруғига мувофиқ қўидаги шакл ва ҳажмда чорак ва йиллик молиявий ҳисоботлар топширадилар. Чет эл инвестицияси иштирокида ташкил қилинган қўшма корхоналар фақат йиллик ҳисобот топширадилар:

1. Йиллик ҳисобот:

— бухгалтерия баланси 1-шакл:

- молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот 2-шакл;
- дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумотнома 2 а-шакл;
- асосий воситаларнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот 3-шакл;
- пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот 4-шакл;
- хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот 5-шакл.

2. Ярим йиллик ҳисобот:

- бухгалтерия баланси 1-шакл;
- молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот 2-шакл;
- пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот 4-шакл;
- дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумотнома 2 а-шакл.

3. Чораклик (уч ойлик ҳисобот):

- бухгалтерия баланси 1-шакл;
- молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот 2-шакл;
- дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумотнома 2 а-шакл.

Йиллик молиявий ҳисоботга, корхона фаолиятининг ҳисобот йилидаги якуний натижаларига таъсир этувчи асосий омиллар, корхонанинг йиллик молиявий ҳисоботи ва соф фойдани тақсимлаш натижалари бўйича курилган муҳокама қарорлари, бухгалтерия ҳужжатларининг текширилганлиги тўғрисидаги аудиторлик хулосалари баён этилган тушунтириш хати илова қилинади.

Агар кириш баланси йил бошига ўзгартирилган бўлса, у ҳолда ҳисоботга илова қилинган тушунтириш хатида ўзгартириш сабаблари тушунтирилади. Шунингдек, унда қабул қилинган ва кейинги йилга қабул қилиниши керак бўлган ҳисоб сиёсати (агар у ҳисобот йилидаги қабул қилингандан фарқ қилса) келтирилади.

Молиявий ҳисобот шаклларидаги кўзда тутилган ҳамма курсаткичлар келтирилади. У ёки бу модда (сатр, устун) тўлдирилмаган ҳолларда, яъни корхонанинг керакли активлари, пасивлари, жараёнлари бўлмаганда, уша моддалар (сатрлар, устунлар) чизиб қўйилади.

Шаклнинг муқова қисми қуйидаги тартибда тўлдирилади.

Зарурий қисм «Корхона»да — корхонанинг (белгиланган тартибда рўйхатга олинган таъсис ҳужжатларига

биноан) тулиқ номи ва унинг коди ОКПОга мувофиқ кўрсатилади.

Зарурий қисм «Тармоқ (фаолият тури)»да — тармоқ (фаолият тури) ва унинг коди ОКОНХга мувофиқ кўрсатилади.

Зарурий қисм «Давлат мулкани бошқариш органи»да — давлат ёки ҳудудий (агар шундай корхона мавжуд бўлса) корхона устидан бошқарув ҳуқуқига эга бўлган ва молиявий ҳисобот юбориладиган органнинг номи кўрсатилади.

Зарурий қисм «Манзилгоҳ»да — корхонанинг алоқа учун тулиқ манзилгоҳи кўрсатилади.

Зарурий қисм «Назоратдаги миқдор» — корхона томонидан тўлғазилмайди.

Йил (чорак)лик ҳисобот тузишда корхона эгаси ва давлат манфаатларига риоя этиш, инвесторлар, кредиторлар, акционерлар, солиқ нозирликлари, таъсисчилар, банк муассасалари халқаро стандартлар талабларини ҳисобга олиш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг амалдаги Фармонларидан, Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунидан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1995 йил 4 апрелдаги 17—02/28-сонли хатидан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексидан, ҳамда бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисобот тузишга таълуқли барча амалдаги йуриқномалардан фойдаланиш зарур.

Корхона ишлаб чиқариш бирлашмаси ва ташкилот ўзининг барча бўлинмаларининг фаолият кўрсаткичларини ҳисобот шакли маълумотларига киритиш шарт.

Молиявий ҳисобот тузишда ҳисобот даврининг энг охири календарь куни ҳисобот тузиш куни ҳисобланади.

Тугатилган ёки қайта ташкил қилинган, мулкчилиكنинг давлат шаклини жамоа шаклига ўзгартирган корхона ҳисобот даврида йил бошланганидан то тугатилган (қайта ташкил қилинган) давригача ҳисобот беришнинг амалдаги шакллари бўйича ҳисобот топширади.

Янгидан ташкил этилган корхоналар ўз маблағлари ва уларнинг манбаларини (сотиб олиш, қабул қилиш) ҳисоботда уларни белгиланган тартибда рўйхатга олинган ойнинг 1 кунидан бошлаб ҳисобот йилининг 31 декабрида, ҳисобот йилининг 1 октябр-

дан кейин ташкил қилинган корхоналар эса, давлат томонидан рўйхатга олинган кунидан бошлаб ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 31 декабрига кўрсатадилар. (Тугатилган (қайта ташкил қилинган) корхоналар базасида ташкил қилинган корхоналар, уларнинг филиаллари ва таркибий қисмлари учун ушбу тартиб жорий қилинмайди).

Корхона балансининг моддалари тулиқ утказилган активлар ва пассивлар инвентаризация (йўқлама)си маълумотларига асосланган бўлиши керак. Бунинг учун, йиллик ҳисоботни тақдим этишга қадар, амалдаги доимий инвентаризация ҳайъати аъзолари томонидан инвентаризация натижасида аниқланган моддий бойликларининг ҳақиқий миқдори билан бухгалтерия ҳисоби маълумотлари ўртасидаги фарқлар тўғирланиши керак. Шунингдек, дебитор ва кредитор қарзлари ҳам таққослаш далолатномаси ёки узаро тасдиқланган ҳисоблашиш қолдиқлари расмийлаштирилган хатлар асосида инвентаризация ўтказилган бўлиши керак. Йиллик ҳисоботга илова қилинадиган тушунтириш хатида, утказилган инвентаризация сони ва натижалари шунингдек, инвентаризация ўтказилмаган бўлса, унинг сабаблари акс эттирилиши шарт.

Баланс моддаларининг миқдори молия, солиқ органлари ва банк муассасалари ҳисоблашиш билан келишилган ва айнан бир хил бўлиши шарт. Ушбу ҳисоблашишлар бўйича ноаниқ миқдорларини балансда қолдиришга йўл қўйилмайди.

Молиявий ҳисобот ва бухгалтерия балансида бирор-та ўчириш ёки бузиб тўғирлаш бўлмаслиги керак. Агар шундай ҳолларга йўл қўйилса, хато тузатилган сана кўрсатилган ҳолда, ҳисобот ва балансга имзо чекиб тасдиқлаган шахсларнинг тегишли изоҳлари бўлиши шарт.

Йиллик молиявий ҳисоботни текшириш мобайнида ишлаб чиқариш харажатларига, унга боғлиқ бўлмаган харажатларни қўшиш натижасида даромаднинг яширилганлиги ёки молиявий натижанинг камайтирилганлиги аниқланган ҳолларда, жорий йилги бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботига ўзгартириш киритилмасдан, балки ҳисобот даврида аниқланган жорий йил фойдаси кўринишида жорий ҳисоботда акс эттирилади.

БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ

(1-шакл)

Баланс тузишга қадар, жорий йил охирига аналитик счётларнинг оборот (айланма)лари ва қолдиқлари билан Бош китоб счётларининг оборот (айланма)лари ва қолдиқлари албатта таққосланиши зарур.

Жорий йил охирига бўлган баланс маълумотлари корхонанинг ташкилий қайта курилиши, товар-моддий қийматликларининг қайта баҳоланиши ва бошқа шунга ўхшашларни ҳисобга олган ҳолда, 3-устунда, яъни кириш балансининг йил бошига кўрсатилади.

Баланснинг йил бошига ва йил охирига маълумотларининг бир-бирига мос бўлиши учун, тасдиқланган баланс моддалари йил охирига бўлган баланс моддалари ва гуруҳланган бўлимларига мос келтирилиши шарт.

«Асосий воситалар» моддасида ҳам ҳаракатдаги, ҳам консервация ёки заҳирадаги асосий воситалар тўғрисида маълумотлар кўрсатилади.

Шунингдек, бу моддада ер унумдорлигини оширишга (мелиорациялаш, уларнинг захини ювиш, ирригацион ва бошқа ишлар) қилинган капитал қўйилмалар, ижарага олинган бинолар, иншоатлар, жиҳозлар ва асосий воситаларга кирувчи бошқа объектлар ҳам акс эттирилиб, ҳамда бу моддада корхона томонидан амалдаги қонунчиликка биноан, ер участкаларини сотиб олишга ҳақиқатда қилинган харажатлар ҳам кўрсатилади.

Ижарачи ва ижарага берувчи ўртасида тузилган ижара шартномаси (ёки бошқа аҳдлашув)га биноан ижарага олинган асосий восита ижара муддатининг тугаши билан ёки шартномага мувофиқ сотиб олиш баҳосига ўтказиб бериш билан ижарачи мулки ҳисобланадиган асосий воситалар, ҳамда 03 «Узоқ муддатга ижарага олинган асосий воситалар» счётида ҳисобга олинувчи узоқ муддатли ижарага олинган асосий воситалар ҳам кўрсатилади.

Корхонанинг 01 «Асосий воситалар» ва 03 «Узоқ муддатга ижарага олинган асосий воситалар» счётларида ҳисобга олинган асосий воситалар бўйича ҳисобланган эскириш суммалари ушбу моддада алоҳида кўрсатилади. Асосий воситаларга эскириш ҳисоблашда, асосий фондларни тўлиқ қайта тиклашда белгиланган ягона амортизация ажратмалари меъёрларидан фойдаланиш керак.

«Номоддий активлар» моддасида корхона ўз хўжалик фаолияти давомида узоқ давр мобайнида фойдаланадиган ва унга даромад келтирадиган номоддий объектларга қилинган харажатларини кўрсатади. Буларга, табиий ресурслардан, ер майдонларидан фойдаланиш ҳуқуқлари, патентлар, лицензиялар, ақлий мулк, ташкилий харажатлар ва солиқлар киради. Номоддий активлар таъсисчилар (мулкдорлар) томонидан корхона Устав капиталига ҳисса тарзида қўйилган бўлиши ёки корхона ўз фаолияти давомида сотиб олган бўлиши мумкин.

Ушбу модда бўйича номоддий активлар ҳам бошланғич, ҳам қолдиқ қийматларида алоҳида, шунингдек ҳисобланган эскириш суммаларида келтирилади. Номоддий активларни эскириш корхона томонидан уларнинг бошланғич қиймати ва улардан фойдаланиш муддатларидан келиб чиққан ҳолда (лекин корхонанинг фаолият кўрсатиш муддатидан ошмаган ҳолда) ҳисобланган ойлик меъёрлари бўйича ҳисобланиб, ойма-ой маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархига (давр харажатларига) олиб борилади. Хизмат қилиш муддатларини аниқлаб бўлмайдиган номоддий активлар бўйича эскириш меъёри беш йилга (лекин корхонанинг фаолият кўрсатиш муддатидан ошмаган ҳолда) белгиланади.

«Капитал қўйилмалар» моддасида хўжалик ва пудрат усулларида олиб борилаётган тугалланмаган қурилишлар қиймати кўрсатилади.

Асосий подани ташкил этиш, геология-қидирув ишлари бўйича харажатлар, шу мақсадларда вақтинчалик фойдаланиш учун корхоналар томонидан бўнак (аванс) тарзида берилган қўйилмалар ҳам ушбу моддада акс эттирилади.

«Шўъба корхоналаридаги акциялар» (030-сатр) моддасида 06 «Узоқ муддатли молиявий қўйилмалар» (06-1 «Пайлар ва акциялар» субсчётида) счётининг аналитик қисмида ҳисобга олинувчи шўъба корхоналар акциясига қўйилган маблағлар миқдори бўйича маълумотлар кўрсатилади.

«Шўъба корхоналаридаги берилган қарзлар» (031-сатр) моддасида 06 «Узоқ муддатли молиявий қўйилмалар» (06-3 «Берилган қарзлар» субсчётида) счётида ҳисобга олиннадиган шўъба корхоналарга берилган қарзлар миқдори акс эттирилади.

«Уюшма корхоналаридаги акциялар» (032-сатр) моддасида аналитик ҳолда 06 «Узоқ муддатли молиявий қўйилмалар» (06-1 «Пайлар ва акциялар» субсчётида)

ҳисобга олинувчи уюшган корхоналар акциясига қўйилган маблағлар миқдори кўрсатилади.

«Уюшма корхоналарига берилган қарзлар» (033-сатр) моддасида 06 «Узоқ муддатли молиявий қўйилмалар» (06-3 «Берилган қарзлар» субсчёти) счётида ҳисобга олинандиган уюшма корхоналарига берилган қарзлар миқдори акс эттирилади.

«Узоқ муддатли инвестициялар» (034-стр) моддасида давлатнинг даромад келтирувчи активларига (қимматбаҳо қоғозлар — акция, облигациялар), Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида ташкил этилган корхоналар устав фондига (уюшма ва шуъба корхоналар устав фонди буларга кирмайди) ва бошқа шу кабиларга қилинган (бир йилдан кам бўлмаган муддатга) инвестициялар миқдори кўрсатилади (бошқа корхоналарга берилган қарзлар бунга кирмайди).

Молиявий қўйилмалар белгиланган солиқчиликка кура ҳақиқий қилинган харажатлар миқдорида ҳисобга олинади.

Агар инвестор дивиденд олиш ҳуқуқига эга бўлиб, қўйилма учун маъсулиятни ўзига олганда, тулиқ туланмаган акция ва пайларнинг тулиқ сотиб олиш қиймати балансинг активида, туланмаган қиймати эса, баланс пассивининг кредиторлар моддасида кўрсатилади. Бошқа ҳолларда, сотиб олишга мўлжалланган акция ва пайлар учун ўтказилган суммалар баланс пассивининг дебиторлар моддасида кўрсатилади.

«Бошқа қарзлар» (035-сатр) моддаси бўйича 06 «Узоқ муддатли молиявий қўйилмалар» счётида ҳисобга олинандиган ва юқоридаги моддаларда ҳисобга олинмаган узоқ муддатли қарзлар миқдори кўрсатилади.

«Бошқа активлар» (036-сатр) моддасида юқоридаги моддаларда келтирилмаган узоқ муддатли воситалар ва қўйилмалар кўрсатилади. Шу билан бирга, ижарага берувчи корхона 09 «Киримга олинандиган ижара мажбурияти» счётида ҳисобга олинувчи узоқ муддатга берилган асосий воситалар мажбуриятининг қолдиқ миқдорини кўрсатади.

«1-бўлим бўйича ЖАМИ» (040-сатр) моддасида 014-сатр, 027-сатр, 036-сатрлар йиғиндиси кўрсатилади.

Баланс активининг II бўлими «Оборот активлари»да корхона қисқа муддатли активларнинг миқдори кўрсатилади.

«Ишлаб чиқариш заҳиралари» (050-сатр) моддасида 10 «Материаллар» счётида ҳисобга олинандиган хом-ашё

захиралар, асосий ва ёрдамчи материаллар, чиқиндилар қайтими, ёқилғи, сотиб олинган ярим фабрикатлар (ярим тайёр маҳсулотлар) ва бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар, буш идишлар ва бошқа моддий қийматликларнинг ҳақиқий таннархи, кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар, шу жумладан махсус асбоб-ускуналар ва мосламалар, махсус оёқ кийимлар ва ётоқ жиҳозларнинг қолдиқ қиймати (12 «Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар» счётида ҳисобга олинган буюмларни дастлабки қиймати билан «Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисида»ги Низомга мувофиқ ҳисобланган ва 13 «Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларни эскириши» счётида ҳисобга олинган) эскириш миқдори ўртасидаги фарқ кўрсатилади.

Ишлаб чиқариш захираларини ҳамда кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларни ҳисобга олиш учун фойдаланилган 15 «Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш» ва 16 «Материаллар қийматдаги фарқлар» счётларидаги кўрсатилган қийматликлар «Ишлаб чиқариш захиралари» моддасида акс эттирилади.

«Тугалланмаган ишлаб чиқариш» (051-сатр) моддасида тугалланмаган ишлаб чиқариш ва ишлар (хизматлар) бўйича харажатлар яъни бухгалтерия ҳисоби счётлар режасининг «Ишлаб чиқариш харажатлари» бўлими счётларида ҳисобга олинган харажатлар кўрсатилади. Бунинг учун тугалланмаган ишлаб чиқариш, Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисида»ги Низомга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1995 йил 27 январда тасдиқланган 9-сонли «Маҳсулот (иш, хизматлар)лар таннархига киритиладиган маҳсулот (иш, хизмат) лар ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларнинг шаклланиш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ даромаддан олинган солиқни ҳисоблашда эътиборга олинган режалаштириш, ҳисобга олиш ва маҳсулот (иш, хизматлар) таннархини калькуляциялаш бўйича услубий тавсияномаларга мувофиқ ҳисобланган баҳода акс эттирилади.

Корхоналар (қурилиш, илмий, қидирув билан шуғулланувчи) жорий йилда буюртмачилар билан тузилган шартнома асосида алоҳида моҳиятга эга бўлган тугалланган иш босқичлари учун ҳисоб китоб қилади ва уни 36 «Тугалланмаган ишлаб чиқариш бўйича бажарилган босқичлар» счётида ҳисобга олади. Бунда

буюртмачи балансга фақатгина тулиқ тайёр маҳсулотларни қўшади.

Бухгалтерия ҳисобида тугалланган, белгиланган тартибда қабул қилинган ва туланган босқичлар ёки счётларнинг (банк томонидан тулашга қабул қилинган) ҳақиқий харажатлар миқдори 20-«Асосий ишлаб чиқариш» счётидан 46-«Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотиш» счётининг дебетига чиқим қилинади. Бир вақтнинг узида туланган ёки туловга қабул қилинган счётлардаги миқдорга 36-счёт дебети билан 46-«Маҳсулот (иш, хизматлар) сотиш» счёти кредити терзда корреспонденцияланади. Буюртмачилардан тугалланган ва қабул қилинган этаплар учун туланган маблағлар миқдори 51-«Ҳисоблашиш» счётида дебети ва 64-«Олинган аванслар (бунақлар) буйича ҳисоблашувлар» счётининг кредитида акс эттирилади.

Ҳамма ишлар тугатилиши билан 36-счётда ҳисобга олинган буюртмачи томонидан жами этаплар учун туланган ҳақ қиймати 62-«Харидор ва буюртмачилар билан ҳисоблашувлар» счётини дебетига ёзилади.

62-счётда ҳисобга олинган тулиқ тугатилган ишлар қиймати олинган бунақ (аванс) ҳисобига (64-счёт дебети ва 62-счёт кредитлари буйича ёзув қилинади) ва буюртмачилардан охириги ҳисоб-китобга кўра олинган миқдор ҳисобига (51-счёт дебет ва 62-счёт кредити) ёпилади.

Шунингдек ушбу моддада қишлоқ хўжалигининг тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қиймати айрилган ҳолда акс эттирилади ва ҳисобот даврининг охирига нисбатан тугалланмаган асосий воситаларни таъмирлаш ишлари буйича харажатлар кўрсатилади.

«Тайёр маҳсулот» (052-сатр) моддасида буюртмачилар билан тузилган шартнома асосида ва тегишли техник шартларга ҳамда стандартларга мувофиқ барча қисмлари билан бутланган ва қабул қилиш учун синовдан ўтказилган, тулиқ ишлаб чиқарилган маҳсулотлар қолдиғи ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархида кўрсатилади. Кўрсатилган талабларга жавоб бермайдиган маҳсулотлар, топширилмаган ишлар тугалланмаган ҳисобланади ва тугалланмаган ишлаб чиқариш таркибида кўрсатилади.

Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш учун 37-«Чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат)» счётидан фойдаланганда, тайёр маҳсулот ушбу моддада меъёрий (режа) таннархда акс эттирилади.

«Олиб сотиладиган товарлар» (052-сатр) моддасида ўз Низомига кўра савдо ва умумий овқатланиш фаолиятини амалга оширувчи корхоналар сотиб олган товарлар қолдиғининг қийматини кўрсатади. Бунда умумий овқатланиш корхоналари ошхона ва омборлардан қолган хом-ашёларни, шунингдек емакхоналардаги товарларнинг қолдиғини кўрсатади.

Бу моддада саноат ва бошқа ишлаб чиқариш корхоналари сотиш учун келтириладиган маҳсулотларни, материалларни, буюмларни, шунингдек саноат корхоналаридаги келтирилган маҳсулотларни (лекин чиқарилаётган маҳсулот таннархига қўшилмайдиган), яъни харидор томонидан алоҳида ҳақ тўланадиган тайёр буюмлар қийматини кўрсатади.

Ушбу моддада товарлар қиймати сотиш ва сотиб олиш баҳоларида алоҳида, шунингдек мол етказиб берувчилар томонидан бериладиган чегиртмалар ва товарларга қўйилган устама баҳо миқдорлари алоҳида келтирилади.

«Келгуси давр сарфлари» (092-сатр) моддасида ҳисобот йилида қилинган, лекин келгуси ҳисобот даврларида ишлаб чиқариш ва муомала харажатларига олиб бориладиган, яъни вақт оралиғида узилиши лозим бўлган харажатлар миқдори кўрсатилади. Бундай харажатларга шу билан биргаликда асосий воситаларни ўз вақтидан ташқари ўтказилган таъмирлаш (таъмирлаш фонди ташкил қилинмаган корхоналар буйича), обуна, олдиндан тўланган ижара ҳақи ва бошқа харажатлар ҳам киради.

«Пул маблағлари» (080-сатр) моддасида корхонанинг 51-«Ҳисоблашиш», 55-«Банклардаги махсус счётлар», 56-«Пулли харажатлар», 57-«Йўлдаги юборилган пуллар» счётларидаги пул маблағларининг қолдиқ миқдорлари кўрсатилади. Баланснинг бу моддасида акс эттирилган маблағлар миқдори банк кўчирмаларидаги миқдорларга мос келиши шарт.

«Валюта маблағлари» (081-сатр) моддасида корхона банкдаги валюта счётлари ва валюта ғазнасидаги маблағларни Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан ҳисобот даврининг охириг кунига белгиланган курс буйича айланттирилган валюта маблағларининг қолдиғини кўрсатади.

«Ғазнадаги пул маблағлари» (082-сатр) моддасида баланс тузилган кунга корхона ғазнасидаги миллий валюта маблағларининг қолдиғи кўрсатилади.

«Қисқа муддатли қўйилмалар» (070-сатр) моддасида корхоналарга, бошқа корхоналарнинг қимматбаҳо қоғозларига, фоизли давлат облигациялари ва маҳаллий қарзларга, шунга ўхшаш қарзларга қилинган қўйилмалар (инвестициялар) (бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга) ва шу билан бирга бошқа корхоналарга берилган қарзлар миқдори кўрсатилади.

«Сотиб олинган хусусий акциялар» (071-сатр) моддасида корхона ўзи чиқарган хусусий акцияларни қайта сотиб олиб, кейинчалик тарқатиш учун бир йил муддатгача ўзида сақланган акциялар миқдори кўрсатилади. Сотиб олинган хусусий акциялар 56-«Пулли хужжатлар» счётида ҳисобга олинади. Фойда тақсимланишда сотиб олинган хусусий акциялар бўйича дивидендлар ҳисобланмайди.

«Харидор ва буюртмачилар билан ҳисоблашишлар» (060-сатр) моддасида харидорларга жўнатилган товарлар, буюртмачиларга (харидорларга) топширилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар тўлиқ ҳақиқий таннархда, молиявий натижани аниқлашда эса жўнатиш ёки смета қийматларида корхона ҳисоб-китоб (ёки бошқа) счётларига тўловлар келиб тушгунга қадар ёки ўзаро тўлов талабномаларида ҳисобга олингунча ва олинган векселлар билан таъминлангунга қадар кўрсатилади.

«Бўнак (аванс) тўловлари» (061-сатр) моддасида бошқа корхоналарга кейинчалик ҳисоблашишлар учун тўланган бўнак (аванс) миқдорлари кўрсатилади.

«Бюджет билан ҳисоблашишлар» моддасида солиқ ва молия муассасаларига бўлган қарзлар, шу билан биргаликда солиқлар бўйича кўп туланганлик ҳолатлари қўшилган ҳолда, бюджетга бўлган йиғма ва бошқа тўловлар кўрсатилади. Бундан ташқари, бу моддада 19-«Сотиб олинган қийматликлар бўйича қўшилган қиймат солиғи» счётида ҳисобга олинувчи қўшилган қиймат солиғининг миқдори ҳам кўрсатилади.

«Ходимлар билан ҳисоблашишлар» (064-сатр) моддасида корхона ишчиларининг банк ёки шу корхона маблағлари ҳисобига олган ссуда ва қарзлари, корхонада келтирилган моддий зарарни қоплаш ва ушбу кабилар бўйича бўлган қарзлар кўрсатилади. Шу билан биргаликда бу моддада жамоа ва шахсий уй-жой қурилишига ёки дала ҳовли сотиб олиш ва боғ участкаларида яшаш шароитини яхшилаш учун ходимларга берилган қарзлар, ёш оилаларга яшаш шароитларини яхшилаш

ва уй хўжалигини ташкил этиш учун бериладиган
фоизсиз ссудалар акс эттирилади.

Корхона балансининг актив ва пассивдаги «Шўба
корхоналар билан ҳисоблашиш» (065-сатр) моддасида
шўба корхоналари билан бўлган жорий ҳужжатлар
(балансларо ҳисоблашувлар) бўйича маълумотлар
акс эттирилади. Бунда шўба корхонаси тимсолида
ҳуқуқий шахс ҳисобланувчи ҳамда инвестицион ва
молиявий фаолиятини белгилаш ҳуқуқи асосий корхо-
нага доимий равишда берилган корхоналар тушунилади.
Асосий корхона ва унинг шўба корхонаси бўйича
маълумотлар жамланиши лозим. Йиғимга ҳисоботда
кўрсатилган моддалар жамланади.

«Уюшма корхоналари билан ҳисоблашишлар» (066-
сатр) моддасида уюшма корхоналари билан бўлган
жорий жараёнлар бўйича 78-«Шўба (қарамоғидаги)
корхоналар билан ҳисоблашувлар» ва 79-«Ички хўжа-
лик ҳисоблашувлари» счётларида юритиладиган ҳисоб-
китоб маълумотлари акс эттирилади.

«Таъсисчилар билан ҳисоблашишлар» (067-сатр)
моддаси бўйича 75-«Таъсисчилар билан ҳисоблашиш-
лар» счётида («Таъсисчиларнинг устав капиталига қўшган
улушлари бўйича ҳисоблашишлар» субсчётида) ҳисобга
олинадиган корхона таъсисчиларнинг устав капитали
бўйича қарзлари кўрсатилади.

«Бошқа дебиторлар» (068-сатр) моддасида ҳисобдор
шахсларнинг, товар-моддий қийматликларни қабул
қилиш пайтида аниқланган камомадлар бўйича мол
етказиб берувчиларнинг қарзлари кўрсатилади. Шунинг-
дек бу моддада хўжалик фаолияти натижаларига олиб
бориладиган, яъни қарздор томонидан тан олинган ёки
суд, арбитраж ва бошқа муассасалар томонидан уларни
ундириш тўғрисидаги қарори билан олинган жарима-
лар, пенялар ва неустойкалар акс эттирилади.

«II бўлим бўйича ЖАМИ» (100-сатр) моддасида
053-068-071-083-093-сатрлар йиғиндиси кўрсатилади.

«Балансининг активи бўйича ЖАМИ» (110-сатр)
моддасида 040-ва 100-сатрлар йиғиндиси ёрдамида
топилувчи баланс активининг умумий суммаси кўрса-
тилади.

Балансининг пассиви икки бўлимдан, «Хусусий ка-
питал» ва «Мажбуриятлар»дан таркиб топган.

«Устав капитали» (120-сатр) моддасида корхона
таъсисчиларининг Устав капиталига қўшган ҳиссалар
(қисмлар, номинал қийматдаги акциялар, пай бадал-

лар) мажмуи, яъни таъсис ҳужжатларида рўйхатга олинган миқдорлар кўрсатилади.

Балансда Устав капитали ва таъсисчиларнинг устав капиталига қўшиши керак бўлган ҳақиқий қарзи алоҳида кўрсатилади.

«Кўшилган капитал» (130-сатр) моддасида корхона ўз акцияларини номинал қийматдан юқори баҳоларда бирламчи сотишдан олдин олинган эммисия даромадлари миқдори кўрсатилади. Кўшилган капитални ҳисоби 85-2 «Кўшилган капитал» счётида юритилади.

«Резерв капитали» (140-сатр) моддасида корхона низомига мувофиқ фойда ҳисобидан ташкил қилинган резервлар, мол-мулкни қайта баҳолашда ташкил этилган резервлар, шунингдек беғараз олинган мулклар ва ҳиссадорлик (уртоқчилик) жамиятларини мулкларини оширадиган бошқа (пулли маблағлардан ташқари) тушумлар миқдори кўрсатилади.

Чораклик ҳисоботнинг «Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)» (150-сатр) моддасида соф (нетто) фойда, яъни тайёр маҳсулот, яримфабрикат, сотиб олинган маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар сотилишидан кўрсатилган молиявий натижалар, шунингдек муомала даромади ва тушумлари, 26-«Давр харажатлари» счётидаги харажатлар, корхонанинг молиявий фаолияти бўйича даромад ва харажатлари, фавқулотдаги, яъни тасодифий фойда ва даромадлар акс этувчи 80 «Фойда ва зарарлар» счёти билан ҳисобот йили мобайнида тўланиши керак бўлган солиқлар, шунингдек якуний ҳисобланган фойда (даромад) солиғи ва атроф муҳитни тозалаш учун маҳаллий йиғимлар акс этувчи 81-«Ҳисобланган ва тўланган фойда (даромад) солиғи» счёти қолдиқлари ўртасидаги фарқ кўрсатилади.

- ◆ Ҳисобот йили охирида 81-«Ҳисобланган ва тўланган фойда солиғи» счётининг дебетида йиғилган миқдор 80-«Фойда ва зарарлар» счётининг дебетига олиб борилиб 81 счёт ёпилади ва 1 январга нисбатан қолдиқ қолмайди.
- ◆ Ҳисобот йилида 80 счётда қоладиган қолдиқ фойда (зарар) 87-«Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) счётининг (зарар) дебетига ёки (соф фойда) кредитига олиб борилади ва счёт ёпилади. 87 счётда кўзда тутилган субсчётлар бундан кейин фойдаланилмайди.

Йиллик ҳисоботда 87-«Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) счётининг кредитига утказилган фойда ҳам курсатилади. Шу билан бирга агар бу счётда (алоҳида субсчётида) бошқа йиллар тақсимланмаган фойда қолдиги бўлса, ҳисобот йилидаги тақсимланмаган фойда қолдиги олдинги йилгиси билан қўшилиб курсатилади.

Агар корхона зарар курса у ҳолда бу зарар шу сатрда «манфий» белги билан чорак охирида курсатилади. Шу билан бирга 81-«Тақсимланган ва туланган фойда (қопланмаган зарар) счёти қолдигининг 80-«Фойда ва зарарлар» счёт қолдигидан ортиқ миқдори ҳам «манфий» белги билан курсатилади.

Ҳисобот йилидаги корхона зарари декабрь ойидаги 80-«Фойда ва зарарлар» счётининг якуний оборотлари 87-«Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) счётининг кредити билан корреспонденциялашгандан кейин «Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)» моддасида курсатилади. Ҳисобот даврининг олинган зарар миқдори ҳам йил мобайнида шу сатрда акс эттирилади.

«Мақсадли тушум ва фондлар» (260-сатр) моддасида мақсадли тадбирларни амалга ошириш учун 96 «Мақсадли молиялаштириш ва тушумлар» счётида ҳисобга олинган бюджетдан, тармоқ ва тармоқдан ташқари махсус мақсадларга мулжалланган фондлардан, солиқ корхона ва жисмоний шахслардан келган пул маблағларининг қолдиги курсатилади.

«Келгуси давр сарфлари ва тўловлари учун резервлар» (270-сатр) моддасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини 1994 йил 26 мартдаги 164-сонли Қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисида»ги Низомга мувофиқ ишчилар таътилига ҳақ тўлаш, ҳар йилги мукофот тўловлари, яъни хизмат курсатиши, асосий воситаларни таъмирлаш ва шунга ухшаш мақсадлар учун резервланган маблағлар қолдиги курсатилади. Харажатларнинг резервланиши, уларни ишлаб чиқариш ва муомала харажатларига бир текисда қўшиш имконини беради.

«Келгуси давр даромадлари» (280-сатр) моддасида ҳисобот даврида олинган, лекин кейинги ҳисобот даврларига тегишли бўлган маблағлар (ижара ҳақлари ва шу кабилар), шунингдек амалдаги тартибга биноан 83-«Келгуси давр даромадлари» счётида ҳисобга олинган маблағлар миқдорлари курсатилади.

«I булим ЖАМИ» (290-сатр) моддасида 260-270-280-сатрлар йиғиндиси кўрсатилади.

«Узоқ муддатли қарзлар» (180-сатр) моддасида бошқа корхона ва муассасалардан (банклардан ташқари) олинган узоқ муддатли (тўловни узиш муддати бир йилдан кам бўлмаган) қарз миқдорлари кўрсатилади.

Ижара берувчидан узоқ муддатли ижара шарти билан олинган асосий воситалар бўйича ҳисоблашишлар ҳолати (ижарачи учун, 97-«Ижара мажбуриятлари» счётида ҳисобга олинувчи кредиторлик қарзи) ижарачи томонидан 03-«Узоқ муддатга ижарага олинган асосий воситалар» счётида ҳисобга олиниб, унинг миқдори ҳам шу сатрда кўрсатилади.

«Узоқ муддатли кредитлар» (190-сатр) моддасида банк билан келишилган ҳолда улардан олинган узоқ муддатли (тўловни узиш муддати бир йилдан кам бўлмаган) кредитлар бўйича қарзлар миқдори кўрсатилади.

«Қисқа муддатли қарзлар» (210-сатр) моддасида 94-«Қисқа муддатли қарзлар» счётида ҳисобга олинувчи бошқа корхоналар ва муассасалардан (банклардан ташқари) олинган қисқа муддатли (тўловни узиш муддати бир йилдан кўп бўлмаган) қарзлар бўйича қарз миқдорлари кўрсатилади.

«Қисқа муддатли кредитлар» (220-сатр) моддасида банк билан келишилган ҳолда улардан олинган (тўловни узиш муддати бир йилдан кўп бўлмаган) кредитлар миқдори кўрсатилади. Шу билан бирга бу моддада 93-«Ходимлар учун банк кредитлари» счётида ҳисобга олинувчи яқка тартибдаги уй-жой, дала ҳовли қуриш, бошқа мақсадлар учун ходимларга берилган банк ссудалари, шунингдек савдо корхоналарига улар томонидан ходимларга кредитга сотилган товарлар қийматини қоплаш бўйича олинган қарзлар миқдори кўрсатилади.

«Харидор ва буюртмачилардан (счётларга келиб тушган) олинган бўнақлар» (230-сатр) моддасида 64-«Олинган бўнақлар бўйича ҳисоблашишлар» счётида ҳисобга олинувчи бошқа ташкилотлардан кейинги ҳисоб-китоблар бўйича олинган бўнақлар миқдори кўрсатилади.

«Кредиторлар» гуруҳи бўйича корхонанинг мол етказиб берувчи ва пудратчиларга, бюджетга, иш ҳақи бўйича корхона ходимларига, ижтимоий суғурта ва таъминот муассасаларига ва ҳоказоларга кредиторлик қарзлари акс эттирилади. Балансга ҳар бир «Кредитор-

лар» гуруҳи таркибида кировчи кўрсаткичлар ушбу Кўрсатманинг 2.51—2.59-бандларида ёзилади.

«Мол еказиб берувчилар» (240-сатр) моддасида киров қилинган моддий қийматлик, бажарилган иш, кўрсатилган хизматлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга, шунингдек фактураланмаган моллар учун мол етказиб берувчиларга қарзлар миқдори акс эттирилади. Бундан ташқари, бу ерда 60 «Мол етказиб берувчи ва пудратчи билан ҳисоблашишлар» счётида ҳисобга олинган мол етказиб берувчи, пудратчи ва бошқа кредиторларга молни етказиб бериш, иш ва хизматлар билан таъминлаш учун корхона томонидан берилган векселлар бўйича қарзлар миқдори ҳам кўрсатилади.

«Бюджет бўйича қарзлар» (241-сатр) моддасида корхона бюджет тўловларининг барча турлари бўйича, шу билан бирга корхона ходимларидан олинадиган даромад солиғи бўйича қарзлар кўрсатилади.

«Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар» (242-сатр) моддасида ҳисобланган, лекин ҳали тўланмаган меҳнат ҳақи миқдорлари кўрсатилади.

Баланс активининг «Бошқа дебиторлар» моддасида иш ҳақи тўловлари бўйича ҳисоб-китоб ва суғурталар акс этувчи счётларнинг дебет қолдиғи кўрсатилади.

«Ижтимоий суғурта ва таъминот бўйича қарзлар» (243-сатр) моддасида корхона ходимларининг ижтимоий суғурта, нафақа таъминот ва тиббий суғурта ажратмалари бўйича қарзлар миқдори акс эттирилади.

«Мулк ва шахсий суғурталар бўйича қарзлар» (244-сатр) моддасида корхона ишчиларининг ва мулкчининг мажбурий ихтиёрий ва корхона суғуртачи вазифасини бажарадиган бошқа хил суғурталар бўйича қарзлар кўрсатилади.

«Бюджетдан ташқари тўловлар бўйича қарзлар» (245-сатр) моддасида корхона бюджетдан ташқари ажратмалар бўйича давлат бошқарув органларига ва солиқчиликда белгиланган тартибга мувофиқ давлат органларига ўтказиладиган бошқа махсус фонд ажратмалари бўйича қарзлар кўрсатилади.

«Шуъба корхоналарга қарзлар» (246-сатр) моддасида шуъба корхоналар билан жорий қарзлар (балансларро ҳисоб-китоб) бўйича маълумотлар акс эттирилади. Бунда шуъба корхонаси тимсолида ҳуқуқий шахс ҳисобланувчи ҳамда стратегик сиёсат масалалари бўйича жорий, инвестицион ва молиявий фаолиятини белгилаш ҳуқуқи асосий корхонага доимий равишда берилган кор-

хоналар тушунилади. Асосий корхона ва унинг шўъба корхонаси бўйича маълумотлар жамланиши лозим. Йигма ҳисоботда кўрсатилган моддалар жамланади.

«Уюшма корхоналарига қарзлар» (247-сатр) моддасида 78 «Шўъба корхоналар билан ҳисоблашишлар» ва 79 «Ички хўжалик ҳисоблашишлари» счётида ҳисоби юритиладиган уюшган корхоналарига бўлган қарзлар миқдори акс эттирилади.

«Бошқа кредиторлар (248-сатр) моддасида «Кредиторлар билан ҳисоблашишлар» гуруҳи моддаларида ўз аксини топмаган бошқа ҳисоблашишлар бўйича қарзлар кўрсатилади.

«II бўлим ЖАМИ» (250-сатр) моддасида 210—220—230—240—248-сатрлар йиғиндисининг натижаси кўрсатилади.

«Балансининг пассиви бўйича ЖАМИ» (330-сатр) моддасида 290—250-сатрлар йиғиндисининг натижаси ёрдамида топилган баланс пассивининг миқдори акс эттирилади.

МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ

(2-шакл)

Корхона ва ташкилотлар «Маҳсулот (иш, хизмат) сотишдан тушган тушум» моддасида (010-сатр) савдо устамалари, харидор ва буюртмачилар томонидан тўлаган солиқлар билан биргаликда, маҳсулот, товар, иш, хизматлар сотишдан тушган жами тушум (қайтарилган товарлар, тайёр маҳсулотлар қийматининг миқдори ва сотиш баҳосидан харидор ҳисобига чегириб ташлангандан кейин) акс эттирилади. Айрим товарларнинг экспорт қилиниши сабабли хорижий валютада тушган тушумининг мажбурий сотиладиган қисми, яъни банк муассасаси тасдиқланган миқдор 010-сатрда акс эттирилади.

020-сатрни («Кўшилган қиймат солиғи» моддасини) тулдирганда маълумотларнинг қўшилган қиймат солиғи бўйича бюджет билан ҳисоб-китоб қисмида Молия Вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат Солиқ Бош бошқармаси томонидан 1993 йил 15 январда биргаликда чиқарилган 9/16-сон қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тўғрисидаги низомларидан қўлланиш керак.

Акциз тўловчи корхоналар «Акцизлар» моддасида (030-сатр) сотиш счётида ҳисобга олинган тушум

таркибидаги 46-счётнинг дебети ва 68-счётнинг кредитида кўрсатилган миқдори акс эттирадилар. Акцияларнинг ҳисобланиш ва туланиш қондаси Молия вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат солиқ Бош бошқармаси томонидан 1993 йил 15 январда 6/13-сон ва 1993 йил 28 декабрда 90/75-сонларда биргаликда чиқарилган йўриқномалар билан белгиланган.

040-сатрда маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг четга чиқариш билан боғлиқ бўлган солиқлар, экспорт бош тўловлари ва кўзда тутилаётган ажратмалар учун тўловлар ёзилади.

«Сотишдан олинган соф тушум» моддасида (050-сатр) корхонанинг асосий фаолиятида маҳсулот, товар, иш, хизматлар сотишдан, эгри солиқ ва экспорт божхона тўловлари чегирилгандан кейинги тушган тушум, шу билан биргаликда корхонанинг ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришларидаги маҳсулотларнинг бошқа корхоналарга сотилишидан тушган тушум, хўжалик ҳисобида турмаган ташкилотлар даромад фойдасининг харажатида олинган даромадлар кўрсатилади. Сотилган олинган соф тушум 010-сатр кўрсаткичидан 020—030—040-сатр кўрсаткичларини камайтирилганига тенгдир.

Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ 20-«Асосий ишлаб чиқариш», 23-«Ёрдамчи ишлаб чиқариш», 23-«Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш ва хўжаликлар» счётларидаги жами харажатларнинг йиғиндиси маҳсулот таннархи ҳисобланиб, 060-сатр «Сотилган маҳсулот, иш, хизматларининг ишлаб чиқариш таннархи»да кўрсатилади. Савдо ташкилотлари мазкур сатрда сотилган товарларнинг сотиб олиш қийматини акс эттирадилар. Товар айланиши (товарларни кириш қилиш ва сотиш)да қатнашмасдан, хизмат ҳақи сифатида даромад оладиган воситачи ташкилотлар бу сатрни тўлдирмайдилар.

«Сотишдан тушган ялпи молиявий натижа» (070-сатр) сотишдан олинган соф тушум ва сотилган маҳсулот, иш, хизматларнинг ишлаб чиқариш таннархи ўртасидаги фарқ билан аниқланади (050-сатр—060-сатр).

80-2. «Давр харажатлари» субсчетидаги жамланган маълумотлар ёрдамида 080-«Бошқа харажатлари», 090-«Маъмурий харажатлар» ва 100-«Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан даромадлари ва харажатлари» сатрлари (харажат қисми) тўлдирилади. 100-сатрнинг

даромад қисми 80-3 «Асосий фаолият харажатлари ва тушумлари» субсчётининг маълумотлари ёрдамида тўлдирилади.

Асосий фаолиятнинг молиявий натижаси («Асосий ишлаб чиқариш фаолиятнинг молиявий натижаси (фойда ёки зарар)» моддаси, (110-сатр)ни аниқлаш учун, сотишдан тушган ялпи молиявий натижадан (070-сатр) сотиш (080-сатр) маъмурий (090-сатр) ва бошқа (100-сатр, 6-устун) харажатлар миқдорини чегириб чиққан натижага бошқа даромадлар (100-сатр, 5-устун)ни қушиш билан ҳисобланади.

Ҳисоботнинг 120-сатр («Уюшма ва шўба корхоналаридан олинган дивидентлар»), 125- («Бошқа олинган дивидентлар») 130- («Уюшма ва шўба корхоналаридан олинган ва берилган қарзлар бўйича фоизлар») 135- («Бошқа тўланган ва олинган фоизлар») 140- («Валюта курс фарқи») 145- («Молиявий фаолият бўйича бошқа даромад ва харажатлар») сатрлари 80-4 «Молиявий фаолият фойда ва зарари» субсчётининг умумий маълумотларига кўра тўлдирилади.

«Умумхўжалик фаолиятининг молиявий натижаси (фойда ёки зарар)» (150-сатр) корхонанинг асосий фаолият молиявий натижасига молиявий фаолият натижасини қушиш (ёки айиришга) тенгдир.

160-сатр («Фавқулотдаги фойда ва зарар») 80-5 «Фавқулотдаги фойда ва зарар» субсчёти маълумотига мувофиқ тўлдирилади.

170-сатр («Солиқ тўлангунга қадар умумий молиявий натижа (фойда ёки зарар)» да 150-ва 160-сатрлар йиғиндисидан (+, - белгиларни ҳисобга олган ҳолда) иборат олинган натижа кўрсатилади.

Бу счётларнинг натижаси фойда солиғини ҳисоблашда асосий омил бўлиб ҳисобланади.

180-сатр «Фойда (даромад) дан солиқ» да 81 «Ҳисобланган ва тўланган фойда (даромад) солиғи» счётининг дебетида ҳисобга олинган ва йил бошидан буён ҳисобланган, яъни бюджетга ўтказилиши керак бўлган фойда (даромад)дан солигининг миқдорлари кўрсатилади.

190-сатр «Юқоридаги моддаларга кирмайдиган бошқа солиқ ва ажратмалар»да мазкур ҳисоботнинг юқоридаги моддаларида келтирилмаган ва йил бошидан буён ҳисобланган, яъни корхона томонидан бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга ҳисобидан ўтказилиши керак бўлган миқдорлар кўрсатилади.

Корхоналар 200-сатр «Ҳисобот давридаги соф фойда (зарар)»да 170—180-ва 190-сатрлар фарқи натижасида ҳисобланган соф тақсимланмаган фойда (ёки қопланмаган зарар) миқдорини кўрсатадилар.

«Бюджетга туланмалар тўғрисида маълумот»да, корхоналар ўз манбалари ҳисобига қуйидаги йуриқнома-ларга асосан бюджет туловларини кўрсатадилар:

210-сатр «Мулкдан олинадиган солиқ» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 1995 йил 2 октябрдаги 99/64-сонли «Корхоналар мулкдан олинадиган солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида», 1996 йил 27 мартдаги 27/31-сонли ва 1996 йил 12 августдаги 51/96-66 сонли «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 1996 йил 12 августдаги 99/64-сон «Корхоналар мулкдан олинадиган солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида»ги йуриқномага ўзгартириш ва тўлдиришлар киритиш тўғрисидаги» йуриқномаларига асосан.

220-сатр «Фойдадан олинадиган солиқ» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 1994 йил 22 декабрдаги 123/170-сонли, 1995 йил 28 февралдаги 22/18-сонли, 1996 йил 25 майдаги 62/46-сонли, 1995 йил 11 июлдаги 04-02-04/170/54-сонли йуриқномаларига асосан.

«Даромадан олинадиган солиқ» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат солиқ Бош бошқармасининг 1992 йил 25 мартдаги 4—1—1-сонли «Корхоналар даромадини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида», 1993 йил 15 январдаги 5-08/1-1-сонли «Корхоналар даромадини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида»ги йуриқномага ўзгартириш ва тўлдириш киритиш тўғрисида», 1994 йил 19 январдаги 7/83-сонли «1994 йил солиққа тортиш тартибидаги ўзгартиришлар тўғрисида», 1995 йил 7 мартдаги 26/20-сонли, қўшма корхоналар учун 1993 йил 7 январдаги 1/9-сонли, Давлат Солиқ қўмитаси томонидан хорижий корхоналар учун 1993 йил 2 апрелдаги 22-сонли, 25.05.96 йилдаги 62/46-сонли, 11.07.95 йилдаги 04-02-04/170/54-сонли йуриқномаларига асосан.

240-сатр «Қўшилган қийматдан олинадиган солиқ» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат солиқ Бош бошқармасининг 1996 йил 15 январдаги 9/16-сонли «Қўшилган қийматдан олинадиган солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тарти-

би тўғрисида», 1993 йил 18 июндаги 43/30-сонли, 4 январь 1994 йилдаги 04-02-04/2-сон ва 80-сонли, 1994 йил 19 январдаги 7/83-сонли, 1994 йил 25 февралдаги 25/01-сонли, 1994 йил 10 мартдаги 28/100-сонли, 1994 йил 11 апрелдаги 38/104-сонли, 1994 йил 13 апрелдаги 44/112-сонли, 1994 йил 13 майдаги 53/118-сонли, 1994 йил 20 июндаги 60/124-сонли, 1994 йил 19 июлдаги 77-сон ва 10/2-2888-сонли, 1994 йил 15 августдаги 88/137-сонли, 1994 йил 18 октябрдаги 106/154-сонли, 1994 йил 23 ноябрдаги 118/161-сонли, 1994 йил 21 декабрдаги 122/169-сонли, 1995 йил 3 январдаги 11/1-сонли, 1995 йил 13 февралдаги 14/12-сонли, 1995 йил 28 мартдаги 24/02-04/91 ва 24-сонли йуриқномаларига асосан.

250-сатр «Акциялар» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 1995 йил 15 февралдаги 18/16-сонли Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киритилаётган алоҳида товарларга акцияларни қўллаш учун вақтинчалик йуриқномаси, 1996 йил 21 августдаги 275-сонли «Ўзбекистон Республикасидаги тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликларига қўлланиладиган акциз маркалари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 304-сонли (3 илова) «ЎзДЭУ авто қўшма корхонасида автомашиналарни ишлаб чиқариш, сотиш ва техник хизмат кўрсатиш тўғрисида»ги Қарорига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 23 сентябрдаги 333-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 1996 йил 5 ноябридаги 71/96—89-сонли йуриқномаларига асосан.

206-сатр «Экспорт бўйича бож тўловлари» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 21 октябрдаги 485-сонли «Экспорт ва импорт қилинаётган алоҳида товарларга бож тўловларини ҳисоблаш ва олиш тартиби тўғрисида»ги Қарорига асосан.

270-сатр «Импорт бўйича бож тўловлари» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 20 мартдаги 114-сонли Қарорига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 304-сонли (4-илова) «ЎзДЭУ» авто қўшма корхонасида автомашиналарни ишлаб чиқариш, сотиш ва техник хизмат кўрсатиш тўғрисида»ги Қарорларига асосан.

280-сатр «Сувдан фойдаланиш тўловлари» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат Солиқ қўмитасининг 05.05.95 йилдаги 52/39-сонли «Сувдан фойдаланиш ҳақи тўғрисида»ги хатига асосан.

310-сатр «Даромад солиғи» Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 15 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнабий фуқароларидан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида»ги хати, 21.01.94 йилдаги 9/84-сонли 24.02.95 йилдаги 20/17-сонли 10.03.95 йилдаги 28/21-сонли ўзғариш ва тўлдиришлар асосида.

320-сатр «Бошқа солиқлар» Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқ тўғрисида»ги ва Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисидаги Қарорлари асосида белгиланган бошқа ҳамма турдаги солиқлар кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 29 июндаги 303-сонли Қарорига мувофиқ, табиий ресурслардан фойдаланиш ва атроф муҳитни ифлослантирувчи оқова сувларни чиқариш тўловлар миқдори ҳисобланиб, шу сатрда акс эттирилади. Шуни назарда тутиш лозимки, атроф муҳитни ифлослантирувчи оқова сувларни чиқариш тўловларни белгиланган меъёрлар тартибида бўлса, у ҳолда бу тўловлар ишлаб чиқариш (муомала) харажатларига олиб борилади, белгиланган меъёрлардан ошиқ тўловлар корхона ихтиёрига қолаётган фойда ҳисобига қопланади.

330-сатр «Солиқ солиқчилигини бузилиши туфайли белгиланган иқтисодий огоҳлантиришлар»да Ўзбекистон Республикаси солиқчилиги асосида (Ўзбекистон Республикасининг корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқ тўғрисидаги ва Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнабий фуқароларидан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисидаги солиқлари, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Нархларни эркинлаштириш тўғрисида»ги Қарори ва бошқалар асосида) корхоналарнинг ўз ихтиёрида қоладиган фойдалари ҳисобидан бюджетга ўтказиб берилган иқтисодий огоҳлантириш миқдорлари кўрсатилади.

340-сатр «Маҳаллий бюджетга тўланмалар»да соф фойда ҳисобидан ажратмалар, яъни ҳудудларни тозалаш йиғими, ижара ҳақидан ажратма ва солиқлар каби тўловлар тўғрисидаги ҳокимнинг амалдаги қарорига қўлланган ҳолда, маҳаллий бюджет учун ҳисобланган солиқ ва йиғимларнинг миқдори акс эттирилади.

АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ

(3-шакл)

Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботида, собиқ Госстандарт томонидан 1987 йил 17 сентябрида 182-сонли қарори билан тасдиқланган Бутуниттифоқ асосий воситалар таснифлагичи бўйича корхона эгалик қилаётган барча асосий воситалар турлари бўйича ҳолати ва ҳаракати кўрсатилади.

3-устунда корхона эгалик қилаётган, яъни унинг балансида турган барча асосий воситалар қиймати (мос равишда ҳисобот даври боши ва охирига ҳолати), шу билан биргаликда бошқа хил асосий воситалар: ижарага берилган, бепул олинган ёки ҳаракатсиз (консервациядаги, захирадаги ва ҳ.к.) воситалар қиймати акс эттирилади. Маълумотлар бошланғич қийматда келтирилади.

4-устунда ҳисобот йилидаги асосий воситаларнинг турли манбалари бўйича киримининг умумий ҳолати акс эттирилади. Бунга асосий восита баҳосининг олиши, олдин ҳисобга олинмаган воситалар, сотиб олинган воситалар, айланма маблағлардан асосий воситалар гуруҳига ўтказилган воситалар, бошқа корхона ва ташкилотлардан тушган тушумлар (агар кириш баланси ўзгартирилган бўлса), шу билан биргаликда ҳамма молиявий манбалар, банк кредитлари ҳисобига ҳисобот йилида ҳаракатга келтирилган янги асосий воситалар ҳам қўшилган ҳолда акс эттирилади.

5-устунда ҳисобот йилидаги асосий воситаларнинг умумий ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади. Бунга асосий воситалар қийматининг камайиши, ортиқча ва фойдаланилмаётган корхона мол-мулкани сотилиши, асосий воситаларнинг оборот маблағлар гуруҳига ўтказилиши, бошқа корхона ва ташкилотларга беғараз берилиши, шу билан бирга ҳисобот йилида фойдаланишга яроқсизлиги, эскиргани, табиий офат, ҳалокат, қайта тиклаш, янгича қуриш ва бошқа хил сабаблар оқибатида асосий воситаларнинг тўлиқ қийматда (эскириш суммаси чегирилмасдан) тугатилиши ҳам киради.

7-ва 10-устунларда ҳисобот даври боши ва охирига нисбатан асосий воситаларнинг турлари бўйича йиғилган амортизация (эскириш) миқдорлари акс эттирилади.

8-устунда ҳар хил манбалар ҳисобига кирим қилинган асосий воситаларнинг ҳисобот даври учун ҳисоб-

ланган амортизация (эскириш) миқдорлари акс эттирилади. Бунга асосий воситалар қийматини ошиш туфайли ортиқча ҳисобланган амортизация миқдорлари, олдин ҳисобга олинмаган эскириш миқдорлари ва фойдаланишдаги асосий воситалар амортизация миқдорлари ҳам киради.

9-устунда асосий воситаларнинг тугатилиши, сотилиши ва бошқа хил ҳисобдан чиқарилишида ҳисобланган амортизация миқдорлари акс эттирилади.

11-устунда 3-ва 7-устунда келтирилган маълумотлар фарқининг натижаси, яъни йил бошига нисбатан асосий воситаларнинг соф қолдиқ қиймати акс эттирилади.

12-устунда 6-ва 10-устунда келтирилган маълумотлар фарқининг натижаси, яъни ҳисобот даври охирига нисбатан асосий воситаларининг соф қолдиқ қиймати акс эттирилади.

«ЖАМИ» моддасида алоҳида сатрлар буйича ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқаришдаги асосий воситаларнинг ҳаракати кўрсатилади.

Ишлаб чиқаришдаги асосий воситаларга саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, савдо, умумий овқатланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш ва бошқа хил моддий ишлаб чиқариш доираси билан боғлиқ асосий воситалар киради.

Ноишлаб чиқариш учун мўлжалланган асосий воситаларга уй-жой ва коммунал хўжалиги, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, социал таъминот, халқ таълими, маданият ва бошқалар билан боғлиқ воситалар киради.

«Тугалланмаган қурилиш» моддасида (140-сатр) корхонанинг ҳам пудрат, ҳам хўжалик усулида объектларни қуриш ва шу билан бирга асосий воситаларга эгалик қилиш харажатлари ҳаракати кўрсатилади.

4-устундаги ёрдамчи қисмда корхона томонидан объектларни қуришга сарфланган (тулашга қабул қилинган ва пудратчи ташкилотларга туланган счётлар) ва асосий воситаларни эгалик қилиш харажатлари кўрсатилади.

5-устундаги ёрдамчи қисмда фойдаланишга киритилган қурилиш объектлари ва эгалик қилинган асосий воситалар қиймати, шу билан бирга асосий воситалар қийматини оширмайдиган ҳисобдан чиқарилган харажатлар (ҳисобланган) кўрсатилади.

«Маълумот учун бўлимчасида қуйидагилар кўрсатилади:

150—152-сатрларда корхона томонидан йил давомида қайси гуруҳ манбалари ҳисобига объектларнинг қурилиши ва асосий воситаларнинг эгалик қилинишининг молиялаштирилиши кўрсатилади.

160-сатрда бошқа ташкилотларга ижарага берилган айрим асосий воситаларининг қиймати кўрсатилади.

17-сатрда ижарага олинган асосий воситалар қиймати ва уларнинг ижарачи корхона ҳисобида туриши кўрсатилади.

ПУЛ ОҚИМЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ

(4-шакл)

Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ҳисоботликларга киритилган бўлиб, мазкур молиявий ҳисобот ҳужжатида пул маблағларининг ҳаракати нуқтаи назаридан корхона молиявий ресурсларнинг ўзгариши акс эттирилади. Бу ҳисобот ёрдамида инфляция шароитида, бошқа молиявий ҳисобот шакллари тўлдиришда ҳисоблаш усулидан фойдаланишни эътиборга олган ҳолда, корхона ликвидлигини объектив баҳолаш имкони яратилади.

Корхона жорий хўжалик, инвестиция ва молиявий фаолиятида барча пул маблағларининг ўзгариши ва пул ва унга тенглаштирилган маблағ қолдиқлари уртасидаги боғлиқликни ҳисобот даври боши ва охирига нисбатан ўрнатиш имконини беради.

«Харидорлардан келиб тушган пул маблағлари» моддасида (010-сатр) корхона ҳисобот даврида ўз банк счётларига келиб тушган пул маблағлари ёки жунатилган товар, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар учун олинган векселлар миқдорини кўрсатади.

«Мол етказиб берувчиларга тўланган пул маблағлари» моддасида (011-сатр) моддий қийматликлар ва кўрсатилган хизматлар (телефон, телеграф, божхона ва бошқалар) учун тўланган пул маблағлари ва берилган векселларнинг миқдорлари кўрсатилади. Номоддий ва узоқ муддатли моддий активларни сотиб олишга кетган маблағлар мазкур моддада акс эттирилмасдан, уларга мос равишда 040-ва 041-сатрларда акс эттирилади.

Корхоналар «Ходимларга ва ходимлар номидан тўланган пул маблағлари» моддасида (012-сатр) ходимларга (иш ҳақи ва мукофот кўринишида) ҳамда пенсия фондига, бандилик фондига, шахсий суғурта учун давлат ва нодавлат суғурта фондларига, даромад солиғи учун бюджетга, касаба уюшмаларига, алиментга, уй-жой фондига, ходимларга берилган банк кредитлари учун, ходимларга кўрсатилган хизматлар учун ва бошқа харажатлар учун газна ва банк счётларидан ходимларга ва улар номидан тўланган пул ва унга тенглаштирилган маблағлар миқдорини кўрсатадилар.

«Бошқа пулли тўловлар ва тушумлар» моддасининг «Кирим» устунида (013-сатр) ҳар хил мукофотлар, коммисион ва бошқа хил даромадлар, савдо ва дилерлик мақсадида тузилган шартномаларга тегишли коммисионлар учун пул ва унга тенглаштирилган маблағлар тушуми, «Чиқим» устунида эса, мазкур мақсадлар учун ва миллий валютани хорижий валютага алмаштириш учун банкга тўланган миқдорлар кўрсатилади.

«ЖАМИ. Хўжалик фаолиятдан пул маблағларининг соф кирими/чиқими» моддасида, «Кирим» устунидаги «=» ва «Чиқим» устунидаги «—» белгилар таъсирини ҳисобга олган ҳолда 010—011—012—013-сатрлар йиғиндисининг натижаси кўрсатилади.

Корхоналар «Олинган фоизлар» (020-сатр) ва «Тўланган фоизлар» (021-сатр) моддаларига мос равишда банк счётларига, кассасига келиб тушган ва тўлаган фоизларнинг миқдорларини кўрсатадилар. Олинган ва тўланган фоизларнинг ҳисоби 80-4 «Молиявий фаолият фойда ва зарарлари» субсчётида юритилади.

«Олинган дивидентлар» (022-сатр) ва «Тўланган дивидентлар» (023-сатр) моддаларида пул ва унга тенглаштирилган маблағлар кўринишида олинган ва тўланган дивидент миқдорлари кўрсатилади.

«ЖАМИ. Инвестиция фойдаси ва молиявий хизмат кўрсатишдаги соф кирим/чиқим» моддасида (024-сатр), «Кирим» устунидаги «+» ва «Чиқим устунидаги «—» белгилар таъсирини ҳисобга олган ҳолда 020—021—022—023-сатрлар йиғиндисининг натижаси кўрсатилади.

«Даромад (фойда)дан тўланган солиқ» моддасида (030-сатр) фойда (даромад)дан тўланган солиқ миқдори кўрсатилади.

«Бошқа тўланган солиқлар» моддасида (031-сатр) барча тўланган солиқлар, божлар ва шуларга тенглаштирилган йиғим ва ажратмалар кўрсатилади. Фойда (даромад)дан олинадиган солиқлар ва даромад солиқлари бу моддада акс эттирилмайди.

«ЖАМИ. Туланган солиқлар» моддасида (032-сатр) 030-ва 031-сатрлар йиғиндиси акс эттирилади.

«Номоддий активларни сотиб олиш ва сотиш» моддасининг (040-сатр) «Чиқим» устунисида номоддий активларга эгалик қилиш учун мол етказиб берувчиларга туланган (шу жумладан, олдиндан туланган миқдорлар ҳам) пул ва унга тенглаштирилган маблағлар миқдори кўрсатилади. «Кирим» устунисида эса, номоддий активларни сотишдан тушган тушум (эгри солиқлар билан бирга) кўрсатилади, агар бундай сотишлар корхона учун бошқа активларни сотилиши ҳисобланса.

Корхоналар «Узоқ муддатли моддий активларни сотиб олиш ва сотиш» моддасининг (041-сатр) «Чиқим» устунисида узоқ муддатли моддий активларни яъни, кучмас мулки, бино, жиҳоз, ва бошқа асосий воситаларни сотиб олиш учун мол етказиб берувчиларга тўлаган (шу жумладан, олдиндан туланган миқдорлар ҳам) пул ва унга тенглаштирилган маблағлар миқдорини кўрсатадилар. Узоқ муддатли моддий активларни сотишдан тушган тушум (эгри солиқлар билан бирга) «Кирим» устунисида кўрсатилади, агар бундай сотишлар корхона учун бошқа активларни сотилиши ҳисобланса.

